

Қ.ЙҰЛДОШЕВ, Ш.МАМАТҚУЛОВ,
К.МУФТАЙДИНОВ

Карта
бейнелегі

ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИ



Қ. ЙҰЛДОШЕВ, Ш. МАМАТҚУЛОВ,
Қ. МУФТАЙДИНОВ

Иқтисодиёт асослари

(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлиги касб-хунар колледжлари ва Академик лицей
ўқуевчилари учун қўлланма сифатида тавсия этган)



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2002

65.9(2)
И-78-743

Масъул мұхаррир:
Иқтисод фанлари доктори, профессор
Мұталибжон Йұлдошев.

Йұлдошев К. ва башқ.

Иқтисодиёт асослари: Қасб-хунар колледжлари ва Академик лицей ўқыучилари учун құлланма/К. Йұлдошев, Ш. Маматкулов, К. Мұфтайдинов; / Масъул мұхаррир М. Йұлдошев, — Т.: Шарқ, 2002. — 272 б.

І.І., 2 Автордош.

Ушбу құлланма уч қысмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмida иқтисодиёт илмининг шакланиши, иқтисодиёттинг таркиби, қонунлари, категориялари, мұлкий мұносабатлар, ишлаб чыкаш омыллари, эхтиёжлар, жамғариц, иқтисодий ўсиш ва ресурсларга оид иқтисодиёттинг умумий асослари назарий ва амалий жиҳатдан изоҳлаб берилган; иккинчи қисмida бозор иқтисодиёттинг асослари бўлган товар-пул мұносабатлари, менежмент, маркетинг, бизнес ва тадбиркорлик, фойда, молия-кредит, солиқ, суғурта, аграр мұносабатлар, банк мұносабатлари, бозорни бошқариш механизми каби мавзулар ўрин олган.

Милий иқтисодиётни ривожлантаришида умумжаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашув жараёни мухим ўрин тутишини инобатга олиб уни алоҳида, учинчи қисм тарзида ўрганиш лозим топиди.

Құлланма иқтисодиёт илми асосларини ўрганувчи академик лицей, қасб-хунар колледжлари ўқыучилари, бизнес мактаб ва малака ошириш курслари тингловчиларига мұлжалланган. Үндан иқтисодиётни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишни мақсал қылган китобхонлар ҳам фойдаланишлари мүмкін.

ББК 65,9(5У) я 722

СҮЗ БОШИ

Республикамизда ўтказилаётган чуқур иқтисодий ислоҳотлар натижасида изчил тараққиётнинг такомиллашган асослари яратилиб, миллий мустақиллигимизнинг мустаҳкам иқтисодий пойдевори барпо этилиб борилаёттир. Ушбу жараёнда миллий иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур билиш ўта долзарб масаладир. Бу ўз навбатида келажагимиз бўлган ёштарни тарбиялашда ва уларни баркамол инсон бўлиб етишишида алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ биринчи сессиясида тарьидлаганидек: Вазифа «...мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб ишлайдиган баркамол шахс—комил инсонни тарбиялашдан иборат». Ана шундай улуғ мақсадларни амалга ошириш учун мамлакатимизда жуда катта амалий ишлар олиб борилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, республикамизда «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастири»ни жорий этиш йўлидаги фаол ҳаракат бунинг исботидир.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастири» асосида таълим соҳасини ислоҳ қилишининг биринчи босқичида ушбу тизимнинг муҳим бўйини бўлган касб-хунар коллежлари ва Академик лицейларда олиб борилган ўқув, ўқув-услубий, маънавий-маърифий ва тарбиявий жараёнлар катта тажриба-синов майдони бўлиб хизмат қилди. Ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида эса, тўпланган тажрибалар асосида ўқув дастурлари, дарслклар, ўқув қўлланмаларини ҳозирги кун талабига жавоб берадиган даражада яратиш зарурияти туғилди.

Шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамасининг 2000 йил 16 октябр 400-сонли қарорига кўра «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари» ҳамда таълимтга оид йўриқномалар талаблари асосида барча фанлар қатори «Иқтисодиёт асослари» фани бўйича ҳам ўқув дастури тайёр-

ланди. Ушбу дастур талабларига кўра ўрта маҳсус таълим тизимида «Иқтисодиёт асослари» фанини чукурроқ ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, ўсиб келаётган ҳозирги авлод баркамол ва етук инсон бўлиши учун бозор иқтисодиёти бўйича чукурроқ назарий ва амалий билимларга эга бўлишини замон тақозо этмоқда. Янги ўкув режасида иқтисодиёт фани учун ажратилган ўкув соатлари салмоғи оширилганлиги ва уни турли майда фанларга ажратилишидан холи қилиниб, яхлит «Иқтисодиёт асослари» тарзида ўқитилиши таълим ислоҳотларининг II босқичида алоҳида ўрин тулади.

Кўйилган юксак талабларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълими вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Маркази, Андижон вилоят ҳокимлиги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Олтинкўл иқтисодиёт касб-хунар коллежи ҳамда Андижон мұҳандислик-иктисодиёт институти профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигига «Иқтисодиёт асослари» ўкув қўлланмаси яратилди.

«Иқтисодиёт асослари» китоби талабалар ва китобхонлар оммасида замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган. Бироқ ҳозирги замон иқтисодий билимлари заминида тарихий иқтисодий ғоялар, қарашлар, таълимотлар алоҳида базавий аҳамият касб этётганини ҳамда миллий ғоя ва миллий мағфурани шакллантиришда ўз тарихий иқтисодий қадриятларимиз бебаҳо аҳамиятга эга бўлаҳагини назарда тутиб китобнинг бошланишида Шарқ иқтисодий тафаккурининг қисқача тавсифларини бериш маъкул кўрилди.

Қўлланманинг айrim қисмлари бундан олдинги иқтисодиёт илмига бағишланган ўкув адабиётларидан фарқли ўлароқ айrim мавзулар билан тўлдирилди. Масалан, аграр муносабатларга алоҳида мавзу бағишланди. Зеро миллий иқтисодиётимизда, иқтисодий-ижтимоий тараққиётимизда аграр соҳанинг алоҳида, бекиёс салоҳияти бор. Айни чорда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг тармоқ иқтисодиётини эркинлаштиришда, иқтисодий юксалишни таъминлашда салмоқли ўрни борлиги инобатга олинди.

Шунингдек, китобнинг сўнгти қисми ҳам янги мавзудир. Гал шундаки, бутунги тараққиётимиз иқтисодиётимизнинг умумжаҳон иқтисодиёти билан қанчалик даражада чукур интеграциялашувига боғлиқ бўлиб қол-

моқда. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиёти билан ҳамкорлик, интеграциялашув моҳиятини тушуниш назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлиги ҳам назарда тутилди.

Ушбу қўлланмада кейинги вақтларда одат тусига кириб бораётган «Таянч иборалар»ни бермасликни мақсадга мувофиқ деб топилди, чунки, «Таянч иборалар» китоб матнини тўла мутолаа қилмасликка олиб келаётган бўлса, иккинчи томондан — мавжуд иқтисодий лугатларнинг аҳамиятини пасайтиришига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, китобда айрим статистик материаллар баъзи бир иқтисодий адабиётлардан айнан олинниб берилган. Бундай услубий ёндашишнинг боиси шуки, биринчидан, улардаги материалларни такрорламаслик, иккинчидан — ана шу иқтисодий асарларни ўқишига талабалар эътиборини тортиш бўлди.

Маълумки, бу қўлланма ўрта мактабни (9-синфи) эндиғина битириб келган коллеж ва лицей талабаларига мўлжалланган. Унинг иқтисодий билимлари ҳар хил дараҷададир. Бунинг устига ана шундай талабалар руҳиятини тўла ҳисобга олиш ва шунга мослаб мукаммал қўлланмалар ёзиш тажрибаси тўла шаклланмаган. Шунинг учун китоб матнида айрим мавзулар бўйича юқорироқ тафаккурни талаб қиливчи фикрлар баён қилинган бўлиши мумкин. Холоса шуки, ушбу қўлланма айрим камчилик ва хатоликлардан холи бўлмаслиги мумкин.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим Маркази томонидан тасдиқланган дастур асосида ёзилди. Китобнинг айрим қисмларини ёзища асосий муаллифлардан ташқари яна қўйидаги профессор-ўқитувчилар қатнашдилар: доцент Ш. Абдуллаев — V боб, XII (доцент Т. Матмусаев билан бирга), ўқитувчи Р. Мўминов — XIV боб (проф. К. Йўлдошев билан бирга), ўқитувчи П. Чинбердиев — XV боб (проф. Ш. Маматкулов билан бирга), доцент А. Хатамов — XVII боб, доцент Н. Араббоев — XVIII боб, XI боб (проф. К. Йўлдошев билан бирга), катта ўқитувчи З. Исроилов XXI боб. Шунингдек, айрим параграфларини ёзища катта ўқитувчи К. Хожиев, аспирант А. Мақсудалиев, ўқитувчи М. Саидова материалларидан фойдаланилди.

Муаллифлар қўлланма юзасидан билдирилган таклиф, мулоҳаза ва танқидий фикрларга миннатдорчилик билдирадилар.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

I БОБ

ШАРҚ ИҚТИСОДИЁТ ИЛМИ: ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Иқтисодий ривожланиш — иқтисодиёт илмининг асоси. Иқтисодиёт ва иқтисодиёт илми бир-бирига узвий боғлиқ бўлган тушунчалардир. Зоро шу нарса тарихий ҳақиқатки, қаерда иқтисодиёт ривож топган бўлса, ўша ерда иқтисод илми ҳам камол топади, чунончи иқтисод илмининг ривожи иқтисодиёт тараққиётига турткни беради.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, илк иқтисодий билимлар айнан бизнинг Шарқда, хусусан бизнинг Ўрта Осиёда пайдо бўлган. Бунинг боиси Шарқ инсоният иқтисодий ва ижтимоий равнақининг илк маркази бўлган. Буюк ўзбек маърифатчиси Абдурауф Фитратнинг ёзишича, бундан минг йиллар илгари Шарқда қишлоқлар обод, шаҳарлар кўркам, одамлар тўқ ва фаровон яшаган, хирмонлар дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига сероб бўлган. Шунинг учун бўлса керакки, айнан Шарқда иқтисодиёт илми ҳам вужудга келган. Фикримизнинг исботи «Авесто» китобидаги иқтисодий тоядардир. Бу тарихий илмий ёзма мерос айнан Хоразм заминида бундан 2700 йилча илгари бир неча минг мол терисига ёзилган бўлиб, ўша даврда ҳукмрон бўлган зардуштийлик динининг дунёкарашини акс эттиради. «Авесто»да кўчманчи ҳаётни ўтрок турмуш тарзига айлантириш зарурияти, унинг иқтисодий ва ижтимоий афзаллиги, деҳқончилик, айниқса, чорвачилик билан шуғулланиш, чорва ҳайвонлари сонини кўпайтириш ва улар учун стадиган емашак тайёрлаш зарурлиги, аёлларнинг уйда бичищ, тикиш, тўқиш ишлари билан машғул бўлишшлиги, уларнинг тўйимли овқатланишилари ва чиройли кийинишлари зарурлиги, сув иншоотларини яратиш, конларда ишлаш, солиқ ва унинг ўзига хос жиҳатлари баён этилган. Ушбу асарнинг иқтисодиёт учунгина эмас, балки бутун инсоният тараққиётидаги аҳамиятини инобатга

олиб ЮНЕСКО иштирокида 2001 йилда 2700 йиллигини нишонланға қарор қилинди.

Исломий иқтисодий қадриятлар. Ўрта Осиёда, хусусан бизнинг Мовароуннахр заминимизда иқтисодиёт ва унинг илмий ривожида ислом динининг бағоят катта таъсири бўлганлиги эътироф этилмоқда. Ислом динининг иқтисодий қадриятлари эса Аллоҳнинг каломи бўлган муқаддас «Куръони Карим» китобида, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаламнинг муборак Ҳадисларида, машҳур исломий асар — «Мухтасар» китобида ва бошқа илмий асарларда баён этилган.

Маълумки, иқтисодиётда мулк, мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва уни истеъмол қилиш масаласи мураккаб масаладир. Аллоҳнинг каломи бўлган муқаддас «Куръон»да мулк ва мулкий муносабатларга катта ўрин берилган. Жумладан, мулкка эга бўлиш иқтисодий ва ижтимоий равнақ топишнинг, иқтисодий муваммоларни ҳал қилишининг омили эканлиги уқтирилди, унда ижтимоий мулк билан хусусий мулкни мувофиқлаштириш, сармоянинг ижтимоий вазифасини бажариш, яъни жамиятга фойда келтириш, сармоянинг доимо ҳаракатда бўлиши кўрсатилди. «Куръони Карим»да оиласдаги мулкий муносабатларга алоҳида эътибор қаратилди, яъни мерос қолдириш, ворислик, меросни тўғри тақсимлаш, аёлларга мерос бериш каби масалалар ўрин олган.

Исломнинг иқтисодий қадриятлари тизимида одамларнинг яратувчаник фаолияти билан шугулланишлари, ҳалол ва пок меҳнат қилиш орқали Аллоҳ берган иқтисодий имкониятларни ишга солиб ўз ризқини яратиш, неъматларни исроф қилмай истеъмол қилишлари, ортиқча даромаддан закот бериш, хайр-эҳсон қилиш, ногиронларни ҳимояга олиш каби олийжаноб умуминсоний қадриятлар баён этилган.

Ислом асарларидан бири бўлган «Мухтасар» китобида мулкни тасарруф этишнинг иқтисодий йўл-йўриклиари мукаммал ишлаб чиқилган. Айниқса, унда мавжуд мулкни унинг эгаси ижтимоий фойдали ишлата олмагани шароитида уни ишлатиб манфаат олишни бошқа бирорвга маълум муддат ва маълум шартлар асосида берib туриш тамойиллари кўрсатилган. Бошқача айтганда, бу китобда ижара муносабатлари ва ижарага олиш ҳамда ижарага бериш қоидлари батафсил ёзилади. Бу иқтисодий ғоялар иқтисодиётни ривожланти-

риш, мавжуд иқтисодий потенциалдан унумли ва самарали фойдаланиш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоғи даркор.

Пайғамбаримиз Ҳадисларида бозор муносабатлари, хусусан ҳалол савдо қилиш, адолатли баҳолар белгилаш, бошқалар мол-мулқига хиёнат қилмаслик, мулкнинг дахлсизлиги, қарз бериш ва қарз олиш тамойиллари баён этилган. Бу исломий қадриятлар бизнинг мустақиллик давримизда яна ҳам залворли, яна ҳам катта аҳамият касб этиб бораётгани аҳамиятлидир. Демак ислом дини нафакат маънавий, руҳий қониқиши ҳосил қилиш, руҳий покланиш, илҳомланиш, шу билан бирга иқтисодиётимизни ривожлантириш, фаровон ҳаёт тарзини яратиш ишида ҳам бекиёс ижобий аҳамият касб этмоқда.

Ўйғониш даври Ўрта Осиё иқтисодий қадриятлари. Бугун Ислом оламининг эътироф этишича, гарчи Ислом дини Арабистонда илк бор қарор топган бўлсада, унинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ривожтопиши, мустаҳкамланиши бевосита ўрта осиёлик машҳур исломий алломаларимиз имом Ал-Бухорий, имом Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанл, Аҳмад Яссавий, имом Мотурдий, Бурхониддин Марғиноний номи билан боғлиқдир. Ислом иқтисодий қадриятлари кеъинчалик Ўрта Осиё алломаларининг иқтисодий тафқури ривожи учун бебаҳо манба бўлиб хизмат қилди. Бу Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Мирзо Бобур, Низомулмулук каби мутафаккирларимиз ижодлари ва асарларида ўз ифодасини топган. Бугунги кунда улар қолдирган иқтисодий мерос халқимизнинг янги жамият куриш ишига хизмат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланиб қолди.

Иқтисодиётни ривожлантириш омилларини кўрсатиб берган буюк алломаларимиздан бири Абу Наср Фаробийдир. У ўзининг Афлотун ва Арасту асарларига ёзган шарҳларида, айниқса, «Фозил кишилар шахри» асарида иқтисод масалаларига эътиборини қаратди. У қуйидаги иқтисодий карашларни илгари сурди: мулкдор бўлишлик яхши одат, қашшоқликда мулксиз яшагандан кўра, мулкдор бўлиб бадавлат бўлиб яшаган афзалроқ; фақат мулкни бефойда жамғармаслик даркор; одамларга, авлодларга зарари тегмайдиган мулк орттириш лозим; бошқаларга зарар келтирадиган бой-

лик түплашдан, мулкдор бўлишиликдан сақланмоқ керак каби фояларни баён этди.

Фаробий ишлаб чиқаришга ва истеъмолга сарф-харажат қилишда маълум тартиб ва меъёларга риоя қилишга чақиради. У ёзган эдики, «Кимда ким ўз ихтиёридаги мулкни фойда чиқариш учун муомилага қўймаса, уни фақат ўзи учунгина жамгарса, жуда катта зарар келтиради»¹.

Фаробий тақсимот масаласида фоят илғор таклифларини илгари сурди. Унинг фикрича, жамият ва одамлар қўлидаги бойликни, мол-мulkни тўғри тақсимлаш давлат қурилишидаги асосий масаладир. Тақсимот иши тўғри йўлга қўйилса, одамлар фақир аҳволга тушмайди. Шу маънода у «Тақсимот иши жуда қийин, лекин жуда зарур иштир», деган эди. Эҳтиёжлар ва уларни қондириш масаласи ҳам Фаробий эътиборини тортган эди. Айниқса, у меҳнат қилиш эҳтиёжини ва уни қондириш масаласига алоҳида ургу беради. Зоро, меҳнат эҳтиёжи яратувчаник эҳтиёжидир, айни чоғда бу эҳтиёж моддий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилиш билан фоят аҳамиятлидир.

Үйғониш даврининг буюк олими Ибн Сино одамлар якка ҳолда ишлаш билан ҳеч қандай эҳтиёжни қондира олмайди, шунинг учун улар меҳнат тақсимоти асосида биргалашиб, ўзаро ҳамкорликда ишласалар ўз эҳтиёжларини бемалол қондира оладилар, деган фояни илгари сурди. Бироқ одамларнинг ўзаро иқтисодий муносабатлари адолатли доирада бўлмоғи керак. Бундай тартибни, Ибн Сино фикрича, давлат ўрнатади, яъни у ҳар бир одамнинг жамиятдаги ўрнини аниқлаб бериши керак, у текинхўрлар бўлишига асло йўл қўймаслиги лозим.

Абу Али Ибн Сино ҳам иқтисодиётда ва ижтимоий ҳаётда савдонинг аҳамиятини ва савдо билан шуғулланувчиларнинг ўрнини тўғри талқин этган. У савдо алоқалари шаҳарлар (мамлакатлар, ҳалқлар) ўртасида йўлга қўйилишини зарурий иш деб ҳисоблайди. Зоро, шунда иқтисодий-ижтимоий тараққиёт юз беради, тинчлик ва барқарорлик, одамлар орасида ўзаро тушуниш қарор топади. Демак савдонинг нафақат ижтимоий-иктисодий, шу билан бирга катта сиёсий аҳамиятини ҳам юқори баҳолайди.

¹ Фозил кишинлар шахри, 42-бет.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва барқарорликка эришиш масаласи Шарқнинг улуг олими ва мутафаккири Абу Райхон Беруний илмий фаолиятида ҳам катта ўрин тутган. Беруний яшаган ва ижод этган даврларда иқтисодиёт ва савдо-сотиқ ишлари анча ривож топган. Айниқса, ҳалқаро савдо кучайган эди. Бундай шароитда пулнинг муомала воситаси сифатидаги аҳамияти ошган, пулга талаб ортиб борган. Ўша даврларда пул таркибида қимматбаҳо металлар (олтин ва кумуш) салмоқли ўрин тутган. Бу ҳол пул (тангалар)нинг муомаладан чиқиб кетишига, уларнинг бошқа мақсадларда ишлатилишига олиб келган. Бунинг оқибатида бозорда пулга бўлган талабнинг ортиши яроқсиз, таркибида қиймати паст металлар ҳиссаси юқори бўлган пул бирликлари вужудга келди, бу табиий равишда пул қадрсизланишининг, пулга ишончсизликнинг ошишига олиб келди. Бу ҳол қадр-қиймати паст бўлган пул бирликларини бартараф этиш, пул қадрини кўтариш йўлларидан бири бўлган тангалар таркибидаги қимматбаҳо металлар ҳиссасини аниқлаб берувчи нозик асбобга эҳтиёжни тудирди. Беруний металлшунослик, минералогия фанларида етук олим бўлганлиги учун ушбу жиддий иқтисодий масала унинг эътиборини тортади ва бу иш юзасидан тадқиқотлар ўтказади. Унинг илмий изланишлар оқибати ўлароқ ўша даврлар учун ғоят нодир илмий натижага эришилади, яъни тангалар таркибидаги металлар ҳиссасини аниқлаб берувчи асбоб яратилади. Бундай ихтиро узоқ йиллар иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб келди. Ҳозир ҳам ана шу ихтиронинг нақадар тарихий аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодий илмлар тараққиёти тарихида буюк алломаларимиздан бири Юсуф Хос Ҳожиб қолдирган илмий мерос ҳам ғоят қимматли ва аҳамиятидир. Унинг бизгача етиб келган «Кутадғу билиг» асарида қимматли иқтисодий ғоялар илгари сурилган. Маълумки, иқтисодиётнинг тақдири унинг иштирокчиси (субъекти) меҳнатчининг қанчалик сифатли рағбатлантирилиши, тақдирланишига боғлиқдир. Бу масала бизнинг бугунги давримизда ҳам ўз аҳамиятини йўқоттани йўқ. Зоро моддий манфаатдорлик, яратувчиларни рағбатлантириш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омилидир.

Юсуф Хос Ҳожиб шу масалага эътибор қаратиб «Хизмат аҳли ўз меҳнати натижасидан умидвор туради. Умидини топмаган ходимнинг кўнгли синади. Ҳизмати-

га яраша тақдирланган ходимнинг боши кўйка етади» деб ёзган эди. Демак, меҳнат тўғри тақдирланган шароитдагина ишлаб чиқаришдан кўзланган натижани қутиш мумкин. Олим давлатни қурдатли бўлмоғи учун, аввало ходимлар (ишлаб чиқарувчилар) бойиши лозим деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат шундай. Улуғ бобокалонимизнинг бу гояси бутун ўтказилаётган, тобора чуқурлаштирилиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан, Президент И. А. Каримов олиб бораётган ҳалқ фаровонлигини ошириш сиёсати билан нақадар ҳамоҳанг эканлиги тушунарлидир.

Яна шу нарса ҳақиқатки, иқтисодиётдаги ҳар бир ҳаракат заминида манфаат, унга эришиш мақсади ётади. Буни Юсуф Хос Хожиб аллақачон идрок этганлиги бизни қувонтиради. У ёзган эдики «Аслида бутун қимирлаган жон нафни (манфаатни) ўйлаб ҳаракатланади». Бу олижаноб гоя кейинчалик иқтисодиёт дарсликларига бошқалар номи билан (Фарб олимлари) сингдириб юборилган эди. Юсуф Хос Хожиб иқтисодиёт тақдиди турли-туман қасбларни эгаллашга ҳам боғлиқлигини ўқтирган эди.

Темурйилар иқтисодий тафаккури. Буюк Соҳибқирон Амир Темур қурдатли ўзбек давлатини вужудга келтирди ва шу билан бирга ўзининг пухта ишланган иқтисодий сиёсати орқали миллий иқтисодиётни яратди. У юргизган иқтисодий сиёсат тамойиллари, энг аввало, унинг қаламига мансуб «Темур тузуклари» номли асарда, шунингдек, унинг ҳақиқидаги тарихий ва бадий асарларда ўз ифодасини топди. Амир Темур иқтисодиётни ташкил этиш, уни барқарорлаштириш, тартибга солиш, узлуксиз ривожлантириш ҳақида, кучли миллий иқтисодиётни яратиш тўғрисида доимо қайғурди. Энг муҳими шуки, Соҳибқирон иқтисодий сиёсати заминида инсон, мамлакат фуқаролари турмушини яхшилаш, юрг ободонлиги масалалари турди. У айниқса, тадбиркорлар ва тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилди. «Темур тузуклари»да қуйидаги фикрларни ўқиймиз: «Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтариб тикилаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин; кучи етмайдиган деҳқонларга экин-тиқин учун уруғелик ва асбоб-ускуналар тайёрлаб берилсин» дейилган.

Амир Темур иқтисодий сиёсатида солиқ масаласи алоҳида ўрин тутади. У солиқларни ишлаб топилган даромадларга қараб, ер унумдорлиги ва унинг сув би-

лан таъминланганлигига қараб, аҳолининг ижтимоий ахволига қараб табақалаштириш ҳақида кўрсатма берган. «Амр қылдимки — дейилади «Темур тузуклари» китобида, -- аҳолидан мол-хирож йиғишида уларни оғир ахволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушиб қўйишидан сақланиш керак. Негаки аҳолини хона-вайрон қилиш давлат ҳазинасининг камбағаллашувига олиб келади».

Амир Темур ишлаб чиқсан иқтисодий тамойиллар узок йиллар бўтун темурийлар даврида қўлланилди ва ривожлантирилди. Унинг набираси Мирзо Улугбек салтанатида ҳам иқтисодиётга алоҳида эътибор берилди. У иқтисодиётни барқарорлаштириш мақсадида иқтисодий ислоҳотлар ўтказди. Бунда пул муомиласини тартибга солиш, пулнинг қадрсизланмаслиги учун доимий чоралар қўллаш, мўътадил ҳалқпарвар солиқ сиёсатини юргизиш масалаларига эътибор қаратди. Бу тадбирларнинг натижаси оқибатида Мирзо Улугбекнинг подшошлиги давомида мамлакат тинч, фаровон, обод бўлди.

Буюк Соҳибқирон иқтисодий тафаккури темурий султон Хусайн Байқаро даврида ҳам давом этди. Улуғ шоиримиз, сўз мулкининг султони, Хусайн Байқаронинг дўсти ҳам вазири Алишер Навоий ҳазратларининг «Маҳбуб ул-кулуб» номли асаридаги иқтисодий гоялар Амир Темур иқтисодий дунёқараши билан ҳамоҳанглигини тасдиқлади. Алишер Навоий савдо ва савдогарлар ҳақида, деҳқонлар ва хунармандлар тўғрисида, солиқ, мулк ва ундан фойдаланиш, хўжалик юритиш каби масалаларда ўз иқтисодий фикрларини билдирган. Масалан, фойда олиш ва унинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: «Ҳар бир ишдан фойда кўрганингда бажар, уни бажаришда қийинчиликлар ва иккиланишлар пайдо бўлса, мاشаққати озроқ томонга куч сарфла, қийинчиликлардан эринмаслик чорасини кўр». Кўриниб турибдики бу фикр бозор иқтисодиётининг «фойда — бош мақсад» тамойилига мос тушмоқда.

Темурий шаҳзодалардан бири, йирик саркарда, шоир ва мутафаккир, улуғ ватандошимиз З. М. Бобур фаолиятида ҳам иқтисодиётга, иқтисодий сиёсатга катта аҳамият берилганлиги ҳам табиий ҳолдир. Зеро, у доимо буюк аждоди Амир Темурга асосланди ва унинг йўлидан борди. Бобур иқтисодий дунёқараши унинг машхур энциклопедик асари «Бобурнома»да ва «Закот тўғрисида китоб» асарларида баён этилган ва ўзининг давлатини бошқарган. «Бобурнома»да ҳикоя қилинадики, Бобур

Қобулда хукмронлик қылган даврда дунёning турли мамлакатларидан бу ерга савдо карвонларининг бемалол келиб-кетиши, савдо-сотиқ ишлари билан шугулланишлари учун қулай шарт-шароитлар бўлган, ҳар куни биргина Ҳиндистондан ўн, ўн беш, йигирма минг уйлик карвон Қобулга келган.

«Бобурнома»ни ўқир эканмиз, ундаги иқтисодий гоялар устидан фикрлар эканмиз шундай хулосаларга келамиз: биринчидан, Бобурнинг яратувчилик, иқтисодиёт ишлари билан қизикувчалик фазилатларини илғаймиз; иккинчидан, унинг иқтисодиётни ривожлантиришга, савдонинг ҳалқаро аҳамиятини кучайишига эътибори кучли эканини тушуниб етамиз; учинчидан, ўз Ватани, ҳалқини қалбдан севиши, унинг ҳаёти билан бир умр қизиқиб, унга куйиб яшаганини кўрамиз. Бобурнинг иқтисодий тафаккури «Закот тўғрисидаги китоб»ида яна ҳам ойдинроқ, чукурроқ намоён бўлади. Бу асарда солиқ солиш ва ундириш тамойиллари берилган. У гоят адолатли шоҳ, инсонпарвар буюк зот эканлиги солиқ ҳақидаги қарашида ўз ифодасини топган. У солиқни ҳисоблаш учун солиқ объектини, яъни мол-мулкнинг, даромаднинг солиқ солишга лаёқатли миқдорини аниқлаш зарур деб ҳисоблайди. Солиқ ҳосилга, уни чўғига, топилаётган даромадга қараб белгиланиши зарурлигини кўрсатади. Масалан ер солигини 2 тоифага бўлади: 1) олинган ҳосилнинг миқдорига қараб, 2) экилаётган ер майдонига қараб белгиланишини буюради.

Шарқ иқтисодий тафаккурида Иби Халдуннинг ўзига хос салмоқли ўрини борлиги маълум. Зеро унинг иқтисодий таълимоти ўзининг мукаммаллиги, илмий асосланиши жиҳатидан дунёning буюк иқтисодчилари қаторидан ўрин олишга сабаб бўлган.

Иби Халдун «Кириш» номли асарида табиий-жўгрофик муҳитининг (ер, сув, иқлим, тупроқ унумдорлиги, рельефи ва ҳоказо) ишлаб чиқаришда катта аҳамият касб этадиган омил сифатида баҳолансада, бироқ бу омилни у бош омил ҳисобламайди. Унинг фикрича, иқтисодиётда бош омил — одамларнинг меҳнат тақсимоти асосида уюштирилган иқтисодий фаолиятидир. Одамларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиб ишлашларига уларнинг эҳтиёжларини қондиришлари зарурияти сабаб бўлади. Зеро ўсиб борувчи эҳтиёжларни ажralган, яъни якка ҳолда меҳнат қилиш билан қондирив бўлмайди.

Ибн Халдун индустрисал (саноат) меңнатига, яъни меңнатни ташкил этишнинг шаҳар шаклига юқори баҳо берди ва буни ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг олий босқичи деб атади. Гап шундаки, шаҳар ишлаб чиқариши шароитида неъматларни яратиш усуллари тақомиллашади, инсон қобилиятлари ўсади, ҳунармандчilik ривожланишига кенг йўл очилади, янгича маданий ҳаёт қарор топади. Саноатнинг инсоният тафаккур тараққиётини тезлаштиришдаги кудратли ролини Ибн Халдун Фарб иқтисодчиларидан тўрт юз йил илгариёқ идрок этган эди. Ибн Халдун одамларни биргалашиб, (жамоа, гурӯҳ бўлиб) меңнат тақсимоти асосида ишлашлари юқори меңнат унумдорлигига олиб келишини ва бундай хўжалик юритиш шакли қўшимча маҳсулот яратилишига моддий замин яратажагини асослаб берди. Ҳақиқатдан ҳам меңнат тақсимоти асосида ишлаш зарурий маҳсулотни бемалол яратиб яна қўшимча маҳсулот ҳам ишлаб чиқаришга керакли омил бўлиб хизмат қиласди. Қўшимча маҳсулотнинг аҳамиятини яна шунда кўрдики, унинг вужудга келиши бозорларни, алмашувни, кейинчалик товар ишлаб чиқаришни вужудга келтирди. Товар ишлаб чиқариш ва алмашув эса иқтисодий тараққиётни ўсишида гўёки бир локомотив вазифасини ўтади.

Ибн Халдуннинг иқтисодчи сифатидаги илмий салоҳиятини қиймат категориясининг мазмунини биринчилардан бўлиб очиб беришида ҳам кўриш мумкин. Унинг буюк хизматларидан бири шу бўлдики, у меңнатнинг қиймат субстанцияси (қийматни меңнат яратади) эканлигини тушуниб етди. Албатта, меңнат қийматни яратувчи куч эканлигини исботглаш ва уни фанга олиб кириш XIV аср шароитидаги иқтисод илми даражасида буюк ихтиро бўлди. У икки нарсанинг бир-бири билан алмашуви асосида нима ётади, алмашув заминида қандай моддий асос мавжуд бўлади деган саволга жавоб излади ва бу муаммога қиймат ётади деган илмий асосланган жавобни топа билган Шарқ олими бўлди. Бу борада Ибн Халдун ҳозирда машхур бўлган Фарб иқтисодчилари А. Смит, Д. Рикардо ва бошқалардан бир неча юз йил илгарилааб кетди.

Бутунги кунда Ибн Халдуннинг мулк, мулкий муносабатлар, хусусий мулкчилик ва уни иқтисодий тараққиётдаги роли тўғрисида қарашлари ҳам нақадар аҳамиятли эканини кўрсатишни истар эдик. У ёзган эдикни, инсоннинг мулкдор бўлишилиги унинг учун та-

бийи (объектив) ҳолдир. Кишилик жамиятининг вужудга келиши ва ривожланиши ҳам одамларни мулкдор бўлишига интилишидандир. Демак иқтисодий эркинлик (мулкдор бўлиш, уни тасарруф этиш ва истеъмол қилиш) инсон учун ёт нарса эмас. Инсонни мулкдор бўлиш ҳукуқидан маҳрум қилишлик маълум сиёсий кучларнинг зўравонлигидандир. Инсоннинг мулкдор бўлишлиги умуминсоний ҳукуқ ва қадриятдир. Кўриниб турибдики, инсоннинг мулкдор бўлишлиги ҳақидаги Шарқ олими мулоҳазалари ҳаётий ҳақиқатдир. Буни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳукуқлари Декларациясида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Президент И. А. Каримовнинг иқтисодий таълимотида акс этганлигига кўриш ва ишонч ҳосил қилиш мумкин.

XXI аср бўсағасида ўзбек иқтисодий таълимотининг ривожлантирилиши. XXI асрнинг охирги ўн йиллиги Ўзбекистон учун, ўзбек халқи учун асрларга татийдиган тарихий воқелик бўлди — мамлакатимиз мустамлакачилик зулмидан кутулиб мустақил тараққиёт йўлига кирди. Ўзбекистон ўзининг миллий иқтисодиётини, иқтисодий (ҳақиқий) мустақиллигини ўрнатишдек буюк яратувчилик даврига қадам қўйди. Бу тарихий ўзгаришлар пироғард оқибатида юртимизда фаровон, демократик фуқаролик жамиятини қуришга олиб келажак.

Шу нарса айни ҳақиқатки янги, бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланадиган жамиятни, буюк Ўзбек давлатчилигини янгидан барпо этиш маълум илмий концепцияга, пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган миллий тараққиёт дастурига асосланиши даркор. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов худди ана шу миллий тараққиёт дастурининг асосчиси, бўлажак буюк ўзбек давлатининг меъмори сифатида майдонга чиқди. У ўзининг миллий иқтисодий мустақилликка эриштиришнинг иқтисодий концепциясини яратдики, бу илмий ишланма бугун «Ўзбек модели» деб жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.

Янги давр иқтисодий концепциясининг моҳияти мамлакатимизнинг табиий, иқтисодий, меҳнат, интеллектуал, миллий, тарихий қадриятларга ҳамда жаҳон ҳамжамиятиянинг ёрдами ва у билан интеграциялашувга асосланган ҳолда бозор иқтисодиёти тизими қонунлари билан ривожланиб борувчи илфор иқтисодиётни яратищдан иборат. Президентимиз иқтисодий концепцияси тугалланган илмий кашфиёт сифатида унинг «ЎЗБЕ-

КИСТОН бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлида», «ЎЗБЕКИСТОН XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққёт кафолатлари» номли машҳур асарларида, бир қатор маърузалари ва чиқишиларида ишлаб чиқилди.

XXI аср бўсағаси ўзбек иқтисодий концепцияси И. А. Каримовнинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг машҳур беш тамойилида ўз ифодасини топди. Бу тамойиллар халқимиз ва Ватанимизнинг курдатли салоҳиятига суюннигланлиги туфайли улар ҳаётий кучга эга бўлмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг иқтисодий концепциясининг ҳаётйлиги мамлакатимиз ижтимоий-иктисолий тараққиётининг кейинги 5—6 йилги натижаларида тасдиқланмоқда. Ўзбекистон иқтисодиёти барқарорлашди, ялпи ички маҳсулотнинг қониқарли ўсиш суръатлари кузатилмоқда, мамлакатимиз иқтисодиёти таркибининг ўзгаришлари жадал бормоқда, халқимиз турмуш фаровонлиги, юртимиз ободонлиги яхшиланиб бормоқда. Бундай ижобий ўзгаришлар ҳақида И. А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг II чақириқ IV сессиясидаги нутқида, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 ва 2000 йиллар якунлари бўйича маърузаларида батафсил баён қилинган.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қайси маънода иқтисодиёт ривожланиши иқтисодий ғоялар, таълимотлар яратилишининг маддий асоси бўла олади?
2. Нима учун илк иқтисодий ғоялар бизнинг Ўрга Осиёда вужудга келтан?
3. «Авесто» асарининг иқтисодий ғоялари нималардан иборат?
4. «Куръони Карим»да қандай иқтисодий қадриятлар яратилган?
5. «Мұхтасар» асарида ижара муносабатлари бутунги иқтисодий ислоҳотлар билан қай даражада боғланган?
6. Фаробий мулқдор бўлишиликнинг қандай жиҳатларини кўрсатиб ўтган?
7. Сиз Шарқ алломаларининг меҳнат тақсимоти тўғрисидаги таълимотларини қандай тушунтира оласиз?
8. Ибн Сино инсон эҳтиёжлари ва уларнинг қонуний воситалари ҳақида қандай фикрларни илгари сурган?
9. «Темур тузуклари» асарининг асосий иқтисодий ғояларини баён этинг.
10. Бобур Мирзоининг солиқ тизимини тушунтириб беринг.
11. Ибн Халдуннинг саноат меҳнати, кўшимча маҳсулот, қиймат тўғрисидаги қарашларини қандай изоҳлайсиз?
12. Президент И. А. Каримовнинг иқтисодий концепцияси мазмуми нималардан иборат?

П Б О Б

ИҚТІСОДИЁТ: МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ, ҚОНУНЛАРИ, КАТЕГОРИЯЛАРИ, ТУШУНЧАЛАРИ

Тарихий тараққиёт шундан далолат берады, ҳаёт кечириш асослари дастлабки даврларда күпроқ одамларнинг табиат неъматларини бевосита ўзлаштиришидан иборат бўлган бўлса, улар кейинчалик, айниқса бизнинг асримизда, одамларнинг ўзаро алоқалари, тажрибаси, фан-техника тараққиёти каби иқтисодий омилларга кўпроқ боғлиқ бўлиб қолаётир. «Иқтисодиёт» деган жараён, одамларнинг ҳаёт жабҳаси худди ана шутарьсирларнинг бирлигидан вужудга келади. Демак, истеъмол неъматларида одамларнинг, ишлаб чиқарувчи-ларнинг фаолияти ўз аксини топган.

Иқтисодиёт одамлар фаолиятининг ўзлари истеъмол қиласиган неъматларни ишлаб чиқариш, унинг натижаларини ўзлаштириш, мавжуд моддий ва меҳнат имкониятларидан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг муҳим томонидир. Иқтисодиёт қизиқ бир олам бўлиб, ҳар хил касбдаги, миллат ва жинсдаги, қарашлар ва руҳиятдаги, турли минтақа, қитъалардаги одамларнинг тирикчилик воситаларини яратиш ва истеъмол қилиш бўйича амалга оширадиган алоқалари ва боғлиқликларининг ифодасидир.

Иқтисодиёт – жуда яхши кенг ва мураккаб тушунча. Унга, биринчи навбатда, мазкур мамлакат ёки жамиятдаги иқтисодий муносабатлар киради, уларнинг табиати эса мавжуд мулкчилик муносабатлари билан белгиланади. Масалан, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатини аралаш ва кўпмулкчилик муносабатлари тавсифлайди. Иқтисодиётдаги жиддий ўзгаришлар мулкий эгалик борасидаги чуқур ислоҳотлар билан, уларнинг қандай амалга оширилиши билан боғлиқдир.

Иқтисодиёт тушунчасига мамлакатдаги ишлаб чиқариш ҳолати, унинг жойлашиши ва динамикаси (харакати) ҳам киради. У мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам боғлиқдир. Масалан, Ўзбекистон иқтисодиётининг илгариги ҳолати ва даражаси унинг хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги эндиликда аста-секин бевосита лировард (тайёр) маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва ўз аҳолиси ҳамда чет эл эҳтиёжларини қондиришга ўтила бораётгани билан тавсифланади.

Шуни айтиш керакки, бозор иқтисодиёти шароити-

да иқтисодиётни билиш, иқтисодий тафаккурга эга бўлиш ниҳоятда зарур.

Ҳар бир одам, биринчидан, шахсдир, иккинчидан, жамиятнинг бир аъзосидир, учинчидан, маълум мамлакат фуқаросидир. У жамият аъзоси сифатида ўзининг емоқ-ичмок, уст-бош, уй-жой, дам олиш каби зарурий табиий эҳтиёжларини қондириши керак. Оддий яашаш эҳтиёжларининг қондирилиши уни иқтисодиёт имкониятлари билан тўқнаштиради, чунки уларнинг даражаси эҳтиёжларни қондиришни белгилайди. Агар одам тўлақонли ҳаёт кечиришни истаса у, албатта, иқтисодиётдан ўз эҳтиёжларини яхшироқ қондириш имкониятларини билиб олиши даркор.

ИНсон шахс сифатида жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши керак. Бунинг учун у иқтисодий фаолият билан шугулланмоғи табийидир. Агар у ўзи яшаётган жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишни, маълум обрӯзътибор қозонишини истаса иқтисодиёт сирларини, яъни иқтисодиёт илмини ўрганиши зарур.

ИНсон мамлакат фуқароси сифатида ўз она юртини обод ва фаровон кўришни истайди. Бунинг учун у ўзидаги барча иқтисодий ва интеллектуал имкониятларини ишга солиши керак. Фаолиятнинг самарали, мамлакатининг фаровон ва обод бўлишида ҳар бир инсон ўз хиссасини қўшиши учун иқтисодиётни тушунмоғи, уни ўрганмоғи объектив заруратдир.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодиёт ва у ҳақидаги илм инсон фаровонлигига, мамлакатга ва жамиятга тўлақонли ҳаёт тарзини таъминлашга хизмат қиласди. Шунинг учун улар уни ўрганадилар, у билан шуғулланаидилар, унинг самарадорлиги учун қайгурадилар.

Иқтисодиёт қаерда бошланади? Иқтисодиёт, энг аввало одамлар фаолиятидир, уларнинг табиатта ва ўзаро таъсири натижасида моддий неъматлар ва хизматларнинг яратилиши жараёнидир. Кенг маънода иқтисодиёт ана ўзу неъматлар ва хизматларнинг вужудга келтирилишидир. Демак, иқтисодиётнинг бошланиши тириклилик неъматлари ва хизматларининг бевосита ишлаб чиқарилиши юз бераётган вақт ва макондир.

Неъматлар ва хизматларнинг яратилиши ҳар қандай ижтимоий-иктисодий тузум учун умумий жараёндир. Иқтисодиёт мавжуд ҳукмрон иқтисодий тизим шароитида содир бўлади ва ўзига хос хусусият касб этади. Бу хусусият иқтисодиётни ташкил этаётган омилларнинг бир-бирига қўшилиши билан тавсифланади. Бу қўшилиш (иктисодиётнинг бошланиши) бевосита ёки бил-

восита усуулларда юз беради. Ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш шароитларига ўзи эгалик қылган (мұлк эгалиги бўлган) тақдирда иқтисодиёт бевосита ташкил этилса, ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш омилларидан «бегоналашган», ўзи эгалик қылмагандан билвосита ташкил этилади.

Тарихий тажриба кўрсатдик, иқтисодиётни ташкил этиши шакллари (ёки иқтисодиёт тизимлари) уч кўринишда бўлган: натурал иқтисодий тизим, бозор иқтисодиёти тизими, режали (буйруқбозлиқ) иқтисодиёт тизими. Уларнинг ичидаги энг самаралиси, ишлаб чиқарувчига ҳам, жамиятга ҳам, давлатга ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кўпроқ фойдалари бозор иқтисодиёти тизими мидир. Ҳар уччала иқтисодий тизим (иқтисодиётни ташкил этиши шакллари) бир-биридан манфаатларни рўёбга чиқариш воситалари жиҳатдан ҳам фарқланади. Натурал шаклда мақсад ғоят чекланган шахсий манфаатларни қондиришдан иборатдир. Иқтисодиётнинг бозор тизимида мақсад хусусий манфаатни қондиришдир, яъни ишлаб чиқаришга ташланган сармояларни қоплаш билан бирга фойда ҳам кўришдир. Бу иқтисодий тизимнинг илғорлик жиҳати шуки, хусусий манфаатта эришиш бошқалар манфаатини рўёбга чиқариш орқали таъминланади. Бу иқтисодий тизимнинг ана шундай умуминсонийлик касб этиши туфайли дунёнинг кўптина мамлакатлари уни орзу қилмоқдалар, ўзларининг ривожланиш йўли деб билмоқдалар.

Агар иқтисодиётнинг режали (буйруқбозлиқ) шаклига эътибор қаратсан, бунда бош манфаат – давлат манфаатидир, уни қандай бўлмасин, амалга оширишдир. Бу хил иқтисодиётда шахсий ёки хусусий манфаатлар, яъни бевосита иқтисодий манфаат кейинги ўринга сурилади. Ҳаётгина тажбира далолат бермоқдаки, иқтисодиётда шахсий, хусусий манфаатлар бирламчи ўринда турмас экан, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик ҳақида ўйлашнинг ўрни йўқ, чунки бевосита манфаатга эришиш инсонга, индивидга хос ички түғёндир.

Иқтисодиётнинг тузилиши. Иқтисодиёт ҳамма вақт қандайдир ўзига хос тузилишга эга бўлди. У аввало, ишлаб чиқариш тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш)ни ҳамда ноишлаб чиқариш соҳалари (халқ таълими, тиббиёт, маданият)ни қамраб олди. Ушбу соҳалар ўргасида муйяян боғлиқликлар, нисбатлар мавжуд бўлиб, иқтисодиёт ҳолати уларнинг ички тузилиши дараражасига ҳам боғлиқ бўлади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт риво-

жи әндилікда ноишлиаб чиқариш саноатларининг айниңса, маиший хизмат күрсатишининг тараққиеті билан белгиланмоқда.

Иқтисодиёт тор маңнода халқ хұжалигининг айрим тармоктаридаги ишлаб чиқариш, ундағы натижалар, уларнинг тақсимланиши ва истеъмол қилиш ҳолатини ҳам ифодалайды. Шунингдек, халқ хұжалигининг қуйи бүгінлар — корхоналар (фирмалар) иқтисодиёти «иқтисодиёт» түшүнчасида мұхим үрин тутади. Зоро, иқтисодиёттің умумий ҳолати ва ривожи ҳудди ана шу дастлабки бүгінлардаги иқтисодий ахволга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам иқтисодий үсішта, ижобий натижаларға әришиш учун корхоналарни ривожлантиришга, уларда бошқаришнинг иқтисодий воситаларини жорий этишга өзтибор қаратиласы.

Иқтисодиёт мұраккаб ижтимоий жараёнлар кечалиған макондир, у статик бұла олмайды, у доимо үзгаришда, ривожланишададир. Демак, ана шу жараёнда иқтисодиёттің хилма-хил муаммолари пайдо бўлади, хилма-хил ечимлар талаби ётади.

Иқтисодиёттің горизонтал жойлашиши алоҳида масаладир. Чунки бутун мамлакаттің иқтисодий ҳолати маҳаллий, туман, вилоят, ҳудудий мажмуалардаги иқтисодиёттің ҳолатига бевосита боғлиқ. Бунда мамлакат иқтисодиётини белгилашда ҳар бир туман, вилоят ёки ҳудуднинг у ёки бу нағымдарни яратиш ёки хизматлар күрсатишда тутадиган мавқеи ҳам аҳамиятлайдир.

Макроиқтисодиёт ва микroiқтисодиёт. Иқтисодиёттің тузилишида жуда катта иккі даража фарқланмоқда: Макроиқтисодиёт ва микroiқтисодиёт. Макроиқтисодиёт — ижтимоий хұжалик, умумийлик, яъни мамлакат миқесидаги иқтисодиёттің ривожланиши, унинг ҳажми ва сифати, ялпи даромад, бандлик, товарлар ва хизматларни күпайтириш муаммолари ҳақидаги илмдир. Микroiқтисодиёт эса корхоналарда, яъни иқтисодиёттің бирламчи бошланғыч бўлимларида нағымдарни яратиш, хизматлар күрсатиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги илмдир. Корхоналар (фирмалар) ресурслар ва уларнинг тақчиллиги шароитида хұжалик юритиш, мақсулот қыймати ва таннаххи, ишлаб чиқариш ва истеъмол товарлари ҳамда хизматлар баҳолари (тәърифлари) ҳақидаги масалалар билан иш күради. Мамлакаттамиз тарихининг ҳозирғи ўтиш даври ва иқтисодиёттің тараққиеті корхоналар, фирмалар, шахсий, кичик ва ўрга корхоналардаги ишларнинг боришига боғлиқ бўлиб

қолаётір. Бу иқтисодий сиёсатимизнинг устувор масаласидир.

Халқ хўжалиги – иқтисодиётнинг аниқлаштирилган ифодаси. Халқ хўжалиги дейилганда меҳнат тақсимоти орқали боғланган ишлаб чиқариш тармоқлари ва хўжалик шаклларининг ўзаро боғлиқ бўлган мажмуаси тушиунилади. Ўзбекистон халқ хўжалиги бутун республикамиз ҳудудида жойлашган барча тармоқлар ва корхоналарнинг ягона диалектика бирлиги бўлиб, унда тақрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари, ишлаб чиқариш қатнашчиларининг манфаатлари амалга оширилади.

Мамлакат халқ хўжалиги маълум тузилишга эга, у ишлаб чиқариш, ижтимоий, ҳудудий ва тармоқ тузилишидан иборат. Халқ хўжалиги тузилишидаги ҳар бир бўғин ёки соҳа ўз ўрни ва мавқеига эга. Улар ўртасидаги мақсадли тузилиш (нисбат) бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини (пировард натижадорлигини) белгилашда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш омиллари – иқтисодиётнинг асосий омиллари. Ишлаб чиқариш унинг омилларининг қўшилиши демакдир. Иқтисодиётнинг ҳолати, унинг самарадорлиги (натижалилиги), биринчидан, бу омиллар қўшилишининг ижтимоий шаклига боғлиқ. Ишлаб чиқариш омилларига табиий ресурслар (табиат бойликлари), одам (меҳнат) ресурслари, ишлаб чиқариш воситалари (меҳнат ашёлари, меҳнат воситалари) ва молиявий (пул) ресурслар киради. Ишлаб чиқариш омиллари жумласига яна тадбиркорлик фаолияти ҳам киради, зеро, ишлаб чиқаришнинг тақдири, ривожланиши хўжалик юритувчиларнинг (субъектларнинг) уддабуронлиги, ишбильармонлигига ҳам боғлиқдир. Бу айниқса иқтисодий танглик, ресурслар тақчиллиги шароитида янада сезиларли бўлади.

Ишлаб чиқариш омилларининг ҳар бири иқтисодиёт тараққиётига ўзига хос таъсир этади. Ишлаб чиқариш омилларининг ишлаб чиқаришдаги қатнашуви, яни меҳнат учун уни сарфлаган кишиларга «иш ҳақи» тарикасида, ерга рента, сармоя эгасига фоиз сифагида тўланади. Аммо харажатлар истроф қилмай сарфланиши лозим. Акс ҳолда иқтисодиёт самарали бўлмайди, истеъмол буюмлари ва харажатлар тақчиллиги юз беради, иқтисодий танглик келиб чиқади.

Иқтисодиёт – жамиятнинг моддий базаси. Иқтисодиёт жамият миқёсида foят муҳим ўрин тутади. Гап

шундаки, жамиятдаги барча муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиши, умумий ижтимоий тараққиёт кўп жиҳатдан иқтисодиёт равнақига боғлиқ, яъни жамиятнинг умумий юксаклиги иқтисодиёт орқали ўз ифодасини топади. Ана шу маънода иқтисодиёт жамиятнинг иқтисодий базаси деб аталади. Демак, иқтисодий базис қанча мустаҳкам, бақувват, барқарор бўлса, жамият шунчага мустаҳкамлик ва барқарорлик касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон тараққиётининг машхур беш тамомилини тўғрисида тўхталиб, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак, дегандা тамомила ҳақдир. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт ҳамма нарсадан устун, белгиловчи, у ҳақиқатан ҳам жамиятнинг иқтисодий замини демакдир.

Иқтисодий қонунлар – муносабатлар инъикосидир. Юқоридагилардан маълум бўлдики, иқтисодиёт катта бир олам, улкан макондир, унда бир-бирига боғлиқ муносабатлар, боғлиқлик ва алоқадорликлар мавжуд. Ана шу жараёнларнинг ўзи кўп томонлама ва кўп қирралидир. Бу мураккаб иқтисодий жараёнлар ёки воқеалар ичida шундайлари борки, улар муҳим ўзаро боғланишга ва сабаб-оқибат алоқаларига эга, улар доимо тақрорланиб, кўзга ташланиб туради. Ана шундай иқтисодий воқеалар, ҳодисалар иқтисодий қонунларда ифодаланади. Иқтисодий қонунлар чукур моҳиятли ва сабаб-оқибатли боғланган иқтисодий ҳодиса ҳамда воқеаларнинг (муносабатларнинг) илмий интиқосидир. Демак, жуда чукур моҳиятга, сабаб-оқибатли боғлиқликларга, доимо ўз борлигини кўрсатиб турадиган иқтисодий муносабатларга иқтисодий қонунлар дейилади. Жамиятдаги барча ишлаб чиқариш ва тақсимотга, алмашув ва истеъмолга боғлиқ бўлган муносабатлар иқтисодий қонунлар орқали бошқарилади, йўналтирилиб турилади.

Иқтисодий қонунларнинг табиат қонунлари билан ажойиб ўҳшашиблик томони бор, яъни ҳам икки турдаги қонунлар ҳам объектив қонунлардир; уларнинг вужудга келиши, амал қилиши ёки барҳам топиши (амал қилмай қўйиши) одамларнинг, синфлар ёки сиёсий партияларининг истаклари, хоҳиш-иродаси, талаб-эҳтиёжларига асло боғлиқ эмас. Масалан, қуёшнинг маълум вақтда чиқиши ёки унинг ботишини кечиктириб ёхуд тўхтатиб туриш мумкин бўлмаганидек, иқтисодий қонунларнинг ҳам амал қилишини тўхтатиб қўйиш, бекор қилиш мумкин эмас.

Иқтисодий қонунларнинг обьективлиги (одамлар хоҳиши-иродасига боғлиқ эмаслиги) «уларни билиб олиш мумкин эмас экан, уларнинг «сири»ни очиш одамларнинг қўлидан келмас экан», деган тасаввурлар учун асос бўла олмайди. Аксинча, одамларнинг кучи, уларнинг ақл-заковати, тафаккур олами ўзларини ўраб турган муҳитни, шу жумладан, иқтисодий қонунларни ҳам билиб олиш учун етарли. Одамлар ўз илмий тафаккурлари, билимлари орқали иқтисодий қонунлар моҳиятини, ҳаракат ва амал қилиш механизмини билиб борадилар, улар олдиларига қўядиган талабларни ўрганиб оладилар.

Хуласа шуки, иқтисодий қонунлар обьектив бўлсада, уларни билиб олиш, хўжалик фаолиятида улардан самарали фойдаланиш имконияти одамлар ихтиёридадир. Қайси иқтисодий қонунларни билиб олишга кўпроқ эътибор берилса, улардан фойдаланишга йўл очилган бўлса, унда иқтисодий ўсиш, барқарорлик, тараққиёт устунлиги таъминланади. Иқтисодий қонунлар талаблари билан ҳисоблашмаслик уларга беписанд муносабатда бўлиш эса, иқтисодиётни инқизозга олиб келиши муқаррардир.

Иқтисодиёт қонунлари яратилмайди, кашф этилади. Иқтисодий қонунлар одамлар томонидан яратилмайди, балки кашф этилади, очилади. Иқтисодий тафаккур сардорлари бўлган зукко олимлар иқтисодий қонунларни кашф этадилар, моҳиятини тушунтириб берадилар, одамлар олдига кўяётган талабларни кўрсатиб берадилар.

Хўш, иқтисодий қонунларни билиб олмай туриб ҳам иқтисодиётни ташкил этиш, бошқариш, иқтисодий ҳаётни куриш, рўзгор тебратиш, моддий ҳаётни таъминлаш мумкинми? Бу саволга «ҳа, мумкин», деб жавоб берса бўлади. Аммо... Аммо иқтисодий қонунларни билиб олмай иқтисодиёт юритилганда, пировард натижалари самарасиз ёки кам самарали бўлади, ишлаб чиқаришда юксак натижаларга, барқарор ўсиш суръатларига эришиб бўлмайди. Бундай аҳволда одамларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириб боришнинг имкони бўлмайди, уларнинг турмуш даражаси, ижтимоий аҳволи ёмонлашади. Натижада жамият иқтисодий инқизозга, хатто таназзулга юз тутади.

Иқтисодиёт қонувларининг ўз ўрни бор. Иқтисодий қонунлар бутун бир тизимдан («занжир») иборат бўлиб, бу тизимда ҳар бир қонуннинг ўз ўрни ва мавқеи бор. «Иқтисодий назария» фани иқтисодий қонунларнинг

ҳаракат механизмини ўрганиб, уларни умумий ва маҳсус (ўзига хос) қонунларга бўлади. Умумий иқтисодий қонунлар кишилик жамияти тараққиётининг барча даврларида амал қиласа, маҳсус қонунлар айрим иқтисодий даврларда, айрим ижтимоий формациялар доирасидагина амал қиласи. Масалан, вақтни тежаш, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, истеъмолнинг ортиб бориши каби қонунлар умумий иқтисодий қонунлардир. Қиймат, пул муомаласи, талаб ва таклиф каби қонунлар эса товар-пул муносабатлари хукмрон бўлган бозор иқтисодиёти даври шароитида амал қиласи.

Ҳар қандай иқтисодий давр шароитида жамиятдаги барча иқтисодий қонунлар амал қиласими? Бу саволга, бизнингча, ижобий жавоб бериш мумкин. Аммо устуворлик маҳсус (ўзига хос) иқтисодий қонунлар томонида бўлади. Чунки аниқ бир иқтисодий давр хусусиятини шу жамиятнинг ўз иқтисодий қонунлари тўлароқ ва кенгроқ ифодалайди. Шу билан бирга мавжуд иқтисодий давр моҳияти мавжуд барча иқтисодий қонунлар тизимида гина ўзини кенг ва батафсил ифодасини топади. Умумий иқтисодий қонунларнинг хусусияти шундаки, улар мазкур аниқ шароитда ўзига хос ҳаракат хусусияти билан намоён бўлади. Масалан, умумий иқтисодий қонунлардан бири бўлган қиймат қонуни (товар ишлаб чиқаришнинг умумий қонуни) эндиғина бозор муносабатларига ўтилаётган бизнинг шароитимизда нархларнинг ўзига хос турларида (чегараланган, кафолатланган, эркин, келишилган ва х. к.), уларнинг белгиланиши ва шаклланишида намоён бўлади. Бу нархларда эса Ўзбекистонда товарлар қийматини ўзига хос тарзда шаклланиши ўз ифодасини топган. Вақтни тежаш, умумий нисбатлар, меҳнат унумдорлигининг, эҳтиёжларнинг ўсиши каби умумий иқтисодий қонунларнинг амал қилиш хусусиятлари ҳақида юқоридаги каби фикрларни айтишимиз мумкин.

Иқтисодий категориялар (тушунчалар) – иқтисодиёт илмининг қалити, унинг ўз «тили». Биз юқорида иқтисодий муносабатларнинг гоят кенг, кўп томонлама, кўп қиррали эканлигини қайд этган эдик. Шунинг учун иқтисодий муносабатларни яхлит ҳолида билиб олиш асло мумкин эмас, уларнинг айрим томонларини алоҳида алоҳида тадқиқ қилиш ва ўрганиш талаб этилади. Фақат шу йўл билан иқтисодий саводхонликка эришса бўлади. Бунда иқтисодий категориялар «ёрдамга келади».

Хўш иқтисодий категорияларнинг ўзи нима, улар чуқур иқтисодий муносабатлар, иқтисодий қонунлар-

дан қандай жиҳатлари билан фарқ қиласы? Иқтисодий категориялар иқтисодий муносабатларнинг, иқтисодий ҳодиса ва воқеанинг бирон-бир жиҳати тұғрисидаги илмий түшунчалардир ёки уларнинг илмий-назарий интиҳосидир.

У ёки бу иқтисодий муносабат, иқтисодий қонун, иқтисодий жараён иқтисодий тасаввур (билим) ҳосил қилмоқ учун уларни ифодаловчи иқтисодий түшунчаларга (категорияларга) мурожаат қилинади. Бошқача айтганда, иқтисодий категориялар орқали иқтисодий муносабатлар моҳияти тұғрисида тұлақонли тасаввур ҳосил қилиш мүмкін. Шунинг учун иқтисодиёт илмини ўрганиш иқтисодий категорияларни билиб олишдан бошланади. Иқтисодий категорияларни, образлы қилиб, иқтисодиёт илмининг «тили» дейиш мүмкін.

Хар бир иқтисодий категория ўз мазмунига амал қилиш хусусиятiga ва ўзига хос ифодасига эга. Иқтисодий категориялар ўзига хос тизимдан иборат бўлиб, бу тизимда ҳар бир категориянинг ўз ўрни моҳият мавзеи бор. Масалан, маълум иқтисодий давр иқтисодиёти ҳолати бир неча иқтисодий категориялар орқали ифодаланади: жами ижтимоий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, ялпи даромад кабилар. Кўрсатилган иқтисодий категориялар тизимида айрим категориялар иқтисодий ҳолатни умуман акс эттираса, баъзилари нисбий жиҳатдан тавсифлайди. Агар соғ маҳсулот иқтисодиёт ҳолатининг буюм (маҳсулот) тарзини, ижтимоий сарфни ифодаласа, миллий даромад пул ҳисобидаги (солиштирма, қатый баҳолардаги) ҳолати ҳақида түшунча беради ва ҳ. к.

Иқтисодий категориянинг соғ иқтисодий ифодаси (ижтимоий шаклсиз ҳолати) умумий ижтимоий шакли ва маҳсус (ўзига хос) ижтимоий шакли мавжудdir. Масалан, қўшимча маҳсулот соғ иқтисодий ҳолатда ҳосил қилинган маҳсулотнинг ишловчи тириклик фанидан ортиқча қисмини ифодалайди; умумий иқтисодий шаклдаги маҳсулот ортиқча қисмини ифодалайди; қисмининг бошқалар (уни яратган ишлаб чиқарган кишилардан ташқари) учун йўналтирилганлитини кўрсатади, ўзига хос ижтимоий шаклда эса уни у ёки бу кишилар, ижтимоий гурухлар ёхуд табакалар учун ўзлаштириш шаклида ифодалайди (яъни фойда, рента, жарима, солиқ, банк фоизи кабилар). Бироқ айрим иқтисодий категорияларнинг ижтимоий шакллари ўзларининг моддий заминига мувофиқ келмаслиги мүмкін.

Иқтисодий категориялар ҳам объектив, ҳам тарихий-дир. Иқтисодий категориялар реал иқтисодий муносабатларнинг ифодаси бўлганлиги учун ҳам объективдир. Уларнинг мавжудлиги улар ифодалайдиган иқтисодий жараёнларнинг мавжудлигига боғлиқ. Иқтисодий жараён доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлганлиги учун иқтисодий категориялар ҳам ўзгаришда, ривожланишида, улар абадий эмас, балки иқтисодий қонунлар каби тарихийдир. Иқтисодий қонунлар ва категорияларнинг тарихий характерда бўлиши иқтисодий адабиётларда асосслаб берилган эди. Иқтисодий категорияларнинг тарихийлиги шундаки, уларни вужудга келтирган иқтисодий замин, иқтисодий шароит ўзгариши билан, бошқа иқтисодий асослар, шароитлар, иқтисодий муносабатлар вужудга келиши билан иқтисодий категориялар ҳам ўзгаради ёки барҳам топади ёхуд бошқача шаклда на-моён бўла бошлайди.

Биз яшаётган ва фаолият юритаётган ҳозирги давр ўз характери билан бозор иқтисодиётiga ўтиш даври, иқтисодий воситалар билангира хўжалик юритиш мумкин бўлган даврdir. Зеро бугун бу муносабатларни ифодалайдиган иқтисодий, тараққий этган дунёning ахборот тизимини, радио ва телевидение, матбуот материалларини тушуниш, идрок этиш мумкин бўлмай қолди. Бунинг маъноси шуки, давр билан ҳамнафас бўлиш учун, самарали фаолият кўрсатиш ва шахсий ҳаётингизни ўз мўлжалидагидек ташкил этиш учун иқтисодий тафаккур «калити» бўлмиш иқтисодий қонунлар ва категорияларни чуқур ўрганмоқ зарур.

Тақрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодиёт нима ва уни ўрганиш тақозоси нимадан келиб чиқади?
2. Иқтисодий жараён (неъматлар ва хизматлар яратиш) жараёни қаерда бошланади?
3. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши нима? Нима учун Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов мамлакатимиз иқтисодиётининг таркибий тузилмасини тубдан ўзгартиришни ислоҳотларнинг бош мақсади деб қарайди?
4. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг таркибини тушунтиринг! Кайси маъниода тадбиркорлик иқтисодий омил деб қаралмоқда?
5. Нима учун иқтисодиётни жамиятнинг моддий асоси дейилади?
6. Иқтисодий қонунлар нима? Уларни иқтисодий фаолиятда қўлламаслик қандай оқибатларга олиб келади?
7. «Иқтисодий категориялар — иқтисод илмининг калити» дейишишининг маъноси нимада?
8. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг иқтисодий асрлари асосида иқтисодий категориялар банкини туза олиш салоҳиятингизни синааб кўринг.

П Б О Б

МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРДАГИ ЭВОЛЮЦИЯ

Иқтисодиёт ва иқтисодий муносабатлар. Иқтисодиёт моддий ва маънавий неъматлар истеъмоли бошланган жойдан, хизматлар кўрсатиладиган макондан бошланади. Иқтисодиёт ҳаётнинг моддий асосидир, унинг кечаги куни ва келажагидир. Иқтисодиёт кенг маънода иқтисодий муносабатлар демакдир, чунки ишлаб чиқариш муносабатлари худди ана шу ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келади, ана шу жараёнда одамлар бирбирлари билан муйян муносабатларга киришадилар. Хўш, ишлаб чиқаришнинг, яъни иқтисодиётнинг ўзи нима? Ишлаб чиқариш одамлар томонидан табиат неъматларининг, ресурсларининг ўз эҳтиёжларини қондиришга мослаштирилишидир. Ишлаб чиқаришнинг икки томони бор: бир томондан, одамларнинг табиатга, ресурсларга, иккинчи томондан, одамларнинг бирбирига таъсиридир.

Ишлаб чиқариш ҳар қандай жамиятда, ҳар қандай шароитда уч омилнинг қўшилишини тақозо этади. Бу уч омил қўйидагилардан иборат: 1) меҳнат ашёлари; 2) меҳнат воситалари, уларнинг ўзаги — меҳнат қуроллалири; 3) меҳнат (иш кучи). Ишлаб чиқаришнинг дастлабки икки омили (меҳнат ашёлари ва меҳнат воситалари) ўзаро боғлиқликда ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этади, улар ишлаб чиқаришнинг моддий ва объектив элементларидир.

Аммо бу моддий омилларга иш кучи (одам меҳнати) таъсир этмас экан, улар «ўлик» нарсалар бўлиб қолаверади, ишлаб чиқариш содир бўлмайди, яъни неъмат яратилмайди. Демак, моддий омилларга иш кучи «жон» баҳш этади. Иш кучи инсон организми эга бўлган жисмоний ва маънавий қувватлар йигинидиси, меҳнат қила олиш қобилиятидир. Одатда иш кучи ишлаб чиқаришнинг шахсий омили дейилади. Иш кучининг моддий омиллардан фарқи шуки, у истеъмол қилиб юборилса-да, яна аввалгидек (эҳтимол аввалгисидан сифат жиҳатидан бошқачаоқ) такрор яратилиши мумкин. Факат бунинг учун иш кучининг эгаси зарур имкониятларга эга бўлса бас.

Ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучи узвий боғлиқликда ишлаб чиқарувчи кучларни ташкил этади, улар жамият иқтисодий ҳолатини ифодалайди, тарақ-

қиётнинг кучли омили ҳисобланади. Лекин жамиятнинг муайян ишлаб чиқарувчи кучларга эга эканлигининг ўзиёқ ҳали унинг тараққиёти учун етарли эмас. Мамлакат равнақи ва иқтисодий юксалиши учун асосий шарт ишлаб чиқарувчи кучларниң мақсадга мувофиқ жойлашуви ва улардан унумли фойдалана билишидир. Хўш, Ўзбекистоннинг бутунги кундаги ишлаб чиқарувчи кучлари қандай, улар қандай тизимга эга? Бу мураккаб саволга Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласидан тўла жавоб олишимиз мумкин:

- Ўзбекистон заминида жуда улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган хом ашё ресурслари тўпланган. Ҳозиргача республикада минерал хом ашёнинг 95 тури борлиги аниқданган. Бу минерал хом ашёларнинг 700 та кони мавжуд;

- Ўрта Осиёдаги газ конденсати захираларининг 74 фоизи, нефтнинг 31 фоизи, табиий газнинг 40 фоизи ва кўмирнинг 55 фоизи Ўзбекистон улушкига тўғри келади;

- Ўзбекистон жаҳонда газ қазиб олишда 10 та энг иириқ давлатлар қаторига киради;

- Ўрта Осиёдаги гидроэнергетика ресурсларининг 21 фоизи Ўзбекистонга тўғри келади;

- Ўзбекистонда 30 га яқин олтин кони мавжуд, улардаги олтин сифати жуда юқори;

- рангли, нодир металлар — мис, молибден, қўрғошин, рух, вольфрам, литий кабиларнинг захиралари кўп;

- Ўзбекистон йилига 1,5 млн. тонна пахта толаси ишлаб чиқаради, у бу маҳсулотни экспорт қилинча жаҳонда иккинчи ўринда туради;

- республикамиз мева, сабзавот ва узум етказиб берадиган асосий ўлкалардан бири, улар таъми жиҳатдан нодирdir;

- пилла, жун, қоракўл тери ва улардан тайёрланган маҳсулотлар экспорти жиҳатидан жаҳонга машҳур;

- темир йўллар узунлиги 6,7 минг километрни, автомобил йўллари узунлиги 80 минг километрни ташкил этади;

- Ўрта Осиёдаги меҳнат ресурсларининг 40 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Бу бизнинг асосий бойлигимиздир; ҳалқ хўжалигига банд бўлган ҳар 4 ходимдан бири олий ва ўрта маҳсус маълумотлидир.

Ишлаб чиқарувчи кучларниң қандай жонлангани маъкулроқ?

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожини меңнат воситалари, меңнат ашёлари ва иш кучи омилларининг мавжудлиги, ҳатто уларнинг етарли миқдорда бўлишини ҳам белгиламайди. Ҳатто шундай мамлакатлар борки, уларда ишлаб чиқариш омиллари жуда кам, айниқса, миллий ресурслар ғоят тақчил. Бундай шароитда иқтисодий тараққиётни ишлаб чиқариш омилларининг жойланиш даражаси ва улардан фойдаланиш техника-технологияси белгилайди.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг оқилона жойланиши маълум қоидалар, талабларга асосланади. Албатта, ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий, тарихий ва ҳудудий хусусиятлари ҳам ана шу жойланиш ҳолатини белгилайди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг оқилона жойланиши қуидаги қоидаларга, талабларга асосланади: биринчидан, Корхоналар, хизмат кўрсатиш мусассасалари ва уларнинг инфраструктураси хом ашё манбаларига яқин жойланиши керак. Бу ташиш харажатларини камайтириши, атроф муҳит ортиқча ифлосланишининг олдини олиш ва бошқаларга ёрдам беради, хом ашё районида иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётга хизмат қиласди; иккинчидан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг меңнат ресурслари етарли бўлган ҳудудларда жойланиши маъқулроқ. Айниқса, иш кучини кўпроқ талаб қиласдиган тўқимачилик, тикувчилик, мева-сабзавотчилик каби соҳаларда бундай жойланиш юқори самара келтиради. Шунингдек, хизмат кўрсатиш корхоналарининг ҳам аҳоли ва иш кучлари кўпроқ, ҳудудларда жойланиши фойдалироқдир; учинчидан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг истеъмолчиларга, ҳаридорларга, тўлов қобилияти юқори бўлган аҳоли ҳудудларида жойланиши ҳар жиҳатдан қулалироқдир. Зеро, товарлар ва хизматлар истеъмолчилар учун мўлжаллангандир. Истеъмолчилар қанча кўп бўлса, товарларни ташиш, сақлаш, саралаш учун бўлган харажатларни тежаш имконияти бўлади.

Мустақил иқтисодиёт ишлаб чиқарувчи кучларнинг номақбул жойланишига асло йўл қўя олмайди. Шунинг учун мустақил иқтисодий сиёsat, мамлакатимизнинг тамомила янгича ҳалқ хўжалик комплекси хом ашё, меңнат воситалари, молиявий ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишга хизмат қиласди, энг муҳими, ижтимоий меңнат сарфларини тежаш ҳамда ҳалқ фаронлигини яхшилаш имкониятини туғдиради.

Ишлаб чиқарувчи кучлар қуляй ижтимоий муносабатлар шароитидагина ривожланади ва яхши иқтисодий самаралар беради. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг

маълум ижтимоий ҳаракат шакли ишлаб чиқариш муносабатлари деб юритилади.

Бирок, ишлаб чиқариш муносабатлари иктиносидий жараёнлар содир бўладиган жойда вужудга келади. Агар иктиносидёт одамларнинг ўзаро таъсири жараёни эканлигидан келиб чиқсак, ишлаб чиқариш муносабатлари соғ иктиносидий муносабатлардан кенгроқ эканлигига амин бўламиз. Одамлар ўз иктиносидий фаолиятларини фақат ишлаб чиқариш омиллари асосидагина кўра олмайдилар, улар бунинг учун яна ўzlари ишлайдиган воситаларнинг фойдаланиш механизмини, хом ашёларни истеъмол қилиш йўл-йўриклигини, яъни ишлаб чиқариш салоҳияти ва тажрибасини эгаллашлари керак. Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминловчи иктиносидий асосларга ҳам эга бўладилар, касб-кор эгаллайдилар, тажриба тўплайдилар ёки алтамашдилар, ўрганидилар ва ўргатадилар ва ҳ.к. Демак, ишлаб чиқариш муносабатларидан (ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмаштириш, истеъмол қилиш фаолиятлари) ташқари яна иктиносидёт ҳолати ва натижалигига олиб келувчи бошқа иктиносидий муносабатлар ҳам тушунилади.

Ҳозирги даврда иктиносидётнинг тақдири, унинг равнақи кўпроқ одамларнинг ўзаро таъсирига, уларнинг иктиносидий ҳамкорлиги ва алоқаларига, кенг маънода ишлаб чиқариш муносабатларига уларнинг ривожланиб бориши боғлиқ бўлиб қолаётir.

Иктиносидий муносабатларми ёки ишлаб чиқариш муносабатларими?

Ишлаб чиқариш муносабатлари аслида, кенг маънода одамларнинг соғ ишлаб чиқаришнинг ўзидағи муносабатларинигина ифода этмайди, шу билан бирга у ишлаб чиқаришнинг натижаларини тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш соҳаларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлганлиги учун ишлаб чиқариш муносабатлари иктиносидий муносабатлар деб аталади.

Ишлаб чиқариш, такрор ишлаб чиқариш ва унинг шакллари. Ишлаб чиқариш деб табиат буюмларини одамлар истеъмолига мослаштириш жараёнига айтилади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш дейилтандан ишлаб чиқариш омилларини истеъмол қилиш, уларнинг шаклини ўзgartириш ва инсон эҳтиёжларини қондириш учун йўналтириш тушунилади. Одамлар эҳтиёжи доимий ва чексиз-

дир, айни вақтда эҳтиёжлар ранг-барангдир. Масалан, костюмни истеъмол қилиш жараёни бир-икки йилни ташкил этади, кейин яна костюмга эҳтиёж туғилиши табиийдир ёки уйни истиш учун кўмир истеъмол қилинган бўлса, келаси йил учун яна кўмир жамғариб кўйиш зарурати бор ва ҳ.к. Демак, эҳтиёжларни қондириб бориши ҳаёт тақозоси. Бунинг моддий омили эса ишлаб чиқаришни такрорлашдир. Истеъмол қилиш такрорланиб турганлиги сабабли ишлаб чиқариш ҳам такрорийлик касб этади. Шундай қилиб, такрор ишлаб чиқариш истеъмол неъматлари, яратишни қайтадан бошлаш ёки янгилаб туришдир, ишлаб чиқаришнинг такрорланиб туриши такрор ишлаб чиқаришдир.

Такрор ишлаб чиқариш икки шаклда. Унинг биринчи ва бошлангич шакли оддий такрор ишлаб чиқаришдир. Оддий такрор ишлаб чиқариш истеъмол неъматлари ва хизматларнинг аввалги даражада, ўзгармаган ҳажмда такрор ишлаб чиқарилишидир. Бундай такрор ишлаб чиқариш асосан инсоният тараққиётининг ноиндустрiali даври учун характерли. Бироқ оддий такрор ишлаб чиқариш бошқа давр иқтисодий тизимлари шароитида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, якка, оила, шахсий ёрдамчи хўжалик ишлаб чиқариш шароитида ёки иқтисодий тургунлик, иқтисодий танглик йилларида ҳам ана шундай такрор ишлаб чиқариш бўлиши мумкин.

Такрор ишлаб чиқаришнинг иккинчи шакли кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришдир. Такрор ишлаб чиқаришнинг бу кўриниши ривожланган иқтисодий тизимлар учун характерлидир. Бунда истеъмол неъматлари ва хизматлар илгариги даврга нисбатан кўпроқ ишлаб чиқарилади, истеъмол буюмларининг ҳажми ўсиши билан бирга уларнинг сифати, чидамлилиги ҳам ортади.

Такрор ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилган шакли табиий ҳолдир. Биринчидан, одамлар эҳтиёжлари ҳам миқдор, ҳам ассортимент (товарлар хилма-хиллиги) жиҳатдан ортиб боради. Иккинчидан, одамларнинг сон жиҳатдан кўпайиб боришидир. Маълумки, асримиз бошида Ер шари аҳолиси бир миллиардан сал кўпроқ эди, ҳозирга қелиб аҳоли сони олти миллиард кишидан ортиб кетди. Бу жараён айниқса ривожланаётган мамлакатларда тез бормоқда. Демак, ҳар жиҳатдан ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш такрор ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ташкил этишини ҳаётий зарурат қилиб қўяди.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ресурслар-

дан тежаб фойдаланишни, хом ашёларни тежовчи технологиялар қўллашни, янги корхоналар қуриш, мавжудларини кенгайтириш ва таъмирлаб бориш, янги ерлар ўзлаштириш, ҳосилдорликни ошириш ва бошқа сифат ўзгаришлари қилишни талаб қиласди.

Нима учун иқтисодий муносабатлар тўрт босқичли?

Иқтисодий муносабатлар кишилик жамияти ривожининг барча босқичларида, барча иқтисодий даврларда неъматлар яратиш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол қилиш жараёнида ишлаб чиқарувчилар ўргасида вужудга келган ишлаб чиқариш муносабатларидир. Кўриниб турибдик, ишлаб чиқариш муносабатлари тўрт босқичлидир. Унинг ҳар бир босқичида ўзига хос иқтисодий жараёнлар юз беради, ҳар бир босқичнинг ўз «вазифаси» мавжуд.

Ишлаб чиқариш босқичида моддий ва маънавий неъматлар яратилади. Бу неъматларнинг бир қисми одамларнинг бевосита шахсий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади, бошқа қисми ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга сарфланади. Шунга мувофиқ, неъматлар ишлаб чиқариши воситаларидан ва шахсий истеъмол буюмларидан (хизматлар ҳам) иборат бўлади. Неъматларнинг бу хилда икки турга бўлинниши бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳам икки катта бўлинмадан иборат бўлишини асослаб беради: 1. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш бўлинмаси (ишлаб чиқаришнинг ўз истеъмоли учун ресурслар яратиш). 2. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўлинмаси (одамлар учун истеъмол неъматлари яратувчи бўлинма).

Шуни айтиш керакки, ишлаб чиқариш доимо истеъмолга нисбатан бирламчи бўлиб қелди. Чунки у бир томондан, истеъмол қилиш учун неъматлар яратади, иккинчи томондан, маълум маҳсулотларга истеъмолни тудиради, яъни истеъмол учун истак уйғотади.

Истеъмолнинг ўзи ҳам унумли истеъмолдан ва шахсий истеъмолдан иборат. Унумли истеъмол ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмолидир, истеъмол неъматлари яратиш учун қилинган истеъмолдир. Шахсий истеъмол ҳам ўз навбатида икки тарафлама характерга эга: у бир тарафдан, иш кучини такрор ҳосил қилиш учун қилинган истеъмол бўлса, иккинчи тарафдан, одамлар ҳаётининг давом этишини таъминлаш учун қилинган истеъмолдир.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларини тақсимот ва айирбошлиш босқичлари боғлаб туради. Албатта, тақсимлаш дейилганда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар-

нинг тақсимланиши тушунилади. Маҳсулотларнинг қайси қисми унумли истеъмолга, қайси қисми шахсий истеъмолга тушишини тақсимот белгилайди, унинг характеристи эса мамлакатдаги мулкчилик муносабатларига боғлиқ бўлади. Шуни унутмаслик керакки, жамиятда қарор топган тақсимот механизми ишлаб чиқаришнинг самародорлигини белгиловчи омиллардан биридир.

Айирбошлаш босқичида кўпгина иқтисодий жараёнлар кечади. Айирбошлаш ҳам икки томонлама характеристга эга: У бир томондан, истеъмол буюмларини, иккинчи томондан, меҳнат фаолиятларини алмаштиришидир. Аслида одамлар бир меҳнат фаолиятини иккинчи меҳнат фаолияти билан алмаштирадилар. Масалан, галлакор ўз маҳсулоти тимсолида дурадгор билан унинг маҳсулоти (меҳнати) мисолида фаолият алмашади.

Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол ўзаро чамбарчас боғлиқ, улар яхлит бир бутунликдан иборат. Бу бирликда ишлаб чиқариш ҳал қилувчи ва белгиловчи рол ўйнайди. Реал иқтисодий ҳаётда тақрор ишлаб чиқаришнинг, юқорида айтилганидек, тўрт бўғинли эканлиги сезилмайди. Аммо иқтисодиётда, уни маълум мақсадли бошқаришда тақрор ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғини ўрнини ва аҳамиятини назарга олмаслик мумкин эмас, улар ўртасида мақсадга мувофиқ нисбатлар (боғлиқдиклар) ўрнатишга бефарқ қараш иқтисодиётдаги барқарорликка путур етказади.

Ҳамма ҳам иқтисодий муносабатлар иштирокчиси (субъекти) бўла оладими?

Ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектлари одамлардир. Аммо жамиятнинг барча фуқаролари ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув муносабатларининг субъектлари бўла олмайди, улар истеъмол субъектлари бўлишлари мумкин. Гап шундаки, ишлаб чиқаришда мамлакатни барча фуқаролари иштирок эта олмайдилар, аммо истеъмол қилишда у ёки бу даражада қатнашадилар. Истеъмол жараёни ишлаб чиқаришни ниҳоясига етказади, унинг пировард мақсадини рўёбга чиқарди. Худди шу маънода барча одамлар ишлаб чиқариш муносабатларининг иштирокчилари (субъектлари) бўлишини қайд этиш мумкин, жумладан, мактаб ўқувчилиари, талабалар ҳам иқтисодий муносабатларга киришадилар. Улар ота-оналарига ёрдам берганларида, ҳосил йиғиштиришда, савдо шаҳобчаларидан ўқув қуроллари сотиги олганларида ва бошқа ҳолатларда ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектларига айланадилар.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган турли мулкчилик ва хўжалик шакллари кўпаяётган, тадбиркорлик ва ишбилармонлик йўллари очиб берилаётган шароитда ишлаб чиқариш муносабатларининг ижтимоийлиги янада кучайди.

Буни бизнинг бугунги иқтисодиётимиздаги ўзгаришлар ҳам исботлаб турибди.

Мулкий муносабатлар нима? Уларнинг обьектлари ва субъектлари.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш унинг моддий омилларига (ишлаб чиқариш шароитларига) нисбатан бирон-бир эгаликка асосланади. Ишлаб чиқариш омилларига ҳукуқий эгалик қилиш эса улардан амалда ўз эҳтиёжларини қондириш учун истеъмол неъматлари ишлаб чиқарishни, яъни уларни ҳаракатга келтиришни англатади. Ишлаб чиқариш омилларига эгалик қилишдан келиб чиқадиган ҳаракат ишлаб чиқариш омилларининг ишлатилиши ёки реализацияси (рӯёбга чиқарилиши) деб юритилади.

Кишилар ўртасида ишлаб чиқариш омиллари бўлган ишлаб чиқариш воситаларига ҳамда меҳнат натижалари бўлмиш маҳсулотларга нисбатан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар мулкий муносабатлар дейилади. Мулкий муносабатларга жамиятдаги барча кишилар дахлдор бўладилар ва бу тарихан маълум бир шаклларда намоён бўлади.

Тарихий нуқтаи назардан қараганда мулкий муносабатлар жамоа мулки тариқасида вужудга келган. Кейинчалик хусусий мулкчилик пайдо бўлди ва бу мулкчилик шакли ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётига ижобий таъсир этди. Чунки хусусий мулкчилик ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатлашувни, табақалашувни, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги учун курашни майдонга чиқарди.

Мулкий муносабатларнинг икки жиҳати алоҳида фарқланади: 1) мулкий муносабатлар обьекти, яъни нималарга мулкий эгалик қилиш масаласи. Мулк обьекти бўлиб, энг аввало, ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат маҳсулотлари, меҳнат қобилияти (иш кучи), маданий ва табиий бойликлар, интеллектуал қобилиятлар (ақл-заковат маҳсули) хизмат қиласи; 2) мулкий муносабатлар субъекти, яъни кимлар мулк эгалари бўлиши масаласи. Мулк субъекти бўлиб жамиятдаги мавжуд синфлар, ижтимоий гуруҳлар, жамоалар, табақалар, давлат, айрим шахслар майдонга чиқади. Улар ўртасидаги кучлар нисбати қандай тузилиши ва сифатдаги мулк-

ка эгалиги, мулкларни ишлата билиш каби омиллар билан белгиланади. Мулкий муносабатларнинг объекти ва субъекти масаласи Ўзбекистон Республикасининг мулк тўғрисидаги қонунида ўз ифодасини топган.

Иқтисодий муносабатлар мулкий муносабатлардан ташқари бошқа муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашув, ўртоқларча ёрдам бериш ва шу кабилар.

Мулкчилик шакллари хилма-хил бўлгани маъкулми ёки аксиянича бўлганими?

Мавжуд тарихий тараққиёт даврининг мазмунини биринчи навбатда, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишининг қандай шаклларда бўлиши белгилайди. Жамиятнинг ҳар томонлама тараққий топиши, аҳоли Фаровонлигининг таъминланиши мулк шаклларининг хилма-хил бўлишини тақозо этади, бунда мулк тизимида бирон-бир мулк шаклининг яккаҳокимлигига йўл қўйилмаганлиги маъкулдири. Шу билан бирга хилма-хил мулк шакллари ўртасида хукуқий-иктисодий тенглик вужудга келтирилиши керак. Бунинг учун эса давлатга қарашли мулкни унинг тасарруфидан чиқариш, унинг катта қисмини бошқа мулк шаклларига айлантириш учун шарт-шароитлар яратиш лозим. Ана шу мақсадда Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳақида қонун қабул қилинди. Бу қонуннинг амалга оширилиши жараёнида турли мулкчилик ва аралаш иқтисодиёт таркиб топиши кутилмоқда.

Иқтисодиётимизда хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ҳавлари эмасми?

Мамлакатимизда жаҳон ҳамжамиятида амал қилаётган бозор муносабатларига кириб борилмоқда, унинг иқтисодий асослари яратилмоқда. Ана шундай иқтисодий асослардан бири мулкий муносабатларда хилма-хилликка эришишдир. Ўзбекистонда мулкчилик қонунига асосан турли мулкчилик қарор топмоқда. Республикализ мулк тизимида давлат мулки, корпоратив мулк, жамоа мулкчилиги, ҳиссадорлик (акционерлик) мулки, аралаш мулк, кўшма мулк, хусусий мулк, шахсий мулк, оила ва якка тартибдаги мулк каби мулк шакллари пайдо бўлмоқда. Ҳаёт тақозо этган, бозор иқтисодиёти талаб этадиган бошқа мулк шакллари ҳам вужудга келиши мумкин.

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида яшаёт-

ган барча мамлакатларда давлат мулки тизимида таҳминан 25—30 фоиз атрофида сақланыб қолаётір; иккинчидан, ҳозир иқтисодиётта шундай салоҳиятдаги тармоқлар, корхоналар борки, айрим хусусий соҳибкорлар, компания ва корпорациялар уларни тасарруф эта олмайды, самарали бошқара олмайды. Булар жумласига қазиб олиш саноати, ёқилғи-энергетика мажмуси, машинасозлик, кимә саноати, темир йұллар, алоқа воситалари кабилар киради; учинчидан, иқтисодиёттінг, мамлакат ҳәстининг шундай тармоқлари ва йұналишлари борки, улар фақат давлат құлида бүлгандаги на иқтисодий самара беради, давлат мамлакат халқининг муштарақ манфаатларига хизмат қила олади, мамлакат хавфсизлиги ва дахлсизлигині таъминлайды. Булар жумласига юқорида санаб үтилған тармоқларнинг айримлари билан бирга яна ҳарбий саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хұжалиғи, маданият, маориф, тибиёт ва бошқа мажмудар киради. Буларнинг давлат ихтиёрида бўлиши умуммиллий манфаатларга мувофиқ келади.

Хусусий мулкчиликнинг вужудга келтирилиши ҳам давлат ва халқ манфаатларига зарар етказмайды. Гап шундаки, бир томондан, хусусий мулкчилик бозор иқтисодиёттегі үтишнинг эң долзарб масаласидир, уннинг иқтисодий асосларидан биридир. Иккинчи томондан, республикамиз шароиттада хусусий мулкчилик объекти қилиб савдо, умумий овқатланиш, ўрта ва майда ишлаб чиқариш, майший хизмат соҳалари олинмоқда. Айниқса, майда ва ўрта ишлаб чиқариш йұналишлари бозор талабларига тез мослашувчан бўлиши билан бирга катта сармоя талаб қылмайды, уларни хусусий соҳибкорлар бемалол тасарруф этишлари мумкин.

Хиссадорлик мулкчилиги энг демократик (халқчил) мулк шақылдидир. Бозор иқтисодиёті мулкчилик тизимида хиссадорлик (акционерлик) мулкчилигини ҳам илгари суради. Бозор муносабатлары жамиятнинг барча қатламларини, фуқароларини, сармояси бор кишиларни ўзига тортиши билан характерлидир, барчани товар-пул муносабатларига жалб этиши билан аҳамиятлидир, хиссадорлик мулкчилиги эса худди ана шу мақсадни рүёбга чиқаради. Бунда ҳар бир фуқаро ўз құлидаги бўш сармояларни баҳоли құдрат ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш имконияттага эга бўлади ва ундан олинадиган фойданинг тақсимланишида дивиденд (дарамад) олиш тариқасида иштирок этиши мумкин.

Хиссадорлик мулкчилигининг халқчиллиги яна

шундаки, ҳиссадорлар ўз корхонасини бошқаришда қатнашиб, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш кўнимкамаларини ҳам оладилар. Мулкчиликнинг бу шакли нойишлаб чиқариш тармоқларидағи кишилар учун ишлаб чиқариш билан боғланиш, иқтисодий ҳаётда реал қатнашиш, иқтисодий муносабатларнинг субъекти бўлиб ҳаракат қилиш учун қулай шароитлар яратиб беради.

Қимматбаҳо қоғозлар ҳам мулк. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг янада чукурлашуви кўп жиҳатдан қимматбаҳо қоғозлар, уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги, одамларни мулкдор қилишдаги ўрнига, иқтисодиётнинг эркинлашуви ва демократиялашувидаги аҳамиятининг қанчалик тушуниб олинишига ҳам боғлиқ бўлиб қолаётир. Бу ҳақда Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида (1995 йил) сўзлаган нутқида шундай деган эди: «**Биз кишилар оғигига қимматбаҳо қоғозлар ҳам аслида мулкка эгалиқ шакли эканини сингдиришимиз керак**» (тъқид бизники — муаллиф). Бунинг учун, аввало, қимматбаҳо қоғозларнинг моҳияти, улардан фойдалана олиш услубларини англаб олишга кўмаклашмоқ даркор. Шунингдек, одамлар қимматбаҳо қоғозлар ҳам оиласининг изчил даромад манбаи эканлигини билиб олишларига ёрдамлашмоқ зарур.

Қимматбаҳо қоғозлар нима? Маълумки, муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳар доим ҳам товарлар билан таъминланмайди. Айниқса, ўтиш даврида ёки иқтисодиётнинг секин ривожланаётган шароитларида бу номутаносиблик тақорланиб туради. Марказий банк иқтисодиёт талабларидан келиб чиқиб товар билан таъминланмаган нақд пулларни чиқаришга (эмиссияга) мажбур ҳам бўлади. Бошқача айтганда, пулнинг қадресизланиши келиб чиқади. Бундай оғир вазиятдан чиқишининг Ўли — қимматбаҳо қоғозлар чиқариш эканлиги жаҳон тажрибасида аллақачон исботланган. Бундай шароитда давлат ҳақиқатан ҳам ташкилотчилик кўрсатади, яъни ўз қарз мажбуриятлари белгиси бўлмиш облигацияларни сотувга чиқариб, нақд пулларни хазинага туширишга муваффақ бўлади.

Дастлаб, қисқа муддатли облигациялар чиқарса, кеинчалик талаб ўсгани сари тўлаш муддати узокроқ бўлган қимматбаҳо қоғозлар чиқара бошлайди. Демак, қимматбаҳо қоғозлар товар ўринини босувчи молиявий дастаклардир.

Қимматбаҳо қоғозларни чиқарувчи муассасалар —

эмитентлар деб аталади. Улар банклар, давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар, акционерлик жамиятлари, корхоналар, ташкилотлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Қимматбаҳо қоғозларни сотиб олувчилар ёки уларнинг эгалари инвесторлар деб аталади. Улар давлат, корхоналар, чет эл инвесторлари ва аҳолининг кенг қатламлари бўлиши мумкин. Давлатнинг инвестор сифатида харид қилишининг сабаби — мамлакатдаги қимматбаҳо қоғозлар курсини (нархини) барқарорлаштириш ва пул кредит муносабатларини бошқариб туришдан иборатdir. Корхоналар бошқа, ўзлари иқтисодий алоқада бўлган корхоналар мулкига қисман эга бўлишлари учун уларнинг фаолияти устидан назорат қилиб туриш мақсадида қимматбаҳо қоғозларни сотиб оладилар. Аҳоли эса ўз пулларини қадрсизланишидан ҳимоя қилиш ва доимо даромад олиб туриш мақсадида харид қиласди. Қимматбаҳо қоғозлар маҳсус бозорларда — фонд биржаларида ва улардан ташқарида сотилади. Қимматбаҳо қоғозлар бозори — молия бозорининг алоҳида шакли ва бозор инфраструктурасининг бир бўғинидир.

Қимматбаҳо қоғозларнинг қандай турлари мавжуд, улардан қайсилари Ўзбекистонда ҳозирча кўпроқ тарқалган? Қимматбаҳо қоғозларга облигациялар, акциялар, векселлар, депозитлар, сертификатлар ва жамоа хўжаликларининг маҳсус қимматбаҳо қоғози — пайлар киради. Давлат ҳазина мажбуриятларини, ҳазина векселларини ва облигацияларни чиқаради ва ўгулар ёрдамида бюджетни, давлат аҳамиятидаги лойиҳаларни молиявий таъминлайди, олинган қарзларни қоплайди ҳамда бъязи корхоналарни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-куватлайди. Банклар акция, облигация, вексел, депозит ва сертификатларни чиқаради. Акционерлик жамиятлари эса акция ҳамда облигациялар чиқара олади.

Мамлакатимизда кўпроқ тарқалган қимматбаҳо қоғозлар акция ва векселдир. Акциялар ёпиқ ёки очик турдаги ҳиссадорлик жамиятларини бўлиши мумкин. Йислоҳотларнинг иккинчи босқичида очик, ҳиссадорлик жамиятларини кенгайтиришга устуворлик берилади. Зоро, уларнинг акциялари очик усулда барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан эркин сотиб олиниши мумкин. Акция эгалари тегишли равишда ҳиссадорлик корхонаси фойдасига шериклик асосида эгалик қиласдилар, фойданинг бир қисмини даромад тариқасида олиб турадилар.

1995 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб муомалага векселлар чиқарилди. Вексел товар олди-сотди жараё-

нига ва мол-мулк юзасидан амалга ошириладиган битимларга хизмат қиласи. Векселнинг хизмати шуки, у навқд пулсиз ҳисоб-китобларда фойдаланилади ҳамда ҳисоб-китобларни анча тез амалга оширади, корхоналарнинг ўзаро қарзларини қисқартиришга олиб келади. 1995 йилнинг ўзидаёқ, вексел ёрдамида корхоналарнинг ўзаро қарзлари 52 млрд. сўмга қисқарганини айтиб ўтиш ўринилди. Векселлар ёрдамида хорижий мамлакатлар корхоналари билан бўладиган ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, вексел иккиламчи бозорда ҳам айланиш имкониятига эга.

Мамлакатимизда қимматбаҳо қофозлар бозори энди шаклланмоқда. Бу бозорда ҳалқни кенг иштирок эттириш долзарб ишдир. Шу нарса ҳақиқатки, хусусий мулкдан, давлат корхонасидан бошқа даромад манбай бўлишини билмайдиган одамларимиз қимматбаҳо қофозлар орқали ҳам оила даромадларини тўлдириб бориш мумкинлигини тушуниб етмайдилар. Юқорида қайд қилингандек, ҳалқимизни даромаднинг ғоят қулай манбай бўлган қимматбаҳо қофозлардан баҳраманд бўлишга ўргатмоқ керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда қимматбаҳо қофозлар бозорини вужудга келтириш тўғрисидаги маҳсус фармони айнан ана шу мақсадларни рўёбга чиқаришини кўзда тутади.

Пай – қишлоқда мулкдор бўлишнинг янги шакли. Мамлакатимизда аҳолининг кўпчилик қисми қишлокларда яшайди ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Бу тармоқнинг иқтисодиётимизда тутган ўрии бекиёсdir. Буни қўйидаги рақамлар яққол исботлайди. Мехнатга лаёқатли аҳолининг 46 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд. Бу соҳа мамлакат ялпи ички маҳсулотининг учдан бир қисмини беради, унинг маҳсулоти аҳоли эҳтиёжларига кетадиган истеъмол буюллари манбайнинг 90 фоизини таъминлайди. Саноатимизнинг машинасозлик, кимё, енгил ва озиқ-овқат, тўқимачилик каби энг муҳим тармоқларининг тақдиди ҳам қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Шундай экан, қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган меҳнатчини мулкдор қилиш, улар даромаднинг хўжалик эришган пировард натижага бевосита шерик бўлишига кўмаклашиш энг долзарб вазифадир. Бу вазифа Президент томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 февралдаги Мажлисидаги маъруzasida 1999 йилнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди.

Деҳқонни мулкдор қилишнинг энг адолатли ва қулай,

бозор иқтисодиёти моҳиятига мувофиқ келувчи шакли хўжалик мулкидаги ҳиссасини белгилаб берувчи «пай»-дир, яъни қимматбаҳо қофозларнинг алоҳида туридир. Пай ўндандай қимматбаҳо қофозки, у биринчидан, жамоа хўжалиги фонди ҳаммасини эмас, балки бир қисмини, бўлинмас фонд деб аталган хўжаликни ривожлантиришга йўналтириладиган «қисмининг чегирилганидан қолганидир»; иккинчидан, пай бошқа қимматбаҳо қофозлар сингари фонд биржаларида сотилмайди, қайта сотилмайди, алмаштирилмайди, бошқа шахсга берилмайди; учинчидан, ундан қанчалик кўп даромад келиши (дивиденд) бошқа акция қофозларидан тубдан фарқ қилиб, мулк эгасининг меҳнати, ташаббуси, тадбиркорлигига боғлиқдир; тўртингидан, пай ёпиқ турдаги акционерлик жамиятининг ифодасидир; бешинчидан, пай жамоа хўжалигига, унинг иқтисодиётига, фондларига қанчалик ҳисса кўшганлигига мувофиқ тарзда тақсимланади, гўё бепул берилаётгандек кўринсада, у хўжалик аъзосининг илгариги меҳнатлари учун берилган мулкидир.

Мулкий муносабатларнинг бундай ечими бизнинг Ўзбекистонда биринчи марта татбиқ этилаётир. Бу юқорида айтилган ўрга мулкдорлар синфини шакллантиришнинг ғоят адолатли воситаси бўлди. Аммо бундаги муаммо — деҳқонни, қишлоқ кишисини, одий одамларнинг бундай мулк билан қандай муомала қилиши, пайни мулк сифатида қандай тасарруф этиши, ундан оиласи ва жамият манфаатлари йўлида самарали фойдаланиши масаласидир. Иқтисодий саводхонлик ана шу муаммонинг ечими учун асосий калитдир.

Мулкчиликниг бошқа шакллари ҳам фойдалидир. Бозор иқтисодиёти мулкчиликнинг барча шаклларига кенг йўл очиб беради. АРАЛАШ ВА ҚУШМА МУЛК ШАКЛЛАРИ ЭСА БИР ТОМОННИНГ ИМКОНИЯТИНИНГ БОШҚА ТОМОННИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ БИЛАН КЎШИБ, САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТАДИ. МАСАЛАН, ҚУШМА КОРХОНАЛАР МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА БОШҚА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР, КОМПАНИЯЛАР, ФИРМАЛАРНИНГ ИШТИРОК ЭТИШИГА, ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИККА, ПИРОВАРД САМАРАЛИ ФАОЛИЯТГА, ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧАДИ, МАМЛАКАТГА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯ, САРМОЯ, ЗАМОНАВИЙ ИЛМ-ФАН КИРИБ КЕЛИЩИГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Айни вактда хорижий давлатлар ҳамма фуқароларнинг инвестициялари асосида мамлакатда хорижий мулк шаклланиши рўй беради. Хорижий давлатлар, хусусий сармоядорларнинг мамлакат иқтисодиётига кириб ке-

лиши миллий мустақиљлігимизга хавф солмайдими, деңған савол ҳам пайдо бўлиши мумкин. Давлат иқтисодий сиёсати миллий манфаатларни ҳимоя қилиш асосида олиб борилаётган шароитда бундай ҳаракат ҳеч қандай хавф тугдирмайди. Чунки барча иқтисодий муносабатлар ҳалқаро нормативлар, қонуналар, шартномалар, солиқ ва банк тизими орқали бошқарилиб турилди ва назорат қилинади. Шуну ҳам унутмаслик керакки, хориждан сармоя билан келаётган, мулк субъектлари бўлган шахслар ҳам ўзларининг хусусий манфаатларни рӯёбга чиқаришлари табиийdir. Чунки ҳаракатдан ҳеч қандай наф бўлмаса, сармоя сарфлаш фойдасиз бўлур эди.

Мамлакатимизда шахсий мулкчилик, оилавий мулкчилик ҳамда якка мулкчилик каби шакллар ҳам ўз ўрни ва мавқеини эгаллайди. Зоро, бозор иқтисодиёти дегани ҳар бир фуқаронинг, ишлаб чиқарувчининг ҳаётда ўз ўрнига, ўз мулкига эга бўлишини таъминлаш демакдир. Давлат мулкчиликнинг барча шаклларини амал қилиши, тенглиги, дахлизлиги учун барча ҳукукий-иктисодий кафолатларни яратади.

Мулкий муносабатларнинг ривожланиш тенденцияси қандай кечади?

Хўш, мулкий муносабатларнинг ривожланиб боришида қандай тенденция кузатилиши мумкин? Биринчидан, мулк шакллари ўртасида рақобат түғилади, бирбiriдан устун бўлиш, иқтисодиётда устувор йўналишларни эгаллаш, юкори мавқега чиқиш сари ҳаракат доимий тус олади. Бу жараёнда ўзини сақлаб қололмайдиган, ўзини «оқлай олмайдиган» мулк шакллари чекиниши, ҳатто барҳам топиши ҳам тарихий ҳақиқатдир. Иккинчидан, уларнинг ўзаро рақобати иқтисодиёт кўтарилишига, иқтисодий ўсиш суръатларининг тезлашувига, самарадорликнинг ортишига, бозорнинг истеъмол буюмлари ва хизматлар билан тўлдирилишига олиб келади. Бу тенденция мамлакатнинг илгор давлатлар қаторига чиқиб олишига, аҳолининг умумий фаровонлигини ортишига хизмат қиласи.

Албатта, мулкий муносабатларнинг хилма-хиллиги, кўлмулклилик замирада ҳар хил ишлаб чиқариш турлари ётади. Ихтимоий ишлаб чиқаришнинг тарихий бир даврида аралаш иқтисодиёт кўп укладли иқтисодиёт бўлиб шаклланади. Кўп укладли иқтисодиётнинг тарихий тақдирни қандай бўлади? Бу саволга бозор иқтисодиёти тизимининг тарихий ривожи жавоб беради, яъни бозор иқтисодиёти амал қилас экан, аралаш иқтисо-

диёт бўлиши табиийдир. Лекин шу нарса аниқки, ҳар бир укладнинг тақдирни ана шу укладнинг ўзида бўлади, унинг даврга қандай даражада ҳамоҳанг бўлиб боришида бўлади. Давлатнинг бирон-бир уклад томонида бўлишига, унинг манфаатларини бир томонлама ҳимоя қилишига, унга «ён босиши»га қаратилган сиёсат юргизилмайди. Бу нарса иқтисодий жараёнларнинг адолатли кечишига олиб келади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ишлаб чиқарувчи кучлар нима ва улар қандай жонланиши лозим?
2. Ишлаб чиқариш муносабатлари деганда нимани тушунасиз?
3. Иқтисодиёт субъектлари кимлар бўлиши мумкин?
4. Мулк нима ва мулкий муносабатларни қандай тушундингиз?
5. Мулк шаклларининг кўп ва хилма-хил бўлишининг зарурати нимада?
6. Нима учун Ўзбекистон Президенти мулкдорлар синфиин яратишни тарихий зарурат деб ҳисоблайди?
7. Нима учун қимматбаҳо қоғозларни ҳам мулк деб ҳисобламоқда?
8. Пайнинг мулк ҳақидаги моҳиятини тушунтириңг?
9. Нима учун кўп мулкчиликни ва аралаш иқтисодиётни бозор иқтисодиётининг асоси дейммоқда?
10. Рақобатчилик мухитини кўпмулклилик белгилайдими ёки чекланган мулкчилик шаклларининг ҳукмрон бўлишиими?
11. Сизнингча, Ўзбекистонда мулк шаклларининг ўзгариб бориш тенденцияси истиқболда қандай кечади?

IV Б О Б

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УНИНГ ОМИЛЛАРИ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ


Ишлаб чиқариш ва унинг турлари. Кишилик жамиятининг ҳаёти ва унинг ривожланиши ишлаб чиқариш ва унинг натижаларини истемол қилиш билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш деганда одамлар томонидан табиат неъматлари ва омилларнинг ўз эҳтиёжларига мослаштириш жараёнинга ёки моддий ва маънавий неъматлар яратиш жараёнинг айтилади. Ишлаб чиқариш — одамларнинг табиат билан ўзаро таъсири натижасида юз беради. Зоро, одамлар табиат неъматларини ўз эҳтиёжларини қондириш ҳамда ишлаб чиқаришни яна давом эттириш учун қайта ишлайдилар.

Ишлаб чиқариш ҳар қандай жамиятда унинг ижтимоий-сиёсий тузумидан қатъи назар ижтимоий характерга эга, яъни ишлаб чиқариш — одамлар биргаликда фаолиятларининг маҳсулидир. Шунингдек, ишлаб чи-

қариш одамлар, уларнинг ҳәётини давом эттириш ва фаровонлигини ошириш учун олиб борилади. Аслида одамларнинг ҳайвонот дунёсидан жиддий фарқи ҳам шундаки, одамлар ўз истеъмолларини ўз кўллари билан яратиб қондирадилар. Бу ҳақда улуғ бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино ўзининг «Тиббиёт достони» асарида кўрсатиб ўтган эди.

Ишлаб чиқариш товарлар ва хизматларнинг яратилиши ва уларни қандай мақсадларда йўналтирилишига қараб икки қисмга бўлинади.

1. Моддий ишлаб чиқариш. Одамлар истеъмол қила-диган неъматларнинг бир қисми моддий шаклда бўлади. Масалан, кийим-кечак, уй-жой, озиқ-овқат, иситиш ва тозаланиш воситалари кабилар. Шунингдек, бу бўлимга одамларга моддий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ неъматлар ҳам киради. Масалан, транспорт, алоқа, ах-борот узатиш кабилар. Моддий ишлаб чиқариш соҳаси-га саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, кури-лиш кабилар киради.

2. Номоддий ишлаб чиқариш. Одамлар истеъмол қила-диган неъматларнингnomоддий ва хизмат кўрсатиш шаклларида яратилиши. Бу соҳага тиббиёт ва соғломлаштириш, майший хизмат, халқ таълими, маданий хизматлар киради.

Инсоният тараққиёти тарихида бу икки бўлинма маъ-лум нисбатда ривожланиб келади. Уларнинг қандай нис-батда бўлиши мамлакат ёки минтақадаги ишлаб чиқа-риш ҳолатига, ишлаб чиқариш омилларидан қандай фойдаланилаётганилигига, меҳнат тақсимотининг қандай йўлга кўйилганига ва бошқа омилларга боғлиқ. Масалан, ҳозирги ривожланган мамлакатларда моддий ишлаб чи-қариш самарадорлиги жуда юқори. Сабаби бу соҳанинг унумли ишлаши учун nomodдий соҳа ривожига катта эътибор берилади, меҳнатга яроқли одамларнинг 75–80 фоизи nomodдий соҳада ишлайди, бунинг устига уларнинг маърифий даражаси ҳам анча юқоридир.

Nомоддий соҳага устивор эътибор бериш тажриба-сидан бизнинг мамлакатимиз тараққиётида ҳам кўлла-нилмоқда. Бунинг ёрқин тимсоли сифатида халқ таъли-ми, тиббиёт соҳаларини ислоҳ қилиш дастурлари иш-лаб чиқилгани, спорт ва жисмоний тарбия, маънавий тарбия масалаларига устиворлик бериладигани кўрсатиш мумкин. Шунингдек, қишлоқ инфратузилма-сини ривожлантириш, моддий соҳалардан бўшатилаёт-ган кишиларни хизмат кўрсатиш жабҳаларига ўтказиш соҳасида чора-тадбирлар ҳам ҳар икки ишлаб чиқариш

бўлимлари ўртасидаги нисбатни ижобат томонга ўзгартиришга қаратилган.

Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг қўшилиш характеристери. Ишлаб чиқариш — ишлаб чиқариш омиллари нинг истеъмол қилинишидан иборатдир, унинг бошлиниши ҳам ана шу омиллар мавжудлигига асосланади. Ишлаб чиқариш омиллари ишлаб чиқаришни тақрор давом эттириш учун ҳам ишлаб чиқарилади. Ҳозирги замон иқтисодиётида ишлаб чиқариш омилларига ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик ва экологик омилларни киритилади.

Ер омили — табиий омиллар, у инсон меҳнатининг маҳсулни эмас. Ер омилига унинг остики-устки бойликлари, яъни табиий бойликлар, ҳайдаладиган, суғорила-диган ер майдонлари, ўрмон ва ўғлоқлар киради. Бизнинг республикамиз бу соҳада жуда катта салоҳиятга эга. Масалан, Ўзбекистон умумий ер майдоннинг 62,5 фоизини (28 млн.га) қишлоқ хўжалигига қарашли ерлар ташкил этади. Унинг 4,5 млн. гектари ҳайдаладиган ерлардир. Бу бизнинг энг қимматбаҳо миллий бойлиги миздир. И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли машҳур асарида Ватанимиз табиий бойликлари ҳақида юксак ғурур билан ёзилади. Масалан, ҳозиргача 900 дан ортиқ кон қидирилиб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захира-лари 970 млрд. АҚШ долларини ташкил этади, ҳар йили республика конларидан 5–6 млрд. долларлик фойдалари қазилмалар олинмоқда. Ватанимиз ер қаъридаги 30 дан ортиқ конлардан асл металлар қазиб олинаётир.

Капитал омили — иқтисодий омиллар, у ишлаб чиқаришнинг моддий заминини ташкил этадиган машиналар, бино ва иншоотлар, асбоб-ускуналар, турли дастгоҳлар, транспорт ва коммуникация воситалари. Ишлаб чиқаришнинг бу моддий омиллари қаторига ҳом ашёлар, ёқилғи ва электрэнергия, ёрдамчи буюмлар ҳам киради. Капитал омилларидан ишлаб чиқаришнинг бир неча босқичида қатнашадиган қисмiga асосий капитал (иморат ва иншоотлар, машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари) дейилади; капиталнинг бир ишлаб чиқариш босқичида ишлатиладиган қисми (ҳом ашё, ёқилғи, электр-энергия, захира қисмлар ва шу кабилар) айланма капитал дейилади. Асосий ва айланма капиталлар бир-биридан емирилиш (эскириши) жиҳатидан фарқланади. Агар асосий капитал емирилса, (бир неча йил хизмат қилган-

лиги туфайли), айланма капитал эскирмайды ҳам, емирлайларды ҳам. Зеро, капиталнинг бу қисми фақат бир марта кўлланилади, у бошқа шаклда янги маҳсулотда тўлалигича мужассамлашади. Масалан, минерал ўтиг пахта ҳосилида, ем-хашак гўшт ва сутда, ёқилғи у истеъмол қилинган товарда ўз моддий асосини топади.

Меҳнат омили — инсон омилидир. Меҳнат омили дейилганда инсоннинг ўзи эмас, унинг ишлай олици қобилияти назарда тутилади. Бундай қобилиятни иш кучи деб юритилади. Кўпинча иш кучи омилини шахсий омил ҳам дейилади. Одатда иш кучи сарфини ҳисоблаш учун иш куни ёки иш вақти категориялари кўлланилади. Иш куни — ходимнинг иш жойида, ишлаб чиқариш жараёнида бўлган вақтидир. Иш кучи ҳам миқдор, ҳам сифат тавсифларига эга. Миқдор жиҳатидан, иш кучи ишга яроқли меҳнат ресурсларидан, сифат жиҳатдан эса ишловчиларнинг билими, тажрибаси, укуви, маҳорати, маданияти, маънавий қиёфасидан иборат кўрсаткичлардир. Ишлаб чиқаришнинг натижаси (маҳсулот миқдори ва сифати) кўп жиҳатдан ишловчининг сифат кўрсаткичларига боғлиқдир.

Умуман меҳнат омилидан фойдаланиш даражасини меҳнат унумдорлиги категорияси орқали билиб олинади. Меҳнат унумдорлиги маҳсулот ва хизматлар ҳажмининг уларни ишлаб чиқариш учун сарфлаган вақтига нисбатан аниқланади. Меҳнат унумдорлигини ошириш орқали жамиятда мўл-кўллик, фаровонлик, ижтимоий барқарорликка эришиш мумкин. Меҳнат унумдорлигини алоҳида иқтисодий муносабат бўлгани учун унинг ўсишига олиб келувчи бир қанча омиллар ҳам мавжуддир. Ана шу омилларнинг энг муҳими, бизнингча, жамиятда унумли меҳнатни тақдирлаш, рағбатлантириш, ишлаш учун яхши кулагай шароитлар яратиб беришдир. Бозор иқтисодиёти худди ана шундай муҳитни яратади, ҳар бир ишловчи иқтисодий-ижтимоий ҳаётни унинг унумдорлигига боғлиқ қилиб қўяди.

Тадбиркорлик омили — бу алоҳида, ўзига хос омилдир, ходим ёки ишловчи томонидан ишлаб чиқаришга йўналтирадиган ташаббуси, изланиши, янгилик яратиши, фидоий бўлиши, кези келганда таваккалчилик қилиши кабиларда ифодаланади. Аслида ишлаб чиқаришнинг юқорида баён қилинган барча омиллари тадбиркорлик орқали ҳаракатга келади, юқори самара беради. Шунинг учун тадбиркорлик қобилиятига эга ходимлар кўллаб-кувватланиши, эъзозланиши, рағбатлантирилиши лозим. Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро

бирикувидан ишлаб чиқариш жараёни вужудга келади. Ишлаб чиқаришнинг мақсади ва пировард натижаси эса яратилган товарлар ва хизматлар ҳажми ҳамда уларнинг тарқиби, сифатидир. Бу пировард натиха нақадар улуғвор бўлиши эса омилларнинг қандай усулларда биркувига, кўшилишига боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш омилларининг бирекиши икки хил бўлади:

1. Омилларнинг билвосятига бирекиши. Бунда ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омиллари турли мулк эгаларига қарашли бўлиб, уларнинг бирекуви (яъни ишлаб чиқариш) бозор ёрдамида содир бўлади. Икки мулк эгалиги — иш кучи эгаси ва моддий омиллар эгалиги ўзаро бирекади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш натижаси ишлаб чиқариш омиллари эгаси қўлида бўлади, таҳсимотни ҳам у белгилайди.

2. Омилларнинг бевосита бирекиши. Бунда ишлаб чиқариш омиллари бир кўлда бўлади, бир мулкдор тасарруфида бўлади, ишлаб чиқарувчи мулкдан маҳрум бўлмаган бўлади. Натижада ишлаб чиқаришда унумдорлик бўлади, манфаатдорлик рўёбга чиқади, ишлаб чиқариш омилларини авайлаш, тежаб-тергаб фойдаланиш, тежамли хўжалик юритиш амалга ошади. Бизнинг ҳозир қураёттан иқтисодиёт ишлаб чиқариш воситаларига субъектларнинг эгалигини жорий этади, мулкдорлар синфи вужудга келади.

Ишлаб чиқариш натижасининг кўзланган даражаси бўлиши икки омилга боғлиқ. Биринчидан, сифати яхши омилларни, уларнинг арzon, кулаги ва ўринбосар турларидан фойдаланишга боғлиқ бўлса, иккинчидан, хўжаликни бошқаришнинг илгор, замонавий илмий асосланган усусларидан фойдаланишга боғлиқ. Ишлаб чиқариш омилларининг ана шундай самарали бўлиши учун менежментлик (бошқарув илми) ва маркетинг (бозорни ўрганиш илми) билимларини чукур ўрганиш талаб этилади.

Менежментлик ва маркетинг кабилалар ҳам маълум маънода ишлаб чиқаришнинг омили сифатида майдонга чиқмоқда. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатимизда бу илмларни эгаллашга катта эътибор берилмоқда, иқтисод фанининг муҳим бўғинлари сифатида ва бозор иқтисодиёти тизимида алоҳида касб — фан тариқасида шакллантирилмоқда. Мулкдорлар синфи шаклланганлиги шароитида ишлаб чиқариш субъектларининг ана шу билимларни эгаллаши объектив заруратга айланishi даркор.

Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик омилиниң аҳамияті. Тадбиркорлик бозор иқтисодиёти унсурларидан бири булиб бизнеснинг алоҳида шакли. Бозор иқтисодиётига ўтиш одатдаги фаолиятни кучайтириш, ўзидағи имконият, мол-мұлқ, сармоя ва интеллектуал салоҳиятни тұла-тұқис ишга солиш орқали яхши даромад олиш, яхши яшаш учун ҳаракат демекдир. Көнг маънода бизнес турли йүллар ва воситалар билан, мамлакатда амал қилаёттан қонун ва тадбирлар доирасыда бир иш тури билан шугулланиб пул топиш, даромадларни орттиришdir.

Бирок, тадбиркорлик ҳар қандай йүл билан пул топиш эмас, балки бойликни, пулни яратувчилик фаолияти орқали, ишлаб чиқариш, хизмат күрсатиши, ижодкорлик иши билан шугулланиш орқали топишидир. Тадбиркорликка тижорат ва иқтисодий фаолият қилишда воситачилик «даллоллик» (брокерлик, дилерлик, кредиторлик) фаолиятлари ҳам киради. Зоро, тижоратчи захмат чекиб узоқ юргалардан товар олиб келади, маҳаллий бозорларни түйинтиришга хизмат қиласы. У бу фаолияти учун маътум сармоя аванслайди ва фойда топиш мақсадида югуриб олади. Тижоратчилар келтирилген товарлар харажатлари устига ўртача фойда күйиб сотиш орқали тижоратчилик даромади олади, тижорат фойдасини ўзлаштиради.

Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов уқтирадики, ўрта ва кичик тадбиркорлик (ишлаб чиқариш) иқтисодий танглиқдан олиб чиқишининг, юксак ривожланишига чиқиб олишининг асосий иқтисодий воситаси — тараққиёт локомотивидир¹.

Хүч ишлаб чиқаришнинг бу омили субъектлари кимлар бўлиши мумкин? Булар якка ва бирлашиб фаолият қилувчилардир. Демак, тадбиркорларнинг бу синфини шакллантириш учун субъектлар мамлакатимизда етарлидир.

Тадбиркорлик фаолияти ишлаб чиқаришнинг энг оммавий омили бўла оладими? Бу саволга ижобий жавоб бериш мумкин. Гап шундаки, бозор иқтисодиёти талабни тўлароқ қондиришини тақозо этади. Щундай экан, жамиятимизнинг ҳар бир онгли фуқароси ўз истеъмолини тўлароқ қондиришга тадбиркорлик қилиши керак. Иқтисодиёт илмида буни истеъмолчилик тадбиркорлиги деб аталади. Истеъмолчи (харидор) ўз дарома-

¹ қаранг: Иқтисодиётни эркинлаштириш — фаровонлик пойдевори — «Ўзбекистон овози», 2000 йил, 22 июл.

дини шундай тақсимлаши керакки, оқибатда унинг энг зарур талаблари қондирилсин. Агар ҳар бир тадбиркорни ҳам истеъмолчи эканинин эътироф этсак, айтиш мумкинки, республикамиз бундай омилни ишга солиш орқали ўзининг буюк келажагини яратишига шубҳа қолмайди.

Тадбиркорлик — яратувчилик бўлиб, бизнесни ривожлантиришга қаратилган алоҳида фаолият туридир. Бу фаолият «Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолияти тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Ушбу қонунда кўрсатиладики, «Тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлик асосида амалдаги қонунлар доирасида ташабbus билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир».

Ишлаб чиқаришнинг бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида шакли бўлган тадбиркорлик маълум шартларга асосланади. «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида куйидаги шартлар санаб ўтилади:

- 1) Мулк эгаси бўлиш ёки ишлаб чиқаришнинг бирон-бир омилига эга бўлиш;
- 2) иқтисодий фаолиятда эркин бўлиш, ҳамкорлар билан тенг хукуқларга асосланиш;
- 3) Масъулиятни ўз зиммасига олиш; таваккалчиллик қилиш, керак бўлса, ҳатто хатарли ишга кўл уриш;
- 4) Фойда олишга интилиш;
- 5) Тижорат сирини сақлаш;
- 6) Рақобатда ҳалол бўлиш;
- 7) Тадбиркорлик иши обрў эътибор қозониш, бошқалар ишончини қозониш кабилар.

Ҳозирги замон тадбиркорлари учун энг муҳим хислат доимо янгиликка интилиш, биринчилардан бўлиш, барча ресурслардан оқилона фойдаланиш, ўзи ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб бозорни зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдиришдир.

Тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг энг зарур ва замонавий омили эканлигидан келиб чиқиб Президент И. А. Каримов мамлакатимизда тадбиркорлар синфини, хусусан ўрта тадбиркорлар синфини шакллантириш вазифасини кўйди.

Ишлаб чиқариш натижасининг ишлаб чиқариш омилидан фойдаланишга боғлиқлиги. Биз юқорида ишлаб чиқариш омилларнинг кўплиги ва уларнинг илмий-техника тараққиёти натижасида яна ҳам кўпайиб бораётгани хусусида сўз юритдик. Албатта, ҳамма омиллар биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотда гавдаланади, уларнинг ҳар бири ўз улуши ёки ўрнига эга бўлади. Агар биз бир омил бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқаришга

ишлиатилади деб фараз құлсак, бөглиқликни қуидаги-
ча таърифлашимиз мүмкін:

$$M = F(A)$$

Бу ерда M — маҳсулот (товар), A — ишлаб чиқариш омиллари.

Маытумки, ҳар қандай маҳсулот, у жуда ҳам элементар (оддий) бўлса ҳам уни яратиш учун бир эмас, бир қанча ишлаб чиқариш омиллари ишилатилади (истемол қилинади). Агар биз бирон-бир маҳсулотни (товарни) бир қанча омиллардан фойдаланиб ишлаб чиқарилишини фараз құлсак, у ҳолда бу функционал бөглиқликни қуидагича ифодалашимиз мүмкін:

$$M = F(A+B+C+D+E\dots)$$

Бу ерда: M — маҳсулот (товар)

$A+B+C+D+E\dots$ — ишлаб чиқариш омиллари.

Одамларнинг кўпайиб бориши, бунинг устига уларнинг истемолининг ҳам микдор, ҳам сифат, ҳам маҳсулот турлари (ассортимент) бўйича ортиб бориши туфайли табиий ресурслар тобора камайиб бормоқда. Инсоният табиий ресурсларнинг етишмовчилиги хавфи остида қолмоқда. Бундай шароитда фан-техника тараққиёти ишлаб чиқиши омилларининг сунъий турларини ҳамда уларнинг ўриннбосар турларини иқтисодиёт жабхасига тормоқда. Бунинг устига тежамли ва чиқиндисиз технология кириб келаётир. Натижада истемол неъматларининг янги турлари вужудга келиш билан бир вақтда ижтимоий маҳсулотлар микдори (ҳажми) ҳам ортиб бораётир. Бошқача айтганда, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Қўшимча маҳсулот (ишлаб чиқариш омиллари тўла қоплангандан қолган маҳсулот) эса ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, янги технология жорий этиш, иш кучи омили сифатини орттириш, янги ишлаб чиқаришни инвестициялаш имкониятини беради. Қўшимча маҳсулот ҳар қандай мамлакат ёки жамият ижтимоий иқтисодий тараққиётининг бекиёс омилидир. Илм-фан, техника-технология ривожланиб бораркан (бу табиий жараён) қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари ҳам кенгая боради.

Ишлаб чиқариш натижаларининг ортиб бориши деганда мамлакат ялпи ички маҳсулоти, ялпи миллий маҳсулоти, қўшимча маҳсулоти кабиларнинг, умуман моддий ва маънавий неъматлар ва хизматларнинг микдор (ҳажм) жиҳатдан муттасил кўпайиб боришигина

тушинилмайди. Албатта, миқдорий ўсишнинг аҳамияти бекиёс. Бироқ, неъматлар миқдоран кўп бўлса-ю, уларнинг истеъмол қиймати, фойдалилиги, эҳтиёжларни қондира олиш хусусиятлари паст бўлса, ижтимоий ишлаб чиқаришдан қониқиш ҳосил қиласликлари мумкин.

Демак, ишлаб чиқаришнинг шунчаки миқдоран ортишига эмас, унинг самарадорлигини ортиши (сифатининг яхшиланиши) муҳимроқдир. Зоро, самарадорлик кўрсаткичидан ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси тўлалигича намоён бўлади. Унда ишлаб чиқариш омилларидан тежалиши ҳам, тежамли ва экологик соф технология қўллаш ҳам, сифатли товарлар яратилиши ҳам ўз ифодасини топади. Шундай ишлаб чиқариш самарадорлиги ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини ўзида ифодалайди.

Иқтисодиётнинг умумлашма кўрсаткичлари. Ишлаб чиқариш жараёнида жуда ҳам хилма-хил маҳсулотлар яратилади, турли-туман хизматлар кўрсатилади, маънавий неъматлар вужудга келтирилади. Улар маълум иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида ҳисоблаб борилади, баҳоланади. Бу иш иқтисодиётнинг ҳолатини аниқлаш, неъматларни тўғри тақсимлаш, айирбошлиш ва мақсадли истеъмол қилиш учун бажарилади. Иқтисодиётнинг ҳолати, жамиятнинг бойлиги, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги бутун бир иқтисодий кўрсаткичлар тизими орқали ўлчанади: уларнинг баъзилари умумий характерга, баъзилари хусусий характерга эгадир.

Бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бир йил ичидаги натижаси, яратилган неъматлар йигиндиси жами ижтимоий маҳсулот деб аталади. У моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган барча ходимларнинг меҳнат маҳсулидир. У буюк шаклида ишлаб чиқариш восита радиан ва истеъмол буюмларидан иборат бўлади. Бозор муносабатлари ҳукм сурган шароитда жами ижтимоий маҳсулот яна қиймат шаклида ҳам ҳисобланади. Жами ижтимоий маҳсулотнинг қиймат (пул) кўриниши орқали мамлакат иқтисодиётидаги рўй берган миқдор ўзгаришлари (иктисодий ўсиш ёки иқтисодий инқироз) билиб борилади.

Жами ижтимоий маҳсулотнинг пул ифодаси маълум муддатларга қатъий баҳоланади, мамлакатнинг миллий валютасида ифодаланади.

Иқтисодиётнинг умумлашма кўрсаткичларидан яна бири ялпи миллий маҳсулотdir, у мамлакатдаги бутун

иқтисодий фаолиятнинг тўла ифодаси ҳисобланади. Ялпи миллий маҳсулот жами ижтимоий маҳсулотдан шу билан фарқ қиласиди, у нафақат моддий ишлаб чиқаришининг бир йилик натижаси, шу билан бирга ноишлаб чиқариш соҳасининг, майший хизматларнинг ҳам иш натижасидир. Ялпи миллий маҳсулот мамлакатдаги барча корхоналар (уларнинг қайси идорага бўйсунишидан, қандай мулк шаклига мансублигидан қатъий назар), ташкилотлар, идоралар, кооперативлар, уюшмалар, фирмалар, концернлар, корпорация ёки компанияларнинг йилик фаолият ифодасидир. Шунинг учун ялпи миллий маҳсулотни яратища хусусий, оила якка меҳнат билан шугулланувчи барча ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар, бошқарувчи ва илмий-техник ходимлар ҳам иштирок этади.

Ялпи миллий маҳсулот таркибида хизматлар ҳам муҳим, салмоқли ўрин тутади. Шунинг учун ялпи миллий маҳсулотни кўпайтирища мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларини сафарбар қилиш, ҳар бир киши фаолиятини яхшилаш катта аҳамият касб этади.

Ялпи миллий маҳсулотнинг бир қисми соф маҳсулотdir. Соф маҳсулот — жамиятда маълум бир даврда бутунлай янгидан яратилган маҳсулотdir, у сарф қилинган жонли меҳнатнинг моддийлашган ифодасидир. У янгидан яратилган маҳсулот деб ҳам аталади.

Соф маҳсулот ижтимоий ишлаб чиқариш самара-дорлигини кўрсатувчи муҳим категорияdir.

Соф маҳсулот иқтисодий ҳаётда соф даромад кўришида намойи бўлади. Соф даромад корхона ёки фирмаларнинг пул шаклидаги умумий кўринишидир. Бирор упар миздор жиҳатдан фарқ қиласи; соф маҳсулот маълум миздорга (агар миллий валюта барқарорлиги таъминланниб турилган бўлса) соф даромаддан камроқдир. Соф даромад категорияси орқали корхоналар иқтисодий фаолиятига баҳо берилиши мумкин. Зоро, бу фаолият самара-дорлиги бошқа кўрсаткичларда ҳам ифодаланади.

Жамият бойлигини қайси кўрсаткичлар тўлароқ ифодалайди?

Жамиятнинг бойлиги, иқтисодий тараққиёт даражаси фақат йилик натижалар билангина эмас, балки ана шу натижаларнинг қанчаси сақданиб қолганлиги, ишлаб чиқариш ва шахсий ҳаёт учун аскотаётганлиги, жорий давр учун қандай даражада хизмат қилиши билан ҳам ўлчанади. Миллий бойлик ана шундай иқтисодий кўрсаткичdir. У мамлакат маълум бир пайтда эга

бўлган барча нарсалардир, унинг бутун тарихий тараққиёти даврида жамғарилган воситалар, ноз-неъматлар, истеъмол буюмлариридир, маънавий бойликлариридир. Миллий бойликка мамлакатдаги тарихий обидалар, ёдгорликлар, ёзма манбалар, адабиёт ва санъат асарлари ва бошқалар киради. Бизнинг Ўзбекистонимиз, ўзбек халқи ўзининг бой моддий ва маънавий бойликлари билан жаҳон тараққиётида мунёсиб, салмоқли мавқега эга бўлди. Мустақилик туфайли барча нарсалар ҳақиий миллдийлик касб этмоқда.

Мамлакат миллий бойлигига ишлаб чиқариш фондлари, табиий ресурслар, ижтимоий соҳанинг барча имкониятлари, тўплланган тажрибалар, фан-техника ютуқлари, миллий кадрларимизнинг тафаккури ва бошқалар катта ўрин тутади. Бундай миллий бойликини йиллик маҳсулот ҳисобидан кўпайтириб бориш, уни халқ манфаатларига хизмат қилдириш энг муҳим вазифадир.

Миллий даромад — жуда муҳим кўрсаткич. Миллий даромад категорияси ҳам иқтисодиётнинг фоят муҳим кўрсаткичи, самарадорлик мезони, жамият бойлигини тўлароқ тавсифловчи иқтисодий воситадир. Миллий даромад — ҳосил қилинган соф маҳсулотнинг қиймат ифодаси ёки пул кўринишидир. Миллий даромад баҳоларнинг ўзгариб туришидан «тозаланган», ўзгармас баҳоларда ҳисобланган тақдирдагина иқтисодиётнинг ҳақиқий «кўзгуси» бўла олади. Миллий даромад мамлакат ҳалқининг фаровонлиги ва барқарор ривожланишининг моддий манбаидир. Шунинг учун миллий даромадни кўпайтиришнинг барча воситалари ва йўллари ишга солинади.

Миллий даромаднинг кўпайиши асосан уч омилига боғлиқ: 1) ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларнинг маълум миқдори; 2) банд аҳоли меҳнати унумдорлигининг ортиши; 3) тадбиркорлик ва ишбилармонлик, бизнес фаолияти. Жамият тараққиётининг турли даврларида бу уч омил нисбати турлича аҳамият касб этади. Ҳозирги фан-техника тараққиёти шароитида иккинчи омил кучлироқ рол йўнамоқда. Аҳолининг ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатувчи қатламларининг кўпайиши ҳам иккинчи омилда ўз ифодасини топади. Бироқ, ҳозирда ривожланган мамлакатларда миллий даромадни кўпайтириш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқариш соҳаларида бевосита банд бўладиган меҳнат ресурслари сонини кўпайтириш ялти миллий маҳсулот миқдорининг кўпайишига ҳар доим ҳам олиб келавермайди, аксинча ишлаб чиқаришнинг ри-

вожланиши ноишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланишига, хизмат кўрсатиш тармоқларида бандликни ошириш, иқтисодий ўсишга олиб келади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш атрофида шаклланадиган иқтисодий ва ижтимоий инфраструктурнинг ривожланиши миллий даромадни кўпайтиради.

АҚШ, Голландия, Германия каби давлатларда қишлоқ хўжалигида 2—4 фойз аҳоли банд бўлишига қарамай, улар ўзларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларини батамом таъминлабгина қолмай, балки бу хил маҳсулотлар асосий қисмини экспорт қилишта ҳам эришмоқдалар. Ҳисоб-китобларга қараганда, бизнинг қишлоқ хўжалигимиздан ишларни кўпил билан 1,5—2 млн. киши бажариши мумкин. Ваҳланки, бу тармоқда талаб қилинганидан икки баравардан зиёдроқ киши ишламоқда. Бу соҳанинг маҳсулдорлигини кескин кўтариш учун ортиқча меҳнат ресурсларини қишлоқларда олиб борилаётган саноат, маишӣ хизмат ва маданий соҳадаги қурилишларга жалб этиш лозим. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий аграр сиёсатнинг асосий йўналиши ҳам ана шундай.

Ҳозирги даврда ижтимоий ишлаб чиқариш самародорлигини ошириш кўпроқ ажратилаётган инвестициялардан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Муҳими, инвестицияларни қаерга, қандай тармоқларга, қайси йўналишларга сарфлаштир. Сармоялар шундай тармоқлар ва йўналишларга сарфланиши керакки, бу биринчидан, иқтисодиётимиз таркибий тузилиши тубдан ўзгаришига олиб келсин; иккинчидан, Ўзбекистон тараққиётининг базавий, устувор йўналишларига сарфланиб, унинг иқтисодий мустақиллигини тезроқ таъминласин; учинчидан, мамлакатимизнинг халқаро меҳнат тақсимотида ўзига мос ва муносиб ўрнини белгилашга хизмат килсин.

Инвестиция фондини оширишга миллий корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг пул жамғармаларини кенгроқ жалб этиш, хорижий инвесторларнинг кириб келишига яна ҳам кенгроқ йўл очиб бериш, бу йўлдаги барча сунъий тўсикларни олиб ташлаш жуда долзарб вазифадир. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 февралдаги Мажлисида Президент И. А. Каримов жиддий мулоҳазалар билдири.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини кафолатловчи муҳим бойликларимиздан бири — унинг бой меҳнат ресурслариディр. Бизнинг иқтисодиётимиз самародорлиги

ана шу ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга күпроқ боғлиқдир: биринчидан, меҳнат ресурсларининг самараали бандлигига эришиш, яъни ҳозирда тайёр иш кучи сифатидаги қисмининг бандлигини тӯла таъминлаш; иккинчидан, меҳнат ресурслари ни күпроқ истеъмол қиласидаган тармоқларни ривожлантириш лозим. Масалан, тўқимачилик, тикувчилик, маҳаллий саноат, ўрта ва кичик ишлаб чиқариш, мева-сабзавотчилик каби тармоқларга устуворлик бериш; учинчидан, ёшларни замонавий қасбкорларга ўргатиш, замонавий технология билан ишлай олувчиларни күпроқ тайёрлаш; тўртингчидан, жойлардаги меҳнат биржала-рининг аҳолининг вақтинча банд бўлмаган кўламлар билан боғлиқлигини кучайтириш, уларнинг ишга жой-ланиши, қасбларини ўзгартириш ёки маҳоратини янгилаш соҳасидаги ишларини янада яхшироқ йўлга кўйиши.

Ҳар бир мамлакатда унинг бойлигини кўпайтириш, юксак иқтисодий ривожига эришишнинг ўз хусусиятлари, воситалари, йўналишлари мавжуд. Президент И. А. Каримовнинг бир қатор асарларида, мавзуза ва нутқларида бу хусусиятлар етарли даражада кенг баён қилиб берилган. Хўш, Ўзбекистон бойлиги қандай қидиб кўпаяди, унинг тараққиёти нималар ҳисобига таъминланиши мумкин:

- 1) Ер ости ва ер усти ресурсларидан, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, улар билан ўзимизни таъминлаш билан бирга четга экспорт қилишта киришиш ҳисобига;
- 2) ишлаб чиқариш таркибий тузилишини тубдан қайта куриш, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш устуворлигини таъминлаш ҳисобига;
- 3) қишлоқ хўжалигида ерга эгалик қилишнинг янгича шаклларини вужудга келтириш, қишлоқларда иқти-садий ислоҳотни амалга ошириш, саноат ва майший хизматни ривожлантириш ҳисобига;
- 4) базавий соҳаларни (машинасозлик, нефт ва газ ишлаб чиқариш, энергетика) устувор ривожлантириш ҳисобига;
- 5) мамлакатимизда сайёҳликни, айниқса, ҳалқаро сайёҳликни ривожлантириш ва бошқалар ҳисобига.

Иқтисодиёт самарадорлиги нималарда ўз ифодасини топади?

Иқтисодиёт самарадорлиги бир неча иқтисодий кўрсаткичлар (категориялар) орқали тавсифланади. Самарадорлик дейилгандан ишлаб чиқариш натижалари-нинг (маҳсулот, хизмат) уларни ишлаб чиқариш учун

сарфланган ресурслар (харажатлар)га нисбати түшүнлиди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги бир қанча жузий күрсаткычлар орқали ҳам тавсифланади. Самарадорлик нинг умумлашган күрсаткычи — меңнат унумдорлигидир. У маҳсулот миқдори (ММ)нинг жонли меңнат (ЖМ) сарфига нисбати билан ифодаланади. Жонли меңнат сарфи одам-кунларда, одам-соатларда ҳисобланади. Меңнат унумдорлиги билан бирга меңнат сиғими деган самарадорлик күрсаткычи ҳам қўлланилади. Меңнат сиғими жонли меңнат (ЖМ)нинг маҳсулот миқдори (ММ)га нисбати орқали аниқланади. Маҳсулотнинг материал сиғими деган иқтисодий күрсаткыч ҳам бизнинг давримизда катта аҳамият касб этмоқда. Материал сиғими моддий ашёлар сарфининг (БМ) маҳсулот миқдори (ММ)га нисбати орқали аниқланади. Ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сиғими ёки фондлар қайтими күрсаткычлари орқали ўлчанади. Кўриниб турибдики, барча жузий күрсаткычлар самарадорлик умумий ифодасининг аниқлаштирилган шаклидир. Бу нисбатларда маҳсулот миқдори күрсаткычлари ўрнида жами маҳсулот ялпи миллый маҳсулот, жами ички маҳсулот, соф маҳсулот, қўшимча маҳсулот, унинг пул шакларидан бири фойда, миллый даромад каби категориялар қўлланилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг умумий интеграл ифодаси кўйидаги формула орқали баён этилиши мумкин:

$$ИС = \frac{СМ}{ЖМ + БМ + УФ}$$

бу ерда: *ИС* — ишлаб чиқариш самарадорлиги; *СМ* — соф маҳсулот; *ЖМ* — жонли меңнат харажатлари; *БМ* — жорий йилдаги буюмлашган меңнат харажатлари; *Ф* — ишлаб чиқариш фондларига кўйилган маблағлар; *У* — харажатлар ва маблағларни бир хил ўлчовга келтирувчи коэффициент.

Иқтисодиёт самарадорлигини ошириш воситалари. Бозор қтисодиётига ўтиш даврида, айниқса, республика мизнинг ҳозирги шароитида самарадорликни ошириш жуда жiddий масаладир. Гап шундаки ҳозирги даврда кўпгина ресурслар чегараланган, уларнинг аксарияти хориждан келтирилди, замонавий технология етишмайди. Шунинг учун ресурслардан тежамли фойдаланиш, меңнат унумдорлигини ошириш, миллый ва хорижий сармояларни энг зарур соҳаларга жойлаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш каби самара-

дорликни ошириш воситаларига етарли эътибор бериш талаб қилинади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ишлаб чиқариш нима?
2. Моддий ва номмоддий ишлаб чиқариш, улар ўртасида қандай нисбат (боглиқлик) бўлиши даркор?
3. Ишлаб чиқаришнинг қандай омиллари бор?
4. Тадбиркорлик омилии деганда сиз нимани тушунасиз?
5. Мамлакатимиз Президенти И. А Каримов нима учун кичик ва ўрга тадбиркорликка устивор вазифа деб қарамоқда?
6. Ишлаб чиқариш омилларининг қандай бириткириш шакллари ни биласиз?
7. Ишлаб чиқариш самарадорлиги нима учун мавжуд омиллардан фойдалана олишимизга боғлиқ?
8. Ишлаб чиқариш самарадорлигини қандай иқтисодий кўрсатчиҳар орқали тавсифланади.
9. Мехнат унумдорлиги кўрсаткичини қандай формула билан ифодаланади?
10. Мехнат сиғими, фонд сиғими, инвестиция сиғими каби иқтисадиёттинг сифат кўрсаткичларини Сиз қандай изоҳлайсиз?
11. Сиз ишлаётган корхонада (фирмада) иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини қониқарли даражада деб биласизми?
12. Сиз ишлаб чиқаришда юқори натижалар олиш учун қандай таклифлар бера оласиз?

V Б О Б

ЭҲТИЁЖЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚОНДИРИЛИШИ

«Эҳтиёжлар» тушунчаси. Эҳтиёжларнинг турлари. Инсон табиатнинг ажралмас бўлагидир. Ҳамма тирик мавжудотларда бўлгани каби инсонларда ҳам эҳтиёжлар бор. Ҳамма мавжудотлар яшashi ва амал қилишлари учун ейиши, ичиши, нафас олиши, дам олиши, ухлаши, иссиқ ва совуқ хавфидан сақланиши ва авлод қолдириши керак. Буларнинг ҳаммаси инсонга ҳамроҳ бўлиб улар физиологик эҳтиёжлар деб аталади. Инсоннинг ўзига хос хусусияти шундаки, у фақат биологик мавжудотларгина эмас, балки ижтимоий мавжудот ҳамдир. Шундай экан инсон эҳтиёжлари бошқа мавжудотлар эҳтиёжларидан фарқ қиласиди. Соф физиологик эҳтиёжлардан ташқари инсонларда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, маънавий, руҳий, ҳукуқий эҳтиёжлар ҳам бор. Буларнинг барчаси инсонни яшashi ва фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ҳаётий эҳтиёжлардир.

Эҳтиёж ва муҳтожлик бир-бирларидан бироз фарқ

қилади. Ишлаб чиқарувчилар ўйлайдыки, талабаларга китоблар керак. Аслида талабаларга китоб эмас, китоб варактарида мужассамланган мазмун керак. Ёки, ҳаммамиз автобусни тезроқ келишига муҳтож бўлиб ўтирибмиз. Бизда автобусга эмас, балки уни манзилга тезроқ элтиб кўйиш хусусиятига эҳтиёж бор. Бизга автобуснинг тезлиги керак.

Ўз табиатига кўра физиологик эҳтиёжлар — жисмоний эҳтиёжлар ёки бирламчи эҳтиёжлардир. Ҳар бир инсоннинг жамиятга кириб келиши, аввало ушбу эҳтиёжларни қондирилиши асосида юз беради. Яна инсонни шахс сифатида камол топиши, жамиятда ўзлигини топишига интилиши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлар ҳам бор. Инсонларнинг яшаси, меҳнат қилиши ва маълум ижтимоий-иктисодий мавқега эга бўлиши учун истеъмол этилиши зарур бўлган маҳсулотлар ва хизматлар мажмуи — социал-иктисодий эҳтиёжлар деб аталади. Социал-иктисодий эҳтиёжларнинг одатдаги жисмоний эҳтиёждан фарқи шуки, уни меҳнат воситасида ва табиат иштирокида қондирилади, яъни у ишлаб чиқариш фаолиятини талаб қиласди.

Эҳтиёжлар нималарнидир истеъмол этилиши орқали қондирилади. Кўлами ва истеъмол этувчиларнинг сонига қараб эҳтиёжлар якка, гурухий ва умумжамият эҳтиёжларига ажралади.

Ҳар бир кишининг таъби, хулқ-атвори ва жамиятда тутган мавқеига қараб вужудга келадиган эҳтиёжлар — якка эҳтиёжлардир. Масалан, Аҳмадулло — оддий меҳнат кишиси. Оддий, аммо покиза кийинишин яхши кўради. Дўстлари кўпайган сари ўзини яхши ҳис этади. Раҳматилло — олий маълумотли, катта хусусий корхонани бошқаради. Корхонанинг самарали фаолияти ҳақида қайгуради. Янги моделдаги автомобилда юришни қоида қилиб олган. Ресторанларда овқатланишини афзал деб билади, гўштили таомларни хуш кўради.

Шаклан якка, мазмунан кўлгчиллик билан биргаликда қондирилишини талаб қиласдиган эҳтиёжлар — гурухий эҳтиёжлардир. Масалан, бир гурухда 30 та ўқувчи бор. Ҳар бир ўқувчи кўпроқ билим олиш ниятида коллежга келади. Аммо бу ниятга у бутун гурух ўқувчилари билан биргаликда дарс тинглаш, вазифалар тайёрлаш, тўғаракларда ва жамоат ишларида фаол қатнашиш орқали эришади. Бу ерда ҳар бир айрим ўқувчининг якка эҳтиёжи учун ва коллежнинг умумий эҳтиёжи билан бирлашади. Бу эҳтиёжларни қондиришда коллеж жамоаси ва коллеж ихтиёридаги мол-мулк қатнашади. Оила-

вий эхтиёж гурухий эхтиёжнинг ўзига хос кўринишидир. Ота-оналаримиз, опа-акаларимиз заводларда, фабрикаларда ва турли ташкилотларда ишлайди. Бу ерларда ҳам гурухий эхтиёжлар амал қиласди. Ҳар бир ишчи, ҳар бир ходим яхши ишлаб, даромад олишга ҳаракат қиласди. Аммо бу якка эхтиёжларни талаблар даражасида қондирилиши учун меҳнат жамоаларининг умумий эхтиёжларининг умумий истаги — корхона фаолияти юксак самара берилдиши лозим.

Мамлакатда миллионлаб аҳоли яшайди, минглаб корхона, ташкилот ва муассасалар фаолият кўрсатади. Аҳоли ва меҳнат жамоаларининг якка ва гурухий эхтиёжларининг мажмуи умумжамият эхтиёжларини вужудга келтиради. Мамлакат аҳолиси ва меҳнат жамоаларининг жамиятга бирлашиб, яхлит организм сифатида амал қилишини таъминлайдиган эхтиёжлар ҳам умумжамият эхтиёжларининг таркибий қисмлариdir. Булар: мамлакат тинчлиги: аҳолининг сиҳат-саломат яшаси ва камол топиши; чекланган ресурслардан тежамли фойдаланиш; атроф-муҳит тозалиги; ялпи миллий маҳсулот ва ялпи миллий даромаднинг кўпайиб бориши; давлатнинг жаҳон миқёсидаги мавқенини ошиб бориши ва бошқалар.

Жамиятдаги эхтиёжларнинг миқёси ва бу эхтиёжларни қондириш имконияти қўйидагиларга боғлиқ:

1. Мамлакат иқтисодий тараққиётидаги эришилган даражага;
2. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузумига;
3. Ҳаёт кечиришнинг табиий-жўрофий шароитига;
4. Тарихий-миллий анъаналар ва урф-одатларга;
5. Ҳалқаро муҳитга ва ҳамкорлик даражасига.

Маълумки, ҳозирги вақтда дунёда ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган ва камбағал мамлакатлар бор. Масалан, Эфиопия, Самоли, Чад каби мамлакатлардаги якка, гурухий ва умумжамият эхтиёжларини АҚШ, Япония, Люксембург каби мамлакатлардаги якка, гурухий ва умумжамият эхтиёжларига солиштирсан бу мамлакатлардаги эхтиёжлар миқёси ва қондириш имкониятларида жуда катта фарқ борлигини кўрамиз. Ривожланган мамлакатлар эхтиёжларининг миқёси кенг ва хилма хилдир.

Кишилик жамияти турли ижтимоий-иқтисодий тузумларни босиб ўтмоқда. XX асрнинг 70 йилдан ортиқроқ даврда дунёда икки бир-бирига қарама қарши тузум — капитализм ва социализм амал қилди. Капитализм шароитида жамият аҳолиси ёппасига мулксиз иш-

лаб чиқариш воситаларига таянади. Ўтган ўн йилларда капиталистик мамлакатларда мулкий муносабатларнинг инсонийлашуви юз берди ва жуда кўп мулксиз кишилар мулк эгаларига айланаб қолди. Бозор иқтисодиётни одаларнинг мулк эгаларига айланаб бориши уларнинг эҳтиёжларини кенгайиб, хилма хиллашиб бориши билан биргаликда борди. Жамият аъзоларининг аксарият кўпчилигига ўзларида мужассамланган бутун иқтисодий имкониятларини ишга солиб, ҳалол меҳнат қилиш орқали бойиб боришига интилиш эҳтиёжи таркиб топди. Аҳоли мулксизлигига асосланган социалистик жамиятда эса, аҳолининг яшаш даражаси йиллардан-йилларга пасайиб борди. Шунга мувофиқ равишда аҳолининг эҳтиёжлари торайиб, бир хиллашиб борди. Аҳолини аксарият кўпчилигига бирламчи ҳаётини эҳтиёжлар устун бўлиб қолди. Ёки бўлмаса, эҳтиёжларнинг жамият тараққиётiga бутунлай зид шакллари: амалидан фойдаланиб, бойиб олишга интилиш; қўшиб ёзиш ҳисобига бойиш; пораҳурлик; ташмачилик билан кун ўтказиш; боқимандалик эҳтиёжлари вужудга келди ва авж олди.

Ҳаёт кечиришининг табиий-жўгрофий шароитини эҳтиёжларга тасири шунда ифодаландики, совуқ иқлими минтақа ҳалқларнинг эҳтиёжлари иссиқ иқлими минтақа ҳалқларининг эҳтиёжларига қараганда кенгроқ ва хилма хилроқдир. Совуқ иқлими минтақада яшашлари ва фаолият курсатишлари учун одамларга иссиқ иқлим-бошлар, пойафзаллар, иссиқ уй-жой, юқори ҳаллорини овқатлар керак. Ҳолбуки, иссиқ минтақа ҳалқлари буидай нарсаларга эҳтиёж сезмайди.

Дар бир ҳалқининг ўзига хос тарихий-миллий анъанаҳалари ва одатлари бор. Бу анъана ва одатлар шу ҳалқ эҳтиёжлари таркибидаги ўзига хосликни келтириб чиқаради. Масалан, кишилар жаҳон миқёсида кенг истеъмол этиладиган уст-бош ва пойафзаллардан костюм-шим, пальто, плашч, куртка, майка, шляпа, туфлиларни ҳавас билан киядилар. Шу билан бирга, миллий либосларимиз тўн, дўппи, чакмон, яктак, пойафзаллардан маҳси, ковушларни ниҳоятда қадрлайдилар. Ҷўчка гўштини камдан-кам истеъмол этганлари ҳолда, кўй гўштига учлар.

Эҳтиёжлар ўз характеристири ва нимага қаратилганлигига қараб ҳам турӯхланади. Шу жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар уч қисмга бўлинади: 1) Моддий эҳтиёжлар; 2) Маънавий-руҳий эҳтиёжлар; 3) Меҳнат эҳтиёжлари (1-расм).

Моддий эхтиёжлар азалий, улар инсон пайдо бўлиши билан бирга юзага келган. Улар физиологик эхтиёжлардир. Улардан фарқлироқ, маънавий-руҳий эхтиёжлар азалий бўлмай, жамият тараққиётининг кейингириқ босқичларида, аниқроғи цивилизация пайдо бўлиши билан юзага келади. Моддий эхтиёжлар одамлар учун энг зарур ва ҳаётӣ бўлиб, озиқ-овқат, кийимбуш, уй-жой, саломатлик воситалари, транспорт, алоқа эхтиёжларидан иборатdir. Моддий эхтиёжларнинг қондирилиши яшашнинг бирламчи шартидир. Моддий эхтиёжлар жамият тараққий этиб боргани сари таркибан ўзгариб, мазмунан кенгайиб боради. Бу ҳолат айниқса, алоқа, транспорт ва саломатлик воситалари эхтиёжларида сезиларли кетади.

Маънавий-руҳий эхтиёжлар инсонни жамиятга кириб келишини таъминлашга қаратилган эхтиёжлардир. Бахтли бўлишга интилиш, мулкни ҳис этиш, табиий худбинлик, билим олиш, такомиллашувга интилиш, адолатга чанқоқлик, бахслашиш, ватанпарварлик эхтиёжларини қондирилиши инсонни камолот сари етакладиди.

Мехнат эхтиёжининг мавжудлиги фақат меҳнатсиз нозу-неъматлар яратиб бўлмаслигидан эмас, балки меҳнатсиз инсон ҳаётининг бўлмаслигигида, меҳнатсиз инсон шахси камол топа олмаслигидадир. Мехнат эхтиёжи инсонни ўзида мужассамланган, унинг доимий шакли йўқ, у ишлашга бўлган иштиёқда ифода этилади. Меҳнат эхтиёжи инсонда меҳнат қилиш, ижод этиш қобилияти борлигидан келиб чиқади. Инсон меҳнатда ўз ўрнини топиши, ўз қобилиятини ишга солиб, элга танилиши керак. Меҳнат эхтиёжининг ўзи моддий шаклда бўлмасада, маълум моддий шарт-шароитни талаб киласади. Меҳнат эхтиёжи моддий жиҳозланган иш жойи бўлишини талаб қиласади.

Эхтиёжларнинг уччала тури бир-бирини тақозо этади, улар фақат узвий бирликда ижтимоий-иқтисодий эхтиёжларни билдиради.

Эхтиёжларнинг ўсиб бориши -- иқтисодий қонун. Инсон ҳар доим баҳтли бўлишга интилади. Баҳтга қачон эришиши мумкин? Қачонки унинг эхтиёжлари тўлароқ қондирилганда. Киши ўз организмига зарур энергияни бера оладиган хилма хил озиқ-овқатларни еса ва исча, унинг саломатлиги таъминланади. Саломат одам яхши кийинса, яхши уй-жойларда яшаса, яхши транспорт воситаларидан фойдаланса, ўз вақтида билимини, касбхунарини ошириб борса, яхши иш жойларида фаолият


күрсатса, яхши дам олса, жамият аъзолари ўртасида яхши обрў-эътибор топса яна ҳам яхшидир. Эҳтиёжларни шундай йўсинда қондирилиб борилиши кишини тетик қиласи, кайфиятни яхшилайди, умрни узайтиради, у инсон бўлиб дунёга келганидан рози бўлиб яшайди. Шунинг ўзи баҳтлилиқдир.

Аммо баҳтлиликнинг чегараси йўқ. Баҳтлиликнинг чегараси йўқлиги — инсон эҳтиёжларининг чексизлигига намоён бўлади. Нима учун барча жонли мавжудотларнинг эҳтиёжларини чегараси бор-у, инсон эҳтиёжлари чегарасиз? Гап шундаки, инсонда бошқа барча жонли мавжудотлар табиат берган неъматларни истеъмол қилиб, ўз эҳтиёжларини етарли даражада қондира олади. Уларда фақат физиологик, табиий эҳтиёж бор. Инсон эса ўз эҳтиёжларини қондириши учун табиат берган неъматларни истеъмол қилиши билан кифояланга олмайди. Бу ҳақда Абу Али Ибн Сино таъкидлаган эди. Чунки бу неъматлар инсон эҳтиёжлари миқёсига нисбатан жуда оз. Қолаверса, инсон фақат физиологик эҳтиёжтагина эмас, айтиб ўтганимиздек, яна иқтисодий, сиёсий, руҳий, маънавий, маданий, хукуқий якка эҳтиёжларга ҳам эга. Бу эҳтиёжларнинг ҳар бирини қондирилиши у ёки бу даражада моддий неъмат бўлишини тақозо этади. Бинобарин, инсон ўзининг хилма хил эҳтиёжларини қондира олиши учун моддий неъматларни ишлаб чиқаришлари, ишлаб чиқарганда ҳам кунлардан-кунларга, йиллардан-йилларга тобора кўпроқ ишлаб чиқаришлари керак.

Инсон эҳтиёжлари ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро боғлиқлик, ўзаро алоқадорлик бор. Эҳтиёжлар ишлаб чиқаришнинг ривожланишининг мотори, уни характеристига келтирувчи куч. Чунки ишлаб чиқаришнинг мақсади инсон эҳтиёжларини қондириш. Инсон эҳтиёжларисиз ишлаб чиқаришнинг ўзи йўқ. Бир томондан, жамият тараққий этиб боргани сари ҳар бир кишининг якка эҳтиёжи ўсиб, хилма хиллашиб боради. Иккинчи томондан мамлакат ва умуман дунё аҳолиси сонининг кўпайиб бориши, инсон эҳтиёжлари ҳажмини янада ортиши билан биргаликда боради. Бу икки жараённинг кўшилиши натижасида тобора ўсиб борувчи — умуминсоний эҳтиёжлар таркиб топади ва моддий неъматлар ишлаб чиқарилишини узлуксиз кўпайиб боришини талаб қиласи.

Инсон эҳтиёжлари чексиз, аммо бу эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган ресурслар чекланган. Ишлаб чиқариш чекланган ресурслар асосида чексиз эҳтиёж-

Эҳтиёж ва уларнинг турлари



Ләрни қондириш имкониятларини инсон меңнати ва шағыл-заковати воситасида топишга ҳаракат қиласы. Бу ҳаракат давомида ишлаб чиқариш тақомиллашиб, риңожланиб, үсіб боради. Қундалик әхтиёж товарлари ва хизматларини күпроқ ишлаб чиқарылишини таъминлади. Шу билан бирға ҳали номағым, истеъмолда бұлмаган янги-янги нарсаларни яратып, одамларга күз-күз қиласы. Одамларда үша нарсаларға нисбатан бутунлай янги әхтиёжлар пайдо бўлади ва ишлаб чиқаришига ушбу нарсалардан янада күпроқ ишлаб чиқаришини сўраб, буюртма тушади. Инсон әхтиёжларини янада кенгайиши ва янгиланиши юз беради. Ҳудди шу вақтнинг үзида, янги, үсіб борувчи әхтиёжларни қондириш йўлида ишлаб чиқариш янада ривожланади, кенгаяди. Бундай объектив воқелик таъсирида кенгайтган тақрор ишлаб чиқариш ва әхтиёжларни үсіб бориши — умумиқтисодий қонунлари вужудга келди ва амал қилиб келмоқда. Эхтиёжларнинг юксалиб бориши қонунига кўра жамият аъзоларининг, бутун аҳолининг әхтиёжлари узлуксиз юксалиб боради. Эхтиёж миқдори үсіб, таркибан янгиланиб туради, эски әхтиёжлар ўрнига янгиси келади.

Эхтиёжларнинг ривожланиб бориши мураккаб тарзда юз беради. Одамлар айрим нарсаларга узоқ вақтларга-ча афзаллик беради ва улар әхтиёж сифатида узоқ сақланади. Айрим нарсалар эса, етарли даражада жамиятда ўрин топмай афзаллигини әхтиёжлар таркибидан тушиб қолади. Учинчи әхтиёжлар, мутлақо янгиси билан алмашмасдан турив ривожланиб, тақомиллашиб бориши мумкин. Бунга мисол қилиб турар жой бинолари, озиқ-овқатлар, чорва моллари әхтиёжларини олсак бўлади.

Вақтлар бўлганки, от-арава, от-омоч, арифометр, шам ва керосин лампа, сандал, бўйра кабиларга әхтиёж жуда катта бўлган. Юқ машиналари, поездлар, тракторлар, электрон ҳисоблаш машиналари, электр, электр ва газ плиталари, гиламларнинг пайдо бўлиши, уларни әхтиёжлар таркибидан сиқиб чиқариб, кейинги айтиб ўтилган нарсаларга бутунлай янги әхтиёжларни таркиб топтириди. Эски әхтиёжлар сиқиб чиқарылиб, мутлақо янги әхтиёжлар пайдо бўлишини — әхтиёжларнинг трансформацияси дейилади.

Эхтиёжлар занжирли реакция сингари бир-бираини тақозо этиб үсіб боради. Бир эхтиёж ўз кетидан бошқа әхтиёжни чақиради. Тузилиши мураккаб ва истеъмоли малака талаб қилувчи маҳсулотларга бўлган әхтиёж кетидан, уларнинг ишлатилиши билан боғлиқ бўлган

Эҳтиёжлар келиб чиқади. Масалан, автомобилга эҳтиёж кетидан уни гаражда сакдаш, ёнилғи билан таъминлаш, таъмирлаш, техникавий хизмат кўрсатишдан ўтказиш, автомобилни бошқаришни ўрганиш эҳтиёжи келиб чиқади.

Хозирги замон фан-техника инқолоби шароитида вужуда келаётган эҳтиёжларда бундай боғланиш айниқса, сезиларлидир.

Эҳтиёжлар юксалишининг тўрт жиҳати бор:

1. Муайян эҳтиёж кенгайиб микдори ўсиб боради. Яъни эҳтиёж сакланаб қолгани ҳолда, у кўпайиб боради. Масалан, аҳолининг донга бўлган эҳтиёжи 1960 йилларда 1 млн. тонна бўлган бўлса, 2000 йилларга келиб 3,5 млн. тоннага етди.

2. Мутлақо янги эҳтиёжлар пайдо бўлиб, эскилари ни сурib қўяди, эҳтиёжнинг ички таркиби — структураси ўзгаради. Масалан, режали иқтисодиёт барҳам топиб мулкни давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши натижасида одамлар мулкка эгалик қилиш, тадбиркорлик, мулк асосида бойиб бориш, мустақилик эҳтиёжлари пайдо бўлади, боқимандалик, ташмачилик эҳтиёжлари тутатилади.

3. Муайян эҳтиёжлар гурӯҳ доирасида турли эҳтиёжлар нисбати ўзгаради. Бунда муайян эҳтиёж умумий тарзда сакланади. Лекин унинг кўринишлари ва шакллари ўзгаради. Масалан, умуман транспорт эҳтиёжи сакланган ҳолда, транспортинг аниқ турларига эҳтиёж ўзгаради. Темир йўл транспорти ўрнига ҳаво транспортига, сув транспорти ўрнига автомобил транспортига устивор эҳтиёж пайдо бўлади. Унинг замирада транспортнинг қулиялиги ётади.

4. Бир эҳтиёжнинг иккинчиси билан алмаштирилиши. Бундай алмашувни амалга ошируви учун муайян эҳтиёж ўрнини боса оладиган эҳтиёжлар бўлиши зарур. Фан-техника ютуқлари асосида ривожланадиган иқтисодиёт бунга имкон яратади. Бир вақтлар патефонга эҳтиёж катта эди. Хозирги даврга келиб радио, телевизор, ауди-видео магнитофонлар, магнитофон, патефон — кабилар ўрнини эгаллади. Ўлар бир-бирлари ўрнини бемалол боса оладилар. Ўринбосарлик маҳсулотларнинг сифатига, дизайнига, нархига, истеъмолчи учун қулиялигига боғлиқ.

Эҳтиёжлар юксалишининг тўрт жиҳати бир вақтнинг ўзида амал қиласи. Лекин мамлакатлар, минтақалар тараққиёти даражасига қараб бу жиҳатлар таркиби-

ни ташкил эттан маҳсулотлар турли мамлакатларда турлича бўлиши мумкин.

Эҳтиёжларни қондириш воситалари ва усуслари. Инсон физиологик, социал-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, руҳий эҳтиёжларга эга эканлигини ва бу эҳтиёжлар якка эҳтиёж, гуруҳий эҳтиёж ва умумжамият эҳтиёжлари кўринишида намоён бўлишини кўриб чиқдик.

Айтиб ўтилган барча турдаги эҳтиёжлар мақсадга мувофиқ равишда қондирилишини талаб қиласди. Ҳар бир ҳамда айрим истеъмолчи қоникиш баҳш этадиган ёки наф келтирадиган товарлар ва хизматлар сотиб олишини ва ишлатишни хоҳлайди. Бу товарлар ва хизматларнинг рўйхати ҳайрон қоларлик даражада хилма хил ва кўпидир: уй-жой, пальто, тутма, ун, конфет, ип, телевизор, кетмон, электр хизмати, ўйинчоқ, туфли, дастурхон, китоб, шифоньер, челяк, компакт-диск, атири-упа, радио таъмири, мунчоқ ва бошқалар. Кундалик ҳаётда инсон эҳтиёжларини қондиришга керакли маҳсулотларни икки турга ажратадилар: а) биринчи ҳаётий эҳтиёж буюмлари (озик-овқат, уй-жой, кийим-кечаклар); б) зебу-зийнат буюмлари (олтин буюмлар, кимматбаҳо ширинликлар, ондатра телпаги, норка шубаси, брилиант).

Ҳаётда ўзандай ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турдимиш: Аҳмадулло учун биринчи ҳаётий эҳтиёж буюми бўлган нарса (масалан, автомобил, ондатра телпаги) бўлса, Раҳматулло учун зебу-зийнат буюми бўлиш мумкин. Ёки бир неча йиллар олдин аҳоли учун зебу-зийнат буюми бўлган нарсалар кейинроқ биринчи ҳаётий эҳтиёж буюмларига айланиб қолиши мумкин.

Масалан, яқин йилларда ҳам телевизор, магнитофон, кирювгич, соат, гилам кабилар зебу-зийнат буюми саналар эди. Ҳозирги кунларга келиб улар биринчи ҳаётий эҳтиёж буюмларига айланиб қолди.

Моддий эҳтиёжлар инсонлардан ташқари хусусий корхоналарга, давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига, жамоат ташкилотларига ҳам хосдир. Ҳар бир корхона доимо фан-техника янгиликларига, машина механизмларга. Янги хил хом-ашё ва ёқилғига, энергияяга эҳтиёж сезади.

Инсонларга хос сиёсий, маънавий, руҳий, ҳуқуқий эҳтиёжларнинг қондирилиши ҳам моддийлик билан боғлиқ. Сиёсий эҳтиёжни қондириш учун сиёсий газеталар, журналлар, адабиётлар, мажлисларда қатнашиш ёки мажлисларни ўтказиш учун муҳташам бинолар, заллар, транспорт воситалари зарур. Маънавий ва

хукуқий эҳтиёжлар — санъат, арабий ва хукуқий асарлар кўпроқ бўлишини талаб қиласи.

Кисқаси, инсоният жамияти эҳтиёжларининг асосида моддийлик ётади. Моддий эҳтиёжлар чексиз. Жамият иқтисодий фаолиятининг пировард мақсади ёки вазифаси — худди шу чексиз, хилма хил эҳтиёжларни қондиришга интилишидир. Аммо, ўзига хос муаммо шуки, моддий эҳтиёжлар чексиз, бу эҳтиёжларни қондиришга керакли иқтисодий ресурслар чеклангандир. Инсон эҳтиёжларининг умумий ҳажми иқтисодий ресурслар ҳажмига нисбатан анча кўпdir. Шундай экан, жамият хоҳлаган ҳажмдаги товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиши имкониятига ҳеч қачон эришолмайди. Мутлоқ мулкчиликни бурилиши асло мумкин эмас.

Инсоният жамияти пайдо бўлибдики, чексиз моддий эҳтиёжларни талаб даражасида қондиришга ҳаракат қилиб келади. Юксалиб келаётган эҳтиёжларни қондиришнинг бирдан-бир воситаси ишлаб чиқариш эканлиги минг йиллар аввал маълум бўлган. Минг йиллардан бўён ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Бу жараён давлатни вужудга келиши билан янада тезлашди.

Давлатнинг пайдо бўлиши билан аҳоли эҳтиёжларини қондиришнинг ички ва ташқи манбалари тўғрисида бошқотириш бошланди.

Аҳоли эҳтиёжларини қондиришнинг ички манбаи — мамлакат ҳудудидаги иқтисодий ресурсларни ишга солиши натижасида яратиладиган бойликлардир. Бу бойликлар меҳнатни ташкил этиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш йўли билан яратилади. Бунда инсон меҳнати меҳнат унумдорлиги жуда катта рол ўйнайди. Меҳнат кишилари ишлаб чиқаришга қанчалик фаол, самарали фаолият кўрсатса, шунчалик кўп моддий неъматлар яратилади, ресурслар тежалади ва эҳтиёжларни қондириш имкониятлари ошади.

Меҳнатни ташкил этиш ва амалга оширишда эҳтиёж кишиларни меҳнаттага жалб этишнинг ўзига хос ундови, боиси (мотивацияси) хизматини бажаради. Эҳтиёж бор экан одамлар ишлашга, моддий-маънавий неъматларни яратишга мажбурдирлар. Лекин, одамлар якка ҳолда, фақат ўз эҳтиёжини қондириш учун ҳаракат қилмайди. Ҳар бир инсон жамиятда, одамлар орасида яшайди, унинг тақдиди бутун жамият тақдиди билан боғланган. Шундай экан улар ижтимоий меҳнатда қатнашишлари зарур.

Инсоният жамияти ижтимоий меҳнатга жалб этишнинг куйидаги усууларидан фойдаланиб келган: зулм ва қылтак йўли билан меҳнатга жалб этиш; иқтисодий ҷорасизлик йўли билан меҳнатга жалб қилиш; хулқатвор ҳоҳиш йўли билан меҳнатга жалб этиш.

Жамият аъзоларини мулкдорларга ва мулксизларга ижралиб қолиши меҳнатни ташкил этиш ва бошқариши анча қийинлаштириди. Мулксиз кишиларни ишлаб чиқаришга ўз ҳоҳишлари билан кириб келишлари ва ишлаб чиқариш жараёнида онгли ҳолда, ўзларида муҗассамланган бутун иқтисодий имкониятларини ишга солиб меҳнат қилишдан манфаатдорлиги кескин камайди.

Саноат ишлаб чиқаришини вужудга келиши, ишлаб чиқаришда машина механизmlардан кенг фойдаланиш— меҳнатга бўлган талабни қисқартириди, минглаб миллионлаб меҳнатга яроқли одамлар ишсиз, шу билан бир нақтда тириклилик воситаларисиз қолди. Капитализм деб италувчи тузумда мулксизлик ва унинг оқибатида келиб чиққан очлик, ночорлик меҳнат кишиларини ишлаб чиқаришга «иктисодий мажбурлаб» олиб кирди.

XX аср – фан-техника инқилоби аспи бўлди. Бу аср ўн йилларига ишлаб чиқаришни электрлаштириш, механизациялаштириш, автоматлаштириш, компьютеризациялаштириш ишлари амалга оширилди, биотехнологиядан кенг фойдаланиммоқда. Ҳар бир иш жойининг баҳоси бекиёс даражада ўсади. Бу иш жойларида фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимларнинг яратувчилик имкониятлари жуда кенгайди. Меҳнатнинг аксариёт кўп ҳиссаси мураккаб меҳнатга, олий билим, юксак интеллектуал қобилият талаб қиласидиган ақлий меҳнатга, шу билан бирга, катта даромад келтирадиган меҳнатта айлана бошлади.

Яна бир ҳақиқат шуки, бу асрда айрим мамлакатларнинг (у каттами, кичикми, тарақкий этганми, кам тарақкий этганми, бундан қатъий назар) иқтисодий ҳаёти халқаро бозорга боғлиқ бўлиб қолди. Қайси мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар ҳаридоргир бўлса, бу мамлакатнинг жаҳон бозоридаги таъсир доираси кенгайиб боради, у оладиган фойда кўп бўлади, аҳоли эҳтиёжларини қондириш имкониятлари ошиб боради. Албатта, товарлар ва хизматларнинг сифати ва турли-туманлиги ва ташаббускорлигига боғлиқ. Ҳар бир ишчи ўз корхонасини ўз оиласидек қадрлаши, уни ривожланиши ва халқаро обрў-эътибор қозониши учун ўз ҳиссасини қўшишга интилиши керак.

Бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари асосида бораётган дүнёдаги ривожланган мамлакатларда мулксизларни мулкдорларга айланиши жараёни юз бермоқда. Бу мамлакатларда меҳнатта жалб этишининг хулқ-атвор ва хоҳиши йўлидан фойдаланиш бошлианди.

Мамлакат аҳолисининг юксалиб борувчи эҳтиёжларини қондириша ташки манбалардан фойдаланиш тарихи ҳам ўзига хосдир. Асрлар давомида қучли давлатлар ўзга мамлакатлар ҳисобига бойиш мақсадида ҳаракат қилиб келди. Инсоният қанчадан-қанча минтақавий ва жаҳон урушларининг гувоҳи бўлди. Кудратли армиялар ташкил этиб бошқа мамлакатлар ҳудудларини босиб олиб, беҳисоб ўлжаларни қўлга киритиш, мағлуб мамлакатлар ҳалқларини асир олиб, улар меҳнати ҳисобига, шу мамлакатлардан олинадиган ўлпон ва солиқлар ҳисобига бойиш, ўтмиш империяларининг асосий мақсади бўлган. Ҳатто илмий йўналишга эта бўлган буюқ географик кащфиётларнинг асосий мақсади ўзга юргиларни босиб олиб, бойликларини ўмариш бўлган. Илмий изланишлар олиб борищ учун океанлараро йўлга чиқсан улкан кемаларда олимлар билан бирга қучли армия ва ҳисобсиз курол-яроғлар сузиб борган. Ҳозирги даврга келиб аҳоли эҳтиёжларини қондиришнинг ташки манбаида туб ўзгаришлар юз берди. Айтиб ўттанимиздек, мамлакатлар дунё бозори фойдасидан кўпроқ ҳиссани эгаллаб олишлари учун жаҳон бозорининг каттароқ қисмини эгаллаб олишлари керак. Бунга жаҳон бозоридаги рақобатга бардош бера оладиган янги, ҳаридоргир тайёр товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиши, ўзга мамлакатлардан арzon нархда ресурслар сотиб олиш орқали эришилади. Эҳтиёжларнинг қондирилиши самарали ишлаб чиқариш билангина чекланмайди. Бунинг учун иқтисодиётнинг тақсимлаш ва айрибошлаш каби жиҳатлари ҳам мақсадга мувофиқ амал қилиш, ҳаётий неъматлар тақсимланиш ва айрибошлаш орқали истеъмолчиларга керакли миқдорда, таркибда етиб бориши талаб қилинади.

Кишилик жамияти шахсий эҳтиёжни қондиришнинг икки усулидан фойдаланиб келмоқда:

1. Эҳтиёжни натурал истеъмол орқали қондириш;
2. Эҳтиёжни товар истеъмоли орқали қондириш.

Биринчи усул яратилган маҳсулотни ишлаб чиқарилган жойнинг ўзида, унинг эгалари томонидан бевосита истеъмол этилишидир. Деҳқончилик маҳсулни бўлган дон, мева, сабзавот, гўшт, сут кабиларни деҳқоннинг ўзини ўз оиласи билан истеъмол этиши бунга мисолдир.

Эҳтиёжнинг бундай усул билан қондирилиши қолок иқтисодиётта, хусусан натурал иқтисодиётта хос бўлган.

Бозор иқтисодиёти шароитларида эҳтиёжлар товарларни сотиб олиш орқали қондирилади. Бу иқтисодиётда ишлаб чиқариш ихтисослацган бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўзгалар эҳтиёжини мўлжаллайди ва шу сабабли бозорга чиқади. Бозорда маҳсулотлар сотилиб, пулга айланади. Тушган пулга согувчи ўзига керакли товарлар ва хизматларни сотиб олади ва истеъмол қиласди. Бу усул эҳтиёжни товар истеъмоли орқали қондирилишини билдиради.

Кўриб ўтганимиздек, чексиз эҳтиёжларни қондиришининг асосий воситаси ишлаб чиқаришдир, моддий неъматлар ишлаб чиқариш учун меҳнат қилишдир. Жамият аъзоларининг меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, шунчалик кўп моддий неъматлар яратилади. Моддий неъматларни кўп бўлиши — чексиз эҳтиёжларни тўлароқ қондиришга имкон беради. Киши меҳнати унумдорлиги кўп жиҳатдан унинг билими, касб-хунари, меҳнатга онгли ёндашуви, ҳаракати билан боғлиқ. Узбекистонда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг умумий йўналиши — баркамол авлюдни вояга отказишига қаратилган. Баркамол инсон эҳтиёжлари баланд бўлади ва бу эҳтиёжларни қондириш имкониятлари ҳам юксаклиги билан ажралиб туради.

Тақрорлаш учун саволлар.

1. Эҳтиёж ва муҳтоҷлик тушунчалари.
2. Эҳтиёжларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Якка, гурӯҳий ва умумжамият эҳтиёжлари тўрисида нималарни биласиз?
4. Жамиятдаги эҳтиёжларнинг миқёси ва бу эҳтиёжларни қондириш имкониятлари нималарга боғлиқ?
5. Эҳтиёжлар ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро боғлиқтик?
6. Эҳтиёжларни юксалиб бориш қонуни нималарни тақозо этади?
7. Эҳтиёжлар трансформациясини қандай тушунтирасиз?
8. Эҳтиёжларни қондириш воситалари ва усуслари тўрисида нималарни биласиз?
9. Иқтисодий ресурслар ва уларнинг чекланганлигини тушунтиринг.

VI Б О Б

ЖАМГАРИШ ВА ИҚТІСОДИЙ ҮСИШ

Жамгариш — ҳаётий зарурат. Олдинги бобларда таъкідланғаны, одамларнинг эхтиёжлари ва уларни қондирилиши даражаси бўлган истеъмол миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариб туради, яъни тўхтосиз равишда ортиб, ўсиб туради. Аслида кишилик жамиятининг тараққиёти истеъмолнинг қондирилишига ҳам боғлиқ. Эхтиёжларнинг, шундан келиб чиқсан ҳолда одамлар истеъмолининг үсиши замирода иккита сабаб ётади: биринчи сабаб — Ер курраси аҳолисининг йилдан-йилга сон жиҳатдан кўпайиб боришидир (гарчи инсоният тарихида аҳоли сони урушлар ва бошқа сабабларга кўра камайиб турса ҳам); иккинчи сабаб — ижтимоий ривожланиш туфайли борган сари одамларнинг неъматлар истеъмол қилиши тузилишида ўзгаришлар юз бериши, унинг ранг-баранглашиб, сифат жиҳатдан ўсиб боришидир. Демак, ўсиб бораётган эхтиёжларни қондириш учун истеъмол неъматларини (озик-овқат, кийимчек, уй-жой, маиший ва маданий хизматлар ва ҳ.к.) тобора кўпайтириш лозим.

Хўш, одамларнинг ўсиб бораётган эхтиёжларини қондириш учун жамиятнинг имкониятлари етарлимми? Бу саволнинг амалий ва назарий ечимлари мавжуд. Амалий жиҳатдан ечими шуки, ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий базасини ўстириш, молиявий имкониятларни кенгайтириш, моддий ишлаб чиқаришда ва хизматларда банд бўлган ҳодимлар сонини олдинги даражасидан ошириш, ишлаб чиқаришга қўшимча равишида меҳнат воситалари, хом ашёларни жалб қилишдир; назарий жиҳатдан эса одамларнинг ўсиб бораётган эхтиёжларини қондириб бориш учун жамгаришни амалга оширмоқ лозим.

Жамгариш нима ва у қандай манба ҳисобидан амалга оширилади?

Жамгариш дейилганда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқёсларини кенгайтириб бориш жараёни тушунлади. Ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқариш миқёсларини кенгайтириб боришнинг маълум манбалари бўлади. Барча шароитларда ишлаб чиқаришни кўпайтириб боришнинг умумий ва асосий манбай — олинадиган фойдадир. Ана шу фойда дастлабки — оддий тақрор ишлаб чиқариш хукм сурган даврда кўпин-

чи мулк эгалари томонидан шахсий истеъмол учун сирфланган. Ишлаб чиқарицини кенгайтириш зарурати пайдо бўлгач, фойда икки йўналишида тақсимлана бошланди: 1) ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий ҳамда шахсий омилларини кўпайтириш; 2) эҳтиёт (резерв) ва сугурта (рўй бериши мумкин бўлган табиий оғатларнинг оқибатларини бартараф қилиш, экологик аҳволни яхшилаш мақсадлари учун) ҳамда ижтимоий истеъмол (жамиятнинг меҳнатга яроқсиз аъзолари, маданий эҳтиёжлар, соғлиқни сақлаш, соғломлаштириш, халқ таълими, мудофаа кабилар) фондларини ташкил этиш.

Кўриниб турибдики, жамғариш нафақат иқтисодий жараён (неъматларни кўпайтириш), шу билан бирга ижтимоий жараён ҳамdir. Мамлакатда қанча кўп фойда олинса ва у тўғри, мақсадга мувофиқ тақсимланса, бу жараён жамият учун шунчалик фойдали бўлади.

Жамғарип ва фан-техника инқилоби. Жамғариш бевосита фойданинг ҳажми ва меъёрига боғлиқ бўлса-да, ижтимоий жараён бўлгани учун унга жамиятда кечадиган бошқа жараёнлар ҳам таъсир этади. Жамғаришга таъсир этадиган омиллардан бири фан-техника тараққиётидир. Бу жараён асримизнинг 50-йилларидан бошланиб, ишлаб чиқариш воситаларига, иш кучига, техникага шундай таъсир ўтказдики, бугунги ҳаётимиздаги жiddий ўзгаришлар ана шу тараққиёт натижасидир.

Фан-техника инқилоби жамғариш имкониятларини кенгайтириб бормоқда, яъни жамғариш учун янги манба туддирмоқда. Маълумки, фан-техника инқилоби шароитида техника воситаларининг емирилиши кучаяди, унинг ҳам тез ишлатилиши, ҳам маънавий эскириши (янги воситаларнинг тез янгиланиб бориши) ортади. Демак, асосий фондларнинг амортизацияси ортади, тезлашади. Натижада уларни янгилаш, такомиллаштириш, капитал таъмиглаш учун амортизация фондидан фойдаланиш зарурати туғилади.

Фан-техника инқилоби тез бораётган, саноати ривожланган илгор мамлакатларда жамғаришнинг ана шу манбай катта аҳамият касб этмоқда, жамғаришда амортизация ажратмаларининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ўз моддий омилига кўпроқ, асосланмоқда. Бундай имкониятларнинг борлиги фойданни ижтимоий мақсадлар учун, одамларнинг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш учун сарфлашга шароит яратади. Демак,

индустрисал мамлакатларда жамғаришнинг манбалари кўпроқ ва кенгроқдир.

Жамғариш ва тақрор ишлаб чиқариш. Жамғариш — тақрор ишлаб чиқаришнинг оддий шаклдан кенгайган шаклга айланishi демакдир. Оддий тақрор ишлаб чиқариш — неъматлар ва хизматларни аввалги ҳажмда, ўзгармас миқдорда тақрорламоқдир. Аслида оддий тақрор ишлаб чиқариш кишилик жамиятининг дастлабки даврларига, натурал хўжалик ҳукмрон бўлган даврга кўпроқ мувофиқ келади. Аммо оддий тақрор ишлаб чиқариш шароитида ҳам жамғариш имконияти бор бўлса-да, уни амалда рўёбга чиқариш фоят чекланган бўлади.

Кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш — ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, неъматлар миқдорининг кўпайиши, таркиби ва сифатининг яхшилаб борилишидир. Кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришнинг моддий замини — жамғаришдир. Тақрор ишлаб чиқаришнинг бу шаклида жамғариш имкониятлари ўз-ўзидан кўпайиб боради. Чунки бунда иқтисодий тараққиёт тезлашади, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади, иқтисодиётда ўсиш юз беради.

Кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришнинг яна бир ижобий томони — фан-техника тараққиётини тезлаштириш, рафтлантириб боришидир. Бунинг оқибатида меҳнат унумдорлиги ўсади, ресурсларни тежайдиган технология яратилади, меҳнат ва материал сиғими камаяди, фондлар самарадорлиги ортади ва ҳ.к. Ривожланган мамлакатлар шароитида тақрор ишлаб чиқаришни бошқариб туриш зарурати ҳам келиб чиқади, яъни бошқаришнинг иқтисодий механизмига талаб кучаяди.

Жамғариш ва инсон. Жамғариш жараёни жуда чукур ижтимоий ўзгаришларга ҳам олиб келади, биринчи навбатда, ишлаб чиқариша иш кучининг (инсоннинг) роли тубдан ўзгариши. Агар илгари инсон ишлаб чиқаришнинг шунчаки бир шахсий омили бўлган бўлса, жамғариш уни бошқарувчига, назоратчига айлантиради. Бундай шароитда ишлаб чиқаришнинг пировард натижалилиги, самарадорлиги, унумдорлиги иш кучи сифатига, тузилишига, билими, тажрибаси ва маданиятига бевосита боғлиқ бўлиб қолади. Яъни инсон ишлаб чиқаришнинг том маънодаги, ҳақиқий эгасига айланади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг тақдири мулк эгасигагина боғлиқ бўлмай, ишлаб чиқарувчига ҳам боғлиқ бўлиб қолади. Бу жамғаришнинг фоят кучли ижтимоий оқибатидир.

Инсон ролининг, ишлаб чиқаришдаги масъулияти-нинг ортиши, табиийки, фан-техника инқилоби илгари сурган янги қасбларни эгаллашни, ўқувчи ёшлардан пухта билим олишни, техника сирларини билишни, жаҳон илм-фани ютуқларини чуқур ўзлаштиришни, юксак маънавиятли бўлишни талаб қиласи. Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришиши ҳам ёшлар оидига худди ана шу талабларни кўяди.

Ишлаб чиқариш инсонга боғлиқ бўлиб қолар экан, ўз навбатида, бу ишлаб чиқаришнинг инсон томонидан унинг ўз эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилишига олиб келади. Ҳозирги замон таъбири билан айтганда, ишлаб чиқаришнинг инсонийлашви юз беради, бу тараққиёт талабига айланади. Бунинг маъноси шуки, ишлаб чиқариш тузилиши (ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлаш ва инсон эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбат) одамлар эҳтиёжларини қондириш учун ишлаш фойдасига ўзгаради, истеъмол буюмларини кўпайтириш устуворликка эришади.

Жамғариш ва бандлик масаласи. Жамғариш аҳоли, меҳнатга яроқли кишилар (меҳнат ресурслари) бандлиги масаласининг бошқача ҳал қилинишини тақозо этади. Гап шундаки, жамғариш жараёнига ишлаб чиқаришда банд бўлган жонли меҳнат (иш кучи) ўрнини техника, технология (буломлашган меҳнат) кўпроқ эгаллайди, иш кучига бўлган талаб меҳнат ресурсларининг табиий ўсишига нисбатан камайиб боради. Айниқса, демографик фаоллик (туғилиш даражасининг юқорилиги) шароитида аҳоли ичидаги ишсизлик муаммоси келиб чиқади. Худди шу ҳолат Ўрта Осиё давлатларига, жумладан, Ўзбекистонга ҳам таалдуқлидир.

Тўгри, фан-техника тараққиёти янги-янги тармоқлар (космонавтика, электротехника, радиотехника, сунъий толалар ишлаб чиқариш ва ҳ.к.)ни шакллантириб, янги ишчи қасбларини, мұҳандис-техник ихтиноссликларини, шу билан бирга, янги иш жойларини вужудга келтиради. Бу ижобий ҳолдир. Бироқ, жамғариш туфайли меҳнат ресурсларининг бир қисми ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан ортиқча бўлиб қолди. Бу нарса жамият олдига, давлат идоралари олдига бандлик масаласини ижобий ҳал қилиши муаммосини кўндаланг қилиб қўяди. Бу муаммо ривожланаётган мамлакатлар учун (жумладан, Ўзбекистон учун ҳам) долзарб бўлиб турибди.

Ана шу заруратдан келиб чиқиб, республикамиз Президентининг алоҳида кўрсатмаси билан аҳолини иж-

тимоий ҳимоя қилишнинг (шу жумладан, аҳоли бандлигини таъминлашнинг) маҳсус дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда давлат бошқарув тизимида аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи маҳсус идоралар ташкил этилди. Туманларда фаолият кўрсатаётган меҳнат биржалари жойларда бандлик муаммосини ҳал этиш билан шуғулланмоқда.

Иқтисодий ўсиш ва жамғариш: уларнинг бирлиги ва боғлиқлиги. Жамғариш — иқтисодий ўсиш омилидир. Жамият тараққиёти, унинг сифати иқтисодий ўсишга боғлиқдир. Иқтисодий ўсиш — ижтимоий маҳсулотнинг (ялпи миллий маҳсулотнинг) ҳамда уни ишлаб чиқариш омилларининг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариши, кўпайиб бориши, ортишидир. Иқтисодий ўсиш мамлакат ва миллат тақдиди билан боғлиқ, иқтисодий сиёсат ва инсон фаолияти марказида туриши лозим бўлган масаладир.

Иқтисодий ўсиш туфайли жамиятда чуқур сифат ва миқдор ўзгаришлар юз беради, моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳажми олдинги базавий даврга нисбатан кўпайиб боради, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ривожланишга зришилади.

Иқтисодий ўсиш устида гапирилар экан, унинг икки жиҳатини таъкидлаб ўтиш лозим. Биринчи томони — иқтисодий ўсиш кўлами, у жамият миқёсида қанча миқдорда маҳсулот ва хизматлар яратилганлигини ифодалайди. Ўсиш кўлами қиймат кўрсаткичларида — пулда (доллар, сўм ва ҳ.к.) талқин этилади, шунингдек у миқдорий кўрсаткичларда (тонна тонна/км, погон-метр, куб-метр ва ҳ.к.) ҳам ифодаланади. Иқтисодий ўсишнинг иккинчи томони — ўсиш суръатларидир. Ўсиш суръати иқтисодий ўсишнинг нисбий жиҳатини ифодалайди, яъни ўсиш тезлигини кўрсатади.

Иқтисодий ўсиш олдинги давларга нисбтан (1, 2, 3, 5, 10 йил ва ҳ.к.) олинади. Шуни қайд этиш керакки, иқтисодиёти ривожланган, барқарор тараққиёт йўлига тушиб олган мамлакатларда ўсиш суръатлари нисбатан паст бўлиши, аксинча, иқтисодиёти қолок мамлакатларда бу кўрсаткич юқорироқ бўлиши мумкин. Масалан, АҚШ, Буюк Британия, Германия каби мамлакатларда ўсиш суръатлари ЯММ ҳажмига нисбатан 1,5—2,6 фоиз атрофида бўлса, ривожланаётган Хитой, Вьетнам, Ҳиндистон каби мамлакатларда ўсиш суръатлари 8—12 фоиз атрофида бўлиши кузатилади. Бироқ, ўсишнинг сифат кўрсаткичи ривожланган мамлакатларда сал-

моқли бўлади, яъни ўсиш суръатининг ҳар бир фоизида салмоқли ўсиш кўлами кузатилади.

Ўсишнинг сифат жиҳати ҳам унинг миқдорий жиҳатидан кам аҳамиятли эмас. Зеро, маҳсулот ва хизматлар сифатининг ўстганлиги кўшимча маҳсулот олингандигини ифодалайди. Масалан, корхона йилига 200 минг дона трактор ишлаб чиқарар эди. Келгуси даврда унинг миқдори ўзгармай қолса-да, лекин тракторнинг иш унумдорлиги 5 фоизга ошган бўлса, бу корхонада ўсиш юз берганлигидан далолат беради.

Иқтисодий ўсишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатидан келиб чиқиб, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунданоқ бу масалага жиддий эътибор қаратилди, иқтисодий ўсишни таъминлашга оид қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқиши. Натижада 1996—2000 йилларда ўтган 1991—1992 йилларга қараганда, иқтисодиётимиизда жиддий ўсиш суръатлари кузатилди. Бу ғоят қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 ва 2000 йиллар якунларига бағишланган Мажлисларида маърузаларида Президент И. А. Каримов иқтисодиётимииздаги ижобий силжишлар, таркибий ўзгаришлар ҳақида ғуурланиб гапириб иқтисодий ўсиш борасидаги ютуқларимизни баён этди. Масалан, 1997 йилда олдинги ҳисоб йилига нисбатан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 105,2 фоизни, ЯИМнинг жон бошига ҳисоблаган кўрсаткичи 103,2 фоизни, саноат ишлаб чиқаришни 105,8 капитал қурилиш ҳажми 102,6, чакана савдо айланиши 112,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 121,3 ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 1112,2 капитал маблағлар ўзлаштириш 117,0 фоизни ташкил этган эди. Шу йилдан бошлаб ЯИМ ўсиш суръати аҳолининг ўсиш кўрсаткичидан ўзib кета бошлади. Бу айниқса, қувончли ҳодисадир.

2000 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти яна барқарорлашди ва ўсиш борасидаги ютуқлар мустаҳкамланди. Масалан, ЯИМ ҳажми 1999 йилга нисбатан 4,4 фоизга ўсади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши саноатда 106,1 фоиз, қишлоқ хўжалигига 105,9 фоизни, чакана савдо айланиши 110,5 фоизни ташкил этди. Энг муҳими — инфляция даражаси 1,9 фоизни, давлат бюджети камомади 1,9 фоизни ташкил этди (қаранг, «Ўзбекистон овози», 2000 йил, 15 феврал) Масалан инфляциянинг ойлик даражаси 1,5 фоизни ташкил этди. Бу 1999 йилдан 0,4 фоизга камроқдир, бошқача айтганда, иқтисодий ўсиш борасида 1996 йилда бошланган ижо-

бий жараён давом этмоқда. Бу ислоҳатларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги сиёsat жуда тўғри эканлигини билдиради.

Иқтисодий ўсиш — жамғаришнинг асосий манбаи бўлмиш фойданинг кўпайишига туртки беради ва бу билан ўзига ўзи йўл очади. Демак, иқтисодий ўсиш ва жамғариш бир-бiri билан диалектик боғлиқликдаги иқтисодий жараёнлардир.

Иқтисодий ўсишнинг икки типи маълум: улардан қайси бири устувор?

Иқтисодий амалиёт ўсишнинг икки типи — икки йўли борлигини тасдиқлади. Уларнинг биринчиси — экстенсив (аста-секинлик билан) ўсиш типидир. Бу йўл билан неъматларнинг кўпайишига аввалги техникавий база ва бошқа шарт-шароитлар ўзгармаган ҳолда ишлаб чиқариш омилларининг кўпайиши (кўпроқ, хом ашё, одам ресурслари, молиявий маблағлар) эвазига эришилади. Интенсив (тезкор) ўсиш типи ўсишни ишлаб чиқариш омилларининг сифат жиҳатдан яхшиланиши, тежамли технология кўлланилиши, малакалироқ ишчи кучи ишлатилиши, корхонадаги ишлаб чиқариш қувватларидан, имкониятлардан унумлироқ фойдаланиш ҳисобига таъминлайди. Бошқача айтганда, ялпи миљий маҳсулотни кўпайтириш (натижани орттириш) учун кўшимча қувватларни, кўшимча ишчи кучини сафарбар қилиш шарт эмас. Интенсив ўсиш замерида ҳозирти замон фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларидан фойдаланиш даражаси ётади.

Иқтисодий ҳаёт яна шуни тасдиқладики, интенсив ва экстенсив иқтисодий ўсиш типлари мутлақ алоҳидаликка эга эмас, улар бир-бiri билан боғлиқ, ёнма-ён намоён бўлади. Фақат у ёки бу шароитда улардан бири устуворлик қиласди. Масалан, бизнинг фан-техника инцилоби давримизда интенсив ўсиш устуворлик қиласди.

Ўзбекистоннинг бугунги шароитида иқтисодий ўсишнинг икки типи қандай нисбатларда амал қилмоқда?

Ўзбекистон — меҳнат ресурсларига бой мамлакат. Бу ҳол иқтисодий ўсиш типлари ўртасидаги нисбатга жаҳондаги даражага нисбатан ўзига хослик бағишлади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган жамият қуришга киришилган ҳозирги шароитда кўпроқ иш кучи талаб қиласидиган тармоқлар ва корхоналар (ўрта ва кичик ишлаб чиқариш)ни ривожлантириш күчлироқ намоён бўлмоқда. Бизда интенсив ва экстенсив ўсишни боғлаб олиб бориш, экстенсив ўсишга устуворлик бериш хусусияти мавжуд. Бироқ, бу узоқ

муддатли иқтисодий сиёсат бўлмай, давр ва шароит тақозосидир.

Умумий тараққиёт нуқтаи назаридан қараганда, интенсив ўсиш афзалроқ ва истиқболлидир. Чунки ресурслар, хом ашёлар, меҳнат ресурслари тобора камайиб бормоқда. Бундай шароитда эса чекланниб бораётган бундай ресурсларни тежаш, камроқ истеъмол қилиш орқали иқтиносдий ўсишга эришиш ҳар бир мамлакат учун тарихий заруратдир.

Интенсив ўсиш типининг қуидаги афзаликлари ни қайд этиб ўтиш мумкин: 1) маҳсулот (товар)га кам ҳаражат сарфланади; 2) маҳсулот сифати оргади; 3) оралиқ маҳсулот ҳажми камаяди; 4) пировард маҳсулот (соғ маҳсулот) ҳажми оргади; 5) аҳоли турмуш даражаси кўтарилади; 6) маҳсулотлар (товарлар) жаҳон андозаларига яқинлашади.

Мана шу афзаликлар туфайли барча корхоналар интенсив ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаракат қиласидилар.

Жамғариш жараёни бошқариладими?

Жамғариш жуда чукур ижтимоий-иқтисодий жараён бўлганилиги учун бошқарилиб турилиши лозим, акс ҳолда гоҳ ортиқча ишлаб чиқариш, гоҳ иқтисодий тақчиллик кўринишларида иқтисодий инқироз содир бўлиши мумкин. Масалан, индустрислам мамлакатларда қишлоқ, хўжалиги ҳам юксак ривожланган бўлади, аҳоли эҳтиёжларидан, харид қувватидан ортиқча ишлаб чиқариш эҳтимоли сақланиб туради. Бунга йўл қўймаслик мақсадида Ғарб давлатларида маҳсулотларнинг у ёки бу тури ортиқча ишлаб чиқарилиб, истрофгарчиликка сабаб бўлмаслиги учун давлат харид баҳолари пасайтирилиб турилади. Амалда бундай нарх сиёсати жуда яхши самаралар берадиган. Буни Европа Иқтисодий Ҳамжамияти тажрибаси кўрсатиб турибди.

Бизга маълумки, собиқ Иттилоғда истеъмол буюларининг аҳоли эҳтиёжларидан, ҳатто сотиб олиш қувватларидан ҳам камайиб кетиши содир бўлди. Бунинг асосий сабаби — жамғариш қонуни талабларининг хаспўшланганлиги, назар-писанд қилинмаганлиги, яъни жамғариш билан истеъмолнинг нисбати бузилганлигидир. Натижада ишлаб чиқариш воситаларини кўпроқ ҳосил қилиш тенденцияси вужудга келди. Оқибатда деярли барча истеъмол неъматларига, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига аҳоли талаби шу қадар ошидики, уларнинг нархлари мисли кўрилмаган даражада ортиб кетди.

Жамғарыш ва иқтисодий ўсиш муаммоси Ўзбекистонда қандай ечим топмоқда?

Иқтисодиётда ўсишга қандай еришиш мумкин? Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бу саволга жуда ҳам асосли, илмий жавоб берди: биринчидан, мамлакатда сиёсий барқарорликка еришиш; иккинчидан, иқтисодиётда мўътадилликни таъминлаш; учинчидан, мамлакат эга бўлган барча моддий, меҳнат, молиявий, илмий кувватларни тўла сафарбар қилиш; тўртингидан, халқаро кредит ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётни жонлантиришга жалб этиш; барча фуқароларни ўз юрти ободлиги ва истиқболи йўлида унумли ишлашга ундаш, миллий гуурни ўстириш.

Ўзбекистоннинг иқтисодий равнақи Дунё океани, халқаро сув йўлларига чиқиш билан ҳам таъминланishiни назарда тутиб, Осиё Иқтисодий ҳамжамияти (Ўрта Осиё давлатлари, Покистон, Хиндистон, Эрон, Афғонистон) доирасида Ўзбекистоннинг Хитой орқали Тинч океанга, Покистон орқали Ҳинд ва Атлантика океанларига чиқиши учун автомобиль ва темир йўл тармоқлари қурилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, республикамиз иқтисодиётидаги ўсиш суръатларини оширишнинг ҳам ички (миллий), ҳам халқаро (ташқи) имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Айниқса, ТРАСЕКА халқаро транспорт йўналишиниң ўзлаштирилиши Ўзбекистонни Кавказорти давлатлари, Дунай бўйи мамлакатлари орқали бутун Европа билан иқтисодий ҳамкорликка ғоят қулай имкониятлар очади.

Тақорлаш учун саволлар.

1. Жамғариш нима, нима учун жамғариш лозим?
2. Жамғариш қандай манбалар ҳисобига амалга оширилади?
3. Илмий техника инқиlobи жамғариш ва иқтисодий ўсиш жараёнига қандай таъсир кўрсатади?
4. Интенсив иқтисодий ўсишнинг устуворлиги нима билан баҳоланиади?
5. Жамғариш инсон омилиининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятига қандай ўзгаришлар киритади?
6. Жамғариш жараёнида иш ўринлари ва бандлик масаласида қандай сифат ўзгаришлар юз беради?
7. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш жараёни қандай ечим топмоқда?
8. Нима учун ЯИМ маҳсулот ўсишининг аҳоли ўсиш даражасидан юқори бўлиб бораёттанини нисбий ҳол деб баҳоланилмоқда?
9. Республикамиздаги иқтисодий ўсиш суръатлари МДҲ давлатлари кўрсаткичларидан юқори бўлаётганини сиз нима билан баҳолайсиз?

10. 2000 йил иқтисодиётимиздан, ўсиш күрсаткычларини мазмун жиҳатдан, күлами жиҳатдан бойроқ ва чукурроқ эканини сиз қандай түшүнтирасиз?

П Б О Б

РЕСУРСЛАР: МАЗМУНИ, ТАРКИБИ, ТАҚСИМЛАНИШИ, ИСТЕЙМОЛ ҚИЛИНИШИ

Эхтиёжларнинг ўсиб бориши. Кишилик жамият ривожланиб борар экан, одамларнинг истеъмол буюмларига, турли неъматларга, хизматларга бўлган эхтиёжлари тўхтовсиз ортиб боради. Эхтиёжларнинг ўсиб бориши объектив иқтисодий қонундир, унинг талабларини ҳисобга олган ҳолда хўжалик фаолияти юргизиш ҳар қандай тараққиётнинг зарурий талабидир. Бу иқтисодий қонун умумий қонундир, у кишилик жамиятининг барча ижтимоий-иктисодий тизимларидан, иқтисодий даврларда амал қиласи. Эхтиёжларнинг ўсиб бориши иқтисодий қонунининг моҳияти шуки, одамлар сон жиҳатдан кўпайиб боради, бу жараён демография қонунилари билан бошқарилади, айни вақтда одамларнинг эхтиёжлари тузилиши ўзгаради, истеъмолларнинг тури кўпаяди. Эхтиёжларни қондириш эса ҳар қандай тараққиётнинг асосидир, эхтиёжлари қондирилмаган ҳар қандай тузум, мамлакат таназзулга учрайди.

Табиий ресурслар. Одамларнинг кўпайиб бориши туфайли турли-туман эхтиёжларини қондиришнинг асосий ва бош манбаи табиатdir, унинг ресурслари, бойликларидир. Бу ресурслар ер остида, устида, дарёлар, кўллар, денгиз ва океанлар бағрида, ҳайвонот дунёсидадир. Сиртдан қараганда, табиий ресурслар битмас-туганмасдек туюлади. Бироқ, Ер юзида миллион-миллион йиллар давомида одамлар яшаб, унинг ресурслари ўзлаштирилиб, истеъмол қилиб келинаётгани, бавзи табиий ресурслар аёвсиз, ваҳшийларча тортиб олинаётганилти натижасида қайта тикланмай, камайиб бормоқда. Ҳатто бавзи фоят нодир ресурслар, кўп истеъмол қилинавериб йўқолиб кетди ёки йўқолиб бормоқда.

Табиат ресурсларини ўзлаштиришда саноат инқиlobидан кейинги давр, айниқса, XX аср рекорд қўйди, деса бўлади. Бу ҳақда кейинги йилларда турли адабиётларда, матбуот, радио, телевидениеда кўп ёзилмоқда ва ёритилмоқда. Хуллас, бизнинг давримизга келиб табиий ресурслар фоят чекланиб бормоқда. Инсоният бу

билин сўзсиз ҳисоблашиши керак, акс ҳолда келажак ҳаёт хавф остида қолиши мумкин.

Яна шунинг айтиши керакки, айрим табиий ресурслар факат муйайян бир мамлакатлар ҳудудида жойлашган, бу уларнинг миллий бойлиги, миллий мулкидир. Бироқ, уларни бошқа мамлакатларда, дунёнинг турли қитъаларида яшайдиган кишилар ҳам сотиб олиши, айирбошликлар орқали истеъмол қилишлари мумкин. Шунинг учун, у ёки бу мамлакат, унинг ҳалқи инсоният тараққиётини ўйлаб, табиий ресурслардан тежаб фойдаланиши, исрофгарчиликка йўл қўймаслиги лозим. Шу билан бирга мавжуд ресурслар, уларни ишлатиш, улардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларга хўжалик жиҳатидан эгалик қилиш айрим меҳнат жамоалари, корхоналар, оиласлар, ҳатто айрим шахслар ихтиёриладир. Демак, ресурсларни асраш ўзига ва бошқаларга фойда келтирадиган қилиб фойдаланиш, уларни келажак авлод учун асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Иқтисодиёт ва иккиламчи ресурслар. Маълумки, ресурсларнинг бир қисми иқтисодий ресурслардир, яъни дастлабки меҳнат таъсиридан ўтган, бироқ ҳали пировард маҳсулот (тайёр маҳсулот)га айланмаган ҳом ашёлар шаклидадир. Булар пахта, пила, қоракўл, жун, сабзавот, мева, ем-хашак, металл, ёқилғи кабилардир. Улардан қандай миқдорда пировард маҳсулот олиниши, уларнинг сифати кўп жиҳатдан мавжуд технология, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш даражасига, ходимларнинг малакаси, тажрибаси, ишга муносабатига ва бошқа кўлгина омилларга боғлиқ. Масалан, бир хил миқдордаги ҳом ашёдан икки хил корхона ёки ишчи (мутахассис)нинг оз ёки кўп, сифатли ёхуд сифатиз маҳсулот олишини ҳаммамиз биламиз. Шунинг учун мавжуд ҳом ашёлардан кўзда тутилган сифатли маҳсулотни олиш, кам чиқимли технология қўллаш, замонавий қасб ва малакага эга бўлиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Жамиятнинг маълум ресурслари саноат, транспорт ва бошқа корхоналарнинг чиқиндилари, «иккиламчи ҳом ашёлар» деб аталган шаклларда мавжуд. Табиий ва иқтисодий ресурсларнинг кўплаб ишлатилиши, ҳозирча тежамсиз технологиянинг қўлланилаётганлиги кўплаб саноат чиқиндиларининг, иккиламчи ҳом ашёларнинг тўпланиб қолишига олиб келмоқда. Аслида бу исрофгарчилик, хўжасизлик кўринишидир. Бироқ, ресурслар чекланган шароитда бундай ресурсларнинг кўмид ташланишига, йўқ қилиб юборилишига асло йўл қўйиб

бўлмайди. Шунинг учун ҳозирги вақтда иккиламчи ресурсларни тўпловчи, сақловчи ташкилотлар, улардан маҳсулотлар олувчи маҳсус корхоналар вужудга келмоқда, ташаббускор ишбилармонлар сони кўпаймоқда.

Шу маънода иккиламчи хом ашёларни тўплаб, уларни қайта ишлаётган, улардан ҳалқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқариши йўлга кўяётган ташаббускор ишбилармонлар кўпаяётганини мамнуният билан эътироф этиш мумкин. Масалан, Тошкент шаҳрида «Дид» деб аталган кооператив тураг жойларни чиқиндилардан тозалашнинг янги усувларини жорий этмоқда, «Шаропов» номли хусусий корхона ўтган 2 йил ичida 1000 тоннадан ортиқ, иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш учун топширди. Бу ишнинг савобли томони шундаки, у атроф-муҳитни тозалайди, соғ экологик муҳитни вужудга келтиришга ёрдам беради.

Бироқ, бу борада қилинган ишлардан кўра, ҳал қилинмаган муаммолар кўпроқ. Масалан, ҳозирда жуда ҳам кўпайиб кетган турли хусусий дўконлар, фирмалар томонидан кўплаб идишларда ичимликлар сотилаяпти, лекин улар фойдани кўзлаб бўш идишларни сотиб олмаётир. Бизда корхона ва цехларнинг ўлчамига тўғри келмайдиган чет элларда тайёрланган шишаларнинг нима бўлаётгани ҳаммага аён. Ёки ҳозирда сотилаётган полиэтилен идишларни қабул қилиб олиш ва уларни қайта ишлаш технологияси яратилмас экан, бунинг оқибати нима билан тугаши маълум. Бунинг устига, иккиламчи хом ашёларни қайта ишловчи корхоналар ва тадбиркорларга солиқ тўлашда имтиёз берилмас экан, бу муаммо янада мураккаблашади.

Ўзбекистоннинг табиий ресурслари қандай?

Ўзбекистоннинг асосий табиий ресурси, биринчи навбатда, унинг ер ва сув бойлигидир, албатта. Еримиз мамлакатимизнинг асосий бойлиги, битмас-туганмас хазинасидир, у биз учун озиқ-овқат, саноат учун қимматбаҳо хом ашё манбаидир. Ўзбекистон Республикасининг умумий майдони 44,7 млн. гектарни ташкил этади, шундан 28,0 млн. гектари (62,5 фоиз) қишлоқ ҳўжалигига тегишли ерлардир. Қишлоқ ҳўжалигига қарашли ерларнинг 4,5 млн. гектари ҳайдаладиган ерлар, 1,1 млн. гектари пичанзор, колган 22,4 млн. гектари, (81 фоиз) яйловлардан иборат.

Кўриниб турибдики, умумий ер майдонининг фақат 4 млн. гектаридан зиёдроқ қисмигина сугориладиган майдонлардир. Агар уларнинг бир қисми ҳар хил кўришилар, шаҳарлар барпо этиш, якка уй-жой курилиш-

ларига чиқиб кетаётганлиги эътиборга олинса, ердан самарали фойдаланиш қанчалик долзарб эканлиги аён бўлади.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой мамлакат. Улар ичida ёқилғи-энергетика, металл-минерал хом ашё ресурслари алоҳида ўрин эгаллайди. Олимларнинг маълумотларига қараганда, мамлакатимиз ҳудудида углеводородлар — газ ва газ' конденсати, нефт, нефт-газ конденсатнинг 140 дан зиёд конлари мавжуд. Шу нарса аён бўлдики, юртимизда газ ва нефтнинг бой заҳиралари мавжуд, бу эса мамлакатнинг ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминлаш, бу маҳсулотларни экспорт қилиш имконини беради. Кейинги йилларда янги нефть конларининг ўзлаштирилаётгани юқоридаги холосага асос бўлади. Айни чоғда гидроэнергия ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун анча бой имкониятларимиз бор. Шунингдек, Күёш энергиясидан фойдаланиш йўллари қидирилмоқда. Шу мақсадда Паркентда «Физика-Кўёш» иншоотининг курилганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида мамлакатимиз табиий бойликлари тараққиётимиз кафолатларидан бири сифатида талқин этилади ва улар ҳақида фаҳрланиш ҳисси билан ёзилади. «Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фаҳрланади — бу ерда машхур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал хом ашё турларини ўз ичига олади. Шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган заҳиралари 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга умумий минерал хом ашё потенциали 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланаётганини ҳам айтиб ўтиш керак» (230-бет). «Ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 млрд. долларлик фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ёнига 6,0—7,0 млрд. долларлик янги заҳиралар қўшилмоқда» (231-бет).

Ўзбекистон асл металлар ватани ҳамдир. Ҳозирча таркибида олтин ва кумуш бўлган 30 дан ортиқ кон аниқланган. Ўзбекистон мустақил бўлгач, ўз бойликларини ўзи тасарруф этишга киришди, 1993—2000 йил-

ларда олтин ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури ишлаб чиқилган. Ана шу мақсадда олтин ажратиб олувчи янги корхоналар курилмоқда. Олтин фоят нодир менталл, уни қазиб олиш ниҳоятда қийин ва мураккаб технологияни талаб қиласди. У уран каби бошқа рудалар билан аралаш жойлашганлиги учун ажратиб олиш қийинчиллик туғдиради. Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда бу металлни кўпайтиришнинг аҳамияти бекқиёсdir. У пул, заргарлик буюмлари, тиш протезлари тайёрлашдан ташқари энергетика воситалари ва бошқа нодир буюмлар тайёрлашнинг ҳам бебаҳо ҳом ашёсиdir.

Ўзбекистон бошқа рангли, нодир металларга ҳам бой мамлакат. Унда мис, қалай, кўргошин, вольфрам, литий, алюминий, алунлар, каолинлар, стронций, уран каби минерал ҳом ашёларнинг йирик заҳиралари мавжуд. Кейинги вақтда Чотқол-Курама төгларида, бошқа худудларимизда темир, марганец, хром, суръма каби нодир ҳом ашё конларини ўзлаштириш йўлга қўйилмоқда.

Мамлакатимизда нометалл қазилма бойликлар ҳам жуда кўп. Бунга эритувчан шпайнинг 30 дан ортиқ конлари мавжудлигини, қимматбаҳо ва безак тошлар, табиий туз, сода, сульфат, калий, ош тузи, минерал сувлар, қурилиш материаллари тайёрлаш учун ҳом ашё конлари мавжудлигини мисол қилишимиз мумкин.

Вақт асосий ресурсларидir. Вақт жуда катта бойлик бўлиб, вақтдан унумли фойдаланиш ҳар қанадӣ тарақкий этган мамлакатда юксак қадрланадиган хислатдир. Умуман, вақтнинг қадрига етиш, уни тежаш умумий иқтисодий қонун эканлиги маълум. Аммо вақтни тежаш дейилганда ўтаётган соат ёки дақиқаларни ҳисобга олишини тушуниш керак эмас. Бу ерда гап вақт бирлиги ичida бажариладиган иш ҳажми, маҳсулотлар миқдорини тежаш, исрофгарчилликка йўл қўймаслиқ, ўтаётган дамларнинг қадр-қимматини баҳолай билиш кабилар устидага бормоқда. Вақтни тежаш кенг мъянода, меҳнатнинг унумли бўлишига эришишдир.

Меҳнат ўз навбатида унумли ва унумсиз бўлиши мумкин. Унумли меҳнат — яратувчилик меҳнати, ўзининг яшаш минимумини, зарурий маҳсулотини яратиб, бошқалар учун, жамият равнақи учун қўщимча маҳсулот ҳам яратадиган киши меҳнатидир: унумсиз меҳнат — ҳатто ўзининг тирикчилик фондини ҳам яратмайдиган, зарурий маҳсулотни ҳам ишлаб чиқара олмайдиган киши меҳнатидир. Улардан бири — вақтни

тежашга, иккинчиси — вақтни исроф қилишга мисол бўлади.

Ўзбек халқида «Вақтинг кетди — нақдинг кетди» деган мақол бор. Бизнинг назаримизда «Вақтни тежаш иқтисодий қонуни» шу мақолда ўзининг тўлиқ ифодасини топган.

Меҳнат ресурслари — катта бойлик. Ўзбекистон ўзининг меҳнат ресурслари сероблиги билан ажralиб туради. Адабиётларда бизда меҳнат ресурслари (иш кучи) жуда кўп, улар ортиқча деган фикрлар тез-тез ёзилиб туради. Ҳақиқатдан ҳам шундайми? Бу мутлақ ҳақиқат бўлмай, нисбий тушунчадир, яъни республикамида меҳнат ресурслари мавжуд иш жойларига нисбатан ортиқчадир. Бундан меҳнат ресурслари чексиз, туганнамас деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Бошқа ресурслар сингари меҳнат ресурслари ҳам чекланган. Айниқса, малакали, тажрибали, замонавий қасбларни биладиган одамлар унчалик кўп эмас. Меҳнат ресурсларининг умумий ортиқчалиги шароитида шахримиздаги, вилоятиз, туманларимиздаги кўлгина корхоналар ишчи қасбларини эгаллаган кишиларнинг, ёшларининг етишмаслигидан тўла кувват билан ишламаяпти.

Ўзбекистонинг меҳнат ресурслари қандай?

Ўзбекистон аҳолиси 24 млн. кишини ташкил этади. Бу аҳолининг деярли ярми меҳнат ресурсларидир. Меҳнат ресурсларининг кўпайиши, биринчидан, аҳолининг тез табиий ўсиши ҳисобига, иккинчидан, аҳоли умр кўришининг ортиқи ҳисобига юз бермоқда. Ҳозирги даврда мавжуд меҳнатта лаёқатли аҳолининг 3,5 миллиони бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банддир. Барча меҳнат ресурсларининг 80 фоизга яқини ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларида ишламоқда. Шу билан бирга меҳнат ресурсларининг 30 фоизи соғлиқни сақлаш, умумий овқатланиш, ижтимоий таъминот, ҳалқ таълими, маданият, фан, санъат, давлат идоралари, ҳарбий хизмат каби соҳаларда хизмат қиласи.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» номли асарида мамлакатийлизнинг меҳнат заҳиралари ҳам буюк келажагимиз кафолатларидан бири тариқасида қайд этилади. «Ҳозир республика курдрагли меҳнат салоҳиятига эга, — дейилади асарда, — меҳнат заҳиралари бутун аҳолининг деярли 50 фоизини ташкил этади ва ҳар йили 210—220 минг кишига кўлпайиб бормоқда.

Меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти — унинг

ёш ва касб таркибидир. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 24 ёшга тенг. Бу XXI аср бўсағасида меҳнат заҳиралари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажralиб турадиган одамлар кўпчиликни ташкил этишига имкон беради» (254-бет).

Шунингдек китобда республика меҳнат салоҳиятининг ўзига хос жиҳатлари, яъни унинг таълим ва касбий тайёргарлик даражаси юқорилиги таъкидлаб ўтилган. Бизда ҳар 1000 кишидан 143 таси олий ва тўлиқсиз олий маълумотга, 200 нафари эса ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган мутахассислардир.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти меҳнат ресурсларининг жойланишини, таркибий тузилишини тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Мамлакатимизнинг ривожланиш тенденцияси шунга олиб келадики, меҳнат ресурсларининг асосий қисми хизмат кўрсатиш, яъни ижтимоий соҳаларга жалб этилиши лозим. Ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва унинг самарадорлигини таъминлаш вазифаси ҳам ана шу йўл билан амалга ошириллади. Ривожланган барча мамлакатлар меҳнат ресурслари тизимида ижтимоий ва хизмат қилиш соҳаларида бандлик, уларда шу ҳисобдан иктисодий равнақ ва фаровонлик бўлаётганлиги биз учун ўрганиладиган намунадир.

Меҳнат ресурслари — Ўзбекистоннинг асосий бойлиги. Шу туфайли биз бозор иктиносидиётига нисбатан қисқа муддатларда етишни мақсад қилаётган эканмиз, бунда ўлкамизнинг ана шу бой меҳнат ресурсларига асосланмоқдамиз. Чунки ўрта ва майда ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тўқимачилик, ҳунармандчilik, маиший хизмат турлари, маданий соҳаларининг ривожланиши меҳнат ресурслари билан боғланган. Аммо меҳнат ресурслари ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида илмий йўналтирилсангина улардан оқилона фойдаланиш мумкин. Мамлакатимизнинг иктиносидий равнақи кўп жиҳатдан шу масаланинг ечимига ҳам боғлиқ.

Молиявий ресурслар — иктиносидий юксалиш қалити. Иктиносидий ривожланиш йўлidan бораёттан ҳар қандай мамлакат ёки корхона мавжуд иктиносидий қийинчилликлардан чиқиши, иктиносидий тангликини енгиш, мўтадил тараққиёт йўлига чиқиб олишда молиявий, яъни пул ресурсларига зарурат сезади. Замонавий илмий-техника тараққиёти ҳам молиявий ресурсларининг етарли бўлишини талаб этади. Зоро, техникавий тараққиёт фондларининг — машина, асбоб-ускуна, иншоотлар иморат-биноларнинг тез янгиланишини тақозо этади. Демак,

молиявий ресурсларга эҳтиёж ҳар қандай тараққиётнинг заруратидир. Молиявий ресурслар мавжуд ишлаб чиқаришнинг моддий воситаларини капитал таъмирлаш, уларни янгилаш, яъни техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, ходимлар малакасини ошириш ёки малакали иш кучлари тайёрлаш, тараққиёт дастурлари ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш каби мақсадлар учун сарф қилинади.

Замонавий иқтисодиётда молиявий ресурслар инвестициялар деб аталади. Инвестициялар ички ва ташки манбалардан шаклланади. Иқтисодиёти ривож топган мамлакатларда инвестициялар миллий иқтисодиёт асосида шаклланади, эндиғина ривожланиш йўлига кирган мамлакатлар учун миллий инвестициялар етарли бўлмайди, улар хорижий инвестицияларга муҳтожлик сезадилар. Улар бу эҳтиёжларини ривожланган мамлакатлар билан ҳалқаро алоқалар ўрнатиш, ҳалқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиш, хорижий инвесторлар ва тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш каби воситалар орқали қондирадилар. Масалан, 1998 йилда мамлакатимиз итқисодиётига 1,3 млрд АҚШ доллари ҳажмида чет эл инвестицияси жойлаштирилди.

Молиявий ресурслар ёки инвестициялар номинал ёки реал шаклларда бўлиши мумкин. Номинал инвестиция дейилганда пул шаклидаги бўш маблағлар тушунилади. Бироқ пул ресурсларининг мавжудлиги факат имкониятдир. Реал инвестиция дейилганда пул ресурсларининг ишлаб чиқариш омилларига айланishi, яъни пул маблағларининг моддийлашуви тушунилади. Бу инвестиция масаласининг асосий жиҳатидир, зеро, пул ресурслари ўз вақтида ишлаб чиқариш омилларига айланмаса, улар самарасиз қолади, кўзланган иқтисодий ва ижтимоий мақсадни рӯёбга чиқармайди.

Инвестициялар билан муомала қилиш ҳар бир мамлакат раҳбариятидан, тадбиркорлардан оқилона иш юритишини, «етти ўлчаб бир кесишини», иқтисодий тафаккур ва саводхонликни талаб қиласиди.

Ресурсларни тежаш — иқтисодий равнақ омили. Инсоният тараққиёти бизни ўраб турган табиий мухит, шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш масаласини тобора долзарб қилиб қўймоқда. Бу ерда гап ўлқамизда жойлашган денгиз, дарёлар, сув омборлари, кўллар имкониятларидан, юртимизнинг бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона ҳамда самарали фойдаланишини ташкил этиш устида бормоқда. Бизнингча, табиий

муҳит, шарт-шароитлардан фойдаланиш иқтисодиётини яратиш лозим. Токи денгиз, дарёлар, кўллар, сув ишиштаридағи бой табиий ресурслар аввал такрор ишлаб чиқарилсин (масалан, сув ҳавзаларидағи балиқлар уларнинг умумий миқдорини камайтирган ҳолда овланиши керак), тиклаб борилсин. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ўлкамизда кўпгина ҳайвон ва ўсимлик турлари йўқолиб боряпти. Улар инсон ҳаётини ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам табиий таъминловчи омиллардир. Ихтимоий ишлаб чиқариш, унинг тузилиши, самарадорлиги кўп жиҳатдан ана шу ресурсларга бўлган муносабатимизга, улардан илм-фан кўрсатмалари асосида фойдаланишни йўлга қўйишимизга боғлиқ.

Ресурслар истеъмоли ва экологик хавфсизлик. Нематлар ва хизматлар яратишнинг жиддий асосларидан бири табиий ва ҳом ашё ресурслари, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳақида гапирилар экан, уларни истеъмол қилиш билан боғлиқ бир қатор экологик муаммолар хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида ресурслар истеъмоли билан боғлиқ ҳолда вужудга келган, миллий тараққиётимизга кучли раҳна солаётган экологик муаммолар ҳақида қайгуриш ҳисси билан ёзилади. Кўрсатилишича, бугунги экологик ҳавф узок йиллар давомида собиқ мустабид тузум хўжалик юритиш механизмидан вужудга келди. Булар — табиий ва ҳом ашё ресурсларидан ваҳшнийларча фойдаланиш, экстенсив усулда, катта исрофгарчиллик ва харажатлар билан хўжалик юритиш, миллий ўлкалардаги ресурсларни иложи борича тезроқ ташиб, ўзлаштириб олиш, мамлакатимиз бойликларидан фойдаланишда атроф-муҳитни ҳимоя қилишини кафолатламайдиган тартибга асосланни, пахта монополизмига асосланган аграр муносабатларни қўллаш ва бошқаларда ўз ифодасини топди.

Албатта, миллий мустақиллик бундай ҳолат билан чиқишишмайди, экологик хавфни тезроқ бартараф этиш чораларини излайди. Шу муносабат билан Президент И. А. Каримов ўзининг китобида экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қиласидиган йўналишлар мажмусини илгари суради:

- тегишли технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш. Бунда қишлоқ хўжалигига янги технологияларни қўллаш, саноат корхоналарига атмосферани, сув

ҳавзаларини, тупроқни ифлослантирганлиги учун янги солиқлар тизими жорий этиш кўзда тутилади;

- қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиши;
- катта ҳудудларида табиий шароитларни ресурслардан самарали ва комплекс фойдаланилишига олиб келадиган тарзда ўзгартериш;
- жонли табиатни маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпатириш орқали сақлаб қолишга эришиш;
- шаҳарлар ва аҳоли пунктлари курилишида урбанизациясининг барча оқибатларини тутагишига олиб келадиган тизимини барпо этиш;
- экологик кулфатлар чегара билмаслигидан келиб чиқиб, жаҳон жамоатчилигини минтақамизнинг экологик муаммоларини ҳал қилишга жалб этиш ва бошқалар.

Демак, ресурслар итсеъмоли илмий асосланган миллий дастур асосида ташкил этилиши даркор. Шундаги на миллий тараққиётимиз йўлидаги экологик хавфни баратараф этилишига эришишимиз мумкин.

Такрорлама учун саволлар.

1. Ишлаб чиқарувчи кучлар нима ва улар қандай жойлашиши лозим?
2. Ишлаб чиқариш муносабатлари деганда нимани тушунасиз?
3. Иқтисодиёт субъектлари юънлар бўлиши мумкин?
4. Мулк нима ва мулкий муносабатларни қандай тушундингиз?
5. Мулк шаклларининг кўп ва хилма хил бўлищининг зарурати нимада?
6. Нима учун Ўзбекистон Президенти мулкдорлар синфини яратишини тарихий зарурат деб ҳисоблайди?
7. Нима учун қимматбаҳо қозозларни ҳам мулк деб ҳисобламоқда?
8. Пайнинг мулк ҳақидаги моҳиятини тушунтиринг?
9. Нима учун кўп мулклиликни ва аралаш иқтисодиётни бозор иқтисодиётининг асоси дейилмоқда?

ИККИНЧИ ҚИСМ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ

VIII Б О Б

ИЖТИМОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИПНИНГ ТОВАР-ПУЛ ШАКЛИ

Натурал ишлаб чиқариш — ижтимоий хўжалик юритишинг дастлабки шакли. Ижтимоий ишлаб чиқариши ташкил этищнинг тарихий ривожига назар солинса, маълум бўладики, моддий неъматлар яратишнинг дастлабки шакли натурал ишлаб чиқариш, уни юритишинг хўжалик шакли эса натурал хўжалик бўлган. Бу хўжаликда неъматлар ишлаб чиқариш тор иқтисодий маконда, унинг аъзолари эҳтиёжинигина бевосита қондириш мақсадида ташкил этилади. Натурал ишлаб чиқаришга хос белгилар қўйидагилардан иборатdir:

бираячи, у алоҳида, биқиқ хўжалик бўлиб, бошқа шу кабилар билан хўжалик алоқалари билан мутлоқ боғланмаган бўлади;

иккинчи, унда меҳнат тақсимоти суст ривожланган (табиий меҳнат тақсимотига асосланади), яъни хўжалик аъзолари ундаги юмушларни деярли ўзлари бажараверади;

учинчи, унда асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ерга умумий эгалик қилишга асосланади, қишлоқ хўжалиги устиворлик қиласади;

тўртингчи, унинг ишлаб чиқариш омилларига (меҳнат воситаси ва предмети, иш кучи) бўлган эҳтиёжи шу хўжаликдаги бор ресурсларгагина суннади;

бешинчи, маҳсулотларни бевосита истеъмолга мослаштириш (қайта ишлаш) ҳам унинг ўзида амалга оширилади;

олтинчи, унда меҳнат унумдорлиги паст, зеро қўл меҳнатига асосланади, малакали меҳнат йўқ;

еттингчи, энг муҳими, бу хўжаликда ишловчининг бевосита моддий манфаатдорлиги йўлга кўйилмаган.

Албатта, натурал ишлаб чиқариш (фақат ўзи учун ишлаш, ўз маҳсулотини бевосита истеъмол қилиш) жуда узоқ йиллар яшаб келди, ҳозирги даврда ҳам бъязи кўринишларда яшамоқда. Масалан, уй хўжалиги,

шахсий ёрдамчи хўжалик, дала ҳовли, дехқон ёки фермер хўжаликлари (қисман) натурал характеристини йўқотганича йўқ. Бундай хўжалик шакли ҳукмрон бўлмаса-да асрлар оша яшаётгани унинг янгиликка интилмаслиги ёки имкони йўқлиги, фоят чекланган мақсадларга йўналтирилганлиги (фақат шу хўжалик эҳтиёжи учунгина ишлаб чиқариши), ривожланиш суръатлари пастлиги, жамғариш имконияти йўқлиги, рақобат курашидан ташқаридалиги кабилар билан белгиланади.

Натурал ишлаб чиқариш ва натурал хўжалик юритишнинг тарихий миссияси шу бўлдики, у анча илгор, истиқболли янги хўжалик шаклининг — товар хўжалигининг вужудга келишига олиб келди. Албатта, товар хўжалиги узоқ тараққиёт маҳсулси сифатида пайдо бўлди, натижада инсоният цивилизацияси мана шу янги хўжалик шакли билан узвий боғланаб кетди.

Товар хўжалиги — ижтимоий ишлаб чиқаришининг илгор шакли. Натурал ишлаб чиқариш базасида ҳали товар ишлаб чиқариш вужудга келмаган шароитда товар алмашуви содир бўлган эди. Гап шундаки, бу ишлаб чиқариш тамомила табиатта, ундаги омилларга боғлиқ эди. Об-ҳаво яхши, қуёш мўл, ернинг табиий унумдорлиги ўсган шароитда натурал хўжаликда эҳтиёждан ортиқча маҳсулотлар яратилиб қолар эди. Буни «табиатнинг одамларга тухфаси» эҳсони дейиш мумкин. Ана шундай шароитда ортиқча маҳсулотлар хўжалик ташқарисига олиб чиқилар, ҳар эҳтимолга қарши бошқа маҳсулотга алмаштириш мумкин эди. Бу ҳол товар ишлаб чиқаришсиз, товар муомаласи, товар айрибошлиш, табиий равишда содир бўлганлигини кўрсатади.

Товар алмашув тасодифий характерда бўлса-да, одамлар унинг афзаллигини тобора сеза бошладилар, чунки эҳтиёжларни тўлароқ, кўпроқ неъматлар билан қондирис мумкин эди. Бу ҳол маҳсулотларни сотиш учун, алмаштириб олиш учун яратишга ҳаракатни туғдиради, яъни натурал хўжаликлар тобора бозор (бошқалар) эҳтиёжи учун, алмаштириш учун ишлайдиган маҳсус хўжаликларга айланishiга олиб келди.

Шундай қилиб эҳтиёжларни бозор орқали қондирисга хизмат қиласидиган хўжаликлар ташкил топди. Бундай хўжаликларни **товар хўжаликлари** деб аталади. Даврлар ўтиши билан бундай хўжаликлар ижтимоий ишлаб чиқаришининг асосий манбаларига айландилар, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт энди уларнинг фаолиятига, такдирига боғлиқ бўлиб қолди. Бу тарихий тараққиёт

шунга олиб келдики, бир томондан, товар хўжаликлари кўпая борди, иккинчи томондан табиий ҳолда, улар ўртасида сотиш учун рақобатни ҳам келтириб чиқарди. Дастлабки товар хўжаликлари оддий товар хўжалиги номини олди, кейинги рақобат натижасида, табақалашув оқибатида дунёга келган хўжаликлар йирик товар хўжалиги номини олди.

Оддий товар хўжалиги ишлаб чиқариш воситалари майда хусусий эгаликка, кўл меҳнатига, фаолиятдан кутилган пировард мақсад — оила ва хўжаликнинг энг зарур эҳтиёжларини алмаштириш орқали қондиришга асосланган эди. Йирик товар хўжалиги эса анча йирик хусусий мулқчиликка, ёлланма меҳнатга (яъни бошқаларни ишлатишга), бойлик ортириш, фойда олиш, жамғариш (хўжаликни янада кенгайтириш) каби хусусиятларга зга эди. Бироқ уларни бирлаштирган ягона хусусият мавжуд эди, яъни уларнинг ҳар бири ўзини ташки таъсир кучидан сақлаб қолишга, рақобатга бардош беришга, ўз хусусий манфаатларини рўёбга чиқаришга интилар эди.

Инсоният тараққиёти кўрсатдики, товар хўжаликлари натурал хўжаликлардан қатор афзаликлар билан фарқ қиласидилар. Биринчидан, булар иқтисодий жиҳатдан мустақил ва анча бақувват эди, алоҳида-алоҳида фаолият қилишга қодир хўжаликлар эди, иккинчидан, улар ўз иқтисодий манфаатларига эришиш йўлида барча восита, имкониятларни сафарбар қиласи, ҳаётда мустаҳкам турмушга интилади, ўз равнақи учун қайғуради ва ҳ.к. Бошқача айттанда товар хўжалиги умумисоний хусусиятларни ўзида гавдалантиради.

Оддий товар хўжаликларини ҳозир тараққий эттан мамлакатларидаги кичик ёки ўрта товар хўжаликларига тентглаштириш мумкин эмас. Биринчидан, оддий товар хўжалиги асосан қишлоқ хўжалигиди, аграр соҳада, кўл меҳнатига асосланни фаолият қўлса, бизнинг давримиздаги кичик корхоналар иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида мавжуд, илгор фан-техника янгиликларга асосланади ва интилади; иккинчидан, оддий товар хўжалигиди товар ҳажми кўп эмас, товар турлари чекланган бўлса, ҳозирги кичик корхоналар ишлаб чиқариш ҳажми, товар айланиш ҳажми жиҳатидан юқоридир, улар бозор конъюктурасига (ўзгаришларига) тез мослашали, катта сармояларсиз ҳам ишлай олади. Бироқ товар хўжаликлири у ёки бу мамлакат табиий, тарихий, демографик, ижтимоий ва сиёсий шароитла-

рига мувофиқ равищда турлича шаклларда фаолият кўрсатади. Масалан, бозор иқтисодиётiga ўтиб бораётган Ўзбекистон шароитида унинг ўзига хос жиҳатдан ширкат хўжалиги, пудрат хўжалиги, ижара хўжалиги бўлишини эса мамлакатимиз тарихий тараққиёти белгилаб беради.

Президент асарлари ва чиқишиларида бизнинг миллий иқтисодиётимизда, айниқса бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида майда ва ўрта ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари мухимроқ аҳамият касб этажагига эътибор қаратилмоқда.

Товар ишлаб чиқариш ва бозор иқтисодиёти моддий асосларининг яратилиши. Товар ишлаб чиқариш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг шундай ўзига хос шаклини, бунда товар ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар иқтисодий жиҳатдан мустақил бўладилар, яъни маълум кўринишдаги мулк эгалари бўлишади ва мулкни мустақил тасарруф этишади. Бунда улар ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида ишлаб чиқаради ёки хизматлар кўрсатишнинг бирон-бир турига ихтисослашадилар, яъни меҳнат турини ўз имкониятларига мувофиқ танлай оладилар. Товар ишлаб чиқариш шароитида товар ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотидан истеъмол қўймайдилар, балки уни бозорда сотиш орқали, алмаштириш билан бошқалар маҳсулоти орқали эҳтиёжларини қондиришади. Демак, товар ишлаб чиқариш ижтимоий меҳнат тақсимотига ва кўпмулклилик эгалигига асосланади. Лекин бу шарт-шароитлар жамият тарихий тараққиёти оқибатида ўзгариб боради.

Товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиёти деб аталаётган иқтисодий-ижтимоий тизимга nibsatan бирламчи асос муносабатлардир, яъни бозор иқтисодиётiga ўтиш учун маълум тарихий ўтиш даврини — унинг асосларини яратиб олмоқ керак. Бунинг биринчиси — меҳнат тақсимотини ривожлантириш бўлса, иккинчиси — кўпмулклиликни, мулк эгалигининг демократик шаклларини шакллантириб олишдир. Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтишни мақсад қилиб олган бизнинг республикамида бозор иқтисодиётiga ўтишнинг асоси сифатида авваллари монопол (хукмрон) бўлган давлат мулкчилигини хусусийлаштириш ҳамда бир қанча мулк шаклларини вужудга келтириш тадбирларини амалга оширмоқда. Албаттга бу иш осон кечмайди, у маълум вақтни талаб этади. Бу жараён иқтисодий ислоҳотларнинг бутун бир даврини эгалайди. Шу мақ-

садда ишлаб чиқилган дастур асосида товар ишлаб чиқаришдек ижтиомий ҳаётни яратмоқ учун илгор мамлакатлар тажрибалари ўрганилди ва унинг хукуқий асосий бўлган қатор қонуилар асосида товар ишлаб чиқаришдек ва унинг хукуқий асосий бўлган қатор қонуилар ишлаб чиқилди, қабул қилинди. Мамлакатимиз олдида турган асосий вазифа — товар ишлаб чиқариши бутун бир тизим сифатида шакллантиришидир. Зоро бу истиқболдаги иқтисодий тарихимиз — бозор иқтисодиётининг тамал тоши бўлади.

Товар ишлаб чиқариш бутун бир тизим сифатида яратилиши керак деганимизда бу жабхага тортилмаган бирон бир фирма, корхона, идора, муассаса, ишлаб чиқарувчи, фуқаро қолмайди, бозор объекти бўлмаган бирон-бир неъмат ёки хизмат қолмайди дегани тушунилади. Масалан, ҳатто одамларнинг иш қобилияти (иш кучи), интелектуал салоҳияти (ақл-заковати натижалари) ҳам сотилади ва сотиб олинади. Бозор иқтисодиёти тўлақонли вужудга келиши учун ҳатто ер ҳам товарга айланиши лозим.

Товар ишлаб чиқариш тизим сифатида вужудга келтирилади деганда бошқа нотовар иқтисодий муносабатлар асло бўлмайди дегани ҳам эмас. Масалан, одамларнинг ўзаро муруват кўрсатишлари, моддий ёрдам беришлари, хайрия жамғармалари, уй хўжалиги, дала ҳовли юритиш каби натурал муносабатлар ҳам мавжуд бўлиши ҳатто улар ривож топиши ҳам мумкин.

Бозор иқтисодиёти ва инсон манфаатларининг рӯёбга чиқиши. Маълумки мустақил Ўзбекистон ҳам тамомила янги иқтисодий тизимга — бозор иқтисодиёти деб аталган иқтисодий ҳаётта Президент И. А. Каримов ишлаб чиқкан илмий концепция (ишланма) ва маҳсус дастур асосида аста-секин чукур иқтисодий ислоҳотлар орқали ўтиб бормоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш мамлакатимиз мустақил миллий иқтисодиётини яратиш, ҳалқимизга муносиб фаровон демократик турмуш тарзи яратиш мақсадида бир восита бўлади. Унинг ёрдамида Ўзбекистон жаҳон ҳамкамиятига эркин, тенг хукуқли аъзо бўлиб кўшилиб кетади, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашади, унинг бир бўғининг айланади.

Гарчи бозор иқтисодиёти тарих учун, илгор мамлакатлар учун янгилик бўлмаса-да, биз учун янги муно-

¹ Қаранг: «Ўзбекистоннинг ўз истиқтол ва тараққиёт йўли», 44-бет. Таъкид бизники.

сабатлар тизимиdir. Шунинг учун ҳам бу янги иқтисодий тизим мөҳиятини мукаммал билиб олиш, у ҳақда илмий билимга эга бўлиш ғоят долзарб масаладир. Буни И. А. Каримов «янги иқтисодий тафаккур» деб атайди. Зеро, бозор иқтисодиёти йўлига кириш ва уни барпо этиш мамлакатимиз учун истиқбол, буюк келажак кўриши масаласидир. Шу маънода И. А. Каримовнинг қўйидаги сўзларини келтириш ўринли туюлади: «**Бозор иқтисодиётiga ўтиш муқаррар. Бу давр талаби, объектив реалистикдир!**».

Бозор иқтисодиёти, энг аввало, товар-пул хукмронлигига, объектив иқтисодий қонунларга, махсус қабул қилинган ҳукуқий меъёрларга сунадиган алоҳида, махсус иқтисодиётдир. Бу тизим ривож топган меҳнат таҳсимотига, ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий-ташкiliй мустақиллигига, ўз тақдири учун ўзи жавобгар бўлишга асосланадиган иқтисодиётдир. Гап бозор иқтиосдиёти устида борар экан, унинг характеристи белгиларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Хўш, бозор иқтиосдиёти нима дегани?

Биринчи, — ишлаб чиқарувчиларнинг бевосита мулк эгаси бўлиш, кўпмулклилик (давлат мулки, хусусий мулк, кооператив мулк, қўшма мулк, оила мулки, якка мулк кабилар), кўпфаолиятлилик, мулк шаклларининг дахлсизлиги ва тенглиги;

иккинчи, — ҳар бир ишга яроқли киши истеъмолчи бўлиш билан бирга, айни чоғда, товар ва хизматлар яратувчига айланиши, фақат товар (хизмат) таклиф этибина сотиб олувчи (истеъмолчи) бўла олиши;

учинчи, — товар (хизмат) яратувчи билан истеъмолчи (харидор) ўртасида тамомила янгича иқтисодий муносабат қарор топиши, энг муҳими — ишлаб чиқарышнинг мутлоқ истеъмолчи манбаатларига бўйсунадиган бўлиб қолиши;

тўртинчи, — тадбиркорлар синфининг айниқса, ўрга тадбиркорлар тоифасининг шаклланиши, одамларнинг тадбиркор бўлиб қолиши, уларнинг даромад манбалари ва даромад шакллари кўпайиши, хилма-хил бўлиши;

бешинчи, — тежамли ва самарали ҳўжалик юритилиши, илмий-техника, фан ютуқларига, илфор ва бошқарув усусларига асосланиш;

олтинчи, — рақобатни эътироф этиш, рақобатчилик муҳитини яратиш, эркин рақобатга қатнашиш ва ютиб чиқишига уриниш кабилар.

Мамлакатимизда қурилажак бозор иқтисодиёти ма-

данийлашган, бошқариладиган, демократик тамойилларга бўйсунадиган, бозор талабини доимо ўрганиб бориш орқали хўжалик юритиладиган табақалашув маълум меъёрларда юз берадиган иқтисодиёт бўлади.

Бозор иқтисодиёти, энг аввало, ўзини ўзи бошқарадиган, ўзини ўзи таъминлайдиган (ресурслар ва молия маблағлари билан таъминлайдиган) товарлари ички ва ташки бозорда эътироф этиладиган, ҳисоб-китобли иқтисодиётдир. Бу иқтисодиёт мустақил ва эркинликни талаб этади, у яккаҳокимликни (монополизмни) инкор этади, ҳаммага баб-баробар ҳукуқий имтиёзлар яратади, бозорда истеъмолчи ҳимоя қилинади, баҳолар эркин, талаб ва таклиф асосида қарор топади.

Бозор иқтисодиётида давлат билан товар (хизмат) яратувчилар ўртасидаги муносабатлар солиқ тизими билан бошқарилади, давлат иқтисодиётга бевосита аралашмайди, балки уни ҳукуқий меъёрлар билан, буюргалар бериш билан бошқарилиб турилади. Бозор иқтисодиётини унинг объектив иқтисодий қонуниятлари бошқаради. Айни чоғда парламент қабул қиласидаги ҳукуқий қонунлар (масалан, мулкчилик ҳақидаги, ижара ҳақидаги, кооперация ҳақидаги, банклар тўғрисидаги, бож ҳақидаги ва бошқа қонунлар) иқтисодиётни тартиблаштириб боради.

Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқарувчига, жамиятнинг барча аъзоларига ҳам уларнинг ўз манфатларини рўёбга чиқишига қулай шароит яратади. Масалан, товар (хизмат) ишлаб чиқарувчиларга мулкка эгалик қилиш, иқтисодиётнинг у ёки бу шаклини танлаш, нима ва қанча ишлаб чиқариш, кимга, қаерда, қандай баҳоларда сотиш (хизмат кўрсатиш) ўз даромади ва фойдасини ўз ихтиёри билан тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, давлат бюджетининг шаклланишида қатнашиш имкониятини беради. Оддий фуқароларга, барча истеъмолчиларга эса бозор иқтисодиёти товар ва хизматлар мўл-кўллигини келтиради, уларнинг сифатли маҳсулотлар истеъмол қилишга, фаровон ва тўқ яшашга моддий шароитлар яратиб беради.

Товар ва унинг хусусиятлари. Товарнинг нафлиялиги. Бозор иқтисодиётининг моддий асосини (объектини) товар ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган товарлар (хизматлар) ташкил этади. Товар сотиш учун, алмаштириш учун, бошқалар эҳтиёжини бозор орқали қондириш учун яратилган маҳсус меҳнат маҳсулидир. У ижтимоий ишлаб чиқариш, товар хўжаликлари фаоли-

ятининг пировард натижасидир. Товар фақат моддий шаклда бўлмайди, у маънавий неъматлар ва хизматлар кўрининишида ҳам мавжуддир. Айни вақтда, товар шунчаки буюк ёки неъмат эмас, у буюм шаклига кирган ижтимоий муносабатлар, одамларнинг ҳамкорлиги ва алоқалари ҳамдир. Зеро ҳар қандай фаолият товарда тавдаланавермайди. Ҳар қандай маҳсулот ёки меҳнат маҳсули товар бўла олмайди. Маҳсулот товар шаклини олмоги учун унда иккىёклама хусусият (хосса) мужассам бўлмоги даркор. Бир томондан, у атайин сотиш учун, бозор учун яратилмоги керак. Иккинчи томондан бирон-бир эҳтиёжни қондириша олиши лозим. Ҳалқ тили билан айтганда фақат сифатли, истеъмолга яроқли, сарфланган пулга муносиб нарсагина товар бўла олади.

Иқтисодиёт илмий товарнинг хусусиятларини ечиш борасида кўп тадқиқотларга бой. Бу фанда товарнинг бирон-бир эҳтиёжни қондириш хоссасини истеъмол қиймат, унинг маҳсус яратилган (сотиш учун) меҳнат натижаси эканлитини қиймат деб номланади. Демак, товар қиймат ва истеъмол қиймат бирлигидир.

Товарнинг субстанциясини меҳнат ташкил этади. Бу шунчаки меҳнат эмас, балки иккىёклама характердаги меҳнатдир. Бунинг маъноси шуки, бир томондан товар ишлаб чиқарувчи аниқ шаклдаги меҳнатини сарфлайди. Масалан, чевар костюм тикади, галлакор дон етиштиради, машинаслар дастроҳ ва машиналар яратади, тўкувчи мато тўқиёди ва ҳ.к. Демак, аниқ шаклда йўналтирилган меҳнат бирон-бир неъматни яратади, яъни истеъмол қиймат вужудга келтиради. Иккинчи томондан, товар учун одамларнинг куч-куввати, билими, маҳорати, маънавияти, умуман меҳнати сарфланади.

Бундай меҳнат товарни яхлит ҳолда гавдалантиради, яъни унинг қийматини (меҳнат маҳсули эканини) вужудга келтиради. Иқтисодиёт назарияси фанида товарнинг истеъмол қийматини яратган меҳнатни аниқ меҳнат, унинг қийматини шакллантирган меҳнатни ва асбтракт меҳнат дейилади. Демак улар товарни яратган меҳнатнинг икки жиҳатидир.

Маълум бир товарда қанча истеъмол қиймат бўлиши мумкин? Айтиш жоизки, товарда фақат бир истеъмол қиймат мавжуд холос. Шунинг учун ҳам товарлар алмашади: агар унда бир неча шундай хосса бўлганида эди товарлар алмашмас, бозорга ҳожат деярли бўлмас эди. Масалан, дўппи бош кийимига бўлган эҳтиёжни, кинофильм маданий эҳтиёжнигина қондиради. Шунга

күра улар алмашишга мойилдирлар. Бироқ бу алмашув қийматлар алмашуви тарзида рўй беради, яъни бир қиймат (мехнат) бошқа қийматга (мехнатта) алмашади.

Одатда товарларни «истеъмол қийматлари» ҳам дейилади. Бунинг маъноси шуки, товар фақат истеъмолга яроқли неъмат эканлиги назарда тутилади. Зоро, истеъмолчига яроқсиз неъмат товар бўлиши мумкин эмас. Бироқ, бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида баъзан сифатсиз маҳсулотларни ҳам сотиб олинаётганини кузатиш мумкин. Бу ҳолат нормал бозор шаклланмаганидан, тақчил «оч бозор» бўлганидан, талабга қодир таклиф йўқлигидан, ҳатто ҳали иқтисодий инқироз ҳам мавжудлигидан далолат беради. Бундай ҳолатда буюмлар паст нархларда сотиб юборилади, демак товарга сарфланган меҳнатнинг бир қисми зое кетганини билдиради.

Товар ҳақида гапирилар экан **иқтисодий нафлилик** деган ибора ҳам учраб туради. Иқтисодий нафлилик товарларнинг чекланганлик даражаси билан, бозорни истеъмолни қоплаш даражасида товарлар билан қопланмаслиги билан боғлиқдир.

Чунки неъматларни ишлаб чиқаришнинг кўпайиши уларнинг иқтисодий нафлилигига тўғри нисбатда бўлмайди, зоро неъматларнинг миқдоран кўпайиши уларнинг қадр-қийматини пасайишига, «иқтисодий қадрсизланиш»ига, яъни камроқ нафлироқ бўлишига олиб келади. Демак, товарнинг нафлилик даражаси унинг миқдоран қанчалик даражада бўлиши билан белгиланар экан.

Умуман олганда товарнинг нафлиилиги билан унга кетган харажатлар (ресурслар сарфи) ўргасида маълум боғлиқлик мавжуд, яъни айнан олинган неъматнинг кўл ишлаб чиқарилиши унинг иқтисодий нафлилигини пасайтиради ва иқтисодий харажатларни ўсишига олиб келади. Гап шундаки, талабдан ортиқ неъматлар нафлиилиги пасайиши туфайли уларга қилинган сарф-харажатлар ортиб кетади.

Товар айрибошланадиган ёки шунга йўғрилган меҳнат маҳсулидир. Товар алмашув кенг тушунча, яъни бунда одамлар ўз манфаатларини, хизматларини, тажриба, меҳнат натижаларини, яратиш усусларини алмашадилар. Алмашув жараёнида мулк эгалари ўзгаради, товар муомаладан истеъмолга ўтади ва ўзининг ҳаракатини тўхтатади. Товар алмашув орқали ҳам унумли ис-

төъмолга (ишлаб чиқаришга), ҳам шахсий истеъмолга (истеъмол буюмига) айланади. Бошқача айтганда, товар алмашув иқтисодиёт жабҳасини қайтадан бошлашга, янги иқтисодий ҳаракатга йўл очади. Худди шу маънода ҳам товарнинг нафлилигини ҳис этиш мумкин.

Товар хусусиятлари, унинг нафлилиги борасидаги мулоҳазаларга холоса ясад шуни айтишимиз мумкини, товарда иқтисодиёт олами, унинг бутун гўзалиги ва бетакрор жилваси ёрқин намоён бўлади.

Товар қийматининг микдори, товар баҳоларининг шаклланиши. Юқорида таъкидланганидек, товар (хизмат) факат меҳнат маҳсули бўлган неъматdir, яъни унда меҳнат мужассамлашган, буюмлашган, меҳнат сингтан. Бироқ ҳар қандай товар ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат бўла олмайди, факат маълум ижтиёмий шаклда, ижтиёмий зарурӣ микдор ва меъёрда қилинган меҳнаттина товар яратади. Ижтиёмий зарурӣ меҳнат деганда маълум тарихий шароитда ишлаб чиқариш омиллари, шароитлари билан ўртача даражада таъминланган, ўртача меҳнат унумдорлиги ва интенсивлиги (тиғизлиги) шароитида сарфланган меҳнат тушунилади. Худди шундай меҳнат товарнинг қийматини яратади. Товар қийматининг эса ўз мезони, ёки микдори бўлиб, бу микдор товарлар алмашинувининг асосини ташкил этади. Бироқ, товар қийматининг микдори илмий-техника тараққиёти, одамлар билими ва маҳоратининг ортиб бориши, ўзаро ҳамкорлик, фаолиятлар интеграцияси натижасида ўзгариб боради.

Товарда икки хил меҳнат гавдаланади:

биринчisi — ўтган меҳнат, «ўлик меҳнат», буюмлашган меҳнат бўлиб, у ишлаб чиқариш воситалари (бинолар, иншоотлар, машина ва механизмлар, технология, хом ашё, ёқилғи, ёрдамчи материаллар ва шу кабилар) сарфидан иборат. Демак, ишлаб чиқариш воситалари қиймати қанча паст бўлса, товарнинг қиймати ҳам шунга муносаб равишда пастроқ бўлади ва аксинча;

иккинчisi — жонли меҳнат, иш кучи сарфи, ишчи ва ходимларнинг «пешона тери»си сарфи бўлиб, у «одам-кунлари», «одам-соатлари» каби кўрсаткичларда ифодаланади.

Товар-пул муносабатлари (бозор иқтисодиёти) шароитида ҳар икки шаклдаги меҳнат пул кўринишида

бўлади, яъни меҳнат сарфлари ўша мамлакат миллий налиятасида ифодаланади. Бошқача айтганда, товарда гашаланган ижтимоий зарурий меҳнат (товар қиймати) пулда ўз ифодасини топади.

Товар қийматининг пулдаги ифодасига товарнинг баҳоси ёки нархи дейилади. Бу қоида бизнинг кунларимизгача қўлланилиб келинди. Бироқ товар баҳоси шунчаки иқтисодий категория (тушунча) эмас, айни чоғда у ижтимоий категория ҳамdir. Бунинг маъноси шуки, товар қиймати бозорда, бир товар иккинчиси билан таққосланганда билинади, яъни товар таклифи (сотишга чиқарилганлиги) ва товар талаби (сотиб олиш учун чиқилганлиги) «тўқнашганда» аниқланади. Демак, товар баҳосининг шаклланишига унинг қиймати билан бирга товарга бўлган талаб (одамларнинг сотиб олиш куввати) ва таклиф (бозор ҳажми) таъсир этади. Товарнинг истеъмол қиймати юқори бўлганида ҳам (куриниши, модаси, материали ва ҳ.к.) товар баҳоси юқорироқ бўлади. Товар баҳоларичалик одамлар турмушига бевосита таъсир этувчи восита ҳамdir.

Товар баҳоларига мамлакатдаги сиёсий вазият (сиёсий барқарорлик), инқизозий ҳолатлар ҳам таъсир этувчи омиллардир. Бундай ҳолатлар ноҳу什 бўлганда товарлар (хизмат) баҳолари, одатда бекарор бўлади, кўпинча баҳолар ортиб кетади.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида товар баҳоларини эркинлаштириш сиёсати олиб борилади. Зоро, янги иқтисодий тизимнинг талаби ҳам шундай. Давлат ўтиш даврининг дастлабки босқичларида чекланган баҳоларни ҳам қўллайди. Чунки аҳолининг ночор қатламларини химоя қилиб бориш бундай сиёсатни юргазишга асос бўлади. Масалан, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида аҳоли учун зарурий истеъмол товарлари баҳолари давлат томонидан белгилаб, назорат қилиниб борилди. Аста-секин бундай товарлар ассортименти камайтирилиб борилди, баҳолар эркинлаштирилиб борилди.

Бозор иқтисодиётি қарор топган шароитда товар (хизмат) баҳолари тўла эркинлашади, у талаб ва таклиф қонуни ва бошқа иқтисодий воситалар ёрдамида эркин шаклланади. Бизнинг мамлакатимиз ҳам ана шундай иқтисодий тизимга тезроқ ўтиш учун иқтисодий ислоҳотларни тобора чукурлаштириб бормоқда. Президент И. А. Каримовнинг 1999 йил якунлари ва 2000 йилнинг устивор вазифалари юзасидан Вазирлар Маҳ-

камаси мажлисидаги маърузасида мамлакатларимизда бозор иқтисодиёти асослари яратилди, — деган холоса берилди. Демак, иқтисодиётни, хусусан, баҳоларни эркинлаштириш борасида якунловчи босқичга киришилди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Натурал ишлаб чиқариш ва натурал хўжалик.
2. Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши.
3. Товар ишлаб чиқариш — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг илфор шакли эканлиги.
4. Товар хўжаликлари ва уларнинг ҳозирги замон шакллари.
5. Кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда уларнинг аҳамияти.
6. Бозор иқтисодиёти ва инсон манфаатлари.
7. Товар тушунчаси, унинг хусусиятлари.
8. Товар қиймати ва унинг миқдори.
9. Товарнинг нафлиилиги масаласи.
10. Ўзбекистонда шаклланётган янги товар хўжаликлари.
11. Товар баҳолари ва уларни белгиловчи омиллар.
12. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида нима учун баҳолар чекланган даражада бўлади?
13. Баҳоларнинг эркинлаштирилиши.

IX Б О Б

БОЗОР: МАЗМУНИ, ТУЗИЛИШИ, ВАЗИФАЛАРИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш шартми?

Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришди. Иқтисодий мустақилликка эришиш воситаси — жаҳон халқлари тажрибасида синалган бозор иқтисодиётига ўтишидир. Ҳозирги ривожланган, бутун дунё халқлари ҳавас қилаётган, фаровон ва демократик ҳаёт қурган АҚШ, Канада, Фарбий ва Шарқий Европа мамлакатлари тарихан шу бозор йўлидан бориб адашмаган экан. Яқинлагина қолоқ бўлган, бутун эса ўзларнинг юксак иқтисодий, маданий ижтимоий юксалиши билан танилган Япония, Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия, Туркия каби мамлакатлар ўз тақдирларини бозор иқтисодиёти билан боғлаб шу даражага эришдилар.

Демак, бизнинг бозор иқтисодиёти йўлидан бориб замонавий тараққиётта эришишимизга, фаровон турмуш тарзи қуришимизга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас, иккиланишга, кутиб туришга ўрин йўқ. Президент И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон — бозор

муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида бундай деб ёзди: «Бизнинг бозор иқтисодиётiga асосланган жамият қуришдан бошқа йўлимиз йўқ. Тўплантин тажриба, илмий таҳдил (анализ) ва ақл-идрок шундан далолат бермоқда»¹. И. А. Каримов ўзининг яна бир китобида бундан ҳам қатъйроқ қилиб шундай дейди: «Бозорга ўтиш муқаррар. Бу — давр талаби, объектив реаликдир»².

Бозор иқтисодиётига ўтиш шунчаки буюк мақсадми? Йўқ, бу мақсад эмас, бу «янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фарновонлигининг сифат жиҳатдан тубдани юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир»³.

Бозор ва бозор иқтисодиётининг мазмуни. «Бозор» тушунчаси Шарқ ҳалқлари учун бегона эмас. Бизнинг ота-боболаримиз ҳам бозор билан боғланганлар. Ҳалқимизда «шаҳар ободончилигининг белгиси мўл-кўлчилик бўлган бозордир», деган нақл бежиз айтилмаган.

Бозор — харидор билан сотувчи ўртасида товарни пулга алмаштириш жараёни юз берадиган жой, алоҳида макондир. Бозор иштирокчилари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар бўлса, унинг обьекти — товар, воситаси — пулдир. Бозор ўзининг қонун ва қоидалари билан бошқарилади, у доимо ўзгариб, кенгайиб бориш характеристига эга. Мамлакат иқтисодиёти ривожлангани сари, ички ва ҳалқаро меҳнат тақсимоти кенгайиб бориши билан бозор ҳам кенгаяди, унинг тури кўпаяди. Бозорнинг маҳаллий бозор, ҳудудий бозор, ҳалқаро бозор каби тузилмалари бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам кучайиб боради.

Бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларига, уларнинг қонунларига асосланган алоҳида иқтисодиёт шаклидир. Бозор иқтисодиёти тарихи жуда қадимги даврларга бориб тақалади, унинг келиб чиқиши ва ривожланишини меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши ва ривожланиб боришига, хусусий мулкчиликка, ишлабчиқарувчиларнинг иқтисодий (мулкий) мустақилигига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ. Лекин бозор иқтисодиётининг мустақил иқтисодиёт сифатида шаклланиб ва ривожланиб, одамлар тақдирига таъсир эта-

¹ «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», 7-бет.

² Қаранг: «Ўзбекистоннинг ўз истиқтол ва тараққиёт йўли». Т., 1992, 44-бет.

³ ўша жойда.

диган бўлиб қолиши XIV—XVII асрлардан кейинги даврларга — «капитализм» деб тарихга кирган тузумга бевосита боғлиқдир.

Бозор иқтисодиётининг характерли белгилари қуидагилардир:

- ишлаб чиқарувчиларнинг мулк эгаси бўлиши, кўпмулклилик ва кўпфаолиятилик, мулк шаклларининг даҳсизлиги ва тентлиги;
- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи (сотувчи ва харидор) ўртасида қарор топган нисбат ўзгаради, ишлаб чиқариш истеъмолчининг манфаатларига бўйсундирилади;
- ҳар бир ишга яроқли фуқаро истеъмолчи бўлиши билан бирга, айни чоғда, ишлаб чиқарувчига, товар ва хизматлар таклиф қилувчига айланади; ҳеч ким ишлаб чиқарувчи — товар ва хизматлар таклиф қилувчига айланмай туриб истеъмолчи бўла олмайди;
- фаол одамларнинг даромад манбалари ва даромад шакллари кўпаяда (иш ҳақи каби даромад ёнига ижара ҳақи, бўш пулларни банкларга кўйишдан фойзлар олиш, ҳиссадорлик фаолиятида иштирок этиб дивиденду олиш, қўшма ва аралаш корхоналар фаолиятида қатнашишдан фойда олиш кабилар);
- тежамли хўжалик юритилади, харажатлар камроқ бўлади, талон-торож ва масъулиятызлик барҳам топади;
- янгиликларга сезгилик билан муносабатда бўлиш, фан-техниканинг энг сўнгти ютуқларини дадил жорий этиш, касб маҳоратини ошириш каби хислатлар қарор топади;
- рақобат бозорнинг таркиби қисмидир. Бу кураш қонуний ва адолатли асосга курилганлиги туфайли ҳеч ким ҳеч кимдан нолимайди. Рақобат эркин бўлиб, у маълум таваккалчиликни ҳам тақозо этади.

Ўзбекистонда курилаётган бозор иқтисодиёти «ёввойи бозор» иқтисодиёти эмас, балки маданийлашган бозор иқтисодиётидир, яъни турфа мулклилик, ҳар бир кишининг бир ва бир неча мулк шаклларига бир вақтнинг ўзида эга бўла олиш, бозор талабини кучли ўрганиш (маркетинг фаолияти асосида фаолият қилиш), рақобатни рухсат этилган қонунлар йўл қўйган чегараларда олиб бориш, давлатнинг иқтисодиёт масалаларини ҳал қилишда иштирок этишини эътироф этиш ва бунга ёрдам бериш, фаолият мақсади факат шахсий бойлик ортириштинга эмас, шу билан бирга ўзидан

иҳши ном қолдириш, ижтимоий обрӯ ва шуҳратга эга бўлиш учун курашиш, жамиятда ижтимоий табақалашув боришини эътироф этиш ва ижтимоий пирамиданинг юқорироқ поғонасидан ўрин олишга интилиш ва бошқалардир.

Президент И. А. Каримов уқтирганидек, бозор иқтисодиётга ўтиш силлиқ ва осон кечмайди, унинг шаклланиш босқичида (ҳозирги даврда) «узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарининг синиши ва ишбилармөнларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатдан кескин табақаланиши, ҳукуққа зид хатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир»¹.

Бозор иқтисодиётни ўзини ўзи бошқарадиган тизим. Бозор иқтисодиётининг бизга маълум бўлган натуран ҳамда режали иқтисодиётлардан туб фарқи — унинг ўзини ўзи бошқаришидир, ташқи тасъирга, ташқаридан аралашишга ҳеч қандай зарурат йўқлигидир.

Бозор иқтисодиётида ўзини ўзи тартибга солувчи механизм мавжуд дейилганда нималар назарда тутилади? Биринчидан, бозорда товар сотилади, товар эса бошқалар эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган фаолият натижасидир. Ишлаб чиқарувчи ўз товарига бошқалар эътироф этадиган даражада меҳнат сарфласагина даромад олади, акс ҳолда у ўз меҳнатига куяди, хонавайрон бўлади.

Иккинчидан, ишлаб чиқарувчи иқтисодий жиҳатдан мустақил ва эркиндир; у нима ишлаб чиқаради, қаерда ва кимга сотади, қандай баҳоларда сотади, кимлар билан шартномалар тузиб боғланади — буларни фақат ўзи белгилайди. Ишлаб чиқарувчининг тақдири унинг ўз қўлида, шунингдек, масъулияти ҳам ўзи биландир.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти яккаҳокимликни (монополизмни) инкор этади, у ҳар бир соҳибкорга бозор муносабатларида бемалол иштирок этиши учун шартшароит яратиб беради. Бозор қонунлари, давлатнинг иқтисодиётга оид қонун ва кўрсатмалари ҳам худди ана шунга қаратилади (масалан, яккаҳокимликка қарши қонуннинг қабул қилинганилиги).

Бозор ҳаридорни ҳимоя қиласиди. Энди ҳаридор танлаб олиш, келишиб олиш, талаб қўйиш ҳукуқига эга

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 44-бет.

бўлади. Натижада бозордаги товарлар ҳаракати, мувозанати, баҳолар шаклланиши батамом бозорнинг ўз тартибларига бўйсунадики, бундан бутун жамият, барча истеъмолчилар манфаатдор бўлади.

Бозорнинг бош обьекти товар бўлса, воситаси баҳолардир. Бозорни бошқарадиган асосий воситалардан, бири — баҳолардир. Бозор иқтисодиёти ҳукмрон бўлган шароитда «баҳо — қийматнинг пулдаги ифодасидир» деган қоидага қўшимча равишда бозорда баҳоларнинг белгиланиши товарларнинг истеъмол қийматига, унинг сифати, тури, рекламасига ва бошқа жиҳатларига боғлиқдир, деган қоида ҳам қўшилади. Бозор иқтисодиётида баҳолар эркинлашади, яъни талаб ва таклиф нисбати билан белгиланади. Талаб (аҳолининг товарлар сотиб олиш қобилияти, эҳтиёжларнинг қондирилиши дараҷаси) билан таклиф (бозорда сотиш учун киритилган товарлар массаси) ўзгариб турувчи иқтисодий воқеа ва ҳодисалар бўлганлиги туфайли баҳолар ҳам доимо ўзгариб турувчи характер касб этади. Давлат маълум товарлар ва хизматларга ўз буюртмаларини бериш орқали бозор баҳоларининг шаклланишига таъсир этиб туради. Аммо давлат буюртмасига белгиланган баҳолар товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларига путур етказмаслиги, товар қийматларидан паст бўлмаслиги лозим.

Бозор иқтисодиёти тўлақонли шаклланган шароитда баҳолар иқтисодий ва ижтимоий адолатли асосларга курилганлиги туфайли жамиятда баҳолар даражасига нисбатан норозилик тугилмайди.

Бозор иқтисодиётининг ўз (махсус) қонунлари бор. Бозор иқтисодий қонунлар талаблари асосида ташкил этилади ва бошқарилади. Бозор иқтисодиёти, энг аввалио, унинг ўз (махсус) қонунлари воситасида бошқарилади. Бу қонунлар жумласига қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, пул муомаласи қонуни, рақобат кураши қонуни киради. Бу қонунлар объектив характерга эга, яъни уларни одамлар хоҳиш-иродасига, феъл-атвонрига боғлиқ эмас. Фақат уларни товар ишлаб чиқарувчилар, барча бозор субъектлари эътироф этишлари, уларнинг талабларини ўрганишлари, ана шу асосда ўз хўжалик фаoliиятларини ташкил этишлари лозим. Бу иқтисодий қонунларни эътиборга олмасдан туриб хўжалик юритиши, бозор муносабатларида уларни қўлламаслик оғир иқтисодий-ижтимоий оқибатларга олиб келади.

Бозорнинг турлари кўими?

Бозорда сотиш учун таклиф қилинган барча нарсалар, хизматлар муомалада бўлади, ҳатто пулнинг ўзи ҳам бозор обьекти бўлиши мумкин. Демак, бозор турлари унда сотиладиган товарлар, кўрсатиладиган хизматлар сонига боғлиқ. Ҳозирги даврда бозорнинг айrim турлари нисбатан шаклланган, айримлари шаклланиш жараёнида, баъзилари вужудга келтирилиши керак. Бизнинг илгариги иқтисодиётимизда ишлаб чиқариш во-ситалари бозори, истеъмол буюмлари бозори, маиший хизмат бозори кабилар мавжуд эди. Бирок, улар фақат расмий, шаклий кўринишида бўлиб, бозор қонунлари асосида ташкил этилмаган эди. Масалан, қишлоқ хўжалиги корхоналари тракторлар, турли механизмлар, ёхтиёт қисмларни пул тўлаб олардилар. Аммо уларни танлаш, заруруни олиш, ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шарғномалар орқали боғланиш хуқуқига эга эмас эдилар. Бошқа бозор турлари ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин.

Бозор муносабатларига реал ўтилаётган шароитда ҳар қандай расмиятчиликдан, хўжакўрсинчиликдан ҳалос бўлинади. Ҳозирда меҳнат (хом ашё биржаси), қимматбаҳо қофозлар (акциялар, замълар, сертификатлар, миллий валюталар) бозори, хизматлар бозори, инвестиция (бўш пул маблағлари) бозори, кўчмас мулк бозори кабилар бозор тизимида ўз ўрнини топиб боряпти.

Бозорнинг алоҳида шакли — биржалардир. Биржаларда товарларнинг намуналари ва стандартлар билан савдо қилинади, у ерда бозор иштирокчилари ўртасида аҳдномалар, шартномалар, келишувлар амалга оширилди. Биржаларда унинг иштирокчилари ғоят тадбиркорлик, ишбилармонлик, хушёрлик кўрсатмасалар товаровларини арzonга сотиб кўйишилари, ҳатто алданиб қолишилари ҳам мумкин. Биржа савдоси ҳам бозор қонунлари ва қоидалари асосида ташкил этилиши лозим.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўз хусусиятиари нималарда ифодаланади?

Ўзбекистон — ўз тарихи, маданияти, иқтисодиёти, ижтимоий тизими, ресурслари, заҳиралари ва бошқа жиҳатлари билан ажralиб турувчи мамлакат. Бошқача айтганда, бизнинг ўзимизга хос хусусиятларимиз борки, уларни бозор муносабатлари шакллантирилаётган ҳозирги даврда назарда тутмоқ ғоят зарурдир. Бу хусусиятларимиз қайсилар? Бу саволга Президент И. А. Каримовнинг илмий гаџиқотларида зинқ-равшани жавоб бе-

рилган. Биринчидан, бизга «фалаж» қилиб даволаш (шок терапияси) тўғри келмайди, яъни барча мавжуд таркиб топган тизимларни инкор этиб, йўқотиб, тамомимла янги тизимларни яратиш йўлидан бормаймиз. Биз «янги уй курмай туриб, эскисини бузмаслик» йўлидан борамиз. Иккинчидан, «бозор иқтисодиёти сари сакрашлар, инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан эмас, балки сабитқадамлик ва изчилик билан босқичмабосқич ҳаракат қилиш» йўлидан борамиз. Учинчидан, халқимиз бозор иқтисодиётига ўтишга тайёр эмаслигини назарда тутиб, бозорга ўтишда ахолини, айниқса, унинг ночор гуруҳларини ижтимоий ҳимоялаш механизми яратилади. Бунда «миллий даромадни қайта тақсимлаш — давлат кўлидаги энг асосий манба ва восита» бўлади¹. Тўртингчидан, «одамларнинг, корхоналарнинг, тармоқлар, минтақаларнинг, умуман давлатнинг манфаатларини монанд равишда уйғулаштиришни тъминлаш» йўлидан бориш. Бешингчидан, бизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг ролини ошириш назарда тутилмоқда. Аммо давлат, унинг бошқарув тузулмаларининг тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятига аралашувига ўйл кўйилмайди. Олтинчидан, фуқароларга ва юридик шахсларга ташаббус кўрсатиш, ишбилар, монликни ривожлантириш учун тент шароитлар яратиб берилади².

Мамлакатимизда қурилаётган бозор иқтисодиёти бу борадаги умумбашарий қадриятларни эътиборга олишга ҳамда уларни миллий хусусиятларимиз билан уйғулаштиришга асосланади, яъни ижтимоий ҳимояланган (ижтимоий йўналтирилган) бозор иқтисодиёти бўлади. Хўш, бундай бозор муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари яна қайсилар? Бу миллий жиҳатларга қўйидагилар киради:

- маданийлашган илфор бозор иқтисодиётининг кўпмулклилик, кўпфаолиятлилик, эркин иқтисодий фаолият танлови, талаб ва тақлифга қараб иш юритиш, рақобат асосида иқтисодиёт ривожланиши, даромадларнинг манбалар ва миқдор жиҳатдан чекланмаслиги каби умумиқтисодий хусусиятлар ҳисобга олинади;
- инсон фаровонлигини таъминлашга, ижтимоий ҳаёт тарзининг умумий ўсишига эришилади; бунда ҳар

¹ Қаранг: И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли», 46-бет.

² Қаранг: ўша асар, 46, 48, 50, 51-бетлар.

бир киши ўз фаровонлигини бошқалар манфаатини қондириш орқали таъминлай олади;

- иқтисодиёт кенг маънода демократлашади, яъни бозор субъектларининг ҳаммаси мулк соҳибларига айланади, мулкий муносабатларнинг иштирокчилари бўлади;

мулкдорларнинг ўрта тоифаси вужудга келтирилади, бу ана шу умумий фаровонликка олиб боради:

- мамлакатда ҳаддан ташқан, асоссиз бой-бадавлат ёки қашшоқлар тоифаси бўлишига йўл қўйилмайди, яъни аҳолининг кучли ижтимоий табақалашувига олиб борилмайди;

- мамлакатимиизда кучли ижтимоий ҳимоя механизми қарор топиб, оммавий, ялпи ҳимоялаш эмас, балки аниқ, шахсий мақсадли ижтимоий ҳимоя тизими яратилади.

Иқтисодий ислоҳатларнинг биринчи босқичида ўзимизга хос бозор иқтисодиёти қуришнинг дастлабки тажрибалари тўпланди, энди улар янада чукурлаштирилади.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси тез кўпаяётган, зич жойлашган ҳамда меҳнат ресурслари ортиқ бўлган мамлакатлар қаторига киради. Бунинг устига оиласда кишилар сони юқори (ўртача 6 киши атрофида) бўлганлиги туфайли жамғармалар етарли эмас, сармоялар кам. Бундай шароитда жонли меҳнатни кўп талаб қиласидиган (кўл меҳнатини талаб қиласидиган) ишлаб чиқариш тармоқларини, майда ва ўрта корхоналарни қуришга устуворлик бериш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалигига ҳам кўпроқ мева-сабзавотчилик йўналишига, чорвачиликнинг иш кучи талаб қиласидиган соҳаларига эътиборни кучайтириш айни муддаодир. Мамлакат иқтисодиётига чет эл сармояларини жалб этиш, уларга солиқ ва бошқа масалаларда имтиёзлар бериш ҳозирги даврнинг талабидир.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш тузилишини ўзгартириш — ўтиш даври талаби. Бозор иқтисодиёти моҳиятига кўра, мўл-кўл истеъмол неъматларини вужудга келтирувчи иқтисодиётдир. Бунинг маъноси, миљий маҳсулот ҳажмида шахсий истеъмол буюмлари ва хизматларнинг салмоғи ҳозирги даражадан анча юқори бўлишига эришишдир. 1990 йиллар бошида республикамизда жами ижтимоий маҳсулот ҳажмида истеъмол буюмлари салмоғи 25 фойиздан ошмас эди, ижтимоий ишлаб чиқариш, шахсий ёрдамчи хўжаликлар маҳсулоти ҳам

хом ашё сифатида ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжини қондиришга хизмат қиласр эди. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишларида ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмида истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг салмоғи ўртача 50-55 фоизга ўстирилиши кўзда тутилган, кейинчалик бу кўрсаткич янада ошириб борилиб, умумжаҳон меъёрларига етказилади.

Бозор иқтисодиётига ўтган илғор мамлакатлар ижтимоий ишлаб чиқаришида ҳалқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш салмоғи 65—75 фоизни ташкил этишини айтиб ўтиш кифоядир. Ўзбекистон ҳукумати ана шу заруратни ҳал қилиш мақсадида ҳалқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга бел боғлаган миллий ва хорижий сармоядорларга солик ҳамда бож солиши масалаларида, кредитлар ва иш кучи билан таъминлашда енгилликлар бериш ҳақида қарорлар қабул қилган. Бундай илғор ишлаб чиқариш тузилиши бозорни истеъмол буюмлари билан сероб қилишга, улар баҳоларининг арzonлашувига, ҳалқ истеъмолининг ортицига хизмат қилиши табиийдир.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланиш ва Ўзбекистоннинг ўз андозаси асосида ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида бозор иқтисодиётига ўтишнинг хорижий мамлакатларда ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган тажрибаларини чукур таҳдил қилади. Гап шундаки, жаҳон тараққиёти 80 ва 90 йиллар бошларида тамомила янги ривожланиш тартибларини илгари сурди. «Жаҳон цивилизацияси, — дейилади китобда, — ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги йўлларини ишлаб чиқди, тартибга солинадиган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган». (22-бет).

Юқоридаги китобда жаҳон мамлакатларининг бозорга ўтиш тажрибаларини умумлаштириб, бозор иқтисодиётини қуришнинг бир-биридан фарқ қилувчи учхил йўли борлиги кўрсатилди. Буларнинг биринчиси — узоқ давом этадиган эволюцион тараққиёт йўлидан бориб, ривожланган аралаш иқтисодиётни шакллантириш (ҳозирги ривожланган илғор мамлакатлар тажрибаси); иккинчи йўли — энг оддий, патриархал - феодал муносабатлар кўринишидаги анъанавий иқтисодиётнинг маданий бозор муносабатларига айлантирилиши (ривожланаётган мамлакатларнинг бозорга ўтиш

андозаси); учинчиси — собиқ социалистик мамлакаттардаги яккақомиқ, маъмурий буйруқбозлиқ бошқаруви, марказлашган режалаштириш усулидан ҳозирги бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтиш. Яна социалистик тараққиётнинг хитойча бозор иқтисодиётини куриш андозаси ҳам бор.

Хўш, кўрсатиб ўтилган андозалардан қайси бири биз учун яроқли, қайсинисини нусха қилиб олиш мумкин? Биз бошқа мамлакатларда тўпланган тажрибаларнинг республикамиз шароитига татбиқ қиласа бўладиган имкониятларни ичкор этмаймиз, албатта. Айни вақтда бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришнинг ўз миллий андозаси ишлаб чиқилди. Бу андозанинг мазмунини И. А. Каримов куйидагича шарҳдайди: «Ўзбекистон учун ўзи танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос кела-диган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир»¹.

Янги демократик жамият барпо этишнинг Ўзбекистон йўли халқимизнинг тарихий-миллий салоҳиятига, маънавиятига, ҳозирги авлоднинг куч-қудратига, унинг келажак учун умидвор интилишларига, энг муҳими ёшларимизга, уларнинг фидойилиги ва ватанпарварлигига асосланган. Бундай жамиятни куриш, унга муносиб бўлиш замонавий билимларни, айниқса, илгор иқтисодий тафаккурни, замонавий касбларни, маҳорат сирларини қунт билан эгаллашни тақозо этади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти яратилдими?

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган давлат дастури асосида (Президент И. А. Каримовнинг бозор иқтисодиётига ўтиш илмий концепцияси асосида) иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлаштирилмоқда, миллий иқтисодиётимиз эркинлаштирилмоқда, у умумжаҳон иқтисодиёти билан чуқур интеграциялаштирилмоқда. Савол туғилади — мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш ҳолати қандай? Бу саволга биз Президент И. А. Каримовнинг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириши ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жавоб айтилган. Маърузада қайд қилинадики, «Биз бозор иқти-

¹ Ўша асар, 26-бет.

содиёти асосларини яратдик...»¹. Аммо «бозор муносабатлари механизми суст ишламоқда. Бу ҳол иқтисодиётнинг барча соҳаларида — саноатда, қишлоқ хўжалигида, капитал қурилиш ва бошқа тармоқларда кўзга ташланиб турибди».

Президентнинг ана шу маъruzасида қайд этилган бозор иқтисодиётининг асослари яратилганлиги бизнинг бениҳоя катта иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ютуғимиздир. Бизнинг ҳозирги даврдаги вазифамиз ана шу «асослар»га суюниб хусусийлаштириш ишининг миқдор жиҳатларинигина эмас, балки сифат жиҳатини яхшилашдан иборат. Бу ерда гаф хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятини қўллаб-кувватлаш механизмининг яратилмаганлиги устида бораёттир. Яратилган моддий, иқтисодий, ҳукукий институционал асослар негизида иқтисодиётимиз ривожланиши бозор инфратузилмасининг ишлашига ҳам боғлиқ бўлиб қолаёттир. Президент таъкидлайдики, «Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қўйувчи инфратузилма етарли даражада ишламайти. Бозор институтлари расман ташкил этилган бўлса-да, аммо яхлит, ўзаро уйғун, энг муҳими, амалий фаолият кўрсатувчи бозор инфратузилмаси ҳали яратилганича йўқ».

Тақорлап учун саволлар.

1. Нима учун бозор иқтисодиётига ўтиш объектив зарурат, давр талабидир?
2. Бозор иқтисодиётининг режали, маъмурӣ-буйруқбозлик иқтисодиётидан туб фарқи нимада?
3. «Бозор» тушунчаси ва «Бозор иқтисодиёти» категориялари ўртасида қандай фарқлар мавжуд?
4. Бозор иқтисодиётинг характерли белгилари қайсилиар?
5. Кайси асосларга кўра бозор иқтисодиётини ўзини ўзи бошқарадиган иқтисодиёт дейилади?
6. Бозор иқтисодиётига ўтиш мақсадми ёки у фаровон демократик фуқаролик жамиятига ўтишнинг зарурий воситасими?
7. Бозор иқтисодиётининг субъекти ва объектини нималар ташкил этади?
8. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти хусусиятлари нималарда ифодаланали?

¹ Каранг «Ўзбекистон овози», 2000 йил 15 феврал.

Х Б О Б

БОЗОРНИ ЎРГАНИШ. МАРКЕТИНГ.

Маркетинг тўғрисида тушунча. Бозор иқтисодиёти кўп қиррали ва мураккаб муносабатлар мажмуудирки, ушбу муносабатларни турли воситалар ёрдамида тартибга солиш, йўналтириш ва бошқариб туриш зарур. Ҳозирги кунда илгор мамлакатларда қўлланилган ва қўлланилаётган бозор иқтисодиётида фаолиятни тартибга солишнинг турли хил усуллари мавжуд. Улардан энг мақбулларини танлаш ва фойдаланиш зарур. Маркетинг худди ана шу заруриятдан ва бозор иқтисодиётида фаолият кўрсатишнинг тартибли ва самарали ташкил этиш вазифаларидан келиб чикувчи иқтисодий воситадир.

Маркетинг - (инглизча, market — бозор) фирма (корхона)нинг узоқ муддатли, юқори даражада фойда олиш ниятида аниқ истеъмолчи талабини қондиришига қаратилган ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятидир.

Маркетингни қўллаш — талаб ва эҳтиёжни ўрганиш, уни таҳлил қилиш асосида маълум ҳажмда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, уни сотиш ва шу каби бошқа фаолият турларини барчасини қамраб олиш демакдир. Бошқача айтганда, маркетинг товар ва хизматлар ишлаб чиқарилмасдан туриб ишга тушувчи, кейин эса то истеъмолчига етиб боргандан сўнг ҳам давом этувчи ҳаракатлар бирлигидир. Унинг негизида истеъмолчи талабини қондириш ётади.

Маркетинг истеъмолчининг бугунги манфаатлари билан бирга келажакдаги эҳтиёжларини қондиришни мўлжаллайдиган, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва уларнинг ҳаракати билан узвий боғлиқ фаолият туридир. Шунингдек, маркетинг истеъмолчига билвосита таъсири ўтказишга доир кенг қамровли ишларни ҳам ўз ичига олади. Маркетинг иқтисодий маъноси кўп бўлиб, уни икки жиҳатдан қараб чиқиш мумкин. Биринчидан, корхонани ўз мақсадларига эришиш йўлида бозор талабларини қондириш учун ишлаб чиқилган **бошқарув-маркетинг тизими** сифатида. Бошқарув маркетинги ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятидаги ўзгаришларга доимий тайёрлик, бозор шароитига мослашиш (маркетинг концепцияси)дир. Иккинчидан, маркетинг турли усул ва воситалардан ташкил топувчи ва бозорда бевосита олиб бориладиган фаолият сифатида. Демак, маркетинг хизмати тўла шакланган

такдирдагина иқтисодий фаолиятдан күзланған самараларни күзатиш мүмкін.

Маркетингнің вужудга келиши ва ривожланиши. «Маркетинг» түшунчасининг иқтисодий мөхиятими очиб беріш, уннинг замонавий ўрнини аниқ белгілаш учун уннинг вужудга келиш эволюцияси босқычларини күздан кечириш мақсадға мувофиқ. Бу жараён изчил тарзда алмашадиган уч йирик даврни ўз ичига олади.

Маркетинг илми хусусан Америка иқтисодиётида XX аср бошларыда, кейинчалик эса Farb иқтисодиётида вужудга келди ва амал қилди. 1911 йилда ўша даврнинг бир қатор йирик компаниялари «Кертиспаблишинг Ко», «Ю. С. Раббер Ко» ва бошқалар дастлабки тиженрат-тадқиқот бўлимларини очадилар. Бу пайтда маркетинг ишлаб чиқариш ва маҳсулотта фаол харидор топишга йўналтирилган эди. 1901-1905 йиллар АҚШдаги Пенсильвания, Висконсон Университетларида «Маркетинг усуллари» курсидан талабалар ўқитила бошланди. 20-йилларга келиб бозордаги вазиятнинг ўзгариши, яъни товарларга бўлган талабнинг тез ошиб кетиши натижасида ишлаб чиқарищнинг ялпи тус олиши, нарҳ рақобатининг ривожланиши маркетинг бошқарувида ҳам туб ўзгаришларга сабаб бўлади. Ушбу даврга келиб товар ишлаб чиқариш ва уни харидорга иложи борича кўпроқ сотиш, фойда топишни кўзловчи асосий мақсадға айланди. Аммо 50-йилларда бозор иқтисодиёти ривожланниб бораётган мамлакатларда янги муаммолар вужудга кела бошлиди. Ишлаб чиқариш ва сотиш муносабатлари кўзланған фойдага эришиш учун етарли бўлмай қолди. Бошқача айтсак, ортиқча ва кераксиз маҳсулот ишлаб чиқариш муаммоси ҳал этилиши керак эди. Талаб ва эҳтиёжни аниқлаш, шу асосда рақобатчиларга қараганда тезроқ ва тўлароқ қондириш фойдага эришишнинг ягона йўли сифатида тан олинди.

Маркетингни бошқариш ва фирма амалий фаолиятини ташкил этишда бир қатор масалалар ечимини топишга турли бозор ҳолатларида турлича ёндашувлар вужудга келди. Демак, маркетингнинг ривожи, уннинг тараққий этиши жамият ривожи билан боялиқликда амал қилди ва амал қилмокда.

Таъкидлаш керакки, маркетинг фаолияти ривожланған чет мамлакатлардан бизга яқинда кириб келган түшунча ва фаолият деб қарашиб бир мунча хато бўлур эди. Албатта, маркетингнинг фан сифатида шаклланishi, тизимли тартибланиши ушбу мамлакатлар иқтисо-

лида вужудга келди. Лекин, унинг айрим қирралари ўтмишда Марказий Осиё халқлари, жумладан Ўзбекистонда ҳам мавжуд бўлган. У маҳаллий бозорлардаги ўзаро савдо-сотик алоқаларида, хунармандчиллик ва савдонинг ривожланишида, давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг кенгайишида ўз ифодасини топган. Бизда ҳадимдан тадбиркорлик ривожланиб келган. Марказий Осиё жаҳонга машхур қадимий «Буюк ипак йўли»нинг марказида турган географик ўрни билан аҳолисининг савдо-тижорат соҳасида ортирган минг йиллик тажрибаси билан, моҳирлиги билан бошқа юртлардан ажрабиб турган. Бу эса маркетинг халқимиз руҳиятига бегона эмаслиги, халқимизнинг тарихий илдизларидан фойдаланиш имконияти мавжудлигидан далолатdir.

Маркетинг тамойиллари, мақсади ва вазифалари. Маркетингнинг асосий тамойиллари бозорни билиш, бозорга мослашиш ҳамда бозорга таъсир ўтказиш кабиларда ифодаланади.

Биринчи тамойил сифатида бозорни билиш масалаларини тушунамиз. Ушбу тамойил ҳар бир ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи) фирма фаолиятида энг катта аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Бозорга кириш катта ҳаракат ва тайёргарликларни талаб қиласи. Унинг асосида истеъмолчини ва бозор ўзгаришларини ҳар томонлама билиш мужассам, истеъмолчининг талаб ва истакларини ўрганишни ўз ичига олади. Бозорга кириш маркетинг дастурининг изчиллиги, рақобат қилишга бардош бера олишга боғлиқ бўлади. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнининг илғор технология ва илмий-техника тараққиёти натижаларига қанчалик таянганлиги, ходимларнинг малакасига, хом-ашё, материаллар сифати ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ бўлади.

Маркетинг тамойилларининг иккичиси бозорга мослашиш тамойилидир. У ўрганилган маълумотларга асосланиб, ишлаб чиқаришни бозорга мослаштириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришни билдиради. Маълумки, бозор талаблари ўзгариб туради, улар бекарор бўлиб туриши туфайли ҳар бир сотувчи ўз иқтисодий имкониятиларини унга асосланиб белгилаши лозим. Шундагина кўзланган натижага эришилади.

Кейинги, навбатдаги тамойил эса **бозорга таъсир ўтказиш** тамойили ҳисобланади. У бозорда ўз мавқеи ва улушига эга бўлиб олган фирманинг бозор талабини шакллантиришни кўзлашидир. Бу тамойилнинг амал қилишига талаб ва таклиф қонуни, аҳолининг сотиб

олиш қобилияти каби омиллар катта таъсир кўрсатади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бозорга таъсир кўрсатиш қобилияти чексиз бўлмайди.

Юқорида келтирилган маркетинг тамойилларини чуқур билиш ҳар бир билимли маркетолог учун муҳим ўрин тутади.

Маркетинг мақсадлари – ҳар қандай фаолиятнинг бирон яхши натижага эришишга йўналтирилган сайди-ҳаракатлар мажмуидир. Маркетинг мақсадлари маркетинг тамойилларига асосланниб белгиланади. Жумладан, бозорга кирицда ва унга мустаҳкам ўрнашицда кўйиладиган мақсадларга ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот турларини бозор талабларига мослаш ва бошқалар киради. Маркетинг мақсадлари маркетинг фаолиятининг ҳар бир жараёнида мавжуд бўлади.

Маркетинг вазифалари бажарилиши лозим бўлган жорий ва келажақдаги барча турдаги ишларни назарда тутади. Бошқача айтсан, маркетингнинг асосий вазифаси – бозор концепциясининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқишидан иборат бўлади. **Маркетинг стратегияси** деганда фирма (компания) фаолиятини узоқ муддатли режалар асосида бозор талабларига мослаштириб бориши тушунилади. Стратегияда маркетинг нуқтai назаридан ишлаб чиқишида қандай маркетинг ҳаракатлари олиб бориш, нима учун у ҳаракатларнинг кераклиги, уларнинг қаерда, қачон олиб борилиши, қандай тутатилиши аниқлаб олинади. Шунингдек, уларга амалга оширишда ким жавобгарлиги ҳам белгилаб кўйилади. Стратегик режада фирма (компания) вазифалари, маркетинг мақсадлари белгиланиши билан бир қаторда вазифаларни таҳлил қилиш ҳам кўзда тутилади. Маркетинг тактикасини амалга ошириш йўллари белгиланади. **Маркетинг тактикаси** – узоқ муддатли стратегик мақсадларга эришиш учун маркетингнинг аниқ ва батағсил амалиётини таъминлаштириб. Бошқача айтганда, ҳар бир алоҳида олинган шароит учун аниқ ва қисқа муддатли режа асосида дастурнинг бажарилишини таъминлаш демакдир. Бунда узоқ муддатлар ўзгарувчан бозор ҳолатларига мослаштириб борилади. Товар мавқеини янада мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар билан қуролланиб бориш, товар сотишнинг илғор усулларидан фойдаланиш каби вазифаларни қамраб олади.

Маркетинг бошқарув жараёни. Маркетинг фаолиятнинг ўзига хос шарт-шароитларини шакллантириш маркетинг бошқаруви жараёни билан белгиланади. Маркетинг

тинг бошқаруви жараёни қўйидаги фаолиятлар кетма-кетлигидан ташкил топади:

1) Бозор имкониятларини таҳдил қилиш. Жамият ривожлангани сари шунга мувофиқ равишда товарлар ва бозорлар ҳам ривожланиб боради, бу табиий жараён. Ушбу ривожланиш оқимига кириб олиш, юзага кела-диган бозор имкониятларини тушуниб етиш зарур. Янги бозорларни юзага келтириш фирма мақсадига эришиш гарови бўлиб қолади.

Фирма (компания)лар янги бозорларни излаш билан тизимили тартибда ёки гоҳи-гоҳида шугулланиши мумкин. Бозорни диққат билан таҳдил қилиш, рақобатчиларнинг товарларини ўрганиш, маҳсус ташкил этилган кўргазмаларга ташриф буюриш ва бошқа кўпилаб усуслар билан керакли маълумотларни йигиб бориш мумкин. Бозор имкониятларини таҳдил қилинча фирманинг асосий ривожлантириш йўналишлари ҳам таҳдил қилиб чиқилади. Асосан уч хил ривожланиш йўналишлари мавжуд:

— Чуқур ва тез (интенсив) ривожланиш. Фирма мавжуд товарлар билан мавжуд бозорларда фаолият олиб боришни белгилашни англатади. Фирма ўз имкониятларидан тўла ва самарали фойдалана олмаган бозор ҳолатларида қўлланилади. Бунда аввало бозорни чуқур ўрганиб олиш даркор. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни фаолият олиб борилаёттан бозорларда сотишини кўпайтириш имкониятлари излаб топилади. Бозорнинг географик ҳудудлари кенгайтирилиб, товарга янги истеммолчилар изланади. Мавжуд товарларни мукаммалластириш, янги товарлар яратиш каби вазифаларни бажариш билан бозорларга эътибор қаратилади.

— Мураккаб (интеграцион) ривожланиш. Ўз тармоғига мустаҳкам ҳолда эга бўлган фирмалар томонидан қўлланилади. Рақобатга дош бериш, савдо чиқимларини камайтиришни қўзда тутади. Шунингдек, маҳсулотни охирги истеммолчига етказиб бериш вазифалари билан шугулланади. Бунда фирма хом-ашё ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши ёки хом-ашё етказиб берувчилар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиши мумкин. Еки товар етказиб беришнинг оралиқ бўғинларини қисқартириш ҳам мумкин. Шунингдек, бир хил бўғиндаги корхона билан кўшилиб кенгайиши мумкин.

— Ҳар томонлама (диверсификацион) ривожланиш. Амалда қўлланилаёттан маркетинг тизими ёрдамида яна-да ўсиш имконияти бўлмаган фирмалар учун мос кела-

ди. Улар энди ташқи ва янги ривожланиш тизимиға мұхтожлик сезадилар. У янги товарлар билан янги товарларни жалб қилиш сиёсатини олиб боради. Бунда фирма илгариги товаридан технологик жиҳатдан умуман бошқа товар ишлаб чиқаради. Шунингдек, ишлаб чиқарувчи ўз товар турлари ва бозордан мутлақо янги соҳаларга кириб бориши назарда тулади.

2) **Мақсадли бозорни танлаш.** Бозорлар таҳлили нағисасыда олинган маълумотларга асосланиб, уларнинг энг яхши варианtlари танлаб олинади. Албатта, фирма мақсад ва ресурсларни ҳисобга олган ҳолда. Бу бозорлар **мақсадли бозорлар** деб юритилади.

Мақсадли бозорларни танлаш жараёнининг бошида истеъмолчи талаби ўрганиб чиқилади ёки эҳтимолланади (прогнозланади). Чунки фирма бозор ўлчамлари, уларнинг келажакда қандай ҳолатда бўлиши мумкинлиги ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиши керак. Шундагина ушбу фирма ўз маҳсулотига талабни ҳам ўстириб бориши мумкин бўлади. Шундан сўнг истеъмолчилар турли хил жиҳатларга асосланиб, гуруҳларга ажратилади. Бу жараён бозорни **сегментларга ажратиш** деб аталади. Бозорни сегментларга ажратишда харидорларнинг эҳтиёжи, феъл-авори, ёши, қизиқишилари ва бошқа шунга ўхшаш томонларида бири ёки бир нечасини эътиборга олиши мумкин. Сегментларга ажратиш товар ёки хизмат турига ҳам боғлиқ бўлади. Саноат товарлари ва кенг истеъмол товарлари учун сегментлаш ўлчов мезонлари фарқ қиласи.

Фирма (компания)лар умумий бозордан фаолият олиб бориш учун бир ёки бир неча сегментларни танлаши мумкин. Агар у битта сегментни танласа, бу **бир сегментли фаолият** деб аталади. Кўп сегментли фаолиятда эса бир-бири билан боғлиқ бўлмаган бир неча сегментларда иш олиб борилади. Шунингдек, фирма тадқиқот натижасыда умумий бозор сегментларига товар ишлаб чиқаришни ҳам танлаши мумкин. Одатда дунё амалиётида фирма (компания)лар дастлаб бир сегментни эгаллашни кўзловчи маркетинг чора-тадбирларини ишлаб чиқадилар. Кейин аста-секин бозорнинг бошқа сегментларини эгалловчи мураккаб маркетинг режаларини амалга оширадилар. Йирик фирмалар умумий бозор сегментларига хизмат кўрсатишга интиладилар.

Юқоридаги масалалар билан бир қаторда товар кўриниши ва уни бозорга биринчи марта олиб кириши ҳам мұхим аҳамият касб этади. Фирма товари бозорда ва

истеъмолчилар тафаккурида кутилган жойни эгаллаш, бошқа товарлардан ёрқин фарқ қилиши лозим.

3) Маркетинг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Маркетинг чора-тадбирларни ишлаб чиқишида асосан фирма томонидан бошқариладиган омиллар кўриб чиқилади. Улар асосан 4 та бўлиб, биринчиси — баҳо.

Баҳо — маҳсулотни сотиб олиш учун харидорлар томонидан тўлаши керак бўлган пул бирлиги. Бунда фирма мослашувчан нарх сиёсати, баҳо стратегиясини олиб боради. Чакана, улгуржи нархлар, четырмалар, кредитга маҳсулот сотиш каби таклифларни назарда тутади. Амалиётда баҳо стратегияси харажатлар, талаб ва рақоботга асосланган бўлади. Иккинчиси, товар бўлиб бу маънода фирманинг бозорга таклиф этаётган маҳсулоти ёки хизмати деб тушунилади. У билан боғлиқ барча масалаларни қамраб олади. Учинчиси, ҳаракат чора-тадбирлари ҳисобланади. Маҳсулотни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга, етиб келишига барча ҳаракатлар тушунилади. Тўртинчиси, талабни шакллантириш тадбирларидир. Ўз товарлари ҳақида кўпроқ маълумот бериш билан харидорларни жалб этишни кўзловчи барча ишларни қамраб олади.

Юқорида келтириб ўтилган маркетинг чора-тадбирларини амалга ошириш маркетинг ахборот тизими, маркетинг режаси, маркетинг хизматини ташкил этиш ва назорат (тафтищ) қилишни назарда тутади.

Маркетинг ахбороти асосини фирмани қизиқтирган истеъмолчилар талаби тўғрисидаги маълумотлар ташкил этади. Улар ишончли, тўла, узлуксиз, таққосланувчан ва ўз вақтида йиғилган бўлишига ҳаракат қилиш керак. Шунингдек, замонавий маркетинг концепцияга кўра товарни, рақибларни, бозорни умумий ҳолатини ўрганишга ҳам асосий эътибор берилади. Демак, маркетинг ахборот тизими мустақил ахборотларнинг алоҳида бир гуруҳи бўлмай, балки бутун бир тузилмадир. Маркетинг ахборот тизимининг ятона андози йўқ. Ҳар бир фирма ўз имкониятлари муҳитига хос тизимига кўллади.

Маркетинг ахборот тизимининг зарурияти шундаки, у ташқи муҳитни назорат қиласи, фаолиятни баҳолайди, самарадорликни оширади, келажакка ишонч ҳосил қиласи. Маркетинг ахбороти бирламчи ва иккиламчи ахборотларга бўлинади. Бирламчи ахборотлар аниқ кўйилган масалани ҳал этиш учун йиғилади, иккиламчи ахборотлар эса олдиндан йиғиб борилган маълумотлардир.

Ҳар бир фирма ўз мақсадларига эришиш учун **стратегик режа ва маркетинг режасини** биргаликда олиб бориши керак. Стратегик режалаштиришда фирма фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасидаги барча ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқ йўналтиришни акс эттиради. Унинг асосий мақсади — ривожланиб бораётган ишлаб чиқариш соҳаларини кенгайтириб, талаб кам бўлган ишлаб чиқаришни қисқартириш ёки унга умуман барҳам бериши.

Маркетинг стратегияси маҳсулотга нисбатан стратегия ва бозорга нисбатан стратегия гуруҳларидан иборат. **Маҳсулотта нисбатан стратегия** бозордаги талабни тадқиқ этади, маҳсулотни сотиши усуслари ва бошқа масалаларни ўз ичига олади. **Бозорга нисбатан стратегия** эса қайси бозорда маҳсулотни сотиш, реклама, бозор сегментларини таълаш кабиларни ўз ичига олади.

Маркетинг стратегияси таълангандан кейин **маркетинг режаси** ишлаб чиқилади. У ҳар бир ишлаб чиқариш, маҳсулот ёки маҳсулот маркаси бўйича маҳсус режалар ишлаб чиқишини англатади. Ушбу режада барча зарур тадбирлар аниқ кўрсатилиди. Тадбирларни бажариш учун маҳсус гуруҳлар таъланади, ижро муддатлари белгиланади. Бозордаги вазиятнинг ўзгаришига қараб йил давомида керакли тузатишлар киритилиб борилади. Маркетинг режасида маркетинг ҳаражатлари ҳам аниқланади. Одатда узоқ муддатли ва бир йиллик кўринишдаги иккита маркетинг режаси тузилади.

Ўз маркетинг мақсадларига эришиш учун фирма маркетинг хизматларини режалаштиришни ўз зиммасига олуви **маркетинг бўлимига** зарурят туғилади. Маркетинг бўлими раҳбари, маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, режа ва таклифларни ишлаб чиқиш, мақсаддага этиш учун назорат ҳамда режаларни бажарилиши учун жавобгар. Маркетинг бўлими фирмадаги бошқа бўлимлар (ишлаб чиқариш, молия ва бошқалар) билан узвий алоқада, фаолият олиб бориши шарт.

Маркетинг назорати — маркетинг фаолиятини таҳлилий-мантиқий баҳолайди. У режадаги асосий масалалар ечимини топишдаги мавжуд камчиликларни излаб топиш ва бартараф этишини таъминлайди. Шунингдек, кутилмаган бозор ҳолатларини йўналтиришда ҳам унга зарурят туғилади. У кўп томонлама ва тизимли равишда олиб борилади.

Маркетинг назоратининг уч тури бор: **йирик режа-**

ларнинг бажарилишини назорат қилиш, фойдалорликни назорат қилиш ҳамда стратегик назорат.

Ижтимоий маркетинг. Ривожланган мамлакатларда ҳозирги кунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш (банклар, биржалар, авиакомпаниялар ва ҳ. к.) фирмаларида маркетинг яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, алоҳида ташкилотлар — ўқув юртлари, касалхоналарда ва шу кабилар ҳам маркетингга катта қизиқиш билан қарайди. Уларда ҳам маркетинг фаолияти олиб борилади. Буни **ижтимоий маркетинг фаолияти** деб аташ мумкин.

Республикамиз бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаётган бир шароитда бизда ҳам турли ўқув масканлари вужудга келди. Бизнес мактаблари, иқтисослашган, коллежлар, академик лицейлар шулар жумласига кириб, уларни яратиш замон талабига айланди. Чунки замонавий технологиялар, янги бозор муносабатлари ва бошқа турли сабаблар билимдон мутахассисларни талаб қўймоқда. Ҳозирда ушбу ўқув даргоҳларининг асосий вазифаси замонавий мутахассисларни етказиб бершидир. Шу ўринда ушбу ташкилотлар ҳам маркетинг хизматини ташкил этиб бориши мақсадга мувофиқ. Маркетинг хизматига асосланиб ўқув маскани ўз келгуси фаолиятини тубдан қайта куриб чиқади, ривожлантиради; замон талабига мувофиқ ҳолда ўз фаолиятини тез-тез янгилаб боришини кўзда тутади. Мавжуд бозор муносабатлари талабларига жавоб бермай қолган ўқитиши дастурлари ва усулларидан ўз вақтида воз кечади; янги замонавий фанлар, касблар, ўқитиш ва ўрганиш усулларини жорий қилиш имкониятига эга бўлади. Бозор муносабатлари шароитида ушбу ўқув масканлари ўртасида ҳам аста-секин рақобат юзага келиши табиий. Рақобатга дош бериш, ўз мавқеини ошириш ва маркетингга заруриятни янада оширади. Албатта, маркетинг тадбирларни амалга оширишда ташкилот ўз ҳолатини баҳолаш ва шунга мувофиқ маркетинг режасини ишлаб чиқиши керак бўлади. Бунинг учун ўзи доимий мудоқатда бўлган гурухлар, аудиториялар ўртасида ташкилот тўғрисидаги қарашларни аниқлаш керак бўлади. Табиийки, ҳар бир шахснинг бирон-бир масала бўйича баҳоси турлича бўлади. Ушбу баҳолаш жараёнида ташкилот ўз мавқеидан қониқиши ҳосил қилиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ маркетинг режаси интиладиган мақсадлар ва уларга эришиш усулларини қамраб олади.

Ижтимоий маркетинг мамлакатимизда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастири»ни ҳамда Кадрлар тайёрлаш ҳақидағи қонунни рұёбга чиқаришга хизмат қиласы.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Маркетинг нима ва унинг тадбиркорлық фаолиятидаги ахамияти.
2. Маркетингни пайдо бўлиши ва ривожланишига асосан нима сабаб бўлади?
3. Мухтожлик, эҳтиёж ва талаб ўртасидаги фарқни айтинг?
4. Айрибошлиш нима? Битим-чи?
5. Бозор имкониятларини таҳдил қилиш детандада нимани тушунасиз?
6. Сегментлаш нима?
7. Маркетинг чора-тадбирлари нималарни ўз ичига олади?
8. Маркетинг стратегияси ва маркетинг тактикаси?
9. Ижтимоий маркетинг нима?
10. Сиз ўқиётган илм масканининг маркетинг хизматини қандай тасаввур қиласиз?

XI Б О Б

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ: КҮП УКЛАДЛИК, РАҲОБАТЧИЛИК, БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРИК.

Бозор иқтисодиётининг моҳияти. XXI аср бўсағасида бозор иқтисодиёти ўзининг умуминсоний демократик иқтисодиёт эканлигини жуда кенг кўламда намойиш қила олди. Иқтисодий эркинликка, ҳўжалик юритишида эса энг адолатли тамойилларга асосланган иқтисодиёт бўлганидан, бу иқтисодиёт миллиардрлаб маданийлашган инсонларга манзур бўлиб, ер юзининг асосий қисмida умуминсоний муаммоларни ижобий ҳал этмоқда. Айниқса, ҳозирги ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти мисолида бозор иқтисодиётининг умуминсоний имкониятлари ҳали жуда кенглиги тобора яққол кўринмоқда.

Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва мазмуни бозор асосида ривожланадиган товар ишлаб чиқариш, уларни айрибошлиш ва пул муомиласи билан боғлиқ бўлган муносабатларда ўзининг ёрқин ифодасини топади. Товар мустақил равишда бозор талабига қараб ишлаб чиқарилади, товар айрибошлиш муносабатлари эса сочувчи билан харидорлар ўртасида эркин равишда, лекин ўзаро келишилган олди-сотти муносабатларига асосланади. Лекин товар-пул муносабатлари юксак даражада.

да ривожланган тақдирдагина маданийлашған бозор иқтисодиётiga айланади. Бозор иқтисодиёті шароитида ишлаб чиқариш ва товарларни олди-сотти қилиш ҳам асосан бозорга мұлжалланганидан ҳозирги вақтда бу иқтисодиёт умумжағон воқеаси бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда бу иқтисодиёт ишлаб чиқаришни ривожлантириш, барча ресурслардан оқылона фойдаланиш, ҳалқ фаровонлигини таъминлаш, ҳалол ва самарали меҳнатни юксак қадрлаш, умуминсоний ижтимоий ҳимояни ташкил этиш каби улкан муаммоларни ҳал этмоқда.

Айниқса, ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига яратилған миллий маҳсулотнинг тобора кўпайиб, аҳоли фаровонлигини ошиб бораётгани бозор иқтисодиётiga ўтишни зарурият қилиб қўйди, яхши турмуш тарзини яратувчи бошқа йўл йўқ эканлигини исботла-моқда. Лекин бозор иқтисодиётiga ўтишда аввалги иқтисодиётни янги иқтисодиётга қандай йўл билан ўтиши ётибордан четда қолмаслиги лозим.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш XXI аср нуқтаи-назаридан қараганда бир неча юз йиллик тарихида қўйидаги кўринишларда бўлди:

- классик йўл;
- мустамлакачилик зулмидан озод бўлган ёш мамлакатларнинг бозор иқтисодиётiga ўтиш йўли;
- XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб собиқ социалистик мамлакатларнинг бозор иқтисодиётiga ўтиш йўли.

Классик йўл бир неча асрлар давом этган йўл бўлиб, натурал хўжаликдан ҳозирги бозор иқтисодиётигача бўлган тараққиёт давридир. Бозор иқтисодиётининг ривожланган даври деб XX асрнинг ўрталарини кўрсатса бўлади.

Мустамлакачиликдан озод бўлган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ёш мамлакатларнинг бозор иқтисодиётiga ўтиш йўли — ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, биринчидан — иқтисодиётни бошқалар босиб ўтиши муқаррар бўлган босқичларидан (юят қолоқ хўжаликдан машиналашған, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи) бозор иқтисодиётининг энг ривожланган шаклига ўтиши ва иккинчидан янги иқтисодиётга ўз кучи билангина эмас, шу билан бирга бошқа мамлакатлар, хусусан ривожланган мамлакатларнинг ёрдами ва тажрибасига асосланади.

Бозор иқтисодиётiga ўтишнинг яна бир йўли XXI аср бўсағасида юз берган собиқ социалистик мамлакат-

ларнинг бозор иқтисодиётiga ўтиш йўли бўлиб, у қатъий режалаштирилган, марказлаштирилган, давлатлаштирилган иқтисодиётдан эркин ва маданийлаштирилган бозор иқтисодиётiga ўтиши бўлиб қолди. Бу йўл бозор иқтисодиёти тарихида охирги ва кеч бошланган йўл бўлиб Осиё ва Шарқий Европадаги бир қанча мамлакатларга хос йўл бўлди. Бозор иқтисодиёти тарихида хусусий мулкчиликка асосланган тузумдан бозор иқтисодиётiga ва мулк тўла давлат мулки бўлган тузумдан бозор иқтисодиётiga ўтиш юз берганлигига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Чунки бозор иқтисодиётiga ўтиш хусусий мулкчилик заминида давлат мулкчилиги заминидаги ўтишга нисбатан осон кешиши мумкин. Мулк тўла давлат тасаруфидга бўлган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётiga ўтиш анча мураккаб ва қийин кечади. Лекин қайси мамлакат, қайси иқтисодий тизимда яшашидан қатъий назар у мамлакатнинг бозор иқтисодиётiga ўтишида эски иқтисодий тизимни бозор конун-қоидаларига асосланиб ривожланадиган янги иқтисодиётга ўтказишда ўзининг шароити ва имкониятларидан келиб чиқиб ўзига хос бўлган испоҳатларни амалга ошириши зарур бўлади.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётининг умумийлигини эътироф этиш билан бирга ўзига хос ва мос бўлган йўлни танлаб, биринчидан, мустақиллик учун иқтисодий шартшароитни таъминлаш ва иккинчидан эса, бозор иқтисодиётiga ўтишдек иккита мұхим стратегик вазифани белгилаб олди. Биринчи вазифани бажарилиши иккинчисини ҳам мұваффақиятини таъминлайди ва улар биргаликда асосий стратегик вазифани амалга оширади.

Ўзбекистонни бозор иқтисодиётiga ўтишида бу иқтисодиётнинг умумийлигига эътиборни қаратиш билан бирга мамлакатнинг ўзига хос бўлган қўйидаги миллий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим:

- иқтисодиётни ривожланиш даражаси анча паст бўлишига қарамасдан салоҳияти борлиги;
- табиий ва меҳнат ресурслар, жумладан, унинг табиий, қулай унумли ери билан бирга меҳнатсевар ҳалқи борлиги;
- аҳоли ўсиш суръати тез ва шу сабабли меҳнат ресурслари ҳам кўплайиб боришлиги. Иқтисодиёт асосан қишлоқ ҳўжалигига суюнгани сабабли аҳолининг кўп қисмининг қишлоқ жойларида яшashi ва ишлаши;
- Шарқона цивилизациясига (мерос қолган ҳўжалик юритиш усули, иқтисодий кўнкима, маданият) мансублиги.

Бу хусусиятлар Ўзбекистоннинг миллий манфаатини, унинг реал шарт-шароитини эътиборга олган ҳолда бозор иқтисодиётига шошилинч тарзда, сакраб эмас, аксинча тинч ва хотиржам бўлиб ўз халқини ижтимоий ҳимоятини яхши ташкил этиш орқали босқичма-босқич ўтишини таъминлаб беради.

Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтиш йўлига Президент И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида (25-бет) шундай търиф берган: «Бизнинг қатъий нуктаи-назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда, ўзимизнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёт йўлини танлай олишдан иборатдир». Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос йўли Президент И. А. Каримов томонидан асослаб берилган беш тамойилда тўла равишда ўз ифодасини топди ва бу тамойиллар илмий ҳазинани бойитди.

Бозор иқтисодиёти иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши бўлишини зарур қилиб қўяди. Чунки таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишни ҳал қўлувчи омили бўлиб бунинг натижасида янги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳалари барпо этилиши ва ривожланиши мумкин бўлади. 1999 йилда Ўзбекистон саноатидаги ўсиш асосан янги ишга туширилган иншоотлар ҳисобидан таъминланди. Янги ишлаб чиқариш тармоқлари ривожи учун 282 миллиард 300 миллион сўм ёки ялпи сармояларнинг 56 фоизидан кўпроғи йўналтирилди. Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми бир ярим баробаридан зиёдроқ ортди.

Бозор иқтисодиёти кўп укладлидир. Кўп укладли иқтисодиёт барча иқтисодиётнинг моддий асосини ташкил этади ва шунинг учун ҳам бундай иқтисодиётни вужудга келтириш жуда зарур. Бозор тизимини иқтисодий ислоҳатлар яратади ва шунинг учун ҳам бозор ва ислоҳат тушунчаларини умумлаштирилиб бозор ислоҳатлари деб айтиш мумкин. Бозор ислоҳатлари деганда давлат бозор иқтисодиётини яратиш мақсадида давлат томонидан ҳалқ оммасини фаол иштироки билан амалга ошириладиган иқтисодий чора-тадбирлар тизимини тушунамиз. Бозор ислоҳатлари бозор муносабати юзага келиши учун турли соҳалар ўртасида номутоносиблик юз бермаслигини кўзлаб иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида ўtkазилиши зарур. Бозор ислоҳатларининг асосий

йўналишлари мулкчиликни ислоҳ қилиш, аграр (қишлоқ хўжалигидаги) ислоҳатлар, молия-кредит ислоҳатлари, ташқи иқтисодий алоқалардаги ислоҳатлар ва ижтимоий (социал) ислоҳатлар бўлиши мумкин. Ислоҳатларни қайси йўналишини устиворлигини ҳар бир мамлакат ўзидаги шароитдан келиб чиқиб белгилайди. Бозор ислоҳатлари кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтиришининг энг ишончли ва самарали усули бўлиб қолди ва бу ислоҳатларни амалга ошиши натижаси рақобатчилик муҳити яратади.

Рақобатчилик муҳити бозор иқтисодиётининг ҳаралантирувчи кучи. Бозор иқтисодиёти учун рақобат жуда зарур, чунки рақобат бўлмаса иқтисодиёт ўсмайди ва ҳеч қандай фаровонлик ҳам бўлмайди. Бунинг учун энг аввало рақобат муҳитини яратиш зарур бўлади. Рақобатчилар оз ёки кўп бўлиши мумкин, улар озчилик бўлганда иқтисодий эркинлик чекланиб, ўрнига иқтисодий зўравонлик ўрнатилади. Зўравонлик билан монополия ўз рақибини ресурслар бозорига ҳам кўймайди ёки турли йўллар билан тўсқинлик қиласи. Бозор иқтисодиёти бундай ҳукмронликка барҳам бериши керак.

Бозор иқтисодиёти учун рақобатчилар кўп бўлса иқтисодиёт ривожланиб, нарх-наво пасаяди, бундан ҳамма манфаат кўради. Ана шундай шарт-шароит яратиш учун давлат томонидан монополияга қарши (ёки монополияни чеклаш) маҳсус сиёсати юргизилади. Бу сиёсат монополияларни чеклашга қаратилган қонунлар чиқариш ва уларни бажарилишини давлат томонидан назорат қилиш, тадбиркорлиқда бир корхона мулкини бошқаси кўлига ўтиб кетиши ва бир корхонани бошқа корхона капиталидаги ҳиссасини чеклаш, уларни бошқаларга тазиик ўтказишига йўл кўймаслик, бозордаги нархни ўзаро келишиб белгилаш қонун билан ман этилади, ягона нарх ҳукмрон бўлишига рухсат берилмайди. Давлат рақобат қонун-қонидаларини бузгандарга жарима солади ёки корхонани ёпиб кўяди, шунингдек, хориж товарларини мамлакат ички бозорига киришини кўпайтириш мақсадида бож пулинни камайтиради. Кичик корхоналар турли йўллар билан қўллаб-қувватланади. Шу каби ишларни амалга ошириш учун маҳсус давлат ташкилотлари тузилиб, улар монополияга қарши сиёсат юргизади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиёт эркинлаштирилиб, давлат корхоналари хусусийлаштирилади, уларни акциялари сотилади, давлат нархлари ўрни-

га эркин нархларга вужудга келиб рақобат мұхити яратылади. Ўзбекистонда 1996 йилда қабул қилинган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат түгрисіда»ғи қонун катта ақамиятга зәға бўлиб, бозорда атайлаб тақчиллик қилиш, рақобатга тўсқинлик қилиш, гирром усувларни кўллаб, рақибига зарар етказиш қатъиян ман қилиниб, ҳамма учун бир хил бозор шароити яратылди.

Ҳалол рақобат ҳамма учун тенг бўлган қонун-қоида, агар рақобат бўлмаса бозор ҳам бўлмайди. Ўйлаб кўринг, ҳар бир бизнесмен бизнес денгизига шўнғигандан сўнг, албаттга унинг катта-кичик тўлқинлари бўлган рақобатга дуч келади. Агар сузуви сузиш билими ва тажрибасига зәға бўлса, тўлқинлар унга тўсқинлик қилмай, аксинча унинг кўзлаган маррасига тезроқ етиб боришига ёрдам беради. Лекин билим, тажрибага зәға бўлмаган сузуви чини денгиз тўлқинлари ўз домига тортиб ҳалок қилиши мумкин. Шу ўринда Америкалик иқтисодчи, Нобель мукофотининг лауреати П. Самуэльсон «Бизнесмен, фермер ҳамда ишчиларга рақобат ҳам ёқади, ҳам ёқмайди» деб ҳақ гапни айттан экан. Ҳақиқатдан ҳам рақобат бозорни кенгайтиришга ер дам берган ҳолларда ҳаммага ёқади, лекин унинг ўткир уни «гирром», «муттаҳам» деб ҳақорат килгимиз келади.

Рақобатнинг кучи шундаки, у ҳеч бир корхона, фирмага хотиржамлик бермайди, уларни доим ҳаракат қилиб тез ўзгариб бораётган шароитга мослашиб боришига мажбур қиласиди. АҚШдаги Гарвард университети мутахассисларининг фикрича, агар фирма ўз рақобатчиларидан бозорга маҳсулотини бир йил кеч олиб чиқса, оладиган фойдасининг 50 фоизидан ажralар экан, бундай фирма катта зарар кўради. Бундан кўриш мумкинки, рақобат бир томондан маълум қонун-қоидалар асосида олиб борилади, лекин иккинчи томондан, бардош бераолмаган фирмалар албатта хонавайрон бўлади ёки омадириоқ фирма томонидан «ютиб юборилади». Демак, ҳар бир фирманинг ўз рақобат усувлар стратегияси бўлиши керак.

Фирма стратегияси рақобатта муносабатини белгилайди, яъни кураш тактикаси ва усули бўлиб шароитга қараб ўзгариб боради. Рақобат кураши нархлар асосида ва нархлардан ташқари бўлади. Нархлар асосидаги рақобатни ўргача ва кичик фирмалар кўллаб, сифати паст бўлган арzon товарларни бозорга чиқариб, бундан

ҳам фойда олади. XX асрнинг 90 йилларидан бошлаб Ҳитой ва Туркия фирмаларининг сифати паст, арzon нархдаги товарлари ўзининг ички бозорларида ва сабиқ социалистик мамлакатлар бозорларида сотилган. Катта фирмалар кўриладиган зарари кўп бўлиши эҳтимоллигидан кўрқиб, бу усулни кўлламайди. Нарх асосидаги рақобатнинг яна бир кўринишини нарх-навони зарур бўлса 20–60 баъзан 90 фойзга пасайтириб кенг доира-да реклама қиласди. Бу билан биринчидан, мавсуми ўтган ёки эскирган товар сотилса иккинчидан эса, арzonлашган (нархи туширилган) товарни сотиб олиши учун келган харидорларнинг бир қисми нархи тушурилмаган маҳсулотларни ҳам сотиб олишлари мумкин бўлади.

Нархлардан ташқари рақобат ҳам бор. Бундай бўлишига сабаб шуки, баъзи харидорлар кўпинча маҳсулот нархига эмас, унинг фойдалилик даражасига катта эътибор беради ва бундай товар ёки хизмат учун кўпроқ пул тўлашга тайёр туради. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар мисолида шуни кўриш мумкинки, харидор товар харид қилишида биринчи ўринда унинг ташки кўриниши — дизайннига, кейин эса товарнинг техник кўрсаткичига ва нарх-навога 6,7 ўринларда эътибор берилади. Ҳозир Англия, АҚШ, Германия, Франция, Тайван, Гонконг, Сингапур, Корея Республикаси, Япония каби мамлакатларда нархи юқори бўлган товарларга асосий талаб бўлади. Демак, рақобат-курашда қайси усул кўлланмасин у ҳаммани яхши, сифатли ишлаб кўп даромад топиши учун ҳаракат қилишга ундейди. Рақобатнинг бозор иқтисодиётини олға қараб ҳаракатга келтирувчи энг таъсирчан куч эканлиги ҳам шунда.

Қайси фирма унга бардош бера олса гуллаб яшнайди, бардош бера олмаса инқирозга учрайди. Ўзбекистонда ҳам рақобат кураши шаклланмоқда, лекин у ҳали ўзининг юқори чўққисига чиқа олганича йўқ. Рақобатга бардош бераолмаган минглаб фирмалар зарар кўриб банкрот бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ти қонунда, «Хўжалик юритиш субъектининг» банкрот бўлиши дейилганда қарздорнинг мажбуриятлари мол-мулкидан ошиб кетганилиги сабабли товарлар «иши ва хизматлар»га ҳақ тўлаш юзасидан кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслигини тушунилади» деб кўр-

сатиб ўтилган. Рақобатга бардош берган фирмалар банкотга учрамайди, улар иш унуми ва сифатини, обрў-эътиборини оширади, ҳаммани ташаббус билан ишлашга ундаиди. Рақобатдаги бундай ижобий ҳолатлар иқтисодий ўсишни таъминлагайди.

Бозор майдонида беллашадиган рақобатчиларнинг кўпчилик ёки озчилик бўлишига қараб, рақобатнинг мукаммал ёки соф рақобат ва номукаммал рақобат турлари бўлади. Рақобатнинг биринчи турида беллашувчилар зўравонлик билан ўзгаларга ўз хукмини ўтказаолмайдиган кишилар бўлиб, улар анча кўпчиликни ташкил этади. Бунда бозор ҳамма учун эркин ва ҳалол кураш майдони бўлади. Номукаммал рақобат рақобатнинг биринчи туридан бозор майдонида курашувчиларни озлиги рақобатни бир оз чекланган ва ўз табиатига кўра ҳам монопол мавқенга эга эканлиги билан белгиланади. Бозор иштирокчилари озчилик бўлсада катта миқдордаги товарларни сотиш ёки сотиб олиш имкониятига эга бўлганлиги учун ҳам рақобатлашади. Номукаммал рақобатнинг яна олигополистик рақобат кўриниши ҳам бўлиб, бунда кураш фоят озчилик (бозор саралаб қўйган) лекин йирик фирмаларни тор доирадаги курашидир. Соф монополистик рақобат ҳам рақобат турларидан бўлиб, бир тармоқда битта фирманинг танҳо (якка монопол) хукмронлик қилишини билдиради. Ўзбекистон бозорида Тошкент трактор заводи, трактор бозорида, «ЎзДЭУавто» қўшма корхона ишлаб чиқарган Дамас, Тико ва Нексия автомобиллари «Тошкўчавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган «Отайўл» автобуслар автомобил бозорида якка хукмронлик қилмоқда. Лекин хорижий мамлакатдан келган автомобиллар улар билан беллаша олади.

Бизнес ва тадбиркорлик. Бизнес бозор иқтисодиёти билан бирга кириб келган сўз бўлиб, у гарб олимлари томонидан ҳар томонлама ўрганилди. Бизнес билан шуғулланиш учун тадбиркорлик фаолиятининг маълум турларидан бирини танлаб олиб шуғулланиш керак. Энг аввало, бизнес доимий дикқат эътибор ва катта маҳорат талаб қиласидиган мулоқотдан бошланади. Чунки бизнесменлар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай муаммо дастлаб мулоқот орқали ҳал этилади.

Бизнес ҳалол даромад топиш билан фаровон яшашни мақсад қилиб қўйган кишининг ҳар қандай иқтисодий фаолияти бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида у ҳаммага жуда кўл келади. Бундай кишилар —

бизнесменлар ўз имкониятини ишга солиб, ҳаттоқи, у хатарли бўлса ҳам таваккалчилик қилиб, нафланиши, манфаат кўриш учун ҳаракат қиласди.

Тадбиркорлик ёки ишбўйлармонлик — бизнеснинг муҳим шакли бўлиб, у моддий неъматлар ва хизматлар яратади, миллий бойликни кўпайтиради, бозорни товар ва хизматлар билан тўлдириади. Тадбиркорлар жамиятни иқтисодий ривожланишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида»ги Қонунда тадбиркорлик фаолиятининг қонуний, ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Унда қайд қилинадики, тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб, мулкий жавобгарлик асосида амалдаги қонунлар доирасида, ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир.

Кичик ва ўрта бизнес — тадбиркорликнинг асосий самарали шаклларидан бўлиб, у мамлакат иқтисодий сиёсатида устувор йўналиш деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining иккинчи чақириқ I сессиясидаги маърузасида, ҳамда 1999 йил якунлари ва 2000 йилдаги устувор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида Президент И. А. Каримов «Кичик ва ўрта бизнес иқтисодий тараққаётимизда устувор ўрин олиш даркор» деб таъкидлаб ўтган. Шунингдек, И. А. Каримов кичик ва ўрта тадбиркорлик мамлакатимизни иқтисодий тангликтан чиқариш ва барқарор ривожланиб кетишнинг локомативи деб характеристрайди. Кичик ва ўрта бизнес бозордаги тез ўзгарувчи талабга жуда мослашувчан ва камхаржатли бўлганидан йирик ишлаб чиқаришга нисбатан тез ривожланади. Айниқса, кичик ва ўрта бизнеснинг хусусий мулкчилик билан бевосита боғлиқ эканлиги ҳам унинг эркин ва тез ривожланишига олиб келади. Яна қолаверса кичик корхоналарда 50 тагача одамлар ишлагани ва «ўрта корхона»ларда 50 тадан 500 тагача ишловчилар сони борлиги ҳам 3–5 минглаб ишловчилар бўлган йирик корхоналарга нисбатан ўзгарувчан, шароитта тез мослашувчан бўлади.

Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг энг кулай ва кўпчиликка манзур бўладиган шаклларидан бирита айланмоқда. Чунки қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши. Қишлоқ инфратузулмасини шаклланиши ҳам истиқболда бозор иқтисодиётининг энг самарали ва ҳал қилувчи бўгини бўлиб қолади.

Тадбиркорликнинг асосий соҳалари. Бозор иқтисодиёти шароитида яшаб, ҳозирги вақтда иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуну кўрсатмоқдаки, тадбиркорликнинг асосий соҳалари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ, молия ва кредит ҳамда ташқи иқтисодий алоқалари бўлиб қолди.

Ишлаб чиқариш тадбиркорликнинг асосий соҳаси бўлиб, унинг турли муддатлар учун ўзаро келишиб тузилган шартномалар асосида ишловчи майда ва йирик корхоналарда ташкил этади.

Шартнома шартлари кенг қамровли бўлиб, унинг мазмунини асосан ўнлаб йирик корхоналар томонидан минглаб майда корхоналарнинг асосий эҳтиёжини таъминлашга қаратилган. Шу мақсадда кичик корхоналарга йирик корхоналар кўп миқдордаги маҳсулотини сотиб олицига кафолат бериш, ишлаб чиқариш воситаларини ижарага бериш, хом-ашё ва турли хил жиҳозлар сотиб олиш каби ишларда бир қанча имтиёзлар беради. Шунингдек, савдо маркасидан фойдаланиш ҳукуқини кентгайтириш имтиёзларини ҳам беради.

Савдо ва хизмат кўрсатиш тадбиркорликда тобора кенг ўрин эгалламокда. Айниқса, «Франчейзинг» (француз тилидан олинган бўлиб «имтиёз» деган маънони билдиради). Ҳамкорлик шакли бўлиб 5—10 йилга шартнома тузилади ва бундан йирик корхона ҳукуқи жиҳатдан мустақил бўлган кичик корхоналарга бозорда ишини юритиш учун ўз ҳукуқини беради ва унинг эвазига кичик корхона товар обороти ҳажмидан 2—3 фоиз миқдорида хизмат ҳақи олади. Кейинги йилларда ҳар икки томон учун шартнома мунсабатларининг энг оммавийлашган шакли сифатида умумий овқатланиш, ҳалқ искеъмол товарлари чакана савдоси ва молиявий хизмат соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Кооператив усул бўйича кичик корхоналарга йирик корхоналарни савдо маркасидан фойдаланиш билан бир қаторда хўжалик фаолиятига ҳам тўла аралашиш ҳукуқи берилган. Шунингдек бундай мунсабатларни молия ва кредит, тижорат банклари, инвестицион фонdlар орасидаги мунсабатларда ҳам кўриш мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари. Тадбиркорлик субъектлари деганда мамлакат фуқароларини, хорижий мамлакатлар фуқороларини турли мулк шаклига мансуб бўлган корхоналар. Мехнат жамоаларини тушунамиз. Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар бир фуқаро ўз имкониятларидан келиб чиқиб, қонунлар бўйича рухсат этил-

ган ҳар қандай фаолият тури билан жисмоний шахс ёки ҳуқуқий шахс бўлиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Кейинги пайтларда якка тадбиркорларга ҳам банкдан унча катта бўлмаган кредит олиш учун имконият яратилди. Шунингдек, хорижий мамлакатларнинг фуқароларига ҳам Ўзбекистон ҳудудида фойда олиш мақсадида тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқи берилди ва уларнинг фаолиятини давлат томонидан тўла кафолатланди. **Тадбиркорликни бир мамлакат ҳудудида ёки хорижий мамлакатлар ҳудудида йўлга кўйиш мумкин.** Ҳозирги пайтда бир қанча хиссадорлик жамиятлари, қўшма корхоналар ҳам ички, ҳам ташки бозорда самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Тадбиркорлик ташкилий ҳуқуқий жиҳатдан шакланиб, такомиллашиб бормоқда. Ҳозирги якка шахс ёки индивидуал тадбиркор, очик, турдаги хиссадорлик жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари, ижара корхоналари, жамоа ва ширкат ҳўжаликлари, давлат муниципиал идоралари, матлубот жамиятлари, диний уюшималар, молиявий фирмалар ва бошқа воситачилик ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Тадбиркорлик фаолиятининг энг оддий шакли — якка ҳолдаги тадбиркорлик бўлиб, унинг ҳам кўп жиҳатлари бор. Чунончи унда кўп ёлланма ишчилар ҳам меҳнат қилиши мумкин, лекин бундай шароитдаги тадбиркорни соҳибкор дейилади.

Соҳибкор бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб ишни назорат қилиб туради ва ҳаттоқи у тушган даромадларни ҳам ҳисоб-китоб қилиб боради. У ўзи мустақил равища қарорлар қабул қиласи ва шуларга асосланиб иш юритади.

Тадбиркорликда шерикчилик асосида даромад топиш ҳам самарали қўшилган шахсий ҳиссасига қараб бўлади.

Корпорация тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий кўринишларидан бўлиб, бир мақсад йўлида ҳамфирк бўлган бир неча ташкилотлар мустақил ҳуқуқий субъект бўлиб иш юритади. АҚШда кўплаб муниципиал такиilotлар, диний жамоалар, илмий, ўкув, маданий, тиббий муассасалар, тижорат ташкилотлари бир мақсад йўлида бирлашиб фаолият кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик даромади турли манбалар ҳисобига ташкил топади. Масалан: фуқароларни шахсий маблағлари, жамгармалари, шерикчиликдан тушган ҳисса, талаб қилинган ссудалар, акция сотищдан келган даромад. Давлат корхоналарида сармоя уларнинг устав фонд-

лари, жамоа ширкат хўжаликларида ширкатлар мулки, жамоа ташкилотларида аъзолик бадалларидан тушган тушумлар.


Тадбиркорлик ривожланиши учун аввало унинг мустақил ҳукуқий базаси яратилиши лозим. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда «Мулкчилик тўғрисида», «Корхоналар тўғрисида», «Кооперативлар тўғрисида», «Ижара ва ижара муносабатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Чет эл инвесторлари тўғрисида», «Банклар тўғрисида», «Солиқ тўғрисида» қонунлар чиқарилиб, ҳозирги пайтда улар тадбиркорликни кўллаб кувватлашнинг асосли ҳукуқий базалари бўлиб қолди.

Тадбиркорликнинг маънавий қиёфаси ҳам кўп жиҳатдан эътиборга молик бўлиши керак. Маънавий қиёфа умуминсоний фазилатларда ўз ифодасини топади ва буни тадбиркорда бўлиши жуда мухим аҳамиятга эга. Бой тарихимизга бир назар ташласак, Савдогарлик ривожланган бизнинг мамлакатимизда тадбиркор одамларнинг юқори обрў-эътиборга эга эканлиги кўп нарсани ҳал этган. Айниқса «Буюк ипак йўли» ўтган юртлардаги савдо карвонларни орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган тадбиркорларнинг ҳалоллиги, ўз сўзининг устидан чиқиши каби олийжаноб фазилатлар қадр-қимматга эга бўлганлигини ўзаро ишонч ва обрў юксак даражада хурмат қилингандигини кўрамиз. Масалан, савдо-сотик қилиш учун узоқ ўлкаларга сафарга кетаётган савдогарлар катта ва оғир юкларини ўзлари билан кўтариб юрмасдан, уни обрў-эътиборга эга бўлган маҳаллий ишончли тадбиркорга ташлаб, ундан тилхат олар эди холос ва сўнгта бошқа шаҳарга етиб келгандан кейин у ердаги тадбиркорга тилхатни кўрсатиб, бемалол ундан пул ола-верган. Бу эса тадбиркор маънавий қиёфаси, унинг умуминсоний фазилатлари юксак қадрланганлигининг натижасидир. Бундай сўзга ишониш, одамлардан ҳалол, тўғри ва ҳаққоний ҳаракат қилишини кутиш умуман бозор иқти-содиётига хос хислатлар бўлиб, бундай бўлишда дин ва тарбиянинг ҳам таъсири бор албатта. Лекин бу масалага иқтиносидий нуқтаи-назардан қарасак ростгўйлик, рако-бозор тақозоси эканлигини кўрамиз. Чунки савдогар бугун бир харидорни гирромлик қилиб алдаган бўлса, биринчидан, у ёмон ном чиқаради, иккинчидан эса харидоридан маҳрум бўлади, келгусида у бундан катта зарар кўради.

Тадбиркорлик ишида таваккалчылыкка доим тайёр туриш зарур, бусиз тадбиркорлик фаолияти бўлмайди. Энг муҳими таваккалчиллик қиласидан тадбиркор таваккалчиллик меъёрини (даражасини) аниқлаб олиши шарт ва шу йўл билан у амалга оширишини мўлжаллаб кўйган ишини оқибатини назорат қилиши мумкин бўлади, лекин ўша меъёрни доим аниқдай билиш, албатта, муваффақиятга олиб келади.

Тадбиркорлик фаолияти асосан бозор билан боғлиқ, талаб ва таклифни тез ўзгарувчан бўлиши, бозордаги ҳар хил вазиятни яратади ва бу **тадбиркорлик хатариин** ҳам келтириб чиқаради. Тадбиркорлар бозорсиз яшай олмаганидек бозордаги ҳар хил вазият, тасодиф ва хатарсиз ҳам яшай олмайди, лекин уларни тўла бартараф этиб, қутулиб кета олмайди. Аммо уларни таъсир этиш доирасини бир оз камайтиришга Эришадолади. Обдон ўйлаб «Етти ўйлаб бир кесиб» хушёрлик билан ҳар бир ишни фойда ва зарар томонларини олдиндан аниқ белгилаб олиш тадбиркорлик хатарини камайтиради. Бунга ҳар бир тадбиркор хушёрлик ва зийраклик билан қарашга мажбур бўлади. Тадбиркорнинг, фирманинг авансга олган капиталидан ва ҳатто-ки оладиган фойласидан ажраб қолиш эҳтимолининг мавжудлиги тадбиркорлик хатари дейилади.

Қайси тадбиркор ўз иши ва фирмаси ишига бепарвонлик билан ёндашиб бозордаги вазиятни ўзгаришини вақтида пайқамаса хатарга учрашиши аниқ бўлади, чунки хатарни камайтиришни ҳар бир тадбиркор ҳам уддай олмайди. Тадбиркорлар билан ҳамиша ёнма-ён яшидиган, уларни қувиб юрадиган хатарлар жуда кўп бўлсада уларни умумлаштириб қуидаги схема бўйича тасаввур этиш мумкин:



Тадбиркор ҳамиша ўз фаолиятида юқорида кўрсатиб ўтилган хатарлар билан ёнма-ён яшаётганини, бугун ёки эртага унга учраши мумкинлигини хис этиб туриши керак ва шунинг учун хатарни таъсирини камайтириш йўл-йўриқларини излаб топиши лозим.

Тадбиркорлик хатарини камайтиришни қуйидаги йўллари бор:

Хатарни четлаб ўтиш:

а) Ахборот олиш ва таҳлил қилиш: Нарх, савдо ҳажми, рақобатчилик, харажатлар даражаси, реклама ҳолати ҳақида

б) Пул кўйиш: қаерга, қанча, қаерда иш бошлаш, қаерда иш қандай боряпти.

Хатарни сугурталаш: сугурта пули олиниши мўлжалланган фойдадан камроқ бўлади, лекин зарар қилинмайди. Фараз қилинг: фирма 100 фоиз капитал сарфлаб, шундан 30 фоиз фойда олишини режалаштирган бўлса, сугурта пули 20 фоиз бўлади. 30 фоиз – 20 фоиз = 10 фоиз. Агар бирон бир кор-хол рўй берган тақдирда ҳам фирмам 10 фоиз фойда кўриш мумкин бўлади. Ҳозирги пайтда соёлом иқтисодиётни яратиш мақсадида ишга солинадиган инвестициялар бир соҳадан зарар кўрилса, бошқасидан фойда олишини кўзлаб турли хил соҳаларга кўйилмоқда.

Хатарни фирмалар ўз фаолиятини маълум даражада чеклаш орқали ҳам камайтиришга эришиши мумкин. Бунинг учун иш ҳажмини бир оз қисқартириш, сарф-харажат меъёрини аниқлаб ундан оширмаслик ёки чегаралаш.

Юқорида қайд этилган хатарларга тадбиркорлар эртами, кечми йўлиқиши турган гап, лекин уларнинг қайси бирини устивор билиб таъсирини камайтиришини ҳар бир фирма ўзи мустақил ҳал этади.

Такрорлаш учун савоалар.

1. Товар пул муносабатлари нима?
2. Бозор иқтисодиёти деганда сиз қандай иқтисодиётни тушунасиз?
3. Бозор ислоҳотлари деганда қайси ислоҳатларни тушунасиз?
4. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг қандай йўллари бор?
5. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишда ўзига хос бўлган миллий хусусиятлар деганда қайси хусусиятларни тушунасиз?
6. Кўп укладли иқтисодиёт нима?
7. Рақобатчилик мұхити нима?
8. Рақобатни қандай турларини биласиз?
9. Бизнес ва тадбиркорлик деганда сиз нимани тушунасиз?

10. Нима сабабдан бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида кичик ва ўрга бизнес рағбатлантирилди?
11. Тадбиркорлик объекти ва субъекти нима?
12. Тадбиркорликнинг даромад манбаларини айтиб беринг?
13. Тадбиркорликнинг ривожланишини таъминловчи қандай қонунларни биласиз?
14. Тадбиркорлик хатари нима ва уни камайтиришининг қандай йўулларни биласиз?

ХІІ Б О Б

МЕНЕЖМЕНТ. ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ.

Бошқариш тушунчаси. **Бошқаришнинг зарурлиги ва мазмуни.** Табиатдаги ва иқтисодиётдаги жуда кўп жараёнлар уларга инсоннинг таъсирисиз табиий, кимёвий ва биологик қонунларнинг талабларига мувофиқ бошқарилиб турилади. Бунга мисол қилиб кун билан туннинг алмашиб туришини, фасларнинг навбатма-навбат ўрин алмашиб туришини, сувларнинг музлаши ва эришини, жисмларнинг реакцияга киришини, баҳор келиши билан дараҳтларнинг куртак чиқаришини, тогларнинг кўтарилиши ва емирилишини олсак бўлади. Шу жараёнларнинг жуда кўпининг натижаси инсонларнинг яшаши ва фаолият кўрсатиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра одамлар табиатдаги жараёнларга, иқтисодий жараёнларга ўз таъсирини ўтказиб, уларнинг ўзлари учун керакли йўналишларга соладилар. Дарёларни бўғиб уларнинг йўналишини ўзгартирадилар, ўсимликлар ва ҳайвонларни маданийлаштирадилар, ерга органик ва минерал ўгитлар солиб, унумдорлигини оширадилар, кўёш нурларини тўплаб энергия сифатида фойдаланадилар. Буларнинг ҳаммасида инсон таъсири ўтказилияпти, табиий ва иқтисодий жараёнлар жамият мақсадлари сари йўналтириляпти. Шунинг ўзи бошқаришdir.

Бошқариш – бу объектларга, жараёнлар ва иқтисодий фаолиятга муайян йўналиш бериб, кўзланган натижага эришиш мақсадида шу объект ва жараёнларга, ҳамда фаолият кўрсатаётган кишиларга иш юритувчиларнинг онгли таъсири кўрсатицидир. Бошқариш ишининг натижаси бевосита объектларда фаолият кўрсатаётган одамларга, айниқса уларнинг хулқ-атворига, интилишига боғлиқ. Шуни эътиборга олган ҳолда, бошқариш назариясининг асосчиси франциялик Анри Фе-

Йиль бошқаришга шундай таъриф беради: Бошқариш барча имкониятлардан иложи борича фойда олган ҳолда, меҳнат ахлини корхона мақсадлари сари етаклашири... Бошқариш, аввало ҳамма нарсаны олдиндан кўра билиш, кейин режалаштириш, ташкилотчилик, муқобилаштириш ва назоратдан иборат.

Кишилик жамияти тараққий этиб борган сари табиий ва иқтисодий жараёнларни бошқариш зарурияти кучайиб келди. Бошқариш обьектларининг миқёси тобора катталашиб, мураккаблашиб борди, иқтисодий фаолиятда банд бўлганилар сони мислсиз кўпайди. Бунга сабаб шуки, даврлар ўтиб боргани сари мамлакатлар аҳолиси ва дунё аҳолиси кўпайиб, ҳар бир кишининг ва умуман дунё аҳолисининг эҳтиёжлари узлуксиз ошиб бормоқда. Аҳоли эҳтиёжларини чексиз ўсиб бориши бу эҳтиёжларни қондириш учун тобора кўпроқ моддий-маънавий неъматларни ишлаб чиқаришни ҳаққоний талаб қиласди. Бундай талабни қондириш мақсадида кишилик жамияти табиий-иқтисодий жараёнларга ўз таъсирини кучайтириб келмоқда. Янги-янги ерларни ўзлаштирилиши, йирик сув иншоотларининг барпо этилиши, саноат ишлаб чиқаришини вужудга келиши ва ривожланиши, транспорт ва алоқа соҳаларининг, савдо-сотиқнинг ва хўжаликнинг бошқа соҳаларини кенгайиб, мураккаблашиб бориши, шаҳар ва қишлоқларнинг вужудга келиши ва обод бўлиши буларнинг барча барчаси бошқаришнинг натижасидир.

XXI аср инсоният тарихига фан-техника инқилоби асли, саноат асли, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, автоматлаштириш, роботлаштириш, компьютерлаштириш асли, атом асли, коинотни ўзлаштириш асли каби жуда кўп номлар билан кириб келди. Худди шу асрда бошқа асрларда юз бермаган, ўзига хос воқелик юз берди: дунё аҳолисининг сони худди шу юз ийиллик давомида тўрт баробарга яқин кўпайди. Инсоннинг чексиз эҳтиёжларини чекланган ресурслар асосида қондириш муаммоси — оламшумул муаммолардан бирига айланди. Инсоннинг чексиз эҳтиёжларини қондиришнинг бирдан-бир воситаси инсонларнинг онгли фаолияти асосида амалга ошириладиган ишлаб чиқариштириш. Ишлаб чиқариш ходимларнинг моддий манфаатдорлиги асосида амалга оширилали. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир қатнащчиси ўз меҳнат фаолияти натижасида кўпроқ наф кўришга интилади. Кўпроқ наф кўришга интилиш ва бу мақсаддага эришув-хаққоний равишда

одамларни табақалашувига олиб келади. Жамият аъзолари орасидан кўплаб ишбиллармонлар, тадбиркорлар, моҳир бошқарувчилар етишиб чиқиб, мамлакат иқтисадиётини юксалтиришга, халқлар фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшдилар, ўзлари эса, йирик мулкдорларга айландилар. Бу жараён айниқса XX асрнинг 20—30-йилларида жадал қечди. Бу даврга келиб дунёнинг қатор мамлакатларида улкан иқтисодий, ишлаб чиқариш, илмий-техника, технология имкониятларига (потенциалига), бутун бир давлатнинг куч-кудратига тенг келадиган куч-кудратга эга бўлган улкан корпорациялар вужудга келди. Бундай улкан корхоналар, бирлашмалар, банклар улуғ миллатларнинг куч-кудратига айланди. Давлат сиёсатининг тақдиди, халқ тақдиди кўп жиҳатдан худди шу корхоналарнинг фаолияти на-тижасига боғлиқ бўлиб қолди. Қолаверса, бундай улкан корпорациялар дунё мамлакатлари аро ўзларининг ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлиш, сервис ва ахборот турини тўқиб, транс миллий характерига эга бўлиб қолдилар. Бинобарин, дунёдаги кўп мамлакатлар ва халқлар тақдиди ҳам у ёки бу даражада трансмиллий корпорациялар фаолиятига алоқадор.

XX аср ишлаб чиқаришидаги яна бир хусусият шуки, муайян мамлакат корхоналарининг энг катта қисмини ташкил этган кичик ва ўрта корхоналар аксарият кўпчилигининг фаолияти улкан корпорациялар фаолияти билан интеграллашиб кетган. Улар улкан корпорациялар учун маълум қисмлар, деталлар етказиб берувчи корхоначаларга айланниб кеттан.

Қайд этиб ўтилганлардан келиб чиқувчи хulosha шуки, ҳозирги даврга келиб, дунё миқёсида, айниқса ривожланган мамлакатлarda халқ хўжалиги ниҳоятда кенгайиб, мураккаблашиб кетди. Мамлакатлар ичидаги ва ташқарисидаги неча ўнлаб, неча юзлаб корхоналарнинг иқтисодий фаолиятлари бир-бирлари билан киришиб, чирмашиб, бир механизмга айланган. Ишлаб чиқариш жараёнида бир неча миллионлаб, миллиардлаб қийматига эга бўлган асосий ишлаб чиқариш фонdlари қатнашади. Корхоналар кўриши мумкин бўлган фойда ҳам, зарар ҳам жуда катта рақамларда ифодаланади. Мободо қайсиdir корхона таназзулга юз тутадиган бўлса, у келтириши мумкин бўлган зарар мамлакат иқтисолиётини катта қисмини ўпириб кетади. Бинобарин, ҳозирги даврга келиб, бошқаришнинг аҳамияти ниҳоятда ошди, унинг фаолият доираси ўта кенгайди.

Бошқариш иқтисодиёттинг муҳим тармоқларидан бирiga айланди, бошқарувчилар эса, жами касб өгалари ичида энг эъзозлиси касб өгалари сифатида ажралиб чиқди. Адабиётларда, амалий ҳаётда бошқаришнинг замонавий мөҳиятини ифодаловчи «менежмент» бошқарувчи шахси англатувчи «менеджер» тушунчалари кенг ишлатили бошлиди.

Ташкилот — менежментни амал қилишининг сабабчи-си. Бошқариш обьекти ташкилотdir. Ташкилот — умумий мақсад ёки мақсадларга эришиш учун фаолиятлари ўзаро мувофиқлаштирувчи кишилар турұхидир. Кишилар ташкилот ҳисобланиши учун қўйидаги шартларга жавоб бериси керак: а) ўзини ушбу гуруҳнинг қисми деб билувчи, ҳеч бўлмагандага икки кишининг бўлиши шарт; б) умумий мақсадга эришиш учун биргаликда сидқидилдан ишлайдиган гуруҳ аъзоларининг бўлиши.

Хозирги замон ташкилотларининг кўпи ўзаро борлик мақсадлар дастасига эта бўлган мураккаб ташкилотлардир. Ривожланган мамлакатлардаги айrim корпорациялар дунёning кўплаб мамлакатларида фаолият олиб бораётган минглаб корхоналарни ўз ичига олади. Масалан, АҚШдаги «Макдоналдс» етти мингдан ошиқ мустақил корхоналардан ташкил топган улкан ташкилотdir. Булар ичидаги магазинлар ва корхоналар курувчи, реклама олиб борувчи, маҳсулотларни сотиб оловучи, янги хил маҳсулотларни кашф этувчи, маҳсулотлар сифатини назорат қўлувчи, қисқаси хилма-хил мақсадлар йўлида фаолият кўрсатувчи ташкилотлар бор. Бу ташкилотларнинг ҳар бири мураккаб, бош ташкилотнинг умумий мақсади ва ўзларининг мақсадларини рўёбга чиқариш учун товарлар хизматларнинг у ёки бутурини ишлаб чиқаришга иктинослашган ҳолда, горизонтал меҳнат тақсимоти асосида иқтисодий фаолият олиб борувчи бўлимлар ҳисобланади. Юзлаб, минглаб бўлимларнинг ўз мақсадлари ва корпорациянинг умумий мақсади сари муваффақиятли олиб борицларини умумий тартибга солиш талаб этилади. Бу ишни вертикал меҳнат тақсимоти асосида бошқарув хизмати амалга оширади. Бинобарин, хозирги вақтда йирик ташкилотларни бошқариш погонама-погона олиб борилади. Адабиётларда ва амалий ҳаётда раҳбарларни ташкилотларда бажараётган вазифаларига қараб учта тоифага ажратилади. (1-чизма).

Техник даражадаги шахслар бевосита маҳсулотлар ва хизматларни тұхтосыз, самарали ишлаб чиқарилишини таъминловчи қундалик операцияларни ва ҳаралаттарни бошқарадилар. Булар жуда күп сонладыр. Булар — мастерлар (усталар), смена мастерлари, бўлим бошлиқлари, кичик зобидлар, катта ҳамширалар, бизнес мактабининг кафедра мудирлари кабилардир. Амалиётда уларни қуий бўғин раҳбарлари деб аталади. Улар ишлаб чиқаришда ишчилар ва раҳбар бўлмаган бошқа ходимлар фаолиятини бошқарадилар.

Йирик ташкилотларда жуда кўпчиликни ташкил этган қуий бўғин раҳбарлари фаолиятини назорат қилиб, ташкилотнинг умумий мақсади сари уйғунлаштириб туриш талаб этилади. Бу ишни ўрта бўғин раҳбарлари амалга оширади. Ўрта бўғин раҳбарларига мактабларда ўқув, тарбия ишларини бошқарувчилар, коллежларда деканлар, хўжалик ишлари бошлиқлари, ишлаб чиқаришда ташкилоттаги қарашли завод ва фабрикаларнинг директорлари, турли бўлимларнинг бошлиқлари киради. Бу тоифадаги раҳбарлар бошқарув даражасидаги ишларни амалга оширадилар, яъни раҳбарлар устидан раҳбарлик қиладилар.

Ҳар бир ташкилотнинг олий бош бўғин раҳбарлари бўлади. Булар — корпорацияларнинг президентлари, вице-президентлари, шаҳар, туман, вилоят ҳокимлари, мактаб ва коллежларнинг директорлари, олий ўқув юргларининг ректорлари кабилардир. Олий бўғиндаги раҳбарлар ташкилот ёки ташкилотнинг асосий қисмларига тегишли қарорларни қабул қилинишига ва бу қарорларни амалга оширилишига жавоб беради. Оз сонли олий бўғиндаги раҳбарлар ташкилотнинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилади. Олий бўғин раҳбарларининг хулқ-атвори, уларнинг фаоллиги ташкилот фаолиятининг умумий жараёнига ва фаолият натижасига сезиларли таъсир қилади.

Шуни қайд этиб ўтиш жоизки, аксарият ҳолларда олий бўғин раҳбарлари ўрта бўғин раҳбарлари ҳамдир. Масалан, коллеж миқёсида коллеж директори олий бўғиндаги раҳбар, таълим тизимининг юқори органлари миқёсида эса у ўрта бўғиндаги раҳбардир.

Маълумки, ташкилотлар, ижтимоий, жамоавий, гурӯҳий ва шахсий эҳтиёжларни қондириш ва шу йўл билан даромад, фойда олиш мақсадида фаолият олиб борадилар. Ҳар қандай иқтисодий маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш омилларидан, яъни иш

Бонжарув погоналари.



Чизма Майкл Мескон ва «Основы Менеджмента» китобидан олинди. Москва «Логос». 2000 г. 42 стр.

кучи, ёқилғи, энергия, хом-ашё, курилмалар, асбоб-ускуналар, материаллар, ахборот, пул маблағлари каби иқтисодий ресурслардан фойдаланадилар. Бинобарин, ташкилот бошқариш дегаңда ишчиларни, ишлаб чиқариш воситаларини, моддий ресурсларни, молияни, ах-боротни бошқариш түшүнүлади. Корхона таъминоти, ишлаб чиқарылган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ ҳаракатлар ҳам бошқариш таъсир доирасига киради.

Ҳар бир корхона мұайян сифатта, халқаро қабул қилинган нормалар ва стандартларга мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариши керак. Шундай экан, корхонани бош-қаришга ишлаб чиқарилаёттан маҳсулотлар таркибиниң ва сифатини бошқариш, ишлаб чиқариш технология-сини бошқариш ҳам киради. Қисқаси, юқорида қайд этиб ўтилғанларнинг ҳаммаси менежмент қамровига киругчи ишлардир.

Менежмент – бу ишлаб чиқариши бошқариш бүйічадағы фаянсыздар. Уни таърифлаш мүмкін: менежмент – ри-вожланған мамлакаттарда ишлаб чиқариш самарадор-лигини ошириш, тежамкорлықни таъминлаш ва фойдала-олыш мақсадида ишлаб чиқарылған ва амалда күлгіні-лаётган ишлаб чиқаришнинг принциплари, усуллары, воситалари ва шаклларининг жиһіндисидір. Менежмент – бошқа одамларнинг мәднатаидан, ақыл-идроқидан, хүлк-атвор ва бошқа қобилиятлардан қылданаған фой-

даланиб, құйилған мақсадға эришишдир. Луғавий маңнода менежмент — «бошқармоқ» вазифаны бажармоқ, яғни турли-туман ташкилотларда одамлар устидан раҳбарлық қилиш билан боғлиқ бұлған фаолият туридір. Бундан ташқари менежмент ишлаб чиқариш жараёнидаги, ҳамда истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро алоқаларидағы инсоний муносабатларни бошқариш ҳақидаги фандир. Бу фан энг яхши ютуқларға эришиш мақсадларида ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига, ҳамда шу ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаёттан ишчиходимларға таъсир этишининг воситалари ҳамда усуларини ўрганади. Ва ниҳоят менежмент «менеджер» сұйыдан келиб чиққан йығма түшунча бўлиб, руҳгуносликни, жамиятшуносликни, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаларни яхши биладиган, бошқариш ишларини зўр олиб борадиган профессионал бошқарувчиларни, бош директорларни, президентларни, раҳбарларни англатади.

Бошқариш — маъмурый бошқариш тарзида узоқ даврлардан бўён амал қилиб келган. Албатта, менежмент бошқариш ривожланишининг натижаси. Лекин менежментнинг келиб чиқиши кўпроқ хусусий тадбиркорларни келиб чиқиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Хусусий тадбиркорликни юксакликка кўтарилиши XX асрнинг 30-йилларига тўғри келди. Худди шу даврдан бошлаб бошқаришнинг иқтисодий тараққиётдаги аҳамияти ниҳоятда ощи. Бошқариш фаолияти алоҳида касбга, бошқариш илми — алоҳида фанга бошқарувчилар эса, таъсир доираси кучли ижтимоий қатламга айланди.


Хозирги замон ташкилоти фаолияти кўп қиррали. Шунга кўра уни бошқариш ҳам мураккабдир. Бошқариш — ўзига хос уч бурчакни ташкил этувчи Инсон — Табиат — Жамият ўзаро алоқалари, боғлиқликлари билан иш кўради. (2-чизма). Чизмада учбурчакнинг учларида И — инсон, Т — табиат, Ж — жамият унсурлари жойлашган, учбурчакнинг марказида эса Ф — фирма турибди. Нуқталарни ўзаро чизиқлар билан бирлаштирасак фирма — унсурлар — боғланишлари кўзга ташланади. Чизмадаги ҳар бир нуқта ва чизиқнинг чуқур маъниси бор.

Фирмалар ўз фаолиятларида ишлаб чиқариш омиллари иш кучи (И) ва ишлаб чиқариш воситалари (Т) дан фойдаланади ва жамият (Ж) эҳтиёжларини қондириш учун моддий-неъматлар яратадилар. Табиатдан (Т)

фирма ресурслар олади. Фирманинг ресурсларга бўлган эҳтиёжи чексиз ресурслар эса чекланган. Ф – Т чизиги фирма ва табиат ўргасидаги муносабатларни ифодалайди. Бу муносабатлар бошқариш жараёнидаги ресурслардан тежамли фойдаланишни, атроф-муҳит мухофазасини таъминлашни талаб қиласди. Чизмадаги И унсури фирма ходими, инсонни билдиради. Инсон – фирма ички муҳитининг асосий компоненти (таркибий қисми). И-Ф чизиги рамзий равишда инсон ва фирма ўртасидаги алоқа-боғланишларни ифодалайди, ёки ички омилларни бошқаришни яъни менежментни билдиради. Ж – унсури харидорлар ва ресурсларни етказиб берувчиликларни, давлат ва жамоат ташкилотларини, банклар ва суғурта компанияларини, рақобатчиларни, савдо ташкилотлари ва бошқаларни ўз ичига олувчи фирманинг ташқи муҳитини мужассамлаштиради. Ж-Ф чизиги фирманинг жамият билан алоқаларини билдиради, ёки ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда фирмани бошқаришни англатади. Ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда фирмани бошқариш – маркетинг вазифасидир. Маркетинг ва менежмент бошқаришнинг ажралмас икки томонидир. Маркетинг мақсадлар генератори ролини ўйнаса, менежмент шу мақсадларни амалга оширувчи ҳисобланади.

Ходимларнинг юксак ижодий-руҳий фаоллиги натижасидагина фирма катта мувоффакиятларга эришиши мумкин. Чунки, ҳар бир ходим ўз иш жойига ўз энергиясини олиб келади. Бу энергия имконияти (потенциали) раҳбарларнинг ўз ходимлари энергия имкониятларини ишга сола олишлари яратиб берадиган шарт-шароитларига боғлиқ. Менежментнинг вазифаси бу энергия имкониятларини қониқиши ҳосил қилувчи аниқ натижалар олишга йўналтиришдир. Бошқа шарт-шароитлар ўзгармагани ҳолда иш жойидаги яхши ижтимоий-руҳий муҳит, дўстона мумомала ходимларнинг энергия имкониятларини ишга солинишини оширади. Ва аксинча, асабийлик, афсусланиш, жанжалларни бўлиб туриши – ходимларни саломатлигини ёмонлаштиради, энергия имкониятларини ишга солинишини кескин камайтиради. Ривожланган мамлакатлар менеджерларининг таъкидлашича, одамларга қанча яхши муносабатда бўлсангиз, ходимлар фирмадан қанчалик кўп манавий ва моддий рагбат олса, у фирма учун шунчалик кўп қобилиятини, қизиқишларини ва энергиясини беради.

Бошқармаш учбурчаги.



Чизма Дэвид Мерсер «IBM управление в самой преуспевающей корпорации мира» китобидан олинди. Москва, Прогресс, 1991. 9-бет.

Менежмент таңкилот мақсадлари ва вазифаларини аниқлаш, белгиланган мақсадларини амалга ошириш йўллари ва усулларини топиш, бошқарув қарорлари бажарилишини назорат қилиб бориш ва амалга ошириш, бошқарув жараёнини такомиллаштириб бориш каби ишларни амалга оширишда ҳал қилувчи компонент бўлган инсонга алоҳида эътибор бермоқда. Мехнат жамоасининг тацаббускорлиги, тадбиркорлиги, ижодкорлиги руҳини шакллантириш ва ривожлантириш – менежментнинг асосий вазифаси.

Давлат бошқарувининг зарурлиги. Ўз вақтида жамиятни бошқаришнинг зарурлиги давлатни вужудга келтирди. Узоқ даврлар мобайнида давлат асосан сиёсий бошқарув билан шугулланиб келди. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат вазифаларининг миёси анча кенгайди. Давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашув зарурати туғилди. Бу заруратнинг келиб чиқиши мамлакатлар аҳолиси сони ва уларнинг эҳтиёжларини ўсиб бориши, мамлакат иқтисодиётини, айниқса, хусусий тадбиркорликни бекиёс ўсиши, фан-техникани ривожлантириш, муайян мамлакат хўжалиги маҳсулотларини рақобатли жаҳон бозорига чиқиши, ресурслар танқислиги, атроф-муҳит муҳофазаси, очарчилик тўйиб овқат емаслик каби қатор миллий ва оламшумул муаммоларни келиб чиқиши билан боғлиқ. Бинобарин, ҳозирги пайтда қарор топган мамлакатларда иқтисодиёт бозор механизмлари билан бир қаторда давлат механизмлари орқали ҳам бошқарилади.

Маълумки, марказлашган маъмурый-буйруқбозлиқ ва эркин тадбиркорликка асосланган иқтисодий тизимлари мавжуд. Бозор иқтисодиёти шароитига бошқаришнинг бу иккала тизимида бир-бирларига мувофиқлаштирилган ҳолда фойдаланилади. Умумий бошқарувда иқтисодий бошқаришнинг ҳиссаси кўпроқ бўлади. Хусусий мулк, баҳоларнинг эркин шаклланиши, фойда олишга интилиш ва рақобатга асосланган бошқаришнинг иқтисодий тизимида ресурслар тақсимоти бозорда, талаб ва таклиф қонунлари ҳаракатига мувофиқ амалга оширилади. Шу усулдаги бошқариш – мамлакатлар иқтисодиётини суръатлар билан ривожланишини таъминлаганлигини кейинги ўн йилликлар тажрибаси тасдиқлади.

Собиқ Совет империяси даврида бошқаришнинг марказлаштирилган маъмурый-буйруқбозлиқ тизими тўла ҳукмронлик қилди. Совет иқтисодиёти асосини ишлаб чиқариш воситаларининг давлат мулки ва марказлаштирилган иқтисодий режалаштириш ташкил этди. Ишлаб чиқаришнинг шахсий-инсоний омили меҳнат – кишилари ёппасига ишлаб чиқариш воситалари мулкдорлигидан маҳрум бўлиб қолдилар. Уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашишидан моддий манфаатдорлиги сўнди. Меҳнатта жалб қилишнинг иқтисодий зўравонлик усули кенг қўлланилди. Мамлакатдаги бой табиий ва иқтисодий ресурслардан фойдаланишда истрофарчиликлар, хўжасизликдир, талон-тарожликлар кенг авж олди. Иқтисодиётда баъзан эришилган ютуқлар жуда катта ресурслар харажати ҳисобига бўлди. Охир оқибатда бошқаришнинг марказлаштирилган маъмурый-буйруқбозлиқ тизими ҳукмронлигига иқтисодий фаолият олиб борган совет империяси ва умуман, социалистик жамият ўзини ўзи иқтисодий эглай олмай йўқ бўлиб кетди. Бинобарин, жамиятнинг иқтисодий ривожланиш йўлини танлашда бошқаришнинг қайси тизимини танлаб олишнинг аҳамияти жуда каттадир.

Давлат бошқарувининг иқтисодий аҳамияти. Бозор иқтисодиётини бозор механизмлари ва давлат бошқаруви билан уйғунлашган ҳолда бошқарилиши талаб этилади. Иқтисодиётни давлат бошқаруви давлат томонидан иқтисодиётни тартибга келтиришда намоён бўлади. Давлат мамлакат иқтисодиётини тартибга келтиришда қатор иқтисодий вазифаларни амалга оширади. (Чизма-3).

Биринчидан, давлатнинг айрим иқтисодий вазифалари бозор иқтисодиёти тизимини кўллаб-куватлаш ва уни амал қилишини сенгиллаштириш мақсадини кўзлади. Бу соҳада давлатнинг қўйидаги икки муҳим фаолият турини кўрсатсак бўлади:

1. Бозор тизимини самарали амал қилишига ёрдам берувчи ҳукукий база ва ижтимоий муҳитни яратиб бериш. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қайд этилган «жамиятнинг иқтисодий негизлари» тўғрисидаги қоидалар, Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, банк ва банк фаолияти тўғрисидаги, солиқ тўғрисидаги ва бошқа кўпдан-кўп қонунлар бозор иқтисодиётини самарали амал қилишини таъминловчи ҳукукий база бўлиб хизмат қиласди.

2. Рақобатни ҳимоя қилиш. Рақобат бозор иқтисодиётида асосий тартибга келтирувчи механизм ҳисобланади. Рақобат ишлаб чиқарувчиларни ва ресурслар етказиб берувчиларни харидор ҳукмига ёки истеъмолчи даҳлисизлигига бўйсундириб беради. Рақобатдан ишлаб чиқарувчилар ҳам, истеъмолчилар ҳам, давлат ҳам, жамият ҳам ютади. Шуни ҳисобга олган ҳолда давлат қонунлар орқали рақобатни ҳимоя қиласди, рақобат муҳитини сақлашга ҳаракат қиласди.

Рақобатни ҳимоя қилиш, рақобат муҳитини яратиш вазифаларини амалга ошира бориб, давлат бозор тизими амал қилишини кучайтиради, унга ўзгартиришлар киритади. Давлатнинг қўйидаги уч вазифани бажаришдаги фаолияти ҳам бозор тизимини мустаҳкамланиши ва кенгайишини таъминлайди:

- а) Даромад ва бойникларни қайта тақсимлаш.
- б) Мислий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга келтириш.
- в) Иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодиётдаги тебранишлар, ва яна иқтисодий ўсишни рагбатлантириш натижасида келиб чиқадиган ишда бандлик ва инфляция даражасини назорат қилиш.

Товарлар дунёсида индивидуал истеъмолга мўлжалланган товарлар бор. Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, уй-жой анжомлари, транспорт воситалари, зебу-зийнат буюмлари кабилар индивидуал истеъмол товарлариидир. Бу товарларни ҳар ким, хоҳлаган пайтда, хоҳлаган миқдорда сотиб олиб, истеъмол қилишлари мумкин. Тадбиркорлар ҳар доим индивидуал истеъмол товарлари ишлаб чиқариб фойда олишга интилади. Ле-

кин, шундай товарлар борки, уларни ҳар ким хоҳлаган пайтда, хоҳлаган мақсадда сотиб олиб, истемол қила олмайди. Аммо бу товарлар инсонларни яшашлари ва фаолият күрсатишлари учун жуда зарурдир. Темирийүл ва автомобиль йўллари, ҳаво ва сув йўллари, миллий боғлар, кўчалар ва уларни безаб турган гулзорлар, электр линиялари, умумтаълим мактаблари, колледжлар, сув инишотлари ижтимоий товарлардир. Уларни ҳеч ким сотмайди ва ҳеч ким сотиб олмайди. Аммо ҳамма улардан бепул фойдаланади. Тезроқ фойда кўриш илинжида юрган тадбиркорлар бундай товарларни ишлаб чиқаришдан манфаатдор эмаслар. Чунки, бундай товарларни ишлаб чиқаришга кўйилган маблағ тадбиркор учун фойда келтирмайди, келтирган чоғда ҳам вақтни талаб қиласди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, жамият учун жуда зарур бўлган ижтимоий товарларни ишлаб чиқариш вазифаси давлат гарданига юкланди.

Иқтисодиёт жабҳасида давлат истемолчи сифатида бозорга чиқади. Давлат буюртма бериб, керакли товарларни қатъий баҳода сотиб олади, бу билан ҳажмига таъсир этади. Давлат буюртмасини бажариш фирмалар учун қулай ишга айланади. чунки товарлар сотилиши, бинобарин, кафолатланган, тадбиркорлик катари кам бўлади. Давлатнинг бу тадбири бозорни кенгайтиради, чунки кўшимча пул харид воситаси сифатида бозорга ташланади.

Давлат маълум иқтисодий воситалар – молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нарх-навони назорат қилиш ва бевосита таъсир ўтказиш чоралари орқали иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солади.

Давлат иқтисодиётга ўзининг ижтимоий сиёсати билан ҳам таъсир кўрсатади. Бу асосан икки йўл билан амалга оширилади. Биринчидан, давлат ўз маблаглари билан малакали ишчи кучини тайёрлашда қатнашади. Давлат ҳисобидан ҳамма учун бепул таълим берилали, маълум тоифа бепул таълим олади, бепул тиббий хизматлардан фойдаланади, имтиёзли уй-жойга эга бўлади. Давлат ҳисобидан аҳолини янги касбларга ўргатиш жорий этилади.

Иккинчидан, давлат ўз бюджети доирасида шахсий ларомадларни қайта тақсимлаб, бой тоифа ҳисобидан камбағалларни таъминлаб туради. Бу билан синфий кураш бартараф этилади, ижтимоий тотувлик – муроса қарор топади. Бу эса иқтисодий ўсишга қулай шароит яратади.

Давлатниң иқтисодий вазифалари.



Истеъмолчилар манфаатларини ҳимоялаш ва товарлар ва хизматлар сифатини назорат қилиб бориш, табиий ресурсларни тартиблаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ташқи савдо ва операцияларни назорат қилиш ҳамда ҳалқаро муносабатларда мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам давлатнинг иқтисодий вазифалари ҳисобланади.

Қайд этиб ўтилган барча иқтисодий вазифалар тўлалигича мустақилликнинг дастлабки одимларини қўяётган Ўзбекистонга ҳам хосдир. Шу билан бирга Ўзбекистон давлати ўзи таңлаб олган йўлнинг талабларидан келиб чиқувчи бошқа иқтисодий вазифаларни ҳам амалга ошириб келмоқда. Маълумки, Ўзбекистон мустақилликнинг иқтисодий асосини бозор иқтисодиётига ўтишнинг «ўзбек модели»ни амалга ошириш орқали барпо этмоқда. Республикализнинг бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларидан бири — «Давлат бош ислоҳотчи». Шу тамойил талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон давлат ислоҳотларининг бошида туриб келмоқда. Унинг раҳбарлигида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳалари бўйича ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Булар: ҳалқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришлар, пул ислоҳоти, аграр ислоҳотлар, молиявий ислоҳотлар, таълим соҳасидаги, соғликни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги ислоҳотлар ва бошқалар.

Мамлакат иқтисодий куч-кудратини юксалишида, ҳалқ ҳаётининг яхшиланиб боришида давлат саъй-ҳаракатларининг аҳамияти жуда каттадир. Тўғри танланган иқтисодий сиёсат ва уни муваффақиятли амалга оширилиши мамлакат иқтисодини узлуксиз, барқарор ривожланиб боришини таъминлади, ҳалққа фаровон ҳаёт бахш этади, давлатнинг ҳалқаро обрўси ортиб боради.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Бошқариш нима?
2. Бошқаришнинг зарурлигини келтириб чиқарувчи сабаблар?
3. XX асрда нима учун бошқаришнинг зарурлиги ва аҳамияти ортиб кетди?
4. Ташкилот нима? Ташкилот бўлишнинг шартлари.
5. Ҳозирти замон ташкилотларининг ўзига хос ҳусусиятлари.
6. Бошқариш погоналари.
7. Менежмент нима? Менежментнинг вужудга келиши нималар билан боғлиқ?
8. Давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви зарурияти нималардан келиб чиқдан?
9. Давлат қандай иқтисодий вазифаларни бажаради?

ХІІІ Б О Б

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАРАЖАТЛАРИ. ФОЙДА

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва уларнинг турлари. Моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳар қандай шароитда маълум чиқимлар ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ҳаражатларининг аҳамияти янада ортади. Зеро фирманинг даромади, айниқса, у оладиган фойда миқдори ана шу ҳаражатларга бевосита даҳлдор бўлади: ҳаражатлар кам бўлса фойда кўпроқ ва аксинча бўлади.

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари деганда фирма (корхона), ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариш омиллари сотиб олишга аванслаган чиқимлари тушунлади. Албатта, бу чиқимлар миқдори, таркиби турли шароитларда турлича бўлади. Бозор иқтисодиёти шаклланган шароитда хўжалик юритувчи соҳибкор (талбиркор) нуқтаи-назаридан ишлаб чиқариш ҳаражатлари шунчаки маълум натижага олиш учун эмас, балки қилинган чиқимларнинг ҳар бир бирлигига маълум (ўртачадан кам бўлмаган) фойда олишни билдиради. Демак, ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан ишлаб чиқариш ҳажми пировард натижаси ўртасида доимий боғлиқлик бўлади.

Хозирги замон иқтисодиётида ишлаб чиқариш ҳаражатлари ишлаб чиқарилган маҳсулотга боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган нуқтаи-назаридан талқин қилинади. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари шу аснодан келиб чиқиб таҳлил этилади ва баҳоланади.

Ишлаб чиқариш ҳаражатларини соф иқтисодий ва бухгалтерия (ҳисоб-китоб) нуқтаи-назаридан ҳам фарқланади. Соф иқтисодий назария жиҳатдан бу ҳаражатлар ишлаб чиқариш омилларига — моддий-ашёвий омилларга (ишлаб чиқариш воситалари) ва шахсий омилларга (иш кучи омили) қилинган ҳаражатлардан иборат бўлади. Бухгалтерия ҳисоби жиҳатидан соҳибкорнинг ҳаражатлари амортизация (ишлаб чиқариш куролларининг емирилган қиймати), хом ашёлар, ёрдамчи материаллар, захира қисмлари, ёқилги ва электр энергия, иш ҳақи, маҳсулотни сотишига авансланган (сарфланган) пул маблағидир.

Бухгалтерия ҳисботида ишлаб чиқариш ҳаражатлари таркиби деган тушунча ҳам мавжуд. **Ҳаражатлар тар-**

киби деганда умумий ҳаражатларда у ёки бу ҳаражатларнинг (чиқимнинг) салмоғи, ҳиссаси тушунилади. Бу таркибий тузилишни аниқлашнинг иқтисодий аҳамияти бор. Зоро, ишлаб чиқариш ҳаражатлари таркибида қайси ҳаражат юқори (кўп) бўлса, ҳаражатларни тежаш имконияти ўшандан қидирилади. Масалан, қишлоқ хўжалигидаги, айниқса, сабзавотчилик, полизчилик, чорвачилик, мевачилик соҳаларида кўл меҳнати юқори туради ва шунга кўра иш ҳақи салмоғи юқоридир. Шуннинг учун кўл меҳнатини енгиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар қидирилади.

Саноатда айниқса, тоғ-кон, машинасозлик, кимё саноати соҳаларида машина механизмлар, асбоб-ускуналар, амортизация ҳаражатлари юқори бўлади ва ҳ. к. Демак, ишлаб чиқариш чиқимлари таркиби масаласи иқтисодиётни тежамли ташкил этишда муҳим омил саналади.

Доимий, ўзгарувчан, ялпи ҳаражатлар. Таннарх. Ишлаб чиқариш миқёси, ҳажмига таъсири нуқтаи-назаридан ҳаражатларни доимий, ўзгарувчан ва ялпи ҳаражатлар сифатида тавсифланади. Доимий ҳаражатлар шундай ҳаражатларки, улар ишлаб чиқариш миқёсига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади. Булар жумласига амортизация ажратмаси (иморат ва бошқа воситаларнинг эмирилиши) кредит, фойзлар, солиқлар, қўриклиш ҳаражати, бошқарув ходимлари маошлари, сугурта қилиш кабилар киради. Уларни доимий дейилишига сабаб шуки, ҳар қандай ишлаб чиқаришда бундай чиқимлар объектив заруратdir, ишлаб чиқариш ҳажми қандай бўлса ҳам уларни мавжуд бўлиши табиийdir. Бироқ бу ҳаражатларнинг салмоғи ва умумий ҳаражатлардаги ҳиссаси ўзгармайди дегани эмас.

Ўзгарувчан ҳаражатлар шундай ҳаражатларки, улар ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бевосита боғлиқ бўлади. Бундай ҳаражатларга хом-ашёлар, материалилар, ёқилғи-энергетика сарфлари, ишловчиларнинг иш ҳақи кабилар киради. Зоро, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори юқоридаги сарфлар миқдорига бевосита боғлиқдир, яъни кўпроқ сарф қилинса, кўпроқ маҳсулот олинади ва аксинча. Тўғри, бир-бирининг ўрнини босувчи муқобил хом-ашёлар, материал ва ёқилғилар қўлланиши мумкин. Бироқ, бу ҳол ишлаб чиқариш миқёсига салбий таъсир этмайди. Масалан, маълум маҳсулот яратиш учун аввалгидан озроқ иш кучи сарфланиши мумкин. Бироқ, бошқа ҳаражатлар ўзгармаган

холда ишлаёттган ходимларга олдингидек (иш ҳақи фонди) иш ҳақи сарфланади, яъни уларнинг интенсив меҳнати рағбатлантирилади. Бошқача айтганда, аввалги иш ҳақи фонди озроқ миқдордаги, бироқ интенсивроқ ишлаган ишчиларга тўланади.

Ялпи ишлаб чиқариш харажатлари маълум миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун умуман сарфланган харажатлардир, яъни доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси. Ўз навбатида ялпи харажатлар ўртача харажатлар, ўртача доимий харажатлар, ва ўргача ўзгарувчан харажатлар тариқасида ҳам ажralиб туради. Ўртача харажатлар ялпи харажатларнинг ялпи маҳсулот миқдорига нисбатан олинган харажатлар, ўртача доимий харажатлар – доимий харажатларнинг ялпи маҳсулот миқдорига нисбатан олинган ҳосилиси бўлса, ўртача ўзгарувчан харажатлар – ўзгарувчан харажатларининг ялпи маҳсулот миқдорига нисбатидан иборатдир.

Фарб иқтисодиётида чекланган харажатлар деган категория ҳам кўлланиб келинади. Бу харажатлар ҳар бир қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига пропорционал миқдорда сарфланган қўшимча чиқимлардир. Албатта, бунда бошқа шароитлар (масалан, доимий харажатлар) ўзгармаган ҳолатдаги натижага тушунилади. Юқорида айтганимиздек, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект олдида доимо бир муаммо – ресурсларнинг чекланганлиги муаммоси кўндаланг туради. Ҳатто, у ёки бу ресурс сиртдан қаралганда бекиёс кўп кўриниши ҳам мумкин. Масалан, гўё Ўзбекистонда, айниқса, Андижон вилоятида меҳнат ресурслари ортиқчадек туюлади. Аслида айрим тармоқларда, замонавий корхоналарда у ёки бу касблардаги малакали ишчилар етишмайди.

Ресурслар танқислиги ёки чекланганлиги шароитида фирма муқобил харажатларга кўл уради. Маъноси шуки, аввалги анъанавий маҳсулот ишлаб чиқаришдан воз кечади, камроқ ресурс талаб қилинади. Бироқ, аввалгидек даромад келтирадиган маҳсулот турини ишлаб чиқишига ўтиб кетади. Фирма (корхона) бухгалтериясида ишлаб чиқариш харажатларининг бошқа бир ифодаси бўлган таннарх категориясидан фойдаланилади, яъни корхона маҳсулотининг таннархи ҳисоблаб борилади. **Таннарх** – фирманинг барча маҳсулотга ёки маҳсулот бирлигига пул сифатида сарф қилинган харажатидир. Одатда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш таннархи (тўла

танинда) каби кўрсаткичлар фарқланади. Танинда у ёки бу маҳсулот фаолият маҳсали фирмага қанчага тушганилигини кўрсатади. Корхона фойдаси танинда билан маҳсулотнинг ялпи қиймати ўртасидаги миқдорий фарқдан ташкил топади. Шу маънода корхона учун танинда, ишлаб чиқариш харажатлари деган кўрсаткичларнинг аҳамияти бекёёсdir. Шуни таъкидлаш керакки, бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида товарлар (хизматлар) таклифининг талабга нисбатан паст бўлиши оқибатида маҳсулот танинда масаласига жiddий эътибор берилмаётir. Зоро, бозорнинг тўйинмаганлиги туфайли, нархларнинг анча юқори бўлиши туфайли танинда юқори товарларнинг ҳам сотилиши, ҳатто фойда келтиришга ҳам сабаб бўлаётir. Бироқ, бу вақтинчалик, ўтиш даври учун характерли ҳолат эканини унумаслик лозим. Демак, танинда камайтиришга қаратилган ҳаракатни тўхтатмаслик лозим. Аслида кам харажат қилиб кўпроқ самараға эришиш ёки айнан ўша ҳаражат билан кўпроқ натижа олиш иқтисодиётнинг, иқтисодий фаолиятнинг бош мазмунини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш фондлари ва уларнинг айланиши. Одатда такрор ишлаб чиқариш якка тарзда, айrim хўжалик юритувчи субъект, фирма (корхона) доирасида амалга ошади. Бунинг учун фирма ҳисобидан, унинг «чўнгатги»дан ишлаб чиқариш харажатлари, чиқимлар қилинади. Бу харажатлар моддий ва пул шаклларида сарфланади. Фарб иқтисодиётida корхонани ишлаб чиқариш учун авансланган ресурсларни инвестиционал ресурслар деб юритилади. Бу ресурслар корхонага тегишли бўлади, унинг ихтиёри ва тасарруфида ҳаракатланади. Инвестицион ресурсларнинг қиймат (пул) шаклида фирма (корхона) тасарруфида бўлиши, яъни уларнинг фирмага бириткирилишига ишлаб чиқариш фондлари дейилади.

Корхона фонди пул, ишлаб чиқариш ва товар шаклларини олади. Бу ерда шуни эслатиб ўтиш керакки, айни бир вақтда фирманинг бир қисм ресурси пул шаклида, иккинчи қисм ресурси унумли (ишлаб чиқариш шаклида), учинчи қисм ресурси товар шаклида бўлиб, улар навбатма-навбат ўринларини алмаштириб туради. Корхона фондларининг доим, босқичма-босқич ҳар уччала босқични босиб ўтиб қиймат шаклида аввалги, аслига қайтиб туриш жараёнига қиммати қўлланган ҳолда фондлар айланиши дейилади. Бошқача қилиб айт-

ганда корхона фондлари доиравий айланнишининг узлуксизлиги фондлар айланнишидир.

Фондлар айланнишида барча фондлар бир хилда айланмайди. Баъзи ишлаб чиқариш фонди бир марта айланниш жараённида бошқа фондлар бир неча марта доиравий айланнишини ўтказади. Масалан, фабрика биноси 100 йилда бир марта айланса (яни 100 йилда унинг қиймати кайтариб олинса) машина ва асбобускуналар 5—10 марта, хом-ашёлар 30—40 марта ва ишчи кучи учун авансланган пул ресурси бундан ҳам кўпроқ доиравий айланниши ўтказади. Ана шунга кўра фондлар асосий ва айланма фондларга бўлинади.

Корхонанинг асосий фондлари деб фондларнинг шундай қисмига айтиладики, улар ўзларининг қийматини янги маҳсулотга аста-секин, емирилишга қараб ўтказиб боради. Бунда улар ўзининг натурал (буюм) шаклини сақлаб қолади. Буларга бино ва иншоотлар, машина, механизмлар, асбоб-ускуналар, транспорт ва алоқа воситалари кабилар киради. Асосий фондлар корхона иқтисодий салоҳиятининг жуда муҳим кўрсаткичидир. Албатта, илмий техника тараққиёти туфайли корхонанинг асосий фондлари янгиланиб, такомиллашиб боради. Корхонанинг асосий фондлар билан қанчалик таъминланганлиги меҳнатнинг фондлар билан қуроланиши кўрсаткичи орқали ифодаланади. Фондлар самарадорлиги эса фонд қайтими кўрсаткичидан ифодаланади. Бу кўрсаткични куйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Phi_k = \frac{M}{A\phi}$$

Бу ерда Φ_k — асосий фондлар қайтими,

M — маҳсулот ҳажми,

$A\phi$ — асосий фондлар қиймати.

Корхонанинг айланма фонди деб шундай фондларга айтиладики, улар фақат бир доиравий айланнишида иштирок этади, ўзининг қийматини товарга бир йўла ўтказади ва ўзининг натурал (буюм) шаклини сақлаб қолмайди. Бу фондларга хом-ашёлар, ёрдамчи материяллар, энергия ва ёқилғилар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигида ем-хашак, ёш ва бокувдаги ҳайвонлар, ёш мевазорлар ҳамда иш ҳақи фонди киради. Саноатда айланма фондларнинг салмоғи анча юқори бўлиб, тахминан фондлар таркибида 80 фоиз улушни ташкил этади.

Корхона айланма фондларнинг сифат кўрсаткичи – материал сиғими. Бу кўрсаткич орқали корхонада айланма фондлар қанчалик самарали ишлайтганлиги билиб олинади. Айланма ишлаб чиқариш, фондларнинг самарадорлик кўрсаткичлари бир шакли материаллар сиғимини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$M c = \frac{M}{\Phi_{ai}}$$

Бу ерда M_c – материал сиғими
 Φ_{ai} – айланма фондлар қиймати;
 M – маҳсулот ҳажми.

Бозор иқтисодиётида фондлар қийматининг ҳар бир сўми доимо назоратда бўлади. Зеро бу иқтисодиёт тежамли, ўзини-ўзи қоплайдиган, ўзига-ўзи масъул хўжалик юритиш тизими. Шунга, кўра корхонанинг даромад олиш учун йўналтирилган барча воситаларига инвестиция деб ҳам номланган. Инвестициялар аввал авансланган ва яқинда авансланган пул маблағларидан ташкил топади. Одатда маълум ишлаб чиқариш даври учун авансланган маблағлар ялпи инвестициялар деб, янгидан авансланган пул ресурсига соф инвестиция дейилади. Кўриниб турибдик, соф инвестиция ишлаб чиқариш фондларини яхшилаш такомиллаштириш, фонд сиғимини ошириш мақсадига йўналтирилади.

Соф инвестиция икки манбадан шакллантирилиши мумкин:

- корхонанинг ўз жамғармасидан; улар корхона фойдасидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида йўналтирилади;
- хорижий инвестициялар, ҳомий ташкилотлар ва банк кредитларидан; улар ишлаб чиқариш мақсадига сафарбар этилади.

Узбекистон Республикаси Президенти корхоналар фондларини кенгайтириш ва янгилаш мақсадларига ҳар икки инвестиция манбааларини кенгроқ жалб этиш масаласига доимий зътибор бериб келмоқда. Натижада мамлакатимизда янги корхоналар, технологик линиялар, цехлар, капитал таъминланган корхоналар ва ишлаб чиқариш обьектлари ишга туширилмоқда. Бироқ, Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 14 январдаги Мажлисида хорижий инвестициялар кам жалб қилинаётгани, бунга тўсиқ бўлаёттан қатор сабаблар очиб ташланли.

Фирма (корхона) даромади ва фойда. Фирма (корхона) даромади деганда унинг иқтисодий фаолияти натижаларини сотищдан тушган пул тушумлари тушунилади.

Аслида пул тушумлари (даромад) асосан маҳсулотлар (хизматлар) сотищдан вужудга келса ҳам, амалиётда уларга кўшимча яна мулкни хусусийлаштиришдан, акциялар сотиши, дивидентлар олиш, кредитга берилган пулларга тушган фоизлар ва бошқа манбалардан ҳам шаклланади. Корхона даромадининг бир қисми ишлаб чиқаришни янгилаш, хўжаликни кадрлар ва моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда бошқа хўжалик фаолияти харажатларини қоплаш мақсадларига йўналтирилса, бошқа қисми корхона фойдасини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, фирма даромади билан ишлаб чиқариш ва сотиши харажатлари танинрх ўртасидаги микдорий фарқ фирмада фойдасидир. Буни куйидаги формула билан тавсифлаш мумкин:

$$\Phi_f = \Phi_d - Ix$$

Бу ерда: Φ_f – фирма фойдаси;
 Φ_d – фирма даромади;
 Ix – ишлаб чиқариш харажатлари
(танинрх).

Фойда – моддий жиҳатдан яратилган кўшимча маҳсулотнинг корхона ўзлаштирган қисми холосидир. Чунки, кўшимча маҳсулотнинг ҳамма ҳам фойда шаклини олавермайди, у бошқа ижтимоий кўринишларга ҳам киради. Одатда, бозор иқтисодиёти шароитида фойда фақат пул шаклида бўлади, у иқтисодиётда ишловчи субъектларнинг умумлашган иқтисодий натижаси, иқтисодий фаолият мезони ва пировард мақсадидир.

Фойда шундай мураккаб иқтисодий кўрсаткични, унинг вужудга келиши, тақсимланиши ва истеъмол қилиниши иқтисодиётда бир қанча омиллар билан бοғлиқдир. Улар жумласига куйидагиларни киритиш мумкин: маҳсулотнинг ишлаб чиқариш чиқимлари (танинрх), сифати, ишлатилган хом-ащё, ёқилғи, технолого-гик линиялар қиймати ва сифати, ишчи мутахассислар касб маҳорати, маданияти, маънавияти кабилар. Фойда массасига яна тежамли ва чиқиндисиз технологиялар кўллаш, тадбиркорлик салоҳияти, илфор иш ва бошқарув усусларини кўллаш кабилар ҳам таъсир этади. Хуло-

са қилиб айтганда, фойда корхона фаолиятининг ҳақиқий иқтисодий самарасидир.

Фойда бозор иқтисодиётининг категорияси, товар ишлаб чиқарувчиларнинг олий мақсадидир. Айни чоғда у жуда кенг ижтимоий-иктисодий муносабатлар тушунчасидир. Фирма фондларини кенгайтириш, сифат жиҳатдан янгилаш, ходимларнинг рагбатлантирилиши, дам олиши, даволаниши, табиий ва соғломлаштириш марказларининг мавжудлиги ва ишлаши, болалар боғчалари ва тарбия муассасаларининг таъминоти фойда билан боғлиқдир. Шунингдек, фойда давлат бюджетига тушумлар, тўловлар, хайрия фонdlари, кредит фоизлари, харажатларни қоплаш каби мақсадларга йўналтирилади.

Фойда ёоят бой мазмун ва тузилишга эга бўлган иқтисодий категорияки, давлат ва жамият ҳаётининг барча жиҳатларида у билан боғлиқ муносабатлар вужудга келади. Шунинг учун унинг шаклланиш манбалари ёки унинг турлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Фойданинг турлари куйидагилардир:

1) Маҳсулот сотишдан (хизмат кўрсатиш) олинган ялпи фойда. Унинг микдори маҳсулот баҳоси билан ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқ билан белгиланади.

2) Асосий фаолиятдан олинган фойда (карздордан ундириб олинган жарималар, пениялар, жорий йилда аниқланган ўтган йиллар фойдаси, ёрдамчи хўжаликлардан тушган даромадлар, корхона мулкини сотишдан тушган даромад кабилар).

3) Молиявий фаолиятдан олинган фойда (шўба корхоналар ва ўюшмадаги корхоналардан олинган дивидентлар, уларга берилган қарзлар юзасидан олинган фоизлар, инвестиция қилинган маблагларни қайта баҳолашдан олинган фойда кабилар).

4) Фавкулодда олинган фойда (кўзда тутилмаган, одатдаги характеристерда бўлмаган корхона фаолиятидан четга чиқадиган ҳаракат натижасида тушган даромадлар).

Бозор иқтисодиёти шароитида фойда олмайдиган корхонанинг истиқболи йўқ. У хонавайрон бўлади. Янги иқтисодий тизимда иқтисодиёт соҳасининг ҳар бир субъекти ўртача (нормал) фойда олиб ишлаши лозим. Бундай фойда фирманинг сақланиб қолишига маълум дастак бўлиши мумкин. Агар фирма арzon хом-ашё, иш кучи, замонавий технология, қулаи сотиш бозори, фоиз ставкаси пастроқ кредит ва бошқа қулаи табиий-икти-

содий имкониятларга эга бўлса, фойда ортиқча (кўп) олиши ҳам мумкин. Агар фирма монопол, яъни фақат унгагина тегиши кулагай имконият эгаси бўлса у монопол фойда ҳам ўзлаштиради. Демак, бундай корхона ҳам оддий фойда, ўртача фойда, ортиқча фойда, ҳам монопол фойда ўзлаштиради. Масалан, бирон маҳсулотни фақат бир ўзи чиқарса ёки табиий чекланган имкониятга эга бўлса, фақат шундай фирма монопол фойда эгаси бўлади. Кўлгина мамлакатларда хусусан бизнинг Республикаизда ҳам шундай корхоналар бор.

Бозор иқтисодиёти шароитида фирма товарларни шунчаки ишлаб чиқарувчи эмас. Балки тижорат фаолияти билан ҳам ўзгулланиши мумкин. Албатта, тижорат иши ҳар қандай иқтисодий фаолият каби маълум чиқимлар билан боғлиқдир. У товарларни ташиб, сақлаш, сугурталаш, безаш, реклама қилиш, бозорларни кўриш ёки идорага харажатлар қилиш мақсадларига ҳам нул сарфланади (чиқим қиласди). Бу харажатлар тижорат харажатлари деб аталади. Бу харажатлар ҳам товар баҳолари орқали қопланиши ва тижорат фойдаси келтирилиши керак. Ҳозирги шароитда тижорат даромади ҳам бозор субъектларининг даромад шакли бўлиб, унинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бозор иқтисодиётида фақат ўз маблағи, сармояси билан тикланиш ёки ривожланиши жуда қийин масала. Фирманинг нормал фаолияти ўз ўрнини сақлаб қолиш ва ривож (камол) топиши куч жиҳатдан кредит (карз) маблағ билан ҳам кафолатланади. Албатта, кредит товар бўлгани учун ҳам у текинга берилмайди, у маълум ҳақ эвазига, маълум фоиз тўлаш шарти билан берилади. Бироқ, кредит олишдан мақсад корхона фаолиятини яхшилаш, қўнимча маҳсулотни кўпайтириш воситасидир. Кредит олган корхона яратилган кўшимча маҳсулотининг (фойданинг) бир қисмини банк фоизи учун тўласа, қолган қисми унинг соҳибкорлик, тадбиркорлик даромади бўлади. Демак, фоиз қарзга олинган сармоя учун тўланган ҳақдир, кредит берилган корхона учун даромаднинг бир манбаидир.

Шуни айтиш керакки, бозор иқтисодиёти фирмалар учун ҳам иқтисодий фаолият турларини кенгайтиради, чекламайди. Унинг фаолиятини диверсификациялаш (кўп тармоқли қилиш) имкониятини яратади. Зоро, бозор иқтисодиётининг кучли унсури бўлган рақобат кураши диверсификациялашни тақозо этади. Бунинг маъноси шундаки, диверсификация шароитида корхо-

на даромад олиш ёки ўзини рақобатдан ҳимоя қилиш курдатини яратади.

Натижада даромад фойда олишнинг шакллари ҳам кўпаяди.

Фойда ҳам жамият миқёсида (макроиқтисодиёт даражасида) ҳам, корхона (микроиқтисодиёт даражасида), ҳам жамғариш фондини ташкил этишда манба бўлиб хизмат қиласи. Жамғариш эса иқтисодий ўсиш, равнақ топиш манбай бўлиши билан бирга бозор рақобатчилиги шароитида корхонани ҳимоялашнинг асосий омилидир. Фойда тушунчаси айрим олинган якка субъект учун ҳам таалуқли эканлигини ҳам унутмаслик керак.

Фойдани максималлаштириш ва зарарни минималлаштириш шарт-шароитлари. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона фаолиятининг самарали бўлиши шартларидан бири бу унинг шунчаки фойда олишини таъминлашгина эмас, шу билан бирга олинаётган фойда масаласини максималлаштириш (кўпайтириш) жуда муҳим аҳамията эга. Умумий тарзда қараганда фойдани максималлаштириш кўриладиган зарарни минималлаштириш (энг кам зарар кўриш) билан боғлиқдир.

Фойда корхонанинг рақобатбардошлигини ошириб боришнинг молиявий манбаларидан энг муҳимиdir. Шундай экан, бу масала корхона жамоасининг дикқат марказида туриши лозим. Фойдани максималлаштириши шарт-шароитига қўйидагиларни киритиш мумкин:

— Корхона ўз маҳсулотининг таннархини узлуксиз пасайтириб боришига ҳаракат қилиши, ишлаб чиқариши ва сотиш харажатларини камайтириш ҳамда бошқа омилларни сафарбар қилиш демакдир. Бунинг учун хомаё менинг материаллари ва бошқа меҳнат ашёларини арzon турларидан фойдаланиш, уларни тежайдиган ва чиқинди қилмайдиган технологиялар ўрнатиш:

— Йиғиёзли кредитлар олишга эришиш ва кредитни ўз вақтида белгиланган фоиз билан қайтариш;

— сифатсиз, қолоқ, жаҳон стандартлари, халқаро бозор талабига мос бўлмаган товарлар ишлаб чиқаришга йўл қўймаслик;

— экспортбол товарлар ишлаб чиқаришга тўла мослашиш, ички ва ташки бозор талабларини тўла ҳисобга олиш асосида иш кўриш;

— корхона маҳсулотларига олдиндан буюртма олиш асосида ишлашни таъминлаш;

— ўзаро товар етказиб бериш шартнома ва битимларни тўла ва ўз муддатида бажаришга эришиш;

— мутахассис ва ходимларни рағбатлантириб бориш асосида уларнинг манфаатдорлиги ҳамда масъулиятлилигини ошириш кабилар.

Амалий хўжалик ҳаётида шундай ҳам бўладики, корхона фаолиятида фойда билан чиқиш мумкин, бироқ уни тўғри тасарруф эта билмаслик хўжалик юритишида катта хатоларга йўл қўйиш оқибатида корхона ихтиёрида соғ фойда қолмаслиги мумкин. Масалан, корхона йил якунига кўра 10 млн. сўм фойда олди дейлик, бироқ корхона олинган буюртмани бир ой кечиктириб бажаргани учун 5 млн. сўм буюртмачи заарини қоплаш талаб этилди. Шунингдек, банкдан олинган кредитни қайтариш муддати 2 ойга чўзуб юбориш ҳисобига 3 млн. сўм миқдорида товон тўлаш талаб этилди. Демак, олинган фойданинг 8 млн. сўми самарасиз кетди. Бундай ҳолат корхона жамоасининг бир йиллик ижобий иш фаолиятини самарасиз бўлишига сабаб бўлади.

Корхона дикқат марказида турадиган иккинчи муҳим масала кўриладиган зарарни энг кам даражага тушириш ёки зарар олишга йўл қўймасликдир. Зарар кўришни минималлаштириш учун энг муҳим омил раҳбар ва ходимларнинг иқтисодий саводхонлигига эришишdir. Зеро ҳар бир ишловчӣ молиявий зарар кўришининг салбий оқибатларини чукур идрок эта олиши лозим.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ишлаб чиқариш харажатлари нима?
2. Ишлаб чиқариш харажатнинг назарий ва бухгалтерия нуқтai назаридан қандай тавсифланади?
3. Доимий, ўзгарувчан ва ялпти харажатлар бир-биридан қандай фарқланади?
4. Муқобил харажатлар қилиш зарурати нима билан белгиланади?
5. Таниҳар нима ва унинг таркибан аниқлашнинг зарурати нимада?
6. Ишлаб чиқариш фондлари нима? Уларнинг асосий ва айланма фондларга бўлинишининг сабаби нимада?
7. Корхона фондларининг доиравий айланиши ва айланиши нима?
8. Ишлаб чиқариш фондларининг айланиши самараదорлиги қандай кўрсаткичлар орқали ифодаланади?
9. Ишлаб чиқариш самараదорлиги нима ва у қандай иқтисодий кўрсаткичлар оқали тавсифланади?
10. Иқтисодий самараదорлик мезонини нима белгилайди?

ХIV Б О Б

МОЛИЯ ВА СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ. ДАЛВАТ БЮДЖЕТИ

Молия муносабатлари

Молия тушунчаси. Пул ресурсларини (фондларини) ҳосил этиш, уларни жамлаш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар молия дейилади. Молия пул муносабатлари бўлсада у ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Ҳар қандай иқтисодий фаолият маблағ, пул талаб қиласди. Ишлаб чиқариши қаерда бўлмасин барибир молияни юзага келтиради. Гап шундаки, маҳсулот ва хизматлар фақат тақсимлангандан сўнгтина истеъмол этилиши мумкин. Улар қиймат шаклида тақсимланади. Дастреб турли мақсадларга мўлжалланган пул ресурслари ҳосил бўлади, улар товарларга айрибошланиб, шундан сўнг истеъмол қондирлади.

Маълумки, умумжамият эҳтиёжлари давлат йўли билан қондирилади. Уларга экологияни асрарш, ижтимоий тартибни саклаш, мудофаа, ижтимоий ҳимоя кабиларни мисол қилиш мумкин. Мазкур эҳтиёжларнинг қондирилиши давлатнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ. Аммо бу молиянинг зарурлиги давлатнинг мавжудлигидан келиб чиқади дегани эмас. Яъни молиявий муносабатларни фақат давлат яратади деб ўйлаш нотўри. Давлат молияни яратувчиси эмас балки иштирокчиси. Агар давлат молияни яратувчиси бўлганда нодавлат молия бўлмас эди. Аслида эса давлат ишларидан ташқарида ҳам масалан, тадбиркорликда ва оила доирасида ҳам молия алоқалари мавжуд.

«Молия» сўзи лотинча *«finis»* сўзидан олинган бўлиб, унинг маъноси «тугади», «охирги», «фениш», «якунлаш» каби маъноларни билдиради. Тарихан бу сўз халқ билан давлат ўргасидаги пул тўловларининг тугалланганлигини, ҳисоб-китобларнинг охирига етказилганини билдиради эди. Давлатга ўз бадалларини, ўз даромадларидан давлат ҳиссасини берган шахслар *«finis»* деган хужжат олганлар. Кейинчалик бу сўз Европа мамлакатларидан давлат даромадлари ҳамда харажатларининг умумий маъносини англатадиган тушунчага айланди. Шундай қилиб молия муносабатлари вужудга келиб чиқди.

Молия муносабатлари, унинг объекти ва субъекти.

Кўпчилик молия муносабатлари деганда пул муносабатларини тушунади, бу тўла маънода тўгри эмас. Бинобарин молиявий муносабатлар пул муносабатларининг бир қисмидир. Яъни бунга шундай изоҳ бериш мумкинки, биз пулни кундалик эҳтиёж товарлари сотигб олганимизда, ёки транспортта тушганимизда ҳам уларга пул тўлаймиз ёки пул муносабатларига киришамиз, аммо буни молиявий муносабатлар дея олмаймиз. Чунки молиявий муносабатларда пул давлат бюджети, сугурта фондлари, давлатнинг валюта резервлари, корхона ва фирмаларнинг пул фондлари кабиларда ҳаракат қўлиувчи пул муносабатлари молиявий муносабатларни ташкил этади.

Ҳар қандай муносабат каби молия ҳам ўз субъекти ва обьектига эга. Молиявий ресурсларни шакллантириш ва фойдаланишда иштирок этувчилар молия муносабатларининг субъектини ташкил этади. Уларга корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фуқаролар, тадбиркорлар, давлатнинг ўзи бошқа жисмоний ва хукукий шахслар киради. Молия муносабатларининг обьекти молиявий ресурслар, пул фондларидир.

Молиянинг вазифалари. Молия маҳсулот қийматини тақсимлаш орқали пул фондларини ҳосил этиш ва уларни ишлатишни билдирав экан, шунга кўра у тақсимлаш, рағбатлантириш ижтимоий ҳимоя ва иқтисодий ахборот бериш вазифаларини бажаради.

1. Тақсимлаш вазифаси. Тақсимлаш икки даражада амалга оширилади. Бирламчи тақсимлаш микроиқтисодий даражада, яъни фирма, ташкилот, муассасалар ичida юз беради.

Иккиласми тақсимлаш фирма, ташкилот, муассасалар билан давлат ўртасида юз беради.

Бирламчи тақсимлашда бирламчи ларомадлар фойда, амортизация фонди, иш ҳақи фонди, социал сугурта ажратмалари вужудга келади. Масалан, ишлаб чиқаришда 100 млрд. сўмлик маҳсулот яратилса, унинг 60 млрд. сўми амортизация фондига, 20 млрд. сўми иш ҳақи фондига, 15 млрд. сўми фойдага ва 5 млрд. сўми ижтимоий сугуртага ажратилади. Амортизация фонди ишлаб чиқаришни қайта тиклашга кетади. Ҳеч қачон у иш ҳақи сифатида берилмайди ёки сугурта учун сарфланмайди. Шунингдек амортизация вазифасини иш ҳақи фонди бажара олмайди. Иккиласми тақсимлашда давлат солиқлар ва солиқдан ташқари мажбурий тўловлар орқали корхона маблағининг бир қисмини ўз ихтиёрига

олиб уни умумжамият ва давлат эҳтиёжларини қондириш учун қайта тақсимлайди. Бунда молиянинг ўзаги бўлмиш бюджет асосий рол ўйнайди. Аввалги мисолимизга қайтсак, бирламчи тақсимлаш туфайли ҳосил бўлган 20 млрд. сўмлик иш ҳақи фондининг 5 млрд. сўми даромад солиги шаклида, 15 млрд. сўмдан иборат қолган 6 млрд. сўми турли тўловлар шаклида давлатга тегади. Давлат ўзига теккан 11 млрд. сўмни бюджет орқали қайта тақсимлаб, уни 5 млрд. сўмини ижтимоий ҳимояга, 5 млрд. сўмини мудофаага ва 2 млрд. сўмини бошқарув харажатларига ажратади.

2. Рағбатлантириш вазифаси. Бунда молиявий воситалар бўлган солиқ, субсидия субвенция кабилар билан иқтисодий фаолият кўллаб кувватланади. Солиқлар камайтирилса, фирманинг харажати қисқариб, унинг фойдаси ортади. Натижада корхонада фойданни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаш имконияти пайдо бўлади. Бож пулини камайтириш орқали экспорт рағбатлантирилади. Керак бўлганда зарарни қоплаш учун субсидия бериш корхонани молиявий соғломлаштириш воситаси бўлади. Давлат томонидан корхона ва ташкилотларга молиявий кўмак бериш, улар ишини рағбатлантиради.

3. Ижтимоий ҳимоялаш вазифаси. Бунда молия ресурсларини ижтимоий эҳтиёжларга йўналтиради. Ушбу вазифани бажариш икки йўналишда амалга оширилади:

1. Аҳолига бепул ва имтиёзли хизмат кўрсатувчи соҳалар бўлган, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ва спорт қаби соҳаларни молиялашга сарфлайди. Чунки бу соҳалар юят серхаражат соҳалар бўлиб, лекин бевосита юқори фойда олиш имконини бермайди. Шунинг учун ана шу соҳаларни бошқаришни давлат ўз зиммасига олади ва уларни фаолиятини молиялаш учун маблағларни бюджетдан ажратади.

2. Аҳолининг ночор ва ёрдамга муҳтож қатламларига пул билан кўмак бериш тарзида. Жамиятда шундай ночор ижтимоий қатламлар борки, улар ўз даромадлари билан ўзларини тўла таъминлай олмайди. Шунинг учун уларнинг тирикчилиги маҳсус ташкил этилган пул маблағлари хисобидан қопланади. Масалан, ишсизлар учун ишсизлик нафақаси, кўп болали оиласалар учун болалар нафақаси, ногиронлар учун эса ногиронлик нафақаси давлат бюджети томонидан тўланади.

4. Иқтисодий ахборот бериш вазифаси. Молияда иқти-

содий фаолиятнинг якуни жамланади ва бу молиявий кўрсаткичлар шаклини олади, уларга фойда, рентабеллик, корхона ликвидлиги, унинг пул маблағлари ва қарзининг миқдори кабилар киради. Шуларга қараб фирманинг молиявий аҳволига баҳо берилади. Молиявий аҳвол ҳақида ахборотнинг икки манбай мавжуд:

а) фирманинг ўзи эълон қиласидаган молиявий кўрсаткичлар.

б) аудиторлик хизмати фирманинг молиявий аҳволи тўғрисида берган холисона ахбороти.

Молия тизими. Молия бозорлари ва уларга фаолият кўрсатадиган молия муассасалари мамлакатнинг молия тизимини ташкил этади. Молия тизими қўйидаги учурлардан ташкил этилади:

- давлат молияси (давлат бюджети);
- корхоналар, фирмалар, компания, концерн ва ташкилотлар молияси;
- ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий фаолият билан шугулланувчи ташкилотлар молияси (сиёсий партиялар, касаба ва ижодий ўюшмалар, ёшлиар хотин-қизлар, фахрийлар ташкилоти кабилар);
- маҳсус мақсадли фонdlар («Умид», «Устоз», «Махалла» жамғармалари, «Улугбек», «Мирзо Бобур», «Оролни кутқариш» каби фонdlар);
- хайрия фонdlари.

Молия тизимининг мавжудлиги ва фаолияти нақд пул ҳамда нақд пулсиз тўлов ва ҳисоб-китобларни амалга ошишида намоён бўлади. Молия тизими мамлакат иқтисодиёти учун зарур бўлган қўйидаги вазифаларни бажаради:

1). Жамғариш вазифаси — бунда молия муассасалари тизими аҳолига, корхоналарга фоизли ва фоизсиз омонатлар, қўйматли қофозлар депозит сертификатлар, облигация ва акциялар шаклидаги пул жамғармаларининг хилма-хил усувларини таклиф қиласиди. Молия муассасалари корхоналар ва уй хўжаликларини «вақтингачалик ҳаракатсиз пуллари»нинг харид қобилиятини сақлаш ва кўпайтириш мажбуриятини олади.

2). Кредитлаш вазифаси — бу молия тизимининг фаол вазифаси бўлиб, у жамғариш вазифаси билан чамбарчас боғланиб кетган, чунки молия муассасаларининг, хусусан, банкларнинг кредит бериш салоҳияти мамлакат иқтисодиётида жамғарилаётган молия маблағлари ҳажмига бевосита боғлиқ.

3). Тўловларга хизмат кўрсатиш вазифаси — ҳар қан-

дай мамлакат иқтисодиётида товар, молия операциялари билан боғлиқ бўлган тўловлар доимо ва катта ҳажмларда амалга оширилади. Ҳўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар) ўз ходимларига иш ҳақи ва мукофотлар беради, хом-ашё ва товар етказиб берувчиларга ҳақ тўлайди, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш каби ишларни бажаради. Бу ҳисоб-китобларнинг барчаси турли-туман молия воситалари, жумладан тўлов топшириқномалари, талабномалар, аккредитивлар, чеклар, векселлар, кредит карточкалари ва ҳоказолар ёрдамида бажаради.

4) Иқтисодий сиёсат вазифаси — бунда Марказий банк ва ҳукумат молия тизимининг пул-кредит ва фискал дастакларига таъсир кўрсатиб, давлат иқтисодий сиёсатини зарур йўналишда ўтказади.

Молия бозори. Бозор муносабатлари ривожланиб, унинг элементлари тобора кўпроқ тадбиқ этилаётган иқтисодиёт ислоҳ этилиб, ҳиссадорлик жамиятлари сони тез ўсиб бораётган, банк иши ҳар томонлама ривожланиб, такомиллашиб келаётган, ҳалқаро алоқалар кенгайиб мамлакат жаҳон иқтисодиёти тизимига фаол кириб бораётган ҳозирги шароитда молиявий активлар тобора кўпроқ аҳамият касб этиб боради.

Иқтисодиётда шундай айrim секторлар бўладики, уларда маълум пайтларда пул маблағлари етишмай тургани ҳолда иқтисодиётнинг бошқа айrim секторларида маблағлар бўш туради. Шу билан бирга маблағларнинг етишмаслиги ёки ортиқча бўлиб туриши вақт узра навбатлашиб боради. Яъни пул маблағлари етишмаслигидан қийналётган соҳа ёки корхона муайян вақтдан кейин ортиқча миқдордаги пул маблағларига эга бўлиб қолиши мумкин ва аксинча. Шу муносабат билан ортиқча пул маблағларининг эгаларини ана шу маблағларга муҳтоҷ бўлиб тургандарга учраштириб, бақамти қилиб қўйишга ёрдам бера оладиган механизм бўлиши керак. Ортиқча пул маблағларининг эгалари ва шу маблағларнинг истеъмолчилари алоҳида бир бозорда — пул бозори, молия бозорида учрашадилар. Бу бозор жуда мураккаб тузилишга ва юқори-паст поғоналарга эга бўлган маҳсус бозор бўлиб, унда жуда катта миқдордаги пуллар бир вақтнинг ўзида турли йўналишларга ўтиб боради ва ўтиш ҳаракатлари иқтисодиётнинг микро даражадан тортиб макро даражагача бўлган аҳволига таъсир кўрсатади.

Молия бозорини ўрганишни турли томонлардан — институционал жиҳатдан, бозор субъектларидаги — ин-

весторлар ва эмитентлар, воситачиларнинг, турли молиявий дастакларнинг турлари нуқтаи назарда бошлаш мумкин.

Молия бозорининг энг муҳим томони шуки, бу бозор сармоялар сафарбар этилишини рағбатлантириб, бўш турган пул маблағларини иқтисодиётдаги турли соҳалар ўртасида қайта тақсимлашни тақсимланганида ва ривожланиб бораётган истиқболли соҳалар фойдасига қайта тақсимланишини таъминалаб беради. Ривожланган молия бозори ишлаб чиқариш тараққиётини рағбатлантирадиган кучли манбаидир. Бўш турган пул маблағларининг эгаси (инвестор) ўзидаги пулларни даромад олиш мақсадида беради. Шундай қилиб молия бозори рентабел корхоналарга маблағ бериб туриш орқали самарали, жўшқин иқтисодиётнинг шаклланиб боришига йўл очади.

Молия бозорида пул маблағларининг муомалада бўлиши, яъни айланиб бориш муддатлари ҳар хил, шунга кўра молия бозорини шу муддатларни қандай бўлишига қараб пул бозори, сармоялар бозори ва қимматбаҳо қоғозлар бозорига бўлиб ўрганиш мумкин.

Қимматбаҳо қоғозлар ҳақида тушунича. Қимматбаҳо қоғозлар — бу қонунда белгиланган тартибда чиқарилган ва номинал қийматга эга бўлган пулли ҳужжатдир. Улар мулкчилик муносабатларини ифодалайди ва қандайдир мулк ёки пул миқдорига эгалик қилиш ҳукуқини тасдиқлайди. Қимматли қоғозлар дивидент ёки фоизлар кўринишида даромад тўплашни ҳамда мазкур ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳукуқларни бошқа шахсларга бериш имконияти ҳам назарда тутади. Улар бланкалар, сертификатлар шаклида ёки счётлардаги ёзувлар кўринишида бўлиши мумкин. Улардан ҳисоб-китоб қилишда, шунингдек, кредитлар бўйича гаров сифатида ҳам фойдаланилади. Қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрийлик асосида тарқатилади.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар» ва «фонд биржаси тўғрисида»ги қонунида кўрсатилганидек, мамлакатимиз ҳудудида қимматли қоғозларнинг куйидаги турлари амал қиласиди:

Акциялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари, банк сертификатлари, векселлар, ҳосилавий қимматли қоғозлар халқаро қимматли қоғозлар.

Акция — бу қимматбаҳо қоғоз бўлиб: ҳаракат мудда-

ти чекланмаган; юридик ёки жисмоний шахс томонидан Акционерлик жамияти (устав фондига) муайян ҳисса құшган улушини ва мазкур жамият мулкидаги иштирокини гувоҳловчи;

— дивиденд күринишида фойда олиш ҳуқуқини берувчи;

— акциядорнинг шу жамиятни бошқариш ишига қатнаша олишини тасдиқловчи юридик ҳужжатдир.

Акцияларни оддий ва имтиёзли турлари мавжуд.

Оддий акция шундай акцияки, унга тегадиган дивиденд фойдага қараб ҳар хил бўлади. Унинг микдори қатъий кафолатланмайди, аммо у эгасига акционерлик жамияти йигинида овоз бериш ҳуқуқини беради.

Имтиёзли акция шундай акцияки, унга тегадиган дивидент фойдага қараб эмас, балки заёмга тўлангани каби, олдиндан белгиланган қатъий фоизларда берилади. Агар жорий йилда даромад тетмай қолса, у ҳолда унинг келажакда олиниши кафолатланади. Аммо имтиёзли акция эгалари акционерлар мажлисида овоз берриш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Векселлар. Векселлар — бу муайян суммадаги қарзни белгиланган муддатда тўлаш мажбурияти қатъий юкландиган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда тўлдириб расмийлаштирилган қарздорлик тилхати, қимматли қофознинг бир тури. У тижорат-савдо операцияларида айирбошлиш ва муомила воситалари ўрнида қўлланиладиган кредит ҳужжатидир. Демак, вексел — бу бир шахс томонидан иккинчисига ёзib берилган қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли қофознинг бир туридир.

Векселнинг қўйидаги турлари мавжуд: давлат, яъни хазина вексели; оддий векселлар; ўтказма векселлар.

Хазина векселлари — бу Марказий банк воситачилигига давлат томонидан чиқариладиган қисқа муддатли қарз мажбуриятлари бўлиб, улар кафолатланмайди ва гаров билан таъминланмайди. Одатда бундай векселлар бир неча ҳафтадан то бир неча ойгacha (90 кундан 120 кунгача) чиқарилади.

Оддий векселлар — бир ташкилотнинг (вексел берувчининг) бошқа бир ташкилотга (дастлабки олувчига) ёки унинг буйруги билан сўзсиз равишда белгиланган муддатда ёки талаб қилинган вақтда маълум пул маблагини тўлаш мажбуриятини ўзида акс эттирган ёзма ҳужжатдир. Бу вексел қарздор томонидан тўлдирилади.

Ўтказма вексел — товар олди-сотдисида ёзилган вексел берувчининг товар пулини векселни қабул қилиб олувчига (яъни товар эгасига) учинчи бир шахс томонидан тўланиши лозимлигини (вексел берувчининг буйругини) ифодаловчи ёзма ҳужжатdir. У қарз берувчининг қарзини қачон ва кимга қайтариш ҳақидаги ёзма буйруқdir. Ўтказма векселлар (тратта) муомаласида З та томон қатнашади.

Облигациялар ва уларни турлари. Облигация — бу ўз қийматига нисбатан (эгасига ютуқ чиқиш имконияти билан) қатъий белгиланган фоиз шаклида даромад келтирувчи қимматли қоғозdir. У ахоли, корхона, ташкилот қўлидаги пул маблағларини тўплаш, жорий йилдаги бюджет камомадини қоплаш, акционерлик жамиятни фаолиятини молиялаштириш учун қўшимча маблағ яратиш, мижозларнинг мазкур қимматли қоғоздан даромад олишга бўлган эҳтиёжни қондириш каби мақсадларда чиқарилади.

Облигацияни қўйидаги эмитентлар муомалага чиқарилари мумкин:

- давлат ташкилотлари (республика ҳукумати ва вилоят ҳокимиятлари);
- корхона, ташкилотлар ва акционерлик жамиятлари;

Облигацияларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- қисқа мудатли облигациялар (амал қилиш муддати 1 йилгача);
- ўрта облигациялар (амал қилиш муддати 1 йилдан 5 йилгача);
- узоқ муддатли облигациялар (амал қилиш муддати 5 йилдан 30 йилгача).

Хазина мажбуриятлар мижозларнинг бюджетга пул маблағлари берганликларини тасдиқловчи, мазкур қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг бутун муддати давомида белгиланган даромадни олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатdir. У тақдим этувчига тегишли қимматли қоғозdir.

Хазина мажбуриятлари давлат бюджети кассавий режасининг бажарилишини таъминлаш, бюджет камомадини тўлдириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадларида чиқарилади.

Хазина мажбуриятларининг қўйидаги турлари чиқарилади:

- а) узоқ муддатли — беш йил ва ундан кўпроқ муддатга;

б) ўрта муддатли — бир йилдан беш йилгача муддатга;

в) қисқа муддатли — бир йилгача бўлган муддатга (3, 6 ва 12 ойга) мўлжаллаб чиқарилган;

Банк сертификати — бу эмитент банк томонидан унинг номига мижознинг пул маблағлари қўйилганилиги тўғрисида берилган ёзма гувоҳнома бўлиб, у ўзининг эгасига белгиланган муддат ўтиши билан банкка қўйган пул суммасини (ёки депозит суммасини) ва бу қўйланган пул суммаси бўйича фоиз даромади олиш ҳукуқи борлиги тўғрисида гувоҳлик беради.

Банк сертификатлари икки турда чиқарилади:

- 1. Депозит сертификати;
- 2. Жамгарма (омонат) сертификати;

Депозит сертификатлари — бу пул маблағлари бўлиб, омонат қўйилгани тўғрисидаги, омонатчини белгиланган муддат тутагандан сўнг омонат суммаси ва унга тегишли фоизларни олишга бўлган ҳукуқини тасдиқловчи банк гувоҳномасидир.

Депозит сертификатининг эгаси юридик шахс ҳисобланади.

Жамгарма сертификати ҳам пул маблағлари бўлиб, омонат қўйилгани тўғрисидаги банкнинг гувоҳномасидир. Жамгарма сертификатининг эгаси жисмоний шахс ҳисобланади.

Ҳосилавий қимматли қофозлар — бу бирламчи қимматли қофоз (акция, облигация ва ҳ. к.)ларнинг шу бозорда амал қилиниши натижасида ҳосил бўлган иккиламчи қимматли қофозлардир. Ҳосилавий қимматли қофозлар ўз эгасига бирламчи қимматли қофозларни сотиб олиш ва сотиш ҳукуқини беради.

Ҳосилавий қимматли қофозларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

Опцион — бу муайян қимматли қофозни келишилган баҳо ва муддатда сотиб олиш ёки сотиш ҳукуқини берувчи икки томонлама шартнома.

Фючерс — бу қимматли қофозларни ёки товарларни келишилган муддатда, шартнома тузилган кунда ўрнатилган нархда келгусида (маълум бир санада сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлиги тўғрисидаги шартнома).

Депозит тилхатлари — бу чет эл эмитентларининг қимматли қофозларини миллий валюта деномиллаштирилган эквивалентини ўзида акс эттирувчи қимматли қофозлардир.

Варрант — бу эгасига муайян вақт учун ёки муддат-

сиз шарт билан шартномада кўрсатилган нархда қимматли қоғозни сотиб олиш хукукини берувчи гувоҳномадир.

Варрант номи ёзилмаган ва ёзилган, (тақдим этувчига тегишли) кўринишларида бўлади. У қимматли қоғоз бозорларида худди акцияга ўхшаб муомалада бўлади.

Халқаро қимматли қоғозлар қимматли қоғоз бозорларининг халқаро молиявий марказлари орқали байналминаллашиш натижасида юзага келади.

Приватизация чеки — бу қимматли қоғозларнинг маҳсус бир тури бўлиб, уни акционерлик жамиятлари эмас, балки фақат давлат муомалага чиқаради. Улар ўз эгасида давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарнинг маҳсус аукционлар (ким ошди савдоси) орқали сотовуга кўйилган акцияларига ёки маҳсус инвестиция фондларининг акцияларига алмаштириб олиш хукукини беради.

Халқаро қимматли қоғозлар қимматли қоғоз бозорларининг халқаро молиявий марказлари орқали байналминаллашиш натижасида юзага келади. Уларнинг номинал ва бозор нархи чет эл валютасида белгилана-ди.

Халқаро қимматли қоғозларнинг куйидаги турлари мавжуд:

Евронота — бу ўзгарувчан ставкада 3 ойдан 6 ойгача муддат билан чиқариладиган корпорацияларнинг қимматли қоғозларидир.

Еврооблигациялар — бу халқаро қимматли қоғознинг тури бўлиб, миллий бозорлар учун чиқарилган чет эл заёmlари, халқаро бозорга жойлаштириш мақсадида чиқарилган еврозаём (еврооблигация)лардан иборат.

Еврооблигациялар узоқ муддатларда: 4—7, 15, 30 ва 40 йиллик муддат билан чиқарилади. Эмитент сифатида асосан:

- хукумат;
- халқаро ташкилот;
- трансмиллий корпорациялар;
- маҳаллий хукуматлар;
- айрим давлат ва давлатлараро ташкилотлар бўлиши мумкин.

Фонд биржаси. Фонд биржаси масъулияти чекланган жамият бўлиб қимматли қоғозлар савдосини ўтказадиган, улар бозор баҳосини белгилайдиган ҳамда қимматли қоғозлар тўғрисида ахборотлар тарқатадиган маҳсус муассасадир. Фонд биржаси Ўзбекистон Республи-

каси «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тұғрисида», «Биржа ва биржа фаолияти тұғрисида»ги қонунларга мувофиқ иш юритади. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги фонд биржасининг фаолият юритиши учун рухсатнома беради. Фонд биржасининг таъсисчилари бўлиб қимматли қоғозлар билан ишлаш учун рухсатномаси бўлган юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Давлат органлари ходимлари, суд, прокуратура ходимлари, биржа таъсисчилари ва аъзоси бўлиши мумкин эмас. Ҳозирги вактда дунёда 200 дан ортиқ фонд биржаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ягона «Ташкент» фонд биржаси. Фонд биржаси Устав фондларида чеклашлар бор, яъни фонд биржаси бажараётган операция ҳажми устав фондидан ортиб кетмаслиги керак. Фонд биржаси савдони ўтказиш қоидаларини ўзи ишлаб чиқади.

Фонд биржасининг молиявий фолияти қўйидагича:

- Акциялар сотувидан фоиз даромадлари;
- Брокерлик жойларини сотищдан тушган даромад;
- Аъзолик бадалларидан тушган даромад;
- Биржа савдосини расмийлаштиришдан тушган даромад;
- Биржа йигимлари ва маълумотларни сотищдан тушган даромад;
- Биржа уставида кўрсатилган ҳар хил ишларни қилишдан келадиган даромад;

Маблағларни жойлаштиришнинг самарали йўлларни қидириш ва қимматли қоғозлар олди-сотисини амалга оширишда корхоналар воситачиларга мурожаат қиласидилар. Фонд биржалари товар биржаларининг фонд бўлимлари, инвестицион институтлар, банклар воситачи бўлиб майдонга чиқишилари мумкин.

Замонавий биржаларда даллоллар камдан-кам ҳолларда ёлғиз иш олиб борадилар. Улар ҳам брокерлик, ҳам дилерлик ишларини амалга оширадиган кучли фирмаларга бирлашадилар. Ҳозир жаҳонда 60 дан ортиқ мамлакатларда 200 га яқин фонд биржалари бор. Шулардан 15 таси, жумладан 5 таси Канада биржаси, 100 дан ортиғи Оврўпада, 20 таси Жанубий Америкададир. Африка, Осиё, Австралияда ҳам биржалар бор. 30 дан ортиқроқ биржа Парижда жойлашган ва қимматли қоғозлар структурасини мувофиқлаштириб, акционерларнинг тенг хуқуқларини таъминлаш билан шуғулланадиган Фонд биржалари халқаро федерацияси (ФБХФ)га киради. ФБХФ қўмиталарининг йиллик кен-

гашларида қонунчилек ва қимматли қоғозлар савдосини тартибга солиш, иқтисодий сиёсатнинг фондлар бозорига тасири, биржа иш техникаси ва технологиясини ривожлантириш масалалари сингари масалалар кўриб чиқилади.

Фонд биржаси фаолиятининг айни муддаоси қимматли қоғозлар билан бўладиган ишларни битказишидир.

Фонд биржаларида савдо кўйидаги тартибда амалга оширилади:

— Биржада қимматли қоғозлар билан олди-сотдини фақат воситачилар бажаради. Уларга жисмоний шахслар ёки банкнинг юридик шахслари, инвестиция компаниялари, брокерлик фирмалари киради;

— Фонд биржасига қимматли қоғозлар олиб келинмайди. Унинг мавжудлиги сони ва сифатини сотувчнинг кўйидаги хужжат-сертификат тасдиқлайди.

— Фонд биржасида қимматли қоғозлар исталган миқдорда сотилмайди. Савдо бу ерда лод (тўп)лар, яъни биржадаги бир контракт ёки миқдор ва сифат жиҳатдан стандарт тўпи бўйича амалга оширилади. Фонд биржаси бу ултуржи савдо шаклидир.

— Фонд биржасида фақаттина катировка рўйхатида қайд қилинган қимматли қоғозларгина сотилади. Қимматли қоғозларни мазкур рўйхатга киритиш, яъни биржага кўйиш листинг деб аталади.

— Баҳо фонд биржасида очиқдан-очиқ ўрнатилади. Улар тўғрисидаги ахборот заллардаги таблоларда эълон қилиб турилади.

Шундай қилиб биржада уч томон қатнашади, бир томонда биржада ўзининг қимматли қоғозлари билан савдо қилишга вақти йўқ ёки умуман бу иш билан шугулланиш истаги бўлмаганлар (эмитент ва тадбиркорлар) иккинчи томонда эса муайян ҳақ эвазига шу қимматли қоғозларни сотишни ўз зиммасига оловчи брокерлар. Учинчи томонда қимматли қоғозларга харидор компаниялар ва хусусий шахслар. Ҳар учала томоннинг манфаатини бирлаштирувчи жой — бу фонд биржасидир.

* * *

Солиқлар.

Солиқ тушунчаси. Солиқ — бу жисмоний ва юридик шахслар даромадлар ҳамда мулкларидан маълум бир қисмiga оммавий ҳокимият молиявий имкониятини

таъминлаш мақсадида мажбурийлик, қайтарилмаслик, давлат мажбурловини қўллашлик асосида давлат бюджетига ўтказишнинг бирдан-бир қонуний усули бўлиб, у жазо ёки товон ундириш хусусиятига эга эмас. Қисқароқ қўлиб айтсак солиқ — бу бюджетга тушадиган пул ва қонун билан белтиланган мажбурий муносабатлардир. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги муносабатларни ифода этади.

Соликлар миллӣ даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир. Солик давлатнинг марказлашган пул фонди, яъни бюджетни ташкил этишининг асосий воситаси ҳисобланади. Соликларнинг мажбурийлиги Олий мажлис томонидан тасдиқланган хусусий ва меъёрий қонунлар билан таъминланади. Шунинг учун соликларни тўламасликка, солиқ беришини яширишга, солиқ суммасини камайтириб кўрсатишга на юридик ва на жисмоний шахсларнинг ҳаққи йўқдир. Ривожланган мамлакатларда солиқ тўлаш маданияти шу қадар тақомиллашганки ундан жамият тўла манфаатдор бўлганилиги учун ҳеч қайси жисмоний ёки юридик шахс солиқ тўлашдан бўйин товламайдилар. Бу мамлакатларда ялпи ички маҳсулотдаги соликларнинг ҳиссаси 30—40 ҳатто 50 фоизгачани ташкил этади.

Соликларнинг зарурлиғи ва вазифалари. Соликлар энг аввало давлатнинг ижтимоий зарурий вазифаларини молиявий маблағлар билан таъминлашнинг зарурийлигидан келтириб чиқарилади. Давлатнинг ижтимоий зарурий вазифаларига эса куйидагиларни киритиш мумкин: 1. Аҳолини кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш. 2. Мамлакат мудофаасини таъминлаш. 3. Фуқаролар тинчлиги ва муҳофазасини таъминлаш. 4. Ноишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш. 5. Хорижий мамлакатлар билан турли соҳада алоқаларни ўрнатиш. 6. Бозор инфраструктурасини яратиш.

Юқоридаги вазифаларни бажаришда ниҳоятда, кўп молиявий ресурслар талаб этилади. Бозор иқтисодиёти шароитида эса бу ресурсларни фақат соликлар ва солик характеристига эга бўлган тўловлар орқали амалга ошириш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, соликлар бозор муносабатларининг асосий бутуни ёки етакчи унсуридир.

Соликлар куйидаги вазифаларни бажаради:

1. Йўналтирувчи вазифаси. У маълум харажатларни

молиялаштириш учун солиқ орқали давлат ва маҳаллий ресурсларни шакллантиришдан иборат.

2. Тартибга солиш вазифаси. Бунда солиқ орқали баъзи соҳалар ривожлантирилади ва баъзи соҳалар қисқартирилади ёки тутатилади.

3. Тақсимлаш вазифаси. Бозор иқтисодиёти меҳнат қилиш ва даромад олишни кафолатламайди. Шунинг учун ахоли бойлар ва камбағалларга ажралади. Давлат бойлар даромадидан кўпроқ солиқ олиб уни бюджет орқали жамиятни кам таъминланган қисмига тақсимлайди.

4. Назорат вазифаси. Бунда корхона ва аҳоли гуруҳлари даромадлари, ишлаб чиқариш ҳажми ва таркибиҳини ва молиявий маблағлари ҳаракатини ҳисоб-китоби назорат қилинади.

Солиқларнинг турлари. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қонунлар билан эълон қилиниб жорий этилган қўйидағи солиқ турлари мавжуд: Фойда (даромад) солиги; Кўшимча қўймат солиги; Акциз солиги; Мол-мулк солиги; Конлардан фойдаланиш солиги; Ер солиги; Транспорт солиги; Реклама солиги; Автомобил воситалари, ҳисоблаш машиналари ва маший техникани қайта сотиш солиги; Курорт жойларида саноат обьектлари курилиши солиги; Фуқаролардан олинадиган даромад солиги.

Солиқ обьекти. Нимагаки солиқ солинса шу солиқ обьекти ҳисобланади. Солиқ обьекти З гурухга бўлинади: оборот, даромад ва мулк. Яъни сотилаётган маҳсулот обороти, олинган фойда (ёки даромад), ер майдони, транспорт воситаларининг қуввати ва бошқалар солиқ обьекти бўлиб ҳисобланади. Объект қанча кўп, кенг ва катта бўлса, бир хил солиқ ставкаси шароитида мамлакат солиқ оғирлиги солиқ тўловчилар ўртасида шунча пасаяди. Солиққа тортилган обьект асосан солиқ номини ифода этади ва кўп ҳолларда солиқ манбаига мос келади. Масалан, корхона фойдасига солиқ солишда солиқ обьекти ҳам, манбаси ҳам фойдадир. Фуқаролар даромади солигининг ҳам, солиқ обьектининг ҳам манбаси фуқаро олган ялпи даромаддир. Солиқ обьекти хилма-хил бўлиб, у бевосита давлатнинг иқтисодий сиёсатига боғлиқ.

Солиқ сиёсатидаги имтиёзлар. Солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиши, улар тўлайдиган солиқ миқдорини камайтириш кабиларни солиқ қонунчилигига солиқ имтиёзи деб юритилади. Солиқ имтиёзлари кўп ҳоллар-

да бирор ишлаб чиқариш соҳасини, фаолият турини рағбатлантиришга қаратилган бўлади. Солиқлар давлатнинг молия ресурслари миқдорига таъсир қиласди. Шунинг учун агар давлатнинг молия ресурсларини оширишга зарурият бўлса, солиқ имтиёзлари камайтирилади. Агар корхона ва ташкилотлар фаоллигини ошириш зарур бўлса, солиқ имтиёзлари кенгайтирилади. Лекин макроиқтисодиёт даражасида солиқ имтиёзларини кўп бериб юборилиши бизнингча солиқ тўловчиларда боқимандачиликка мойилликни келтириб чиқаради. Кўшниси солиқдан озод бўлган корхона ёки фуқаро шундай имтиёзларни олиш учун ҳамма очиқ ва таъқиқланган усусларни ишга солиши мумкин. Солиқ сиёсатида давлат хилма-хил имтиёз турларини қўллайди. Корхона, бирлашма ва ташкилотларга солиқлардан бериладиган имтиёзларни З гурухга бўлиш мумкин:

1. Солиқдан батамом озод этилувчилар.
2. Солиқдан қисман ва вактингча озод этилувчилар.
3. Соликқа тортиладиган фойда (даромад) базасини камайтириш.

Масалан, корхонада ишловчи ходимлар таркибида 50 фоиздан ортиги ногиронлар ёки 75 фоиздан ортиги ўрта ва маҳсус билим юртлари талабалари бўлса, бундай корхоналар солиқдан тамомила озод этиладилар.

Агар корхонанинг экспортга сотган товарлари корхона ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажмининг 30 фоизидан кам бўлмаса, бундай корхоналар фойда (даромад) солиқ ставкасини 2 марта камайтирилган ҳолда солиқ тўлайдилар.

Янги ташкил этилган корхоналар (биржа, тайёрлов ултуржи, воситачи, савдо-тижорат корхоналаридан ташқари) биринчи тузилган йили 25 фоиз ва иккинчи йили 50 фоиз белгиланган солиқ ставкасидан солиқ тўлайдилар. Учинчи йили 100 фоиз солиқ тўлашга тўғри келади.

Солиқ ставкаси. Солиқ объективининг ҳар бир солиқ бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёри солиқ ставкаси деб юритилади. Бу ставка қатъий суммаларда ёки фоизларда обьектга нисбатан қўлланилади. Масалан, шаҳар жойларда ҳар бир квадрат метрга 3 сўм ер солиқ ставкаси белгиланган. Бозор иқтисодиёти шароитида пул инфляцияга учраб турганлиги учун қатъий суммалардаги солиқ ставкаларини қўллаш анча қийинлашиб боради. Шунинг учун ҳам солиқ ставкаларининг аксарияти фоизларда белгиланган. Масалан,

1996 йилдан бошлаб күшилган қиймат солиги ставкаси 17 фоиз, фойдага солиқ ставкаси 37 фоиз, мол-мулк солиги ставкаси корхоналар учун йилига 2 фоиз қилиб белгиланган. Солиқ ставкалари пропорционал, прогрессив ва регрессив күринишларда бўлади.

Пропорционал солиқ ставкаси усулида фойда ёки обиротта эга бўлган ҳукукий ва жисмоний шахслар бир хил пропорцияда (улущда) солиқ тўлайдилар. Бу ерда солиқ ставкаси Қатъий ўрнатилган бўлиб, пропорционал равишда олинади.

Агар даромад ёки фойда ортиб бориши билан солиқ ставкаси ҳам ортиб бориши кўзда тутилган бўлса, бундай солиқ ставкаси прогрессив солиқ ставкаси дейилади.

Регрессив солиқ ставкалари бирор фаолият ёки соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ёки ўз фойдасидан бирор турдаги ҳаражатни (масалан инвестицияни) кўпайтиришни рафбатлантириш мақсадида қўлланилади. Яъни регрессив солиқ ставкаси усулида даромад ортиб бориши билан маҳсулот ишлаб чиқариши ҳажми кўпайиши ёки экспортга маҳсулот ишлаб чиқариши кўпайиши билан солиқ ставкаси ҳам камайиб боради.

Солиқقا тортиш тамоилилари. Солиқقا тортиш тамоилилари давлат томонидан ишлаб чиқилади ва Олий Мажлис тасдиқлаган қонунларда кўрсатилади. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар солиқлари тўғрисида»ги қонунда солиқقا тортишининг 4 та тамоили кўрсатилган:

1. Манбаларидан қатъи назар ҳамма даромадларни солиқка тортишлик мажбурийдир;

2. Умумий давлат солиқ сиёсати атрофида ҳамма даражадаги маъмурий худудларнинг солиқ фаолиятидаги мустақиллигини ҳисобга олиб ягона умумдавлат солиқка тортиш сиёсатини юритиш;

3. Фаолияти муҳим ижтимоий, иқтисодий, экологик муаммоларга ҳамда хўжалик юритишнинг илфор шаклларига қаратилган фаол ишловчи корхоналар имтиёзлар тизими орқали солиқларнинг қизиқтирувчи ролини таъминлаш;

4. Солиқ тўловлари бўйича декларациялар, текширишлар ва ревизиялар ўtkазиш қонунчилигини бузгандарга иқтисодий жазолар қўллаш билан молиявий назорат ўрнатишдан иборат.

Лекин жаҳон солиқ қонунчилигида иқтисодчи ва

хукуқшунос олимлар солиққа тортишнинг қўйидаги беш тамойили бўлишлигини кўрсатиб ўтишган:

1. Тенглик ва самарадорлик.
2. Солиққа тортишда аниқлик ва осонлик.
3. Солиққа тортишнинг арzonлиги.
4. Солиққа тортишнинг хазинавий самарадорлиги ва эгилувчанлик.
5. Солиққа тортишда ижтимоий адолат.

Солиқ муносабатларининг хукуқий асослари. Солиқ муносабатларининг хукуқий асослари деганда бу солиққа оид муносабатларни хукуқий тартибга солища хизмат қилувчи, давлат идоралари томонидан қабул қилинган, ҳамма учун мажбурий бажарилиши лозимлiği белгиланган, давлатнинг зўрлик кучи билан таъминланган қонунчилик хужжатлари тушунилади (1-чизма). Улар икки гурӯҳга: қонунлар ва қонун остидаги меъёрий хужжатларга бўлинади. Солиқ муносабатларини тартибга солища қонун меъёрлари етакчи ва белгиловчи аҳамиятга эга, чунки солиқлар жорий этиш, тўплашга оид масалалар қонунлар билан белгиланади. Қонун остидаги хужжатлар эса қонунларни тўғри ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш воситаси сифатида аҳамиятга эга.

Солиқ муносабатларининг хукуқий асослари бўлиб хизмат қилувчи хукуқий хужжатлар юридик кучга кўра қўйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
- 2) Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси.
- 3) Солиққа оид қоидаларни назарда тутувчи бошқа қонунлар.
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари.
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва бошқа меъёрий хужжатлари.
- 6) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси, Молия Вазирлиги, Республика Марказий банкининг қонун асосидаги меъёрий хужжатлари.
- 7) Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг солиқ ва солиққа тортишга доир қарор ва фармойишлари.
- 8) Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномалар, кўшилган ёки тан олган халқаро конвенциялар ва Пактлар.

Солиқ ҳукуқидинг маъбалари.



Давлат бюджети

Давлат бюджети деганда мамлакатнинг даромадлари билан харажатларининг таққослама йиллик мажмуаси ёки давлатнинг кутилаётган даромадлари билан харажатларини таққослайдиган йиллик режаси тушунилади. Ҳар қандай мустақил давлат ана шундай ўз бюджетини шакллантиради. Бироқ давлат бюджетини яратилиш ва ижроси ёки бу давлатнинг миллат тараққиёти хусусиятларига ва давлат олиб бораётган ташқи ва ички иқтисодий сиёсатига борлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ўз бюджетини яратадиган унинг миллий тарихида фоят муҳим воқеликлир. Айниқса, Олий Мажлиснинг II ча-

қириқ IV сессиясида «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганлиги бюджетимизни шаклантиришнинг ҳуқуқий базасини яратилганлiği қувонарли ҳол бўлди. Ушбу Қонунда шундай дейилади: «Давлат бюджети — давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади» дейилади.

Ушбу сессияда давлатимизнинг XXI асрнинг илк йили — 2001 йил учун ҳам даромад ва ҳаражатларининг мажмуаси қабул қилинди. Унда мўлжалланишича, давлат ҳаражатларининг даромадларга нисбатан фарқи, яъни давлат бюджетининг тақчиллиги 1,5 фоиз даражасида бўлади. Унинг 0,5 фоизи Марказий банк томонидан қопланиши белгилаб кўйилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жаҳон тажрибасида бюджет тақчиллиги деган нарса тасодифий ҳол эмас. Масалан, АҚШ давлат бюджети 1969 йилдан бери, Германия давлат бюджетида эса 1980 йилдан бошлиб бюджет тақчиллиги давом этмоқда. Одатда бюджет тақчиллиги япни ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан 2–3 фоиздан ошмаслиги керак. Кўриниб турибдики Ўзбекистон Республикаси бюджети тақчиллиги жаҳон андозалари меъёrlаридан деярли икки марта пастроқdir. Бунинг сабаби ҳалқ хўжалигининг асосий тармоқлари белгиланган тоншириқдарни ортириб бажаришидадир. Масалан, 2000 йил якунига кўра, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 105,7 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 103,2 фоизни ташкил этди. 2000 йилда 300 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Энг қувонарли ҳоллардан бири яна шуки ички истеъмол бозоримизнинг таҳминан 80 фоизи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳисобидан тўлдирилмоқда.

Бюджетимизнинг 2001 йилда жуда кам миқдорда тақчил бўлишининг асосларидан бўлиб ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 2000 йилга нисбатан 104,5 фоизи бўлиши кўзда тутилаётгандир. Бюджет ўсишга саноат маҳсулоти ҳажмининг 5,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмининг 5,5 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 3,6 фоизга, чакана савдо айланмасининг 7,4 фоизга ортиши орқали таъминланади.

Мамлакатимиз давлат бюджетининг 2001 йил учун кўзда тутилган нисбий жиҳатлари қўйидагилардир:

1). Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида кўзда тутилган foят улкан ишларни етарли молиявий ресурслар билан тъминлаш бюджетимизнинг алоҳида хусусиятларидир. Масалан, 2001 йилда замонавий илм даргоҳлари қуриш ва таълимнинг моддий техника базасини яратиш мақсадларига харажатларнинг 8,8 фоизини сарфлаш мўлжалланади. Ваҳоланки, бу 1999 йилда 7,8 фоизни ва 2000 йилда ҳам 7,8 фоизни ташкил этган эди. Бу кўрсаткич Марказий Осиёдаги қўшни давлатларда Ўзбекистондан гидан 1,5; 2 марта пастроқдир.

2). Аҳоли соғлигини сақдаш ва спорт ишлари ҳам Республикализнинг 2001 йилги бюджетида ўзига хос ўрин тутади. Бу мақсадларга 77,3 млрд. сўм сарфлаш кўзда тутилди, яъни ялпи ички маҳсулотнинг 2,9 фоизи сарфланади. Бу масалада ҳам мамлакатимиз қўшни давлатлардан анча илгарида эканлигини қайд этиш ўринлидир.

3). Сир эмаски даромад (фойда) солиги давлат бюджети даромадларининг салмоқли хиссасини ташкил қиласи. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра солиқ даражаси ялпи ички маҳсулотнинг 45–60 фоизни ташкил этади (масалан, бу кўрсаткич Бельгияда 51,5, Данияда 60, Швецияда 58, Финландияда 53 фоизни згаллаб келаётир). Бизнинг Республикализ давлат бюджетида эса, бу кўрсаткич 2001 йилда атиги 26 фоиз бўлиши кўзланмоқда. Айни чоғда бу рақам 2000 йилдагидан 5 фоизга камроқдир. Даромад (фойда) солиқ ставкасининг 1995 йилда 38, 1998 йилда 35 фоиз эканлигини айтсан, бу камая бориш тендендиясига эга бўлаётганини тушуниш қийин эмас.

Бироқ мамлакатимизнинг солиқлар давлат даромадлари ичida ялпи ички маҳсулотга нисбатан сезиларли эканлигини эслатиб ўтиш лозимдир. Масалан, 2000 йилда 30,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2001 йилда 30,1 фоизни ташкил этади. Ўзбекистон давлат бюджети 2001 йилда қўйидагича тартибда белгиланиб қўйилди:

Даромадлар бўйича — 1152,8 млрд. сўм

Харажатлар бўйича — 1210,3 млрд. сўм

Бюджет тақчиллиги — 57,5 млрд. сўм ёки тақчиллик даражаси — 1,5 фоизни ташкил қиласи.

Албатта, реал иқтисодий ҳаёт бу кўрсаткичларга маълум ўзгартиришлар киритади. Аммо юқоридаги фикр-

лардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимиз давлат бюджети бутун ҳалқ ҳўжалиги, унинг барча тармоқлари инфратузилмаси олдига қўйилган вазифалардан муваффақиятли бажариш учун етарли молиявий (пул) ресурсларга эга бўлади.

Тақоррлаш учун саволлар.

1. Молиянинг обьекти нима?
2. Молия қандай вазифаларни амалга оширади?
3. Молия тизими деганда нимани тушунасиз?
4. Молия бозори қандай бозор?
5. Молия бозори қайси бозорларни ўз ичига олади?
6. Акцияларнинг қандай турлари мавжуд?
7. Вексель қандай мақсадларда чиқарилади?
8. Облигацияни қандай турлари мавжуд?
9. Облигацияни акциядан фарқи нимада?
10. Хазина маҳбуриятларини ҳимматлар муюмалага чиқаради?
11. Ҳосилавий ҳимматли қоғозлар этасига қандай ҳукуқларни беради?
12. Фючерс деганда нимани тушунасиз?
13. Варрант қандай ҳимматли қоғоз?
14. Фонд биржасида қандай савдо ўтказилади?
15. Солиқларнинг зарурлиги нимада?
16. Солиқлар қандай вазифаларни бажаради?
17. Солиқларнинг қандай турлари мавжуд?
18. Солиқ обьекти деганда нимани тушунасиз?
19. Қайси корхоналар солиқдан бутунлай озод этилиши мумкин?
20. Пропорционал, Регрессив ва Прогрессив солиқ ставкаларини бир-бирадан фарқи нимада?
21. Республикамиз Президенти И. А. Каримов солиқ йўлида амал қилиувчи қайси тамойиллар ҳақида алоҳида таъкидлаган?
22. Бюджетнинг даромадлари қандай шаклланади?

XV Б О Б

КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ. БАНКЛАР

Кредитнинг моҳияти ва зарурлиги. Истикболли келажакка интилаётган маустақил Ўзбекистонимизнинг бир иқтисодий тизимдан иккинчисига кам моддий харажат сарф этган ҳолда, ижтимоий қийинчиликларсиз ўтишини таъминлаш, аввало, ўша жамиятда амал қилаётган банк тизими ва молия-кредит сиёсатига боғлиқ.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республикамиз пул-кредит соҳасида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Шунинг учун иқтисодиётда ҳаракатсиз пул маблағларининг пайдо бўлиш манбаларини ва уларни

ҳаракатини йўлга қўйиш воситаларини аниқлаш мұхим аҳамият касб этади. Шуни айтиш керакки, пулларнинг бўш бўлиши вақтингчалик характерга эга.

Хўш, вақтингча бўш пуллар қандай вужудга келади?

Биринчидан, корхоналарда катта миқдорда асосий ишлаб чиқариш фондлари бўлади. Уларнинг эскириши (емирилиши) бир даврда кечмайди ва бир неча йил давомида юз беради. Демак, асосий фонднинг эскиришидан ҳосил бўладиган пул тушумлари (амортизация) уларни янгилаш муддати келгунга қадар бўш туради. Корхона уларни банкдаги маҳсус счёtlарда сақлайди. Ана шу амортизация пули вақтингча бўш пул маблагини ташкил этади;

Иккинчидан, корхоналар ўзларининг йиллик фаолияти натижалари бўлган фойданинг бир қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавий техника-технология билан қуроллантириш учун инвестиция фонди тариқасида аванслайдилар. Бироқ бу пуллар реализация қилиниш муддати келгунга қадар бўш туради;

Учинчидан, корхона ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун маблағлар ажратади. Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида бундай маҳсус ажратмалар, айниқса, зарурдир. Зоро, ижтимоий ҳимоя барқарорлик ва янгилинишнинг мұхим омилига айланади. Ана шу пул ресурслари ҳам фойдаланиш муддати келгунга қадар бўш туради;

Тўртингчидан, маълумки, иш ҳақи ҳар куни тўланимайди, ойда икки марта берилади. Иш ҳақи тўлаш муддати келгунга қадар иш ҳақи фондининг бир қисми бўш пул маблагини ташкил этади;

Бешингчидан, бўш пуллар айланма ишлаб чиқариш фондларни сотиб олиш мақсадларига ажратилган вақти билан уларнинг реал жамғариш вақти оралиғида ҳам тўпланиб қолади;

Олтингчидан, аҳолининг қўлида ҳам маълум миқдорда бўш пуллар жамғарилиб борилади, улар бу пулларни маълум мақсадлар учун тўплайдилар;

Еттингчидан, давлат бюджетидан ҳам халқ хўжалигини ривожлантириш, ижтимоий соҳаларни молиялаштириш мақсадларида пул ажратмалари қилинади, улар ишлатилиш вақти келгунга қадар бўш бўлади;

Саккизингчидан, бошқа пул маблағлари (суғурта пуллар), халқаро ва ички хайр-эҳсон маблағлари кабилар ҳам ҳосил бўлиш ва фойдаланиш муддатларида бўш туради. Айни чоғда такрор ишлаб чиқариш жараённида

корхоналарнинг бир қисми ўз иқтисодий фаолиятини давом эттириш, барқарор ишлаб туриш мақсадларида бўш пулларга зарурат сезадилар. Масалан, қайта ишлаш корхоналари ҳом ашё ресурсларини маълум муддатлардагина жамғариш имкониятига эга (пахта, пилла, сабзавот ва мевалар), чунки улар мавсумий маҳсулотлардир. Ана шу қизғин муддатда бўш пулларга муҳтожлик сезадилар. Бундай шароитда юқорида келтирилган бўш пул маблағларини иқтисодиёт ҳаракати учун жалб этадилар. Бозор муносабатлари шароитида эса пул маблағлари маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга берилади. Маълум муддатга ҳақ тўлаш ва қайтариб бериш шарти билан бериладиган бўш пул маблағлари кредит деб юритилади. Кредит пулларга нисбатан уларни оладиган ва таклиф этадиган иқтисодий муносабатлар кредит муносабатлари деб аталади.

Кредит муносабатларининг обьектлари ва субъектлари. Ишлаб чиқариш муносабатлари иқтисодиёт иштирокчилари ўртасида вужудга келади. Кредит муносабатлари ҳам ана шундай юз беради, уларнинг иштирокчиларини кредит субъектлари деб аталади ва улар турли туман бўлади. Кредит субъектлари кредит таклиф этувчи ва уни истеъмол қиливчилардир. Яъни корхоналар, фирмалар, давлат, турли ташкилот, транс миллий ва хусусий корпорациялар, тадбиркор ва соҳибкорлар ҳамда аҳолининг бошқа турли тоифалариdir.

Кредит обьекти — вақтинча бўш турган пул маблағларидир. Маълумки, иқтисодиёт ғоят мураккаб жараёндир, унинг субъектлари эса яна ҳам турли тумандир. Уларнинг иқтисодий ва молиявий имкониятлари, тўлов қобилиятлари ҳам бир хил эмас. Шунинг учун кредит обьектлари бўлиб вақтинча бўш пуллар эмас, шу билан бирга товарлар, қимматбаҳо қоғозлар, турли шаклдаги хизматлар ҳам бўлиши мумкин. Кредит муносабатлари худди ана шу бўш пул ва товарларни қарзга олиб ишлатиш ва вақти келганда уни маълум ҳақ тўлаш орқали қайтариш борасидаги муносабатлардир.

Кредит шакллари. Кредит иқтисодий категорияидир, у қарз олувчилар билан қарз берувчилар ўртасидаги қарз пулга, ундан фойдаланишга (истеъмол қилишга), ундан фойдаланиш асосида олинган натижаларга нисбатан бўладиган муносабатларни ифодалайди. Кредит шакллари худди ана шу муносабатларнинг реал иқтисодиёт тажрибасида намоён бўлишидир. Кредит муносабатлари эса бир томондан, унинг субъектлари ўрта-

сида восита алоқаларини, иккинчи томондан, кредит субъектлари ўртасидаги воситачилик құлувчи махсус кишилар ўртасида амалға ошади.

Кредит шакллари қуйидагилар: банк кредити; тижорат кредити; давлат кредити; истемол кредити; халқаро кредит.

Кредитнинг энг қулай ва кең тарқалған шаклларидан бири — **банк кредитидір**. Бизнинг мамлакатимизда банк кредити «Банклар ва банк фаолияти түғрисида»ги қонун талаблари асосида ташкил этилади. Шуни таъкидлаш керакки, банклар кредит муассасалари сифатида фаолият құлувчи корхоналардир, улар хұжалик субъектлари ҳамда ақолининг бүш пул маблағларини үзіде тұплаш ва ижтимаий тақрор ишлаб чиқариш мақсадларига миллий иқтисодиётни ривож толтыришларыга йўналтириб турувчилардир. Албатта, банклар кредит пулларини ҳар қандай эҳтиёжмандларға беравермайды, улар кредитни хұжалик ва тижорат фаолиятида самарали ишлатыб фойда бла биладиган мижозларғагина таклиф этадилар. Бошқача айтганда, банклардан кредит олувчи субъектлар маълум иқтисодий салоҳиятта эга, кредитни устига ҳақ қўйиб тұлай оладиганлардир.

Банк кредити бошқа кредит шаклларидан кескин фарқ қиласы. Бу фарқ шундаки, банк кредитлари қисбатан чекланмайды, катта әжмларда, узоқ муддатларта, маълум тартиб ва нормативлар базасига асосланған ҳолда берилади. Банк кредитлари ишонарлы ва кафолатлидір. Шунинг учун кредит муносабатлари тизимида банк кредити кең тарқалған ва ривожланиб бормоқда. Бу гап фақатгина миллий банкларғагина эмас, балки халқаро банклар кредит фаолиятига ҳам тааллуклидір.

Кредит шаклларидан бири давлат кредитидір. Давлат кредити иқтисодий муносабат сифатида давлат билан ахоли ва микроиктисодиёт тузилмалари ўртасида вужудға келади. Давлатнинг кредит муносабатлари субъектига айланиши шу билан баҳоланады, у бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса, бозор муносабаттарига ўтиш даврида, иқтисодий марказ сифатида роль ўйнайды. Давлат миллий иқтисодиётининг тақдиди ва истиқболига масъул тузилма сифатида ҳам қарз беради, ҳам қарз олади. У қарзни ахолидан, корхоналардан, ташкилотдан, хорижий давлатлар ва компаниялардан олиб, уни миллий иқтисодиётда чукур структуравий ўзгаришлар қилиш, иқтисодиётни бозор талабларига мослаштириш мақсадларида сафарбар қиласы.

Давлат қарзни заём шаклида, нақд пул жамғармалари ва бошқа шаклларда олади. Бундай кредит муносабатларини иқтисодиётда давлатнинг ички қарзи деб юритилади. Шуни айтиш керакки, давлат олган ички қарзни ҳамда унинг фоизини бюджет даромадлари ҳисобидан қайтаради. Айни чогда давлат ўз бюджетидан корхоналарни иқтисодий ночор ахволдан чиқариш, уларнинг иқтисодиётини соғломлаштириш мақсадларида кредит беради. Одатда бундай мақсадларда бериладиган кредитлар имтиёзли кредит бўлади, яъни ундан наф кўриш кўзда тутилмайди. Бундай кредит бизнинг мамлакатимизда кенг кўлланилмоқда. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисидаги қонун»га кўра 1998—2000 йилгача уларнинг қарзларини кечиктириши ҳамда уларга қайтариб бериш шарти билан кредит ажратиш кўзда тутилмоқда. Шундай қилиб, кредит иқтисодиётни соғломлаштириш жараёнида ҳам қатнашувчи иқтисодий дастакдир.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиб бориши ҳамда ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг субъектига (иштирокчисига) айланиши кредитнинг ҳалқаро шаклидан кенг фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ҳалқаро кредит — ссуда капиталининг ҳалқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳаракат шаклидир. Бунда кредит берувчи ва кредит олувчилар сифатида давлат муассасалари, банклар, фирмалар, ҳалқаро валюта-кредит ва молия ташкилоти қатнашадилар. Ҳалқаро кредит ҳам «кредит» категориясининг бир туридир ва у бир қатор иқтисодий категориялар (фойда, баҳо, пул, валюта курси, тўлов баланси, савдо баланси кабилар) билан боғлиқдир.

Ҳалқаро кредит ўз йўлида бир қанча кўринишларда бўлади. Масалан, ички, ташқи, аралаш, кредитлаш, ташқи савдони молиялаш, тижорат кредит, инвестиция обьектларини кредитлаш, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, ташқи қарзни узиш, товар шаклида ва валюта шаклида кредитлаш, ҳалқаро пул бирликларида (СДР, ЭКЮ) кредит бериш демакдир.

Тижорат кредити — бу сотувчиларнинг харидорларга товар шаклида бериладиган кредитдир. Бунда товарлар маълум муддатда пулинни тўлаш шарти билан насияяга берилади. Тижорат кредитини насияга олувчи унинг эгасига вексел (қарзнинг мажбуриятномаси)ни беради. Тижорат кредитида фоиз насияга сотиладиган товар

нархига устама шаклини олади, шу сабабли товар насиага эл қатори нархдан юқори нархда берилади. Бевосита кредитнинг оммавий кўринишларидан бири қимматбаҳо товарларни (автомашина, уй, телевизор, компьютер, яхта, видеомагнитофон) аҳолига насиага сотишдир. Бундай кредит товарларни бўлгуси даромад ҳисобига сотиш учун кўлланилади. У тўйинган товарлар етарли, бинобарин, тақчиллик йўқ, бозорда кўлланилади.

Истеъмол кредити — тижорат банклари тадбиркорлик учун фирмаларга қарз берса, истеъмолчиларга товар сотиб олиш учун қарз беради. Бунинг натижасида истеъмолчи кредити пайдо бўлади. Бунда банк истеъмолчиларга кредит карточкилари беради, уларга маълум суммага қадар товарлар харид этадилар, харид пули банклар магазинлар берган счётга қараб тўлайди. Бундай кредит фоят имтиёзли бўлади, ҳатто фоизсиз ҳам бўлиши мумкин. Истеъмолчи кредити аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. Хусусан, якка тартибда уй-жой куриш мақсадларига бериладиган узоқ муддатли кредитлар — пул шаклидаги истеъмолчи кредитларирид.

Кредит бериш тамойиллари ва муддатлари. Кредит бериш маълум тамойиллар асосида амалга оширилади. Улар асосан қўйидагилардан иборат: қайтариб бериш; муддатлилик; ҳақ тўлаш (фоиз тўлаш); моддий таъминланганлик; маълум мақсадни (ишлатиш объектини) кўрсатиши.

Бу тамойиллар кредитнинг барча шакллари учун умумийдир. Кредит маълум маънода сотиладиган моддий товар ёки хизматлар кабилардир. Демак, у гўё сотилади ва сотиб олинади. Сотувчи товарни сотганда маълум фойдани кўзлаганидек, кредит муассасаси ҳам бундан мустасно эмас.

Кредитлар қўйидаги муддатларга берилиши мумкин:

- 1) Кисқа муддатли кредитлар — бир йилга қадар (асосан олти ойгача, уч ойгача, бир ойга, бир ҳафтага) берилади;
- 2) Ўрта муддатли кредитлар — бир йилдан беш йилгача муддатга берилади;
- 3) Узоқ муддатли кредитлар — беш йил ва ундан ортиқроқ муддатга берилади;

Кредитнинг вазифалари. Кредитнинг вазифаси кредит муносабатларининг хўжалик фаолиятидаги кўрини-

ши ёки унинг ҳаракат ифодасидир. Кредит қуйидаги вазифаларни бажаради:

Биринчи вазифаси — пулга тенглаштирилган тұлов восьиталари бұлған вексел, чек, сертификат кабиларни иқтисодиёт соҳасига жалб қилиб, уларни хўжалик фоалиятида реал ҳаракатини йўлга қўяди;

Иккинчи вазифаси — турли хўжалик субъектлари ва ахоли қўлидаги бўш пулларни капиталга айлантиради, яъни пулнинг ўз кучи асосида кўпайишига, пулга пул кўшидишига хизмат қиласди;

Учинчى вазифаси — кредитлаш орқали пул маблағлари турли хўжалик субъектлари ва халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида қайта тақсимлайди. Яъни ишлаб чиқариш омилларини самара берувчи соҳаларга тезроқ етиб боришига туртки беради;

Тўртингчى вазифаси — пулга муҳтож мижозларга қарз берилиши ва берилган қарзларни вақтида ундириб олиш орқали ижтимоий ишлаб чиқаришни раъбатлантиради, яъни ишлаб чиқариш ва мумомала жараёнида самарадорликка эришилиши учун дастак бўлади.

Шуни айтиш керакки, кредит ўз вазифаларини тўғри баҳарган ҳолдагина ижобий натижаларга олиб келади, аксинча, кредитдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ кечмаса, кредит салбий натижаларга олиб келади. Бунга хўжалик ҳаётидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Энг муҳим вазифа шуки, кредит беришда ундан келиши мумкин бўлган оқибатларни (натижаларни) олдиндан сарҳисоб қилиш лозим.

Фоиз даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар. Юқорида айтилганидек, кредит-товардир. У ўз маънода баҳога эга бўлади. Бошқа товарлар баҳолари каби кредит баҳоси ҳам талаб ва тақлиф қонуни талаблари асосида шаклланади. Кредитнинг бош тамойили — кредит учун ҳақ тўлашдир. Яъни олинган ссуда суммасига маълум устама ҳақ тўлаб қайтаришдир. Қарз қилинган суммага нисбатан фоиз ҳисобида тўланадиган ҳақни қарз фоизи дейилади.

Фоиз даражаси олдиндан белгилаб қўйилади, зеро, бу кредит муносабатларининг одатдаги талабидир. Фоиз даражаси (ФД) қарз фоизининг (КФ) берилган қарз миқдорига (КМ) фоизда ифодаланган нисбати билан белгиланади, яъни

$$ФД = \frac{КФ}{КМ} * 100$$

Фоиз даражасидан олинган кредитни соҳибкорлик фаолиятида ишлатиб ҳосил қилинган кўшимча маҳсулот ҳисобидан тўланади. Демак, кредит ҳисобига ишлаб чиқарилган кўшимча маҳсулот икки қисмга бўлинади: биринчи қисми соҳибкор қўлида даромад тарзида ўзлашибирорлади, иккинчи қисми эса қарзга олинган пул учун унинг баҳоси тариқасида эгасига фоиз даражаси бўлиб қайтарилади.

Иқтисодиётда фоиз даражаси жуда катта аҳамият касб этади. Гап шундаки, у нафақат кредитнинг санарадорлигини, айни чоғда такрор ишлаб чиқаришининг барқарорлиги ва самарадорлигини ифодалайди. Шунинг учун фоиз даражасига таъсири этувчи омиллар алоҳида ҳисобга олинади, уларнинг таъсири кузатиб борилади.

Фоиз даражасига қўйидаги омиллар таъсири этади.

1) Кредитга бўлган талаб ва таклиф нисбати. Қарз пулга талаб ошган ҳолатда фоиз юқори, талаб камайган ҳолатда эса у пасаяди.

2) Кредитнинг истеъмол қиймати, яъни кредитта олинаётган пулдан кутилаётган иқтисодий самара.

3) Қарзни тўлаш муддати ва шарти. Бунинг маъноси шуки, агар қарз узоқ муддатли бўлиб, кичик-кичик қисмларга бўлиниб тўлаб борилса, фоиз юқори бўлиши мумкин, аксинча, қарзни биратўла қайтариш кўзда тутилса, фоиз паст бўлиши мумкин.

4) Кредитнинг қандай пул билан берилиши. Агар қарз конвертиранган валютада берилса фоиз юқори бўлади, аксинча қарзни оддий конвертиранмаган валютада берилса, фоиз нисбатан паст бўлади.

5) Иқтисодиётдаги инфляция даражаси. Агар иқтисодиётда инфляция жараёни кечаетган бўлса, фоиз юқори бўлади, зоро, бунда инфляциянинг ўсиш тезлиги белгиловчи омил бўлади.

6) Пулни қарзга бергандан кўра бошқа йўсинда ишлатишдан тушадиган даромад.

7) Қарз беришининг хатарлилик даражаси. Агар қарзни қайтариш кафолатланса, фоиз паст бўлади, аксинча уни қайтиши шубҳа туғдирса, фоиз юқори бўлади.

Умуман олганда, кредит берувчи фоиз даражасининг юқори бўлишини, қарз олувчи бу миқдорнинг паст бўлишини истайди. Демак, улар ўртасида мазлум бир рақобат кураши кетади.

Фоиз даражаси кредит муассасалари тақдирида муҳим роль ўйнайди. Чунки фоиз улар даромадининг асо-

сий манбалари, иқтисодий қудратининг муҳим таяничи-дир. Шунинг учун кредит муассасалари ўз фаолиятлари-ни самарали бўлишига таъсир этувчи фоиз даражаси масаласида ўз сиёсатларини ишлаб чиқадилар ва юрги-задилар.

Банклар

«Банк» тушунчаси французча «banque» ва итальянча «banka» сўзларидан келиб чиқсан бўлиб, «карроф курси», «дўкони», деган маънони англатади. Бундай тушунча тарихчиларнинг тахминан 2000 йил муқаддам фаолият кўрсатган дастлабки банкирлар ҳақида тўплаган маълумотларига тўла мувофиқ келади. Уша пайтдаги банкирлар саррофлик билан шугулланган, яъни пул майдалаб ёки алмаштириб берган. Улар савдо-сотик бўлиб ўтадиган жойдаги кичик дўконларда ўтириб, шаҳарга келган сайёхларнинг ҳожатини чиқариш учун чет эл тангларини маҳаллий пулларга алмаштириб берган ёки муайян хизмат ҳақи эвазига савдогарларнинг маблағ айлантириш имконига эга бўлиши учун тижорат векселларини ҳисоблаб берган.

Дастлабки банкирлар фаолият юритиш учун ўз маблағларидан фойдаланишган, бироқ кўп вақт ўтмай пул маблағлари жалб қилиш ҳамда бой мижозлар томонидан бериладиган муддатли қарзларни кафолатлаш гояси пайдо бўлган. Айни шу маблағлар банкирларнинг кейинчалик ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Банкирлар томонидан қарзлар савдогарлар, денгизчилар ва ер эгаларига фоиз тўлаш эвазига берилган. Дастлабки банкирларнинг қарийб барчаси келиб чиқиши жиҳатидан юонноларга мансуб эди.

Банклар ва уларнинг ташкилий тузилмаси. Банк — бу молия-кредит муассасаси бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини ўзида жамлайди ва уларни муддатлилик қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шартлари асосида ўз номидан жойлаштиради.

Бозорларда пул маблағлари ҳаракатини банклар билан биргаликда бошқа молия-кредит муассасалари: инвестиция фондлари, сугурта компаниялари, брокерлик, дилерлик фирмалари ва бошқалар ҳам амалга оширадилар. Лекин банклар молиявий таваккалчиликнинг субъекти сифатида бошқа субъектлардан фарқ қилувчи иккита ўэига хос сифатга эга.

Биринчидан, банклар учун қарз мажбуриятининг

икки томонлама алмашынуви характерлидир. Улар ўзларининг қарз мажбуриятларини тақсимлайдилар. Шу асосда тақсимланган ёки жалб қилинган маблағларни бошқалар томонидан чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар ва қарз мажбуриятларига жойлаштирадилар. Бу эса банкларни молия бозорида ўзининг қарз мажбуриятларини чиқармай фаолият юргизувчі молиявий брокерлар ва дилерлардан ажратиб туради.

Иккинчидан, банклар юридик ва жисмоний шахслар олдида қарзни белгиланган суммасига доир мажбуриятларни ўз зиммасига оладилар. Масалан, мижозларнинг маблағларнинг ҳисоб рақамларига ва бошқа қўйилмаларига жойлаштираётганда, депозит сертификатларини чиқараётганда ва бошқа ҳолларда шундай қиласидилар. Бу билан банклар ўз акцияларини чиқариш орқали ресурсларини жойлаштирадиган турли инвестиция фондларидан фарқланаб туради. Қарз суммаси бўйича белгиланган мажбуриятлар воситачилар (банклар) учун юкори даражали таваккалчилликни ифодалайди. Чунки, бозор конъюктурасидан қатти назар суммалар тўлалигича қайтарилиши керак. Инвестиция фондлари эса активлар ва пассивлар қийматини ўзгариши билан борлиқ бўлган барча таваккалчилликларни ўзининг акциядорлари орасида тақсимлайди.

Банклар шўъба кредит муассасаларининг ташкил этиш ҳукуқига эга. Шўъба банк (кредит муасасаси) бўлиб бosh банкнинг низомий жамғармасининг 50 физиздан ошигини ўз фойдаси ҳисобидан таъминлаб берадиган банк ҳисобланади. Бош банк билан ўзаро муносабатлар таъсис шартномаси ва шўъба банкнинг устави билан тартибга солинади. Шу билан бирга, шўъба банк юридик шахс ҳисобланиб, мустақил тижорат ташкилоти сифатида фаолият юргизади. У ўз мулқига, жумладан ўз капиталига эга, ўз мажбуриятлари бўйича масъулиятлидир ва Марказий банкда ўзининг корреспондент ҳисоб рақамларига эгадир.

Низомий жамғармасини шакллантириш усулига кўра банклар акционер (очиқ ва ёпиқ турдаги) ва пайчиллик банкларига бўлинади.

Ҳиссадорлик банкларда капитал эгаси бўлиб жамиятнинг ўзи, яъни банк намоён бўлади. Пайли тижорат банкларida эса банк капитал эгаси бўла олмайди. Чунки, ҳар бир лайчи капиталдаги ўз улушига эгаллик қилиш ҳукуқини банкка бермайди, ўзида сақлаб қолади. Пайчи тижорат банклари масъулияти чекланган жамият та-

мойиллари асосида ташкил қилинади. Бунда ҳар бир иштирокчи (пайчи)нинг маъсулияти банкнинг умумий капиталига қўшган ҳиссаси билан белтиланади. Маъсулияти чекланган жамият шаклида тузилган банклар қоидага кўра акция ва облигациялар чиқариш хукуқига эга эмаслар.

Ҳиссадорлик жамияти сифатида фаолият юргизаётган банклардан низомий жамгарма маълум микдордаги акцияларга бўлинган бўлади. Ҳиссадорлик банклари очик ва ёпиқ турда бўлиши мумкин. Тижорат банки фаолиятини «бошқарма» бошқаради. Бошқарма ҳиссадорлик умумий йигилиши ва банк кенгashi олдида жавобгар ҳисобланади.

Банкларни очиш ва тугатиш. Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларини очиш, рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоялаш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 1996 йил 7 апрелдаги қарори билан (6-сонли қайднома) тасдиқланган 7-сонли «Банкларни ташкил этиш ва фаолиятини тўхтатиш тўғрисида Низом» билан тартибга солинади.

Уларга биноан Ўзбекистон Республикасида банклар мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида очик ёки ёпиқ турдаги акционер-жамиятлари кўринишида ташкил этилади. Жисмоний ва юридик шахслар Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари банкнинг акциядорлари бўлиши мумкин. Давлат номидан фақат Ўзбекистон Республикасининг хукуматигина банкнинг таъсисчиси ёки акциядори бўлиши мумкин. Жамоат ва сиёсий ташкилотлар, бюджет муассасалари, ноликвид баланси, тўловга қобилиятсиз ёки банкрот деб эълон қилинган корхона ва ташкилотлар оффшор зоналарда рўйхатдан ўтган юридик шахслар норезидентлар банкнинг акциядорлари бўла олмайдилар.

Акциядорлар йигилиши қарорига асосан (Марказий банк руҳсатини олган ҳолда) ёки Марказий банк лицензияси қайтариб олингандা ёки банк банкрот деб топилгандан банк тугатилиши мумкин. Бу жараён тугатиш комиссияси томонидан «Банкротлик тўғрисида» қонунга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мар-

казий банкининг 1996 йил 20 июлдаги 240-сонли «Банк-ларни тугатиш тартиби тұғрисида Низом»ига мувофиқ амалга оширади.

Тугатиш жараёни Марказий банк бошқарувининг банк операцияларини амалга оширишга берилган лицензияни қақырып олиш ҳақида қарори чиқарылған кундан бошланған деб ҳисобланади. Мазкур қарорда юридик ёки жисмоний шахслардан ёки Марказий банк мутахассисларидан тугатувчи тайинланади. Унинг номзоди кредиторлар құмитаси томонидан маъқулланиши лозим. Тугатувчи тугатиш жараёнини ташкил этади ва раҳбарлық қылади.

Банк даромади ва уни жойлаштыриш. Банк даромадлари берилған кредитлар учун ундирилған фоизлардан, валюта бозоридаги операциялардан даромадлардан, ҳисоб-кітоб хизмати құрсатыш даромадларидан ва бошқа турдаги даромадлардан ташкил топади. Фоиз даражаси ва хизматлар бағолари мижозлар ва харидорлар билан келишилгандың өткізу белгиланади.

Банк даромадларидан харажаттар чегириб ташланған банкнинг баланс фойдаси ҳосил болади. Барча солиқ тұловлари бажарылғач қоладиган соф фойданынг тақсимоти тартиби банк уставида белгилаб берилади. Одатда банк ихтиёрида қолаёттан фойданынг бир қисми акцияларга дивиденд сифатида тұланиб, қолған қисми иқтисодий рагбатлантириш фонdlарига йұналтирадилар (ишлиб чиқарышни ва ижтимоий тараққиёт фонди ҳамда моддий рагбатлантириш фонди, резерв фонди).

Тијорат банкларининг фаолияти тамойиллари. Тијорат банклари фаолиятининг биринчи ва асосий тамойили бўлиб, реал мавжуд ресурслар чегарасида иш юритиш ҳисобланади. Тијорат банклари бошқа банклар фойдаси учун нақд пулсиз тұловларни амалга ошириши, бошқа банкларга кредит бериши ва нақд пулларни қабул қилиши мумкин. Бу операцияларни банк ўз корреспондент счётида қолдиқ маблағлар чегарасида амалга оширади.

Реал мавжуд ресурслар чегарасида иш олиб бориши деганда, тијорат банки нафакат ўз ресурслари ва кредит қўйилмалар орасида мувозанатни таъминлаши, банки, банк активлари характеристи жалб қилинған ресурсларнинг ўзига хос хусусиятига мос келишига эришмоги ҳам керак. Бу, биринчи навбатда, кредит бериш ва олиш муддатига тегишилдири. Агар банк маблағларни

қисқа муддатга жалб қила туриб, уларни узоқ муддатли ссудаларга жойлаштирадиган бўлса, у ҳолда унинг мажбуриятлари бўйича тўлов қобилияти хавф остида бўлиб қолиши мумкин.

Тижорат банкларининг фаолиятининг иккинчи тамоили бўлиб тўла иқтисодий мустақиллик ҳисобланади. Бундай иқтисодий мустақиллик ўз маблағлари ва жалб қилинган ресурсларни эркин ишлатилишида, мижозларни танлашда, солиқлар тўлангандан сўнг қоладиган даромаддан ўз ихтиёрича фойдаланишда ифодаланади.

Амал қилаётган банк қонунчилиги барча тижорат банкларига ўз фонdlари ва даромадларини ўzlари тасарруф этишда иқтисодий эркинлик яратиб берди. Солиқлар тўлангандан сўнг қоладиган даромадлар ҳиссдорлар умумий мажлисининг қарори билан тақсимланади. У банкнинг турли фонdlарига ажратмалар меъёри ва ҳажмини, шунингдек акциялар бўйича дивиденdlар миждорини белгилайди. Тижорат банки ўз мажбуриятлари бўйича унга тегишли бўлган барча маблағлар ва мулклар билан жавоб беради. У олиб бораётган молиявий операцияларда таваккалчиликни ўз зиммасига олади.

Учинчи тамоилил шундан иборатки, тижорат банкнинг мижозлари билан ўзаро алоқаси оддий бозор муносабатлари сифатида ўрнатилади. Ссудаларни бера туриб, тижорат банки биринчи навбатда фойдалиликнинг, таваккалчиликнинг ва айланувчанликнинг бозор мезонларига асосланади.

Тижорат банклари фаолиятининг тўртинчи тамоилил бу унинг фаолиятини тартибга солишида ифодаланади, буни у фақат билвосита иқтисодий услублар орқали амалга оширади. Давлат тижорат банклари учун «ўйин қоидлари»ни аниқлаб беради, лекин улар буйруқ бера олмайди.

Марказий банк ва унинг вазифалари. Марказий банк иқтисодиётни бошқариш ва банк тизимини назорат қилишда жуда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли унинг фаолияти уставига нисбатан ҳам юксак кучга эга бўлган маҳсус қонун билан тартибга солинади.

Марказий банк мамлакатнинг бутун банк тизимини назорат қиласидиган давлат организидир. Марказий банк пул-кредит сиёсатини самарали амалга ошириш учун бир йилга мўлжалланган асосий йўналишларни ишлаб чиқаради. Бу йўналишлар Олий Мажлис томонидан

тасдиқлангандан сўнг ҳаракат дастури сифатида қабул қилинади. Марказий банкнинг вазифалари фоят хилмадидир. Марказий банк иқтисодий сиёсати умумий ҳукумат доирасида иш олиб бориш билан бирга, у ҳукумат сиёсатидан фарқ қиласидан мустақил сиёсатни амалга ошириши мумкин эмас.

Марказий банкнинг асосий вазифалари қуйидаги лардан иборат:

- Монитар сиёсат ва валютани тартибга солиши соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасида Ҳисоб-китобларни самарали ташкил этиш ва таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин валюта захираларини, шунингдек ҳукумат захираларини келишувига кўра сақлаш ва бошқариш;
- Молия вазирлиги билан биргаликда Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш;
- Эмиссия фаолияти билан шугулланниши, бу энг кадимги ва энг муҳим вазифалардан биридир;
- Тижорат банклари касса захираларини жойлаштириш ва сақлаб бериш;
- Расмий олтин, валюталарни сақлаш;
- Ҳисоб-китобларни ва пул ўтказиш операцияларини амалга ошириш;
- Назорат қилиши вазифаси;

Демак, Марказий банк мамлакат молия-Кредит тизимиning «юраги», бутун бир тизимнинг барқарор ишлашини таъминловчи, давлат иқтисодий сиёсатининг молия-пул соҳаси бўйича маъсул молиявий муассасадир.

Банкларнинг асосий вазифалари. Ҳозирги замон банкнинг муҳим вазифаларидан бири кредитда воситачилик қилишдир. Бу вазифани банклар корхоналар фондларининг айланиши жараёнида вақтинча бўш қолган маблағларни тақсимлаш йўли орқали бажаради. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши учун банклар воситачилик вазифаси алоҳида аҳамиятидир. Чунки вазифалар ўз фаолиятлари билан иқтисодий тизимда таваккалчилик ва ноаниқдиклар даражаларини камайтиради.

Банкларнинг иккинчи муҳим вазифаси — хўжаликда жамғармаларни рағбарлантиришдир. Банклар молия бозорларида кредитларга талаб билан чиқиш орқали хўжаликда мавжуд бўлган жамғармаларни юқори даражада жойлаштириб қолмай, балки жорий истеъмолни

чегаралаш асосида маблағларни жамғаришга самарали рағбатлар яратади. Жамғармаларга бўлган рағбатлар тижорат банкларининг изчил депозит сиёсати асосида жамланади. Жамғармаларга юқори фоизлардан ташқари банк яна ўз кредиторларига банкка қўйган маблағларни ишончли кафолатлаш учун ҳам хизмат қиласди. Депозитларни сугурталаш билан бирга мижозлар учун банк фаолияти ва у бера оладиган кафолатлар ҳақида ахборотларга эга бўлиш мухим аҳамият касб этади.

Банкларнинг яна бир мухим вазифаси алоҳида мустақил субъектлар ўртасидаги тўловларда воситачилик қилишдир. Халқ мулкига давлат монополияси шароитида барча субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар фақат ягона Давлат банки орқали амалга оширилади.

Фонд бозорининг шаклланиши муносабати билан Тижорат банкларининг қимматли қофозлар билан операцияларида воситачилик қилиш вазифаси ривожланиб бормоқда. Банклар қимматбаҳо қофозлар бозорида воситачи сифатида фаолият юргизадиган инвестиция институтлари сифатида, инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция компанияси ва инвестиция фонди сифатида иштирок этиши мумкин. Банклар молиявий брокер сифатида фаолият қилиш орқали қимматли қофозларни сотиш ва сотиб олишида воситачи вазифаларни бажарди. Инвестиция маслаҳатчиси сифатида банк ўз мижозларига қимматбаҳо қофозларни чиқариш ва муомалада бўлиши юзасидан маслаҳат хизматларини кўрсатади. Агар, банк инвестиция компанияси ролини бажарса, у ҳолда банк қимматбаҳо қофозлар чиқаришни ташкил этиш ва учинчи шахс фойдасига уларни жойлаштириш бўйича кафолатлар бериш, қимматли қофозларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан сотиш ва сотиб олишни амалга оширади. Агар банк ўз ресурсларини қимматли қофозларга ўз номидан жойлаштиrsa ва бу билан боғлик ҳолда келиб чиқадиган даромадлар ва заарларни банк ҳиссадорлари ҳисобига юклатса, у ҳолда инвестиция фонди сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, банклар халқ хўжалиги бўғинларининг такрор ишлаб чиқариш жараёнини бир маромда бориши учун молиявий шарт-шароитлар яратадилар. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида банкларнинг фаолияти, айниқса кучайиши, такомиллашиб бориши даркор.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган банклар:

Давлат банклари:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллӣй банки;
- «Асака» Давлат акционерлик тижорат банки;
- «Замин» Давлат акционерлик ипотека банки;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Ҳалқ банки;
- «Ўзўйжойжамғармабанк» Давлат акционерлик банки;

Акционерлик тижорат банклари:

- «Ўзсаноатқурилишбанки»; — «Ҳамкорбанк»;
- «Тадбиркорбанк»; — «Трастбанк»;
- «Пахтабанк»; — «Ипак йўли» банк;
- «Ўзмевасабзавотбанк»; — «Ўзавиабанк»;
- «Фаллабанк»; — «Геол» банк;
- «Савдогарбанк»; — «Сармоя» банк;
- «Туронбанк»; — «Саёҳатинвест» банк;
- «Алоқабанк»; — «Гошкент» банки.

Хусусий банклар:

- Олим банк;
- «Парвина» банк;
- «Истиқбол» банк;
- «ХИФ» банки;
- «Туркистон» банк
- «Алп-Жамол» банк;
- «Ўқтам» банк;
- «Адилет» банк;
- «Карвон» банк;
- «Бизнес» банк;

Қўшима банклар:

- «Ўзбекистон Туркия» банки;
- «Ўз-Амро» банк;
- «Ўзприват» банк;
- «ЎзДэу» банк;

Ўзбекистон банк фаолиятининг ҳозирги ҳолати қандай?

Ўзбекистонда банк фаолияти ривожланишининг ҳозирги кундаги ҳолати Президент И. А. Каримовнинг «Иқтисодиётни эркинлаштириш — фаровоңлик пойдевори» маъruzасида таҳлил этилган у таъкидлайдики бозор иқтисодиётининг самарали фаолиятини замонавий кенг тармоқли, техник жиҳатдан мукаммал банкомолия тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бугунги кунда Республикамиз банк тизимини ислоҳ қилиш, уларга янада кўпроқ мустақиллик бериш, банк-

ларнинг ўз активларини ва устав фондини кўпайтириш, сармоялаш имкониятларини ошириш муаммоларига катта эътибор берадиганлиги бежиз эмас.

Тижорат банкларида капитал ва аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш жараёни анча фаоллашди. Натижада ўтган ярим йилликда тижорат банкларининг ўз капитали 1,5 баробарга оцди ва қарийб 300 млрд. сўмга етди. Кувонарлиси шуки, банк соҳасида ўзаро рақобат, мижозлар учун кураш аломатлари пайдо бўла бошлади. Бу, ўз навбатида молиявий жиҳатдан барқарор, етарлича маблағларга эга бўлган универсал тижорат банкларини шакллантириш заруратини туғдирмоқда, банкларнинг ихтиёрий равишда қўшилиб боришини тақозо этмоқда. Масалан, ўтган даврда «Мева сабзавотбанк» ва «Савдогарбанк» ўзаро бирлашди, «Наманганджонбанк» ва «Умарбанк» эса ихтиёрий равищда «Ипак йўли» банкига қўшилди. Тижорат банкларнинг хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиши банклар олдида турган яна бир вазифа-мамлакатимизда кенг олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёнида ўз ўрнини топишидир. Ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан хусусийлаштирилган корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозлари ва устав жамғармасига 53 млрд. сўм маблағ киритилди. Бу жараёнда «Пахтабанк», «Саноатбанк», «Алоқабанк» фаол иштирок этмоқда. Қолган банклар бу жараёнда суст қатнашмоқда.

Мамлакатимизда чет эл сармоялари иштироқидаги «УзДЕУ банк», «Ўт банк», «АБН-амробанк, Ўзприватбанк» каби қўшма банклар тармоғи фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, юртимизда «осиё тараққиёти банк»и, «Дойчебанк», «Чейзманхеттенбанк» «Кредит сервис» каби 16 та машхур ҳалқаро ва хорижий банкларнинг ваколатхоналари очилган; 17 та банкимиз энг нуфузли банклар билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатган. Лекин, каттта салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистондек мамлакат учун бу жуда оз. Бугунги кунда мавжуд 32 та банкдан атиги 9 таси ташқи бозорда фаолият қилаётганлигини қониқарли ҳолат деб бўлмайди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Кредит нима?
2. Бўш пуллар ва уларнинг қандай манбаларини биласиз?
3. Кредитнинг қандай турларини биласиз?
4. Кредитнинг қандай шакллари мавжуд?
5. Кредитнинг вазифаларини санаб ўтинг?

6. Банк нима?
7. Банкларнинг вазифалари нималардан иборат?
8. Марказий банкнинг бошқа банклар билан алоқалари қандай бўлади?
9. Банк фаолиятини ташкил этишга қайси қонунлар ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади?
10. Банкларни туттиш тартиби қандай?
11. Кимлар банк акционерлари бўлиши мумкин?

XVI Б О Б

СУГУРТА МУНОСАБАТЛАРИ

Сугурта молия муносабатларининг ўзига хос алоҳида шакли бўлиб, у юз берадиган турли табиий оғатлар, фавқулодда ҳолатлар, олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳодиса ва воқеалар натижасида етказилган зарар ва талофатларни бартараф этишга қаратилган маҳсус пул ресурсларидир.

«Сугурта» тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6-майда қабул қилинган «Сугурта тўғрисида»ги Қонунида куйидагича таъриф берилган: «Сугурта — инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўладиган табиий оғатлар, фавқулодда ҳодиса ва бошқа воқеалар натижасида етказилган зарар ҳамда талофатларни жисмоний ва юридик шахслар тўлаган сугурта бадаллари (сугурта пули)дан ҳосил қилинадиган пул фонdlари ҳисобидан тўлиқ ва қисман қоплаш йўли билан жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари сугурталанишини таъминлашга доир муносабатлар демакдир». Кўплаб адабиётларда сугурта сўзи ҳавф-хатар, даҳшат, ваҳима маъносида иштатилади, чунки кўрилган табиий оғатлар ва баҳтсиз ҳодисалар натижасида жамият ҳаётига моддий зарарлар етказилади. Лекин сугурта деганда ана шу руҳий ҳолатлар эмас, балки улар орасида вужудга келадиган ва пайдо бўлиши мумкин бўлган фавқулодда зарарлар, уларнинг кучини қирқишига қаратилган тадбирлар, зарар натижасида вужудга келган камомаднинг ўрнини тўлдириш, бу йўналишда юзага келадиган сугурталовчи ташкилотлар ва сугурталанувчилар ўргасидаги муносабатлар кўзда тутилади. Бу муносабатларнинг барча йиғиндиси сугурта тушунчасини ҳосил қиласи.

Сугуртанинг зарурлиги. Инсон яшаши учун моддий неъматларни узлуксиз яратиб бориши лозим. Лекин ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигига табиий оғатлар, кўзда

тутитмаган фавқулодда ҳодисалар салбий таъсир кўрсатди, унинг ҳажмини торайтириб, маҳсулотнинг сонсифати даражасини пасайтириб юборади. Ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш учун эса етказилган талофат ўрнини тезда тўлдириш, корхоналар ва фуқароларга эса зарар оқибатларини тутатишда ёрдам бериш керак. Бунинг учун ташқаридан биринчи навбатда пулли ёрдам уюштириш керак. Заарлар эса турли хил бўлади. Катта микдордаги заарларни қоплаш учун шунга етарли микдорда жамгарма (фонд) шакллантириш талаб этилади. Бу жамгарма асосан сугурталанувчининг бадаллари асосида шаклланиб, тўпланиб, унинг хисобидан қопланади.

Суғурта узоқ тарихга эга бўлиб, мелоддан анча олдин ҳукмронлик қиласан Бобил подшоҳлиги даврида ишлаб чиқилган. Ҳаммурапий жорий қиласан қоидада ўз ифодасини топган. Унда йирик савдо карвонлари жамоаси узоқ сафарга чиқсанда талофат кўрса, заарни жамоа аъзолари ўртасида баробар тақсимлаш йўли билан камомадни қоплаш кўзда тутитган ва шу орқали ҳамкорликда ёрдам уюштирилган. Кўзда тутитган бу қоида сугурта фонди ташкил қилингунга қадар келиб чиқсан. Тўсатдан юз берган ҳодисалар -- қароқчилар ҳужуми, бетоб бўлиб қолиш кабилар натижасида келиб чиқсан заарни қоплаш усули бир мамлакатда ўрганилиб, иккинчи мамлакат савдо гарлари ўртасида ҳам қўлланила бошланган ва Марказий Осиё шаҳарлари бўйлаб кенг тарқалган. Кейинчалик бу қоида ривожланиб, карвонлар сафарга отдана бошлаганларида «сугурта фонди»ни шакллантириш русим бўла бошлаган. Демак суғурталаш ҳаётий, тарихий зарурат туфайли келиб чиқсан дейиш мумкин.

Бу борада Ўзбекистонда ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1993 йилда «Суғурта тўғрисида»ти Қонун ва 1997 йилда Президент Фармони асосида «Ўзагросуғурта», «Қафолат», «Ўзбекинвест» сугурта компаниялари вужудга келиши мисол бўлади. Лекин яхши умидлар билан ташкил этилган кўплаб давлат, ҳиссадорлик ва хусусий сугурта компанияларининг фалияти яхши эмаслиги бу соҳада аҳвол қониқарли эмаслигини Президентнинг 2000 йил февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан англаб олишимиз мумкин. (қаранг: «Ўзбекистон овози» газетаси 15.02.2000 йил, № 20 сон).

Президент И. А. Каримов ҳозирда мамлакатимизда

фаолият кўрсатаётган сугурта ташкилотлари Ўзбекистондаги хўжалик юритувчи субъектларни сугурталашда изчил бўла олмаслигини, мамлакатимиздаги 100 га яқин сугурта компанияси фаолияти асосий кўрсаткичларининг 80—90 фоизи давлат иштирокида тузилган сугурта компанияларига тўғри келаётганлиги, шунингдек улар ўтказаётган сугурта операцияларининг 40 фоизини мажбурий сугурта ташкил қилиши ва бу айrim сугурта компаниялари учун доимий даромад манбаига айланаб қолганлиги ҳақида қуюниб гапирди.

Сугуртанинг мақсадлари. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сугурта тўғрисида»ги Конунда сугуртага берилган таърифда кўрсатилишича, сугуртадан мақсад табиий оғатлар ва кўнгилсиз ҳодисалардан келтирилган заарларни қоплаш учун пул фонdlари ҳосил қилишdir. Жисмоний ва юридик шахслар ҳисобидан шаклланадиган бу фонdlарни ҳосил қилишда сугурта ташкилотлари билан сугурталанувчилар ўртасида муносабат юзага келади. Ўзбекистон шароитида бу муносабат юзлаб сугурта ташкилотлари билан минглаб корхона ва ташкилотлар, милионлаб фуқаролар ўртасида шаклланади. Кўрсатилган жисмоний ва хукуқий шахслар тўлаган бадалларидан юзага келадиган пул фонdlари улкан миқдорларни ташкил қиласди. Фонд пайдо бўлгандан кейин унинг ҳисобидан кўрилган заарлар қопланади. Сугурта ташкилоти зарар миқдорига қараб маблағ ажратади. Сугурталанувчи бу маблағлар ҳисобидан заарларни ва уларнинг оқибатларни тутатишга ҳаракат қиласди.

Сугурта вазифалари. Маълумки сугуртанинг иқтисодий мазмуни унинг вазифаларида ифодаланади. Сугуртанинг вазифалари деганда бу иқтисодий дастак бажаридиган ишлардир. Вазифани бажариш эса вақтинчалик характерга эга бўлиб, у бажарилганидан кейин бошқасини бажаришта ўтилади. Функция деганда эса доимий тақорланиб турадиган вазифалар тушунилади. Сугурта тушунчаси молия ва кредит тушунчалари билан боғланганлиги туфайли уларнинг тақсимлаш ва назорат функциялари сугуртанинг ҳам функциялари қаторига киради. Шу билан бирга сугуртанинг ўзига ҳос қўйидаги функциялари бор: 1. Хавф-хатар функцияси; 2. Огохлантириш функцияси; 3. Инвестиция функцияси; 4. Омонафт функцияси; 5. Ахборот функцияси.

Сугуртанинг хавф-хатари функцияси — бу функ-

циянинг зарурийлиги шундаки, қадим замонлардан бүён инсоният табиий оғатларни фавқулодда вайронагарчилек ва улкан заарлар келтиришни ҳамда уларни ишлаб чиқаришга кўрсатган таъсирини бошидан кечиришган. Маҳсулот, маблағ, уруғлик, ёқилғи ва моддий неъматлардан захира, ҳосил қилгандар ва ана шу захиралар ҳисобидан оғат оқибатларини тутатиш учун муҳтожларга ёрдам беришган. Зилзила, тошқин, ёнғин оқибатлари сугуртанинг ана шу функцияси амал қилиши натижасида ҳосил қилинган фондлар асосида тутатилган.

Сугуртанинг огоҳлантириш функцияси — сугуртанинг бу функцияси хавф-хатар функцияси билан бοғланган. Маълумки ирригация ва табиатни муҳофаза қилиш каби тадбирлар кўп маблағ талаб қилгани учун бюджет ҳисобидан таъминлашади. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган огоҳлантириш хавфини олдини олиш тадбирлари сугурта тўловларининг тушибидан ажратма сифатида бериладиган маблағлар ҳисобига қопланади. Бу маблағлардан асосан З йўналишда фойдаланилади:

1. Ёнғиндан огоҳлантириш ва ёнғинга қарши кураш тадбирларига.
2. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини камайишига қарши тадбирларга.
3. Чорва молларида учрайдиган касалликларни олдини олиш ва уларни қирилиб кетмаслиги тадбирларини бажаришга.

Сугуртанинг огоҳлантириш тадбирларига сарфлаш учун ажратиладиган маблағлар фавқулотда заарларни ва унинг оқибатларини камайтиришда катта аҳамиятга эгадир.

Сугуртанинг инвестиция функцияси — сугуртанинг бу функцияси шундан иборатки, сугурта бадалларининг йиғилиши ва улар ҳисобидан заарнинг қопланishi бир вақтда эмас балки турли муддатларда содир бўлганилиги учун ишлатилмай бўш турган маблағлар ҳисобидан захира фондлари ташкил этилади ва уларнинг маълум қисмидан сугурта ташкилотлари тижорат мақсадлари учун фойдаланишади. Яъни бўш турган маблағлардан акция облигация ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олиб улар ҳисобидан қўшимча даромад олишади.

Масалан: «Интертранс» сугурта ташкилоти бўш турган маблағлардан қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиб улардан даромад оладилар. Сугуртанинг инвестиция функ-

цияси бўш турган маблағлардан самарали фойдаланиб, сугурта ташкилотининг молиявий аҳволини яхшилашга ёрдам беради.

Сугуртанинг омонат функцияси. Сугуртанинг оммонат функциясини омонат кассаларининг функциясидан фарқини қўйидагилардан кўриш мумкин: Маълумки омонат кассаларида омонатларга маълум муддатларда сақланган даврга нисбатан фоиз олиш хукуқи берилади. Шахсий сугурта ва унинг бошқа хилларида, мулк сугуртасида эса сугурталанган маълум муддатга бадаларни тўлайди ва бу бадаллар сугурта ташкилоти ихтиёрида бўлади. Агар сугурта даврида бирор сугурта ҳодисаси рўй берса сугурта ташкилоти етказилган зарарни ўз ҳисобидан қоплайди, омонат кассаларида эса бундай хусусиятлар мавжуд эмас.

Сугуртанинг аҳборот функцияси — бу сугуртанинг янги функциясидир. Илгари сугурта монополияси борлигига бундай функция мавжуд бўлмаган, чунки у даврда сугурталашда факат давлат сугурта ташкилоти хукумронлик қилган. Сугуртанинг бу функциясини вужудга келишига сабаб шуки, Ўзбекистон мустақилликка эришиб ўз худудида ўзининг, иқтисодий сиёсатини юрита бошлагач, Ўзбекистон сугурта худудида ўнлаб янги сугурта компаниялари, агентликлари, фирмалари вужудга келди, ҳамда уларнинг ҳар бирни ўзига хос сугурта обьектлари ва шартларига эга бўлди. Уларнинг кўпчилиги мал-мулкни сугурта қилиш билан шуғулланади. Улардан ташқари тиббиёт транспорти ва бошқа сугурта компаниялари ҳам мавжуд бўлиб уларнинг кўпчилиги хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Сугурта фаолиятини ривожлантириш сугуртала-нувшиларга ҳар бир ташкилот ҳақида аҳборот беришни талаб қиласи. Бунинг учун маълумотномаларни шакллантириши, ўзларига ажратилган ҳолларда сугурта ташкилотлари биргаликда сугурта бозорини ташкил қилиши лозим.

Сугурта суммаси. Сугурта суммаси бу сугурта обьектининг қанча миқдорда (суммага) сугурта қилинганлигидир. Мажбурий сугуртада сугурта суммаси сугурта обьектининг ҳажми ва таърифи асосида ҳисоблаб чиқлади. Ихтиёрий шахсий сугуртада эса сугурта суммаси сугурта ташкилоти томонидан белгиланиб, чипта баҳоси таркибига киритилади.

Сугурта фонди. Сугурта фонди шундай пул фондики у кутилмаганда холатлардан кўрилган зарарни жисмо-

ний ва юридик шахсларга тўла ёки қисман қоплаш имконини беради.

Суѓурта фонди асосан суѓурта бадалари ҳисобидан шаклланади. Суѓурталаниш учун суѓурта бадали тўлашичи керак. Суѓурта бадали миллий даромадини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш асосида ажралиб чиқиб маҳсус фонд бўлиб шаклланади. Юридик шахслар, фуқаролар ўз даромадларнинг бор қисмини суѓурта тўлови сифатида суѓурта ташкилотлари ихтиёрига ўтказдилар. Суѓурталангандар қанча кўп бўлса, суѓурта фондига тушадиган маблағларни умумий миқдори шунчча ошади. Юридик ва жисмоний шахслар тўлаган бадаллардан суѓурта фонди пайдо бўлади, сўнг бу фонdlар ҳисобидан кўрилган заарлар қопланади. Яъни суѓурта ташкилотлари заар миқдорига қараб маблағ ажратади. Суѓурталанувчи бу маблағлар ҳисобидан заарларни ва улар оқибатларини тугатишга харакат қиласди. Ундан ташқари суѓурта фонди фақат заар оқибатини тугатиш эмас, балки уларнинг олдини олиш, аниқроғи огоҳлантириш тадбирларига ҳам сарфланади. Бунинг учун суѓурта бадаллари тушимларидан маълум фоизи огоҳлантириш фондини ташкил қилишга ажратилиди ва бу фонд ҳисобидан ҳар йили қатор тадбирлар амалга оширилади.

Республика ҳудудида ҳам ҳар йили мажбурий ва ихтиёрий суѓурта бадаллари ҳисобидан улкан суѓурта фонdlари шаклланади. Бу фонdlарнинг сарфланиши аввало хавф-хатарга боғлиқ. Агар суѓурта ҳодисаси рўй бермаса, заарни қоплашга сарфланадиган маблағ кам миқдорни ташкил қиласди. Йирик миқёсда суѓурта ҳодисаси содир бўлса, етказилган заарни қоплаш учун суѓурта фондидан маблағ сарфлашга тўғри келади.

Суѓурта бозори. Суѓурта бозори бир неча суѓурта ташкилоти ташаббуси билан шакилланади. Ундаги ҳар бир суѓурта ташкилотининг вакили ўз иш хонасининг фаoliyati таклиф қилинадиган суѓурта хиллари ва шартлари ҳақида бўлажак суѓурталанувчиларни таништиради ва шулардан бирортасини танлашга ёрдам беради, лозим бўлиб қолса, шу ернинг ўзида суѓурта шартномасини расмийлаштиради. Суѓурта бозори бир шаҳар, мамлакат миқёсидагина эмас, балки бир неча мамлакат доирасида халқаро суѓурта бозори сифатида ҳам шаклланади ва қайта суѓурталаш тадбирларини амалга оширишга ёрдам беради.

Мустақилликка эришганимизга қадар Ўзбекистон-

да сугурта бозори бир томонлама ривожланиб келди, чунки у даврда инсон ҳәти ва алоҳида шахсларнинг мол-мулки сугурта қилинарди холос. Ундан ташқари сугурта ишида давлат сугурта ташкилотлари монополист бўлганлиги туфайли бу соҳада рақобат умуман бўлмаган. Республикамиз мустакилликка эришиб жаҳон хўжалигига интеграциялашиб борганилиги туфайли мамлакатимиз бозорига кириб келган чет эл компания ва фирмаларига турли туман сугурта хизматлари зарур бўлиб қолди ва бундай хизматлар ривожланган Farb мамлакатлари даражасига мувофиқ келиши керак эди. Ана шу ниятда 1993 йил 6 майда Республикамиз Олий Мажлиси томонидан «Сугурта тўғрисида» қонунни қабул қиласига Ўзбекистонда сугурта бозорини жонлантириш учун кўйилган биринчи қадам бўлди, 1997 йилда сугурта қонунчилигидаги муҳим ўзгаришлар туфайли давлат, ҳиссадорлик ва хусусий сугурта ташкилотлари вужудга келди. Бу эса Ўзбекистонда сугурта бозорини жонланиб кетишига асос бўлди. Ҳозирда эса юқорида келтирилган таркиби ўзгаришлар сабабли Ўзбекистон сугурта бозорида «Ўзагросурута», «Кафолат», «Ўзбекинвест» сугурта компаниялари, «Мадад» сугурта агентлиги ҳамда турли кўшма сугурта ташкилотлари ва хусусий сугурта ташкилотлари фаолият олиб бормоқда.

Сугурта бозорининг субъектлари. Ҳар қандай бозор каби бу бозор ҳам ўз субъектларига эга. Улар биринчидан, ўз манфаатларидан келиб чиқиб, сугурта ҳимояси бўйича хизматларни сотиб оловчилар (сугурталанувчилар); иккинчидан, бундай хизматларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчилардир (сугурталовчилар), учинчидан, мазкур шахслар ўргасидаги воситачилар (сугурта агентлари ва брокерлари), тўртингидан, сугурталанган шахслар, бешинчидан, манфаатдор шахслар (наф оловчилар), олтинчидан, учинчи шахслар.

Ички сугурта бозорини молиявий таркибини сугурта ташкилотларининг моддий ва молиявий ресурслари ташкил килади. Сугурта бозорининг асосий вазифаси сугурта хизматчиларига талабни шакллантириш, (маркетинг, реклама), шартномалар тузиш ва сугурта полисларини сотиш, мақсадга мувофиқ ва эгилувчан сиёсатни олиб бориш ўз инфратузилмасини тартибга солиш тушунилади.

Сугурта бозори субъектлари хилма-хил бўлганлиги туфайли уларни матълум тизим ва тамойилларга риоя

қилиш асосида фаолиятларини йўлга қўйиш сугурта муносабатларидан энг муҳим ишлардан биридир.

Сугурта ташкилотлари «Ўзагросуѓурта» давлат — акциядорлик сугурта компанияси. Бу сугурта компания 1997 йил 25 февралда собиқ Ўзбекистон давлат сугурта бош бошқармаси яъни «Ўздавсуѓурта» негизида очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида, юридик шахс сифатида ташкил қилиниб, ўзининг мустақил балансига, ҳисоб ва валюта рақамларга эга. Дастраски Устав капитали 2 млрд сўм бўлиб, унинг 13 та вилоят дирекцияси ва барча қишлоқ туманларида 163 бўлими бор. Компания фаолиятининг асосий йўналишлари — қишлоқ хўжалиги соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулки ва маҳсулотларини сугурта йўли билан ҳимоя этиш, банклардан олинган кердитларни ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этишириш учун бериладиган аванс маблағларини қайтаришни сугуртавий кафолатлаш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларни шахсий ва мулкий манфаатларини сугурта йўли билан ҳимоялаш кабилардан иборат.

Компания қўйидаги вазифаларни бажаради:

1. Сугуртанинг мажбурий ва ихтиёрий турини амалга ошириш, сугурталанувчиларнинг манфаатларини тўлароқ қондира оладиган сугуртанинг янги хилларини ишлаб чиқиши ва ҳаётга тадбиқ этиб бориш;

2. Огоҳлантириш вазифасини бажарган ҳолда сугурта обьектларини зарарланиши ва нобуд бўлишдан асраш тадбирларини амалга ошириш;

3. Ўз маблағларини инвестиция ва тўжорат фаолиятининг муҳим тармоқларига жойлаштиришга ҳаракат қилиш ва шу билан бирга кредит бериш асосида ўзига тегишиб қоидаларини тўлдириб бориш;

4. Ўз фаолиятини амалга оширишда республика вазирликлари, идоралари ва бошқа сугурта ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

5. Сугуртанинг ахборот функцияси асосида реклама ва маслаҳат хизматларини кўрсатиши.

Компания асосан қўйидаги сугурта турларини амалга оширади:

1. Қишлоқ хўжалиги қорхоналари ва аҳолисини мажбурий сугурталаш, яъни:

а) Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратиладиган кредитларни қайтарилиши учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жавобгарлигини сугурта қилиш;

б) Маҳсулотларни етишириш учун аванс тариқасида бериладиган ва фючерс контрактлари бўйича маблағлар қайтарилишини сугурта қилиш;

в) қишлоқ аҳолисига тегишли мол-мулкларни сугурта қилиш;

г) гаровга қарзга қўйилган мол-мулкни сугурта қилиш;

д) транспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарликларини сугурта қилиш;

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ихтиёрий сугурта қилиш, яъни:

а) экинлар ҳосилини сугурта қилиш;

б) экинларни қайта экишни ва ола чиқсан экинларни бутлашни сугурта қилиш;

в) Чорва молларни сугурта қилиш;

г) асосий воситаларини сугурта қилиш;

д) табиий пичанзорни, яйловларни ва тут баргини сугурта қилиш;

е) пиллани сугурта қилиш;

ё) боғлар ва узумзорлар ҳосилини дўл уришидан сугурта қилиш;

ж) корхоналар, леҳқон, фермер, ва ижара хўжаликларининг мол-мулкини сугурта қилиш;

з) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан жўнатиладиган юкларни сугурта қилиш;

Накд пулсиз шакллардан оддий ва эгаси ёзилмаган акция чиқарадиган бу компания чекланмаган миқдорда сугурта фондлари ташкил қилиш ҳукуқига эга. Низом фонддининг 25 фоизини захира фондлари даромад ҳисобидан ташкил қилинади. Бундан ташқари компания ўз фаолиятини амалга ошириш учун бошқа фондлар ҳам ташкил қиласди.

«Кафолат» давлат — ҳиссадорлик сугурта компанияси. Бу сугурта компанияси 1997 йил 14 марта ташкил этилган бўлиб, дастлабки устав капитали 500 млн. сўм қилиб белгиланган. Асосан шаҳардаги юридик ва жисмоний шахсларга мажбурий ва ихтиёрий сугурта хизмати кўрсатади.

Компания вазифалари қўйилагилардан иборат:

1.а) шаҳарлarda аҳоли ҳаётини, саломатлигини ва мол-мулкини сугурта қилиш;

б) корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар мол-мулкини сугурта қилиш;

в) юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ва тадбиркорлик таваккалчиликларни сугурта қилиш;

г) қонунда, кўзда тутилган сугуртанинг мажбурий турларини амалга ошириш;

д) кўшимча сугурталаш ва қайта сугурта операцияларини амалга ошириш, сугуртавий маслаҳат хизматини кўрсатиш;

е) маҳаллий шароитни ҳисобга олиб сугуртанинг янги турларини жорий қилиш;

2. Корхоналар жавобгарлиги ва мол-мулкини ихтиёрий сугурта қилиш. Шаҳарларда жойлашган давлат, хусусий, кўшма ва кичик корхона ва ташкилотларнинг жавобгарлиги ва мол мулкини сугурта қилиш;

3. Сугуртанинг қонунчилик ҳужжатларида ва ҳукумат қарорларидан назарда тутилган мажбурий турларини сугурта қилиш.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси. 1997 йил февралдан бўён фаолият қўрсатиб келмоқда. Бу компания 1994 йил 21 январда «Ўзбекинвест» миллий сугурта компаниясининг мулкий ва но-мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари бўйича ҳақиқий ворисидир. Дастребаки устав капитали 60 млн АҚШ доллари этиб белгиланган.

Унинг асосий вазифаси республикада экспорт ўсishини янада рафбатлантириш, ўзбекистонлик экспортчиларни сугуртани ҳимоялаш, хорижий мамлакат инвесторлари билан алоқа қилувчи ўзбек инвесторларининг фаолиятини кучайтириш, иқтисодиётнинг устивор тармоқларига жалб этилаётган чет эл инвесторларини комплекс сугуртавий ҳимоя қилиш.

Ушбу компанийнинг ўзига хос ҳусусиятларидан бири шуки, у инвесторларни фақат иқтисодий хатардангина эмас, балки сиёсий хавф-хатардан ҳам ҳимоя қиласди.

Компания бош директори раҳбарлик ишларини олиб боради ва директорлар кенгаши муҳим масалаларни муҳокама қилиб, тавсиялар беради. Унинг вилоятларда ҳам бўлимлари мавжудdir.

«Мадад» сугурта агентлиги. «Мадад» сугурта ташкилоти ихтисослаштан сугурта ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади ҳусусий тартибда иш олиб борувчи кичик ва ҳусусий бизнесни кўллаб қувватлаш, тадбиркорларга имтиёзли кредит бериш билан алоқадор ва сугуртанинг бошқа хилларини амалга оширишдан иборатdir. Агентлик фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш;

2. Фермер хўжалигини ривожлантириш;

3. Бинокорлик ва бинокорлик индустрияси, маҳаллий саноат, туризм, хизмат кўрсатиши доиралари тақдим қилинадиган инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва экспертизадан ўтказиб, бизнес фонд ҳисобидан хусусий тадбиркорларга ва кичик бизнесга енгил шартлар билан кредит беришга тавсия қилиш кабилар.

Шу билан бирга бу агентлик енгил шартлар асосида тадбиркорликни сугурта қиласди, ўз вақтида қайтарилмайдиган кредитларни ундиришга ёрдам беради.

Хорижий инвесторларни сугурта жиҳатидан ҳимоя қилишини ва бошқа хизматларини амалга оширади.

«Мадад» сугурта агентлиги тақдим қилинган лойиҳаларни кўриб чиқиш ва харицдорларга қулай шартшароит яратиш мақсадида 10 дан ортиқ консалтинг фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Агентлик республикада 13 та фирмасига эгадир.

Хусусий сугурта тизими. Жаҳон сугурта тизимида фаолият кўрсатадиган сугурта ташкилотларига эътибор берсак уларни қуйидаги гурӯҳларга бўлиш мумкин:

- 1) Барча табақадаги фуқароларга хизмат қилувчи, акциялари биржа ва бошқа йўллар билан сотиладиган эркин сугурта компаниялари;
- 2) Хусусий ҳиссадорлик сугурта компаниялари;
- 3) Давлат сугурта компаниялари;
- 4) Ўзаро сугурталаш жамиятлари;
- 5) Айрим саноат ва савдо тармоқларига хизмат қилувчи ихтисослашган сугурта ташкилотлари.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Ўзбекистонда ҳам давлат сугурта ташкилотлари билан бирга қатор хусусий ҳиссадорлик сугурта ташкилотлари иш бошлади. Уларнинг фаолияти сугурталаш шартлари ва сугуртани ташкил қилиш йўллари бўйича давлат сугурта ташкилотларидан фарқ қиласди. Уларнинг бу йўналишлари ва хусусиятлари бозор иқтисодиёти талабларига кўпроқ жавоб беради.

Бундай хусусий сугурта ташкилотларини барпо қилиш учун таъсисчилар иҳтиёрида бир неча ўн миллион сўм маблағ бўлиши ва бу ҳакда алоҳида рухсатнома олиниши керак. Улар давлат сугурта ташкилотларидан алоҳида хусусиятлари билан ажralиб туради. Масалан, агар давлат сугурта ташкилотлари сугурта обьектлари асосида чегараланган бўлса, хусусий сугурта ташкилотлари ўз сугурта обьектларини ўзида белгилайдилар ва уни ўз низомларида кўрсатадилар. Ундан ташқари сугурта маблағларининг манбалари фақат сугурталанув-

чилар бадалларидан иборат бўлиб қолмай, таъсисчиларнинг маблағлари бўлиши ёки сугурта ташкилоти ихтиёрида бўш турган маблағлардан хўжалик ишларида ишлатиш асосида олинган фойда, акцияларини сотишдан даромад ва бошқа сугурта ташкилотларининг қайта сугурталаш бўйича тўпланадиган маблағларидан иборат бўлиши мумкин.

Сугурта ташкилотлари давлат томонидан белгиланган тартибида назорат қилинади. Бундан мақсад сугурта бозорига фирибгарларни кириб қолишлигига йўл қўймасликдир. Яъни бунда сугурта ташкилотларини рўйхатга олиш, рухсатнома бериш, чет эл капиталининг сугурта фаолиятида қатнашишларини амалга ошириш устидан назорат қилиш кабилар назарда тутилади.

Хозирда Республикаизда 80 дан ортиқ нодавлат сугурта ташкилотлари фаолият кўрсатмоқдá.

Сугурта шакллари. Аҳоли ҳаётини аралаш сугурталаш. Ҳаётни аралаш сугурталаш деб аталишига сабаб шуки, бунда З хил сугурта жавобгарлиги мужассамлаштирилган. Уларга маълум ёшга етгунга қадар сугурта ҳодисаларидан, баҳтсизлик ҳодисаларидан, вафот ҳодисаларидан сугурталаш киради. Аҳоли ҳаётини аралаш, болалар ва никоҳ тўйи сугурта турлари бўйича сугурталаш «Ўзагросуғурта» давлат ҳиссадорлик сугурта компанияси тасдиқлаган 11-сонли қоида шартларига асосланган ҳолда олиб борилади.

Мазкур қоида шартлари асосида «Ўзагросуғурта» сугурта компаниясининг таркибий бўлимлари Узбекистон Республикаси фуқаролари билан ёки Ўзбекистонда доимий яшовчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан ҳаётни аралаш, болалар ва никоҳ тўйи сугурта турлари бўйича шартнома тузадилар.

Ҳаётни аралаш сугурталаш бўйича шартнома 16 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқаролар билан 1 ойдан б ойгача, 1 йилга, 3, 5, 10, 15, 20 йил муддаттга тузилади. Болалар сугуртаси бўйича сугурталаш муддатининг чегараси 18 ёшгача этиб белгиланган. Никоҳ тўйининг сугурта шартномаси бўйича сугурта пули унинг муддати тўлганда, сугурталган шахс никоҳдан ўтганда тўланади. Касаллиги бўйича I-гуруҳ ногиронлари билан сугурта шартномалари тузилмайди.

Фуқароларни кўшимча пенсияга сугурталаш. Фуқароларни кўшимча пенсияга сугурталаш шартномаси сугурта ташкилоти билан сугурталанувчи ўртасида сугур-

таланувчининг белгиланган шаклдаги ёзма аризаси асосида тузилади.

Бундай шартномалар 25 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 20 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар билан тузилади. Сугурталанувчининг хоҳиши билан сугурта муддати давомида бир неча марта шартнома тузилиши мумкин. Қўшимча пенсияга сугурталанган фуқаро сугурта муддати давомида ва қўшимча пенсия олиш даврида баҳтсиз ҳодисалардан ҳам сугурталанган хисобланади. Пенсияга чиқғунгача ўтган давр сугурта муддати деб айтилади. Бу муддат тутагач, агар сугурта шартномаси бўйича ҳамма бадаллар тўланган бўлса, сугурталанувчига пенсия ёшига тўлангандан сўнг умрининг охиригача қўшимча пенсия тўланади. Пенсия миқдори республикада бошланган энг кам пенсия миқдорида белгиланади. Сугурта бадали сугурталанувчининг ёшига ва пенсия миқдорига қараб белгиланади.

Агар сугурталанувчи навбатдаги уч ой учун бадалларни тўламаса, сугурта шартномаси бекор қилинади ва тўланган бадалардан 15 фоиз сугурта харажатлари чегирилган ҳолда қайтариб берилади. Сугурта бадали нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан тўланиши мумкин.

Ўқувчилар ҳаётини кўнгилсиз ҳодисалардан сугурталаш. Сугуртанинг бир тури бўйича сугурта шартномаси кундузги мактаб ўқувчиларини кўнгилсиз ҳодисалардан сугурталаш мақсадида ўқувчининг ота-онаси, қариндошлари ва айrim юридик шахслар билан тузилади. Сугурта бадалларини тўлашда ота-оналар билан бирга, корхона ва ташкилотлар ҳамда мактаблар ҳам ўз маблағлари хисобидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан иштирок этишлари мумкин. Сугурта бадали сугурта пулидан 0,5 фоиз миқдорида белгиланади. Касаллиги туфайли вафот ҳодисасидан сугурта қилдирса 2 фоиз миқдорида бадал тўланади. Ўқувчилар сугуртаси йил мобайнида ўтказилади ва сугурта шартномаси 1 йил муддатга тузилади. Сугурта пули миқдор жиҳатидан чегараланмайди. Сугурта ҳодисалари юз берганда даволаш билан боғлиқ бўлмаган ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш чора ва тадбирларининг ёмон оқибатлари учун сугурта қопламаси тўланмайди. Сугурта қилдирилган шахснинг вафоти муносабати билан сугурта қопламаси тўлаш фуқаролик кодекси нормалари асосида амалга оширилади.

Тиббиёт сугуртаси. Мъалумки, инсоннинг энг асосий

бойлиги унинг саломатлигидир, бироқ, инсон ҳәёти, унинг доимо соғ-омон юриши табиий кафолатланмаган, яъни у турли касалликлар туфайли оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам инсон ўз саломатлигини сақлаш, қасалликка чалинганда даволаниш имкониятига эга бўлиши, бошқаларга муҳтоҷ бўлмаслик чора тадбирларини кўриб қўйиш лозим. Уни амалга оширишда тиббиёт сугуртасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бошқа сугурта қилиш турлари каби тиббиёт сугуртаси ҳам сугурга идораси билан сугурталанувчи ўртасида шартнома тузиш орқали амалга оширилади. Тиббиёт сугуртаси сугурталанаётган шахснинг ўз ҳисобидан, ишлаётган корхонаси ёки бошқа молиявий имкониятлар томонидан тузилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини сугурталаш. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини сугурталаш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда тадбиркор фойданни кам олиши ёки умуман ололмай қолищдан, зарар кўришдан, тузилган шартномаларниң турли сабабларга кўра бузилишидан, келадиган пулнинг вақтида тушмаслигидан, савдо сотикнинг узилиб қолишидан, йўл ҳодисасидан, келадиган заарлардан сугурталанади. Тадбиркорлик сугуртаси тадбиркорларни бозор рақобати ва турли баҳтсиз ҳодисалар келтирадиган заарлар оқибатида хонавайрон бўлиб кетмаслиги учун ҳимоя восита-сидир.

Кишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилини сугуртā қилиш. Кишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилини сугурталаш сугурта тўловини ҳисоблашдан бошланади. Бунинг учун дастлаб уч хил кўрсаткични аниқлаш талаб этилади:

1. Жорий йил учун бир гектар экин майдонидан олиниши режалаштирилган ҳосил. Бунда ҳосилдорлик миқдори кейинги уч йил ичida олинган ҳақиқий ҳосилдорликдан юқори бўлмаслиги керак. 2. Маҳсулот сотиш нархи. 3. Экин майдони ҳажми.

Бунда ҳар бир экин ҳосилининг қиймати алоҳида ҳисобланади. Агар мазкур йилда режалаштирилган ҳосил сўнгги уч йилда ҳақиқий ўртacha ҳосилдорликдан ортиқ бўлса, сугурта тўловлари ўртача уч йиллик ҳосилдорлик бўйича ҳисобланади. Кўрсатилган уч кўрсаткич аниқланганидан кейин сугурта тўловлари «Ўзагросуѓурта» сугурта компанияси томонидан белтиланган ставкалар асосида аниқланади. Бу ставкалар вилоятлар бўйича тармоклаштирилади.

Масалан Фарғона вилоятида ставка сугурта пулига

нисбатан пахта 8—12 фоиз, ем-хашак 3—5 фоиз, силос экинлари 15—25 фоиз ва техника экинлари 20—30 фоиз белгиланган.

Шартномада кўрсатилганидек, сугурта тўлови келиб тушган куни сугурта полиси берилади. Полис олинган кунидан бошлаб экинлар сугурталанган ҳисобланади.

Кишлоқ хўжалиги ҳайвонларини сугурталаш. КишлоК хўжалиги ҳайвонларини юқумли касалликлар натижасида нобуд бўлишдан, ўлатдан, мажбурий сўйишдан ихтиёрий сугурта қилинади.

Бу сугуртага:

- а) қорамоллар, қўй-эчкилар (6 ойликдан бошлаб), уй паррандалари;
- б) отлар, туялар, эшаклар ва хачирлар 1 ёндан бошлаб;
- в) асалари оиласлари кутида;
- г) чўчқалар ва қўёнлар 4 ойликдан бошлаб сугурталанади.

Асосий чорва моллари сифатида қишлоқ хўжалик корхонасининг балансида турувчи (01 ҳисоб) ҳайвонларининг сугурта пули уларнинг жорий йил 1 январдаги қиймати бўйича белгиланади.

Сугурта тўловлари ставкалари «Ўзагросуғурта» сугурта компанияси томонидан молларнинг ҳар бир турига кўра тасдиқланган фойзларда белгиланади.

Сугурта қилинган ҳайвонлар нобуд бўлганда сугурта қопламасининг миқдори шартномада кўрсатилганидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Сугурта деганда нимани тушунасиз?
2. Сугуртанинг зарурлиги нимада?
3. Сугуртанинг вазифалари нималардан иборат?
4. Сугуртанинг омонат функциясининг омонат кассаларининг функцияларидан фарқи нимада?
5. Сугурта суммаси деганда нимани тушунасиз?
6. Сугурта фонди нималар ҳисобига шакилланади?
7. Сугуртанинг «Огоҳлантириш» фондини вазифаси нимадан иборат?
8. Сугурта бозори қаэрларда амал қиласи?
9. Сугурта бозорининг объекти ва субъекти деганда нимани тушунасиз?
10. «Ўзагросуғурта» давлат ҳиссадорлик сугурта компаниясининг вазифалари нимадан иборат?
11. «Қафолат» давлат ҳиссадорлик сугурта компаниясининг вазифалари нималардан иборат?
12. Ҳусусий сугурта тизимини қандай гуруҳларга бўлинади?
13. Қандай сугурта шакиллари мавжуд?

14. Фуқароларни кўщимча пенсияга сугурталаш бўйича шартномалар сугурталаш неча ёшдагилар билан тузилади?
15. Ўкувчилар ҳаётини кўнгилсан ҳодисалардан сугурталаш шартномаси нималар билан тузилади?
16. Ўзбекистон инвестицияларни сугурталаш билан қайси инвестицион компанияси шуғулданади?
17. Тиббиёт сугуртаси нима мақсадда тузилади?
18. Қишлоқ хўжалиги экинларини сугурталашда аввало қайси кўрасаткичларни аниқлаш талаб этилади?
19. Қишлоқ хўжалиги хайвонларини қайси сугурта компанияси сугурталайди?
20. Сугурта шартномаси тузилгандан сўнг қайси вақтдан бошлаб амала киради?

XVII БОБ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ

Аҳоли даромадлари, унинг моҳияти ва турлари. Ҳар қандай жамиятда инсонлар яшаш учун зарур моддий неъматлар ва хизматларга эҳтиёж сезадилар. Бу эҳтиёжларни қондиришга эса жамият аъзолари турли йўллар билан эришадилар. Ҳар қандай иқтисодий тизим каби бозор иқтисодиёти ҳам товарлар ишлаб чикариш орқали жамият аъзоларининг турли-туман эҳтиёжларини қондиришга қаратилади. Бозор иқтисодиёти шароитида жамият аъзоларининг турли хил эҳтиёжларини қондириш воситаси уларнинг пул шаклида ўзлаштирадиган даромадлариридир. Аҳоли даромадларининг кўп ёки оз бўлиши жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти ва тузумига ҳамда унинг объектив қонунларига боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, даромадларининг қандай бўлиши, аввало мулкчилик тизимиға ҳамда уларни ишлатиш самарасига боғлиқ бўлади. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қиласиди, ...худди шу масалани ҳал қилиш билан янги жамият, янги иқтисодий муносабатлар пойдеворига биринчи фишт қўйилади»¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақиқи» эканлиги, ҳар бир инсон маълум бир даромад эгаси бўла олиши қонун билан кафолатланган (36-модда). Кўпинча аҳоли даромадлари

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон, 1995, 43-бет.

ҳақида гап кетганда қўпчилик уни иш ҳақи деб тушунади. Аслида эса бозор иқтисодиёти кўпмулкчиликни келтириб чиқаради ва аҳолининг фаолият турлари кўпаяди. Бунга борелиқ ҳолда даромад манбалари ҳам кўпайиб боради.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг чуқурроқ илдиз отиб бориши натижасида иқтисодий эркинлик, турли мулкчилик шароитида фуқаролар турли-туман фаолият билан шугулланиб, тадбиркорлик сирларини ўрганиб даромад топишга ўрганиб бормоқдалар. Натижада мамлакатимиз ривожининг ҳозирги даврига келиб — «Барча даромадларнинг чорак қисми тадбиркорлик фаолиятидан тушмоқда»¹. Мулкка эгалик қилиш ҳамда уларни ишлатиш самарасига боғлиқ равиша жамият аъзолари ўз мавқеига боғлиқ ҳолда турли кўринишда даромад оладилар. Масалан, пул эгаси фойда, иш кучи соҳиби иш ҳақи, акция эгаси дивиденд, соҳибкор бозор фойдаси, тижоратчи тижорат ёки савдо фойдаси олади ва ҳ.к.

Аҳолининг маълум табақалари учун деҳқон, фермер, ижара хўжаликларидан, дала ҳовли ва ижтимоий ҳимоя фондларидан (нафақа, бепул даволаниш, хайрия жамғармаларидан манфаатдор бўлиш ва ҳ.к.) фойдаланиш ҳам даромад манбаи бўлиб хизмат қиласи.

Бозор иқтисодиёти шароитида жамият аъзолари бир вақтнинг ўзида турлича даромад олишлари ҳам мумкин. Масалан, иш кучи соҳиби иш ҳақи билан бирга акция эгаси сифатида дивиденд, якка фаолият даромади, нафақа, тижорат фойдаси кабиларга эга бўлиши мумкин. Ижтимоий адолатта асосланган бозор иқтисодиёти тамоиллари даромад шакли ва миқдорини чекламайди — даромадлар фаолият турлари ва ҳаракатига қараб ўсиб бориши мумкин.

Миллий қадриятлар, инсонларварлик тамоилларига асосланиб жамиятда даромаднинг нобозор манбалари ҳам амал қиласи. Жумладан, ногиронлар, ёлғиз оналар, бокувчинини йўқотганлар аҳолини бошқа ноҷор табақаларига жамият ва хайрия ташкилотлари ижтимоий ёрдам ташкил этади.

Аҳоли даромадларининг манбалари. Аҳоли даромадлари манбалари жиҳатдан фарқланади. Ўзбекистонда ҳозир аҳоли даромадлари бозор ислоҳотларининг таъ-

¹ И. А. Каримов. Барқарор тараққиётта эришиш — устивор вазифа. «Халқ сўзи газетаси», 1998 йил 26 февраль.

сири ва иқтисодиётнинг умумий аҳволига қараб шаклланмоқда. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида бозор даромадлари деган даромад турни пайдо бўлди. У тадбиркорлик даромадидан, деҳқон хўжалиги даромадидан, мулкдан келган даромаддан, ёлланиб ишлашдан олинган иш ҳақидан иборат бўлади. Бозор даромади, иш кучи, ер ёки бошқа мулкларни ўз этаси томонидан нақадар самарали ишлатилишига қараб топиладиган даромаддир. Қаерда бизнес ривожланган бўлса, шу ерда бозор даромадлари тез ўсади. 1994—1999 йиллар мобайнида бозор даромадларининг аҳоли умумий даромадидаги салмоғи 1,8 баробар ошган. Бу нарса бозор муносабатларининг жадал шаклланаётгандигидан далолат беради.

Тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг таянчи бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Шу сабабдан давлат тадбиркорликни ҳар томондама қўллаб-кувватламоқда, тадбиркорлик учун кенг йўл очилмоқда. 1998 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни янада рафбатлантириш чоралари тўғрисида» ги фармони қабул қилинган бўлиб, у хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш, тегишли институционал тузилмаларни барпо этиш, кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурслари ҳамда чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш, асосида тадбиркорлар синфини шакллантириш учун қулай шароити яратишга қаратилган эди.

Ҳозирга келиб тадбиркорлик ҳаракати аҳолининг турли қатламларини қамраб ола бошлари ва ундан келадиган даромад аҳоли даромадида салмоқли ўрин эгалламоқда. Ҳозир Республикада 3 мингдан зиёд хусусий ва кичик корхоналар, 26 мингта яқин деҳқон ва фермер хўжаликлари мавжуд. Иқтисодиётнинг нодавлат секторида банд бўлганлар (тадбиркорлар, ёлланиб ишловчилар) салмоғи ортиб бормоқда ва улар 1998 йил иқтисодиётда банд бўлганларнинг 71,3%ини ташкил этди.

Мулк шакллари бўйича бандлик таркибида рўй беряётган жиддий ўзгаришлар прогрессив ҳодиса ҳисобланади. Андижон ва Фарғона вилоятларида иқтисодиётда банд бўлганларнинг 78%, Бухоро, Наманган, Сурхондарё ва Қашқадарёда 76%, Навоий вилояти ва Тошкент шаҳарларида 54—55%и нодавлат секторида банд. Навоий вилояти ва Тошкент шаҳарларида йирик

давлат саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкilotлари мавжудлиги сабабли нодавлат секторида банд бўлганлар камроқ. Шунга қарамай иқтисодиётда нодавлат сектори ҳиссасининг ошиб бориш тенденцияси келажакда яна давом этади. Демак келажакда тадбиркорлик даромади ортиб боради ва у тадбиркорлик турлари га қараб фарқланади. Бундай даромадлар жойларда бу соҳага бериладиган эътиборга ҳам боғлиқ бўлади. Тадбиркорликни ривожлантириш аҳоли даромадини оширишдек ижтимоий муаммони ечишга улкан ҳисса қўшади.

Ижтимоий ҳаётда ишчилар, хизматчилар, ходимлар, мутахассислар, бошқарувчилар, жамоа ва ширкат ҳўжалиги аъзолари корхона маъмуриятидан олаётган пул даромадлари иш ҳақи деб юритилади.

Иш ҳақи иш кучининг сифати ва ундан қандай фойдаланишга боғлиқ бўлади. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиб бориши туфайли ҳозирга келиб аҳоли даромадларида иш ҳақининг ҳиссаси 30% атрофида бўлмоқда.

Иш ҳақининг даромад сифатида салмоқли даражада сақланиб колаётганлиги давлат тасарруфида ҳозирча, йирик саноат корхоналари, қурилиш, транспорт мусасасаларининг сақланиб колаётганлиги билан ҳам изоҳланади. Масалан төғ-кон саноати, кўплаб оғир саноат корхоналар, мудофаа корхоналари, қурилиш-монтаж ташкилотлари ва бошқаларда ишчилар иш ҳақи сифатида даромад олаётирлар. Бундай давлатга қарашли корхоналарда аҳолининг мулксиз қисми ёлланиб ишлайди, уларнинг иш кучи қиймати эквиваленти эса иш ҳақида гавдаланди. Бозор иқтисодиётига қадам-бақадам ўтиб бораётган Ўзбекистонда ислоҳотларнинг изчиллик билан ўтказилиши туфайли аста-секин нодавлат сектори мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса умумий ишловчилар сонида ёлланиб ишловчилар ҳиссасининг камайиб боришида (кўпчиликни тадбиркорликнинг турли шаклларига, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари га ўтиб бориши) ўз ифодасини толмоқда, бинобарин иш ҳақи улуси шунга мувофиқ камайиб боради. Расмий маълумотларга қараганда, нодавлат секторида миллий даромаднинг 43,8% яратилмоқда, корхоналарнинг 74,6%ни ана шундай корхоналар ташкил этиб, уларда иқтисодда банд бўлганларнинг 69,4% ишламоқда¹.

¹ «Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили», Т. Шарқ, 1999, 11-бет.

Турли мамлакатларда иш ҳақи миқдори турлича бўла-ди, лекин ҳамма вақт у меҳнат унумдорлигига боғлиқ ҳолда ўсиб боради. Муайян мамлакатда, муайян шароитда иш ҳақининг миқдори ходим қилиган меҳнатнинг миқдори, сифати унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи даражасига иш кучига нисбатан талаб ва таклиф доимий таъсир кўрсатади. Иш ҳақи шунга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Бозор иқтисодиёти барча ишлаб чиқариш муносабатлари қатори иш ҳақига ҳам янгича мазмун баҳш этмоқда. Бу янгича мазмун қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- 1) корхоналар, фирмалар, ташкилот ва муассасалар эндилиқда иш ҳақининг даражаси ва миқдорини ўзлари белгилайдиган бўлиб бормоқдалар;
- 2) бюджетдаги корхона ва ташкилотлардаги ходимлар иш ҳақининг умумий миқдори ва даражасини давлат белгилайди;
- 3) кейинги йилларда аҳоли даромадлари тез ўсиб бораёттир. 1999 йилда аҳоли даромадлари 1996 йилга нисбатан 2 мартадан зиёдрок;
- 4) иш ҳақи аҳолининг барча тоифалари учун бир хил аҳамият касб этмай қолмоқда. Аҳоли даромадларида иш ҳақининг ҳиссаси аҳолининг турли ижтимоий тоифаларида турлича.

Бозор иқтисодиёти шароитида одамларни меҳнатта жалб қилиш, уларни қизиқтириш, манфаатдорлигини ошириш зарурияти кучаяди. Шу мақсадда иш ҳақини, унинг даражасини меҳнатга, жамоа меҳнатининг оқибатларига боғлаб қўйиш муҳим аҳамиятта эга бўлади.

Соҳибкорлик (дехқон хўжалиги) даромади. Аҳоли даромадларида томорқа (хозирда дехқон хўжаликлари) даромади алоҳида ўрин тутади. Айниқса, қишлоқ аҳолиси турмушида у салмоқли аҳамият касб этади. Ўзбекистонда 62,0% аҳолининг қишлоқларда яшаш эътиборга олинса, унинг аҳамияти нечоғлик улкан бўлиши аён бўлади. Томорқа шўролар даврида ҳам қишлоқ аҳолиси учун маълум даромад манбаи ҳисобланган. Бироқ томорқа бозор иқтисодиёти даврида иқтисодиётнинг алоҳида субъектига (дехқон хўжаликлари) унинг бир унсур бўлиб қолади, зеро унинг талабларига мос тушади. Шу боис у бозор ислоҳотларини ўзида сингдира олди. Президент И. А. Каримовнинг маҳсус фармони асосида

аҳолига томорқа ерларининг берилиши дехқон хўжаликлар сонини ҳам, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини ҳам ошириб юборди. Бозорларимиз дехқон маҳсулотлари ҳисобига янада мўл-кўл бўлиб бораётир. Ислоҳотлар давомида аҳолига минглаб гектар сугориладиган ер берилди, натижада 1999 йилга келиб дехқон хўжаликлар ихтиёридаги ер майдони 650 минг гектарни ташкил этди. Маълумотларга кўра аҳолининг ўз хўжалигидаги маҳсулотини сотишдан тушган пул унинг ялпи даромадида 22,3%ни ташкил этди. Бу даромадни турли ҳудудларда ва ҳар хил оиласаларда бирбиридан фарқ қилиши табиий, чунки улар бундай хўжалик билан ҳар хил даражада шуғулланадилар.

1998 йилда томорқадан келган пул даромади ишчи ва хизматчилар оиласи бир ойлик даромадининг 4,5%дан иборат бўлган бўлса, бу кўрсаткич тадбиркор ва фермерларда 27,3%ни, ширкат хўжалиги аъзоларида 29,9%ни, нафақахўрларда 11,9%ни ташкил этди (А. Улмасов. Оила иқтисоди. Т. Меҳнат, 1998, 25-бет). Алоҳида хўжалик субъектлари бўйича дехқон хўжаликлари аҳолининг талай қисмини бозордан маҳсулот сотиб олишдан халос этади. Уларда етиштириладиган маҳсулотларни оиласанинг ўзида ҳам истеъмол этилишини натурал истеъмол деб аталади.

Дехқон хўжалиги даромад манбаи сифатида яқин орада ўз аҳамиятини йўқотмайди, чунки у ўз моҳиятига кўра бозор унсуридур. Унинг жамият ҳаётидаги ижтимоий вазифаси ҳам бебаҳодир. Ҳозирда дехқон хўжалиги маҳаллий бозорни янги маҳсулотлар билан тўлдиришда оиласи натурал маҳсулот билан таъминлашда, пул даромади олишда иш билан бандликка эришишда, болаларга меҳнат тарбияси беришда, нафақахўрларни жисмоний ва ижтимоий соғломлаштиришда бебаҳо аҳамиятга эга бўлмоқда.

Соҳибкорлик даромади — соҳибкорлик билан шуғулланган аҳоли учун даромад манбаига айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигига олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида қишлоқда янги хўжалик шакллари — дехқон ва фермер хўжаликлари вужудга келмоқда. Дехқон ва фермер хўжаликлари Ўзбекистонда тадбиркорлик шаклларидан бирита айланиб бормоқда ва «Дехқон хўжалигининг ўзига тегиши мулкка эгалик ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади»¹.

¹ «Дехқон хўжалиги тўғрисидаги қонун», 11-модда.

Куйидаги жадвалдан 1996—2000 йилларда фермер (дәхқон) хўжаликларининг сони, ер майдонларини ўсиб боришини кўриш мумкин:

	1996	1997	1998	1999	2000
Сони (минг)	18,8	21,4	23,04	31,1	39
Майдони (минг га)	351,6	413,3	446,5	665,7	813,3
Ўртача бир фермерга тўғри келадиган ер (га)	18,7	19,3	19,4	21,4	20,8

Маълумотлар: М. Исмоилованинг «Фермер хўжаликларида ҳисоб кўрсаткичлари тизими» мақоласидан олинди. Узбекистон иқтисодий ахборотномаси. 1/2, 2001. 21-бет.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда ва келажакда қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришнинг, аҳолини иш билан банд этишининг, қишлоқнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг таянч хўжалиги бўлиб қолди. Бозор иқтисодиёти таъсирида одамлар истеъмолчилик, боқимандалик кайфиятидан халос бўлишиб, яратувчанлик, соҳибкорлик фаолияти билан шуғулланишта киришмоқдалар. Соҳибкорлик фаолиятининг кучайиши билан одамлар бозорнинг фаол иштирокчисига, яъни товар ва хизматлар таклиф этувчисига айландилар.

Мулк даромади. Аҳоли даромадларининг бу шакли бил учун янги даромад манбаидир. Зеро, мулкка эгалик ҳисси уни ишлатишдан манфаатдор қиласди. Мулк ишлаб чиқариш омиллари тарзида, акция, пай ва пул шаклида бўлиши мумкин. Натижада мулкни истеъмол қилишдан ижара ҳақи, рента, фоиз, фойда, заём ёки лотерея ютуқ тарзлари бўлиши мумкин. Айтиш мумкинки, бундай даромадлар мулк эгасининг, бевосита соҳибкорлик фаолияти билан боғлиқ эмас, аммо бундай даромадлар бозор ривожлана боргани сари кўпая боради.

Бизнинг шароитимизда аҳоли даромадларида дивиденд тамоман янги даромад манбаи саналади. Акция дивиденд шаклида даромад келтирувчи алоҳида мулк бўлиб, у эгасига акциядорлик корхонаси фойдасидан улуш келтиради. Дивиденд шундай даромад шаклини, у корхона фаолияти яхшиланган сари ўсиб боради. Аммо ҳозирги босқичда дивиденднинг аҳоли даромади учун аҳамияти сезиларли эмас. Аҳоли акцияларни кам харид

қилмоқда, чунки акцияларнинг даромадлилик даражаси ҳозирча қониқарли эмас. Шунинг учун ҳам ҳиссадорлик жамиятлари чиқарган акцияларнинг сотилмай қолиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Дивиденд кам бўлганигидан ва баъзан дивиденд тегмайдиган акциялар мавжудлигидан (чунки ни чиқарган корхоналар заарга ишлаб дивиденд тўлай олмайди) аҳоли акцияларни сотиб олишга қизикмайди.

Акция ва дивиденд муносабатларида хусусийлаштириш инвестиция фондлари (ХИФ) алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 84 та ХИФни рўйхатдан ўтказди. Ҳукумат йирик ва ўрта корхоналарни хусусийлаштириш учун маҳсус ХИФлар орқали хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқди. Дастур асосида Ўзбекистоннинг энг яхши ўрта ва йирик корхоналари ХИФларда давлат улушининг кредити сифатида сотиш ва бериш амалга оширилди. ХИФлар юзлаб корхона акцияларини бутунлай ва бошқа корхона акциялари пакетларини қисман сотиб олдилар.

Аҳолининг якка фаолият билан шугулланиши ҳам даромад манбай бўлиб хизмат қиласи. Якка фаолият — шахсий ташаббусга жойланниб, ўз мулкига жавобгарлик ва қалтис таваккалчилик асосида, шахсий даромад олиш мақсадида ҳаракатдаги қонунчилик доирасида жисмоний шахс томонидан бажариладиган хўжалик фаолиятидир. Якка фаолият билан дурадгор усталар, косиблар, чеварлар, заргарлар ва турли хунар эгалари (гилам тўқувчилар, пичоқчилар, темирчилар ва ҳ. к.) шугулланишлари мумкин. Улар якка тартибдаги фаолият билан шугулланиб, шахсий даромад оладилар. Бу фаолиятнинг болаларга меҳнат тарбияси беришда ва аҳолини иш билан тъминлашда ҳам аҳамияти беқиёс. Аҳолининг якка фаолият билан шугулланишига катта эътибор берилмоқда, бу ҳаракат давлат томонидан рағбатлантирилмоқда.

Интеллектуал мулк даромади муносабатлари интеллектуал мулк эгаларига ҳам (ижодкорларга, ихтиоричиларга, олимларга) куляй шароит яратиб берди. Улар ўз асарларини, ихтиорларини, илмий кашфиётларини, технологик янгиликларини, илмий-услубий қўлланмаларини товар сифатида эркин сотиш имконига эга бўлдилар. Бу бир томондан интеллектуал мулк эгаларига даромад келтирса, иккинчи томондан маънавият, маърифат, илм-фан, техника ва технологияни тўхтовсиз ўшишига сабаб бўлади. Аҳолининг даромадлари таркибида

иҷтимоий ҳимоя жамғармаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Президент И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири ҳам аҳолини иҷтимоий ҳимоялаш механизми деб белгиланди. Ўзбекистонда ислоҳотлар бошланган дастлабки пайтдаёқ, унинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат, деб белгиланганди эди. Бозор муносабатларига ўтишнинг илк давридан бошлаб аҳолини олдиндан иҷтимоий ҳимоялаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриб борилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, иҷтимоий ҳимоя жамғармаларининг мазмуни ва шакли тубдан ўзгариб бормоқда.

Иҷтимоий ҳимоя жамғармалари доирасига кексайганда, бокувчисини йўқотганда, иш қобилиятини йўқотганда, ёш болали аёлларга нафақа, бепул даволаниш ва ўқиш, коммунал хизматлар учун имтиёзлар, хайрия жамғармаларидан манфаатдор бўлиш кабилар киради. Хайр-саҳоват жамғармалари, диний хайр-эҳсонлар, оталик ёрдамлари ва бошқалар ҳам шудар жумласидандир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иҷтимоий сиёсат аниқ йўналтирилган иҷтимоий ёрдам аҳолининг табақаларга бўлинишини чукурлашувини олдини олишга ёрдам бермоқда. Мамлакатимизда кучли ва адолатли иҷтимоий ҳимоя сиёсати юритилмоқда. 1999 йилда давлат бюджети харажатларининг 40 фоиздан ортиқроғи иҷтимоий соҳаларга сарфланганлиги, аҳолини иҷтимоий ҳимоя этишга харажатларининг 13,4% ажратилганлиги фикримизга асос бўлади. МДҲ мамлакатларининг бирортасида бундай иҷтимоий ҳимоя механизмининг устиворлиги таъминланмаган. Иқтисодиётимизнинг барқарорлашганлиги ва ўсаётганлиги бундай кучли иҷтимоий ҳимоя тизимини йўлта қўйилишига сабаб бўлмоқда, ва иқтисодиётимиз юксалгани сари бу тизим янада яхшиланиб боради.

Аҳоли даромадларининг табақалашуви. Бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси турли юридик ва жисмоний шахсларнинг турли даражадаги даромадга эга бўлишидир. Матъумки социализм даврида барчани жисмоний тенглаштиришга уриниш бўлган. Яхши ишлаганларни даромади давлат кўлида йигилиб, ёмон ишлаганларга ва бекорчиларга берилган. Бундай тақсимот меҳнатга ҳавасни сўндирган ва иқтисодий ўсишни рагбатлантирумаган. Бозор иқтисодиётида эса кишилар тўқ ва

фаровон яшацга интилади, аммо фаровонлик даражаси ҳар хил бўлди. Бу тенгсизлик адолатли, чунки тониш-тутиш бир хил бўлмагани сабабли даромад ҳам тенг бўлмаслиги табиий. Маълумки, тадбиркорлар, ноёб истеъодод аҳли бошқалардан кўп даромад оладилар, лекин тадбиркорлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, ҳамма ҳам буюк олим, уста деҳқон, моҳир актёр бўлавермайди. Энг катта даромадни тадбиркорлар олса, энг паст даромад эгаси — энг кам нафақа, иш ҳақи олувчилар ҳисобланади.

Кузатувларга қараганда, энг кам пул даромад олувчилар аҳолининг 6—8 фоизини ташкил этган ҳолда, энг кўп даромад олувчилар салмоғи 22—24 фоизни ташкил этаётир. Бошқача айтганда, аҳоли таркибида кўп даромад олувчилар ҳиссаси ортиб бораётир.

Аҳолининг турмуш даражаси ва турмуш сифати. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самараси инсонлар фаровонлигига, яъни турмуш даражаси ва сифатида намоён бўлади. Кишилар ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилиш меъёри турмуш даражаси дейилади.

Турмуш даражаси ишлаб чиқариш тараққиётига, товарлар ва хизматлар мўл-кўлчилигига боғлиқ бўлади. Чунки яратилган товарлар ва хизматларни истеъмол қилиш мумкин. Ишлаб чиқариш даражаси юқори бўлгани ҳолда унга нисбатан истеъмол микдори кам бўлиши мумкин. Маълумки, турмуш фаровонлиги миллий даромаднинг ҳажми ва уни тақсимланишига боғлиқ. Миллий даромад сезиларли кўпайиб борса, жамғариш микдори ўсгани ҳолда ҳам истеъмол ҳажми ортади.

Ривожланган бозор иқтисодиётига хос қоидалардан бири — миллий даромаднинг тобора кўпроқ қисмини фаровонликка қаратилишидир. Чунки миллий даромаднинг кўпроқ қисми истеъмолга мўлжалланмаса, барқарор иқтисодий ўсиш юз бермайди яна бир қизиқ қонуният бор: иқтисодиёт юксалгани сари аҳолининг, демакки истеъмолчиларнинг сонини кўпайиши сустлашади. Масалан, БМТнинг маълумотларига кўра дунёдаги иқтисодий ривожланган мамлакатлардан 30 га яқинида аҳоли сони, тугилишнинг камайиши туфайли, камайиб бормоқда. Фарбий Европа бўйича эса ҳар 1000 кишига табиий ўсиш 2 та бўляпти холос. Бу ҳол ўз ўзидан аҳоли жон бошига яратилган маҳсулотни кўпайтириш омилларидан бирига айланади.

Энг муҳими, бозор иқтисодиёти аралаш иқтисодиёт шаклини олган шароитда аҳолининг талаб-эҳтиёжини

қондириб, унинг фаровонлигини оширишдан иборат инсонпарварлик тамойили кучайиб боради, бу эса истеъмолни кенгайтиришни тақозо этади.

Айтилган сабабларга кўра иқтисодий ривожланган мамлакатларда, сўнгги 30 йил ичидаги истеъмол ҳиссаси ортиб, эндиликда миллий даромаднинг 80—85%ини ташкил этади. Бу ҳол турмуш даражаси ўстанлигини билдиради. Аммо турмуш даражаси учун истеъмол ўз-ўзидан эмас, балки эҳтиёжни қондира олиши жиҳатидан муҳим. Бу ўринда **истеъмолнинг сифати** деган тушунча ҳам бор. Истеъмол сифати истеъмолнинг миқдори ва таркиби ўртасида маълум меъёрда нисбат бўлишини тақозо этади.

Масалан, озиқ-овқат истеъмоли шундай миқдор ва таркибда бўлиши керакки, у киши организмини кепракли оқсил ва витаминалар билан таъминлаши керак.

Аҳолининг турмуш даражасини аниқлашда аҳолининг реал даромади асосийдир. Нарх-наво қатъий бўлиб, пул даромади кўпайса, реал даромад ҳам ортади.

Турмуш даражасининг моддий-натурал кўрсаткичлари ҳам мавжуд. Булар жумласига аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй-жой сатҳи, автомашина, совутчилик миқдори, аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш кабилар киради.

Даромадлар каби турмуш даражаси ҳам табақалашади. Иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражаси бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Турмуш даражаси ортган сари аҳоли пул харажатларининг кўпроқ қисми ноозик-овқат маҳсулотларини харид этишга сарфланади. Мамлакат қанча бой бўлса, халқи фаровонликда яшаса, аҳолининг озиқ-овқат учун сарфи ҳиссаси шунча кам бўлади. Масалан, АҚШ аҳолиси даромадининг 12%, Ҳиндистонда эса 44,4%, Эфиопия ва Афғонистонда 70—80% озиқ-овқатга сарфланади.

Аҳоли даромадларининг тақсимланиши. Ҳар қандай инсон ўзининг ҳаётий эҳтиёжлари учун, ўзи учун зарур маҳсулотлар ва хизматларни харид қилиши керак. Демак у топган даромадларидан маълум миқдорда харажат қилиши зарур. Бу нарса бир томондан инсонларнинг эҳтиёжига, иккинчи томондан унинг даромадига борлиқ бўлади. Даромад қанча юқори бўлса, кишиларнинг харид қуввати шунча юқори бўлади, демак, ўз-ўзидан

сарф-ҳаражатлар қўпаяди. Ҳаражат миқдори ҳамма учун бир-хил бўлмайди, аммо барибир ҳаражатларнинг умумий жиҳатлари бор — умуминсоний эҳтиёжлар маавжуд. Масалан, овқатланиш, кийиниш, билим олиш, болаларни тарбиялаш, дам олиш ҳаражатлари ҳамма учун бирдек зарур. Ҳаражатлардаги миқдорий фарқ кишиларнинг даромадига боғлиқ бўлади. Ўзига тўқ ва бой оиласда сарф-ҳаражат кўп бўлса, ночор оиласларда улар оз бўлади.

Ўзбекистон аҳолиси ҳаражатлари таркибини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, оила сарф-ҳаражатларининг 85—87 фоизи маҳсулотлар сотиб олиш ва хизматларга ҳақ тўлаш учун йўналтирилмоқда. Бундай юқори улушнинг аҳоли пул ҳаражатларига нисбатан юқори бўлиши бозор иқтисодиётiga ўтиш қийинчилклари билан боғланмоқда. Аҳоли даромадларининг кўпайиши, маҳсулотлар ва хизматлар нархларининг кейинчалик пасайиши (иктисодиёт ва инфратузилманинг ривожланиши туфайли) бундай сарфлар салмоғининг пасайишига олиб келиши мумкин. Айни чоғда аҳоли ҳаражатларида хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини, хорижий валюталарни сотиб олиш, томошахоналар хизматига ҳақ тўлаш каби чиқимлар жуда ҳам паст даражада бўлаётганлиги кузатилмоқда.

Албатта, аҳоли ҳаражатлари таркиби доимий, статик нарса эмас, у иқтисодий-ижтимоий вазият ўзгариш, ислоҳотлар чукурлашуви ва иқтисодиёт эркинлашуви натижасида ўзгаришга мойилдир. Бу ўзгаришлар майший хизматлар, маърифий хизматлар, туризм хизмати, акциялар сотиб олиш кабилар улушкининг ўсиб бориши амалга ошади.

Умумий тенденция шуки, аҳолининг турмуш даражаси ўсган сари унинг ноозик-овқат маҳсулотларига ва хизматларга сарф ҳаражатлари кўпайиб боради, шунингдек, хизматлар ҳаражати ҳам орта боради. Шу сабабли АҚШ, Япония, Швейцария, Германия сингапури бой мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг оила бюджетидаги ҳиссаси паст даражада бўлади (10—12%).

Бу ҳолни Ўзбекистонда ҳар хил даромад олувчи аҳоли қатламлари ҳаражати ҳам тасдиқлайди, ширкат аъзолари ва нафақаҳўрлар озиқ-овқат учун даромаднинг кўп қимини сарфласа, тадбиркорлар эса ўз даромадининг камроқ қисмини озиқ-овқатта сарфлайди. Буни куйидаги жадвал ҳам тасдиқлайди:

*Ўзбекистонда турли ижтимоий гурухга мансуб оила харажатлари.
(% ҳисобида).*

№	Оила турлари	Харажатлар таркиби						
		Жами ҳара- жат- лар	Озиқ- овқат	Ноо- зиқ- овқат товар- лари	Хиз- матлар	Алко- гол ичим- лик	Со- лиқ- лар	Бошқа ҳара- жат- лар
1.	Ишчи ва хиз- матчи оиласи	100,0	63,5	14,0	5,6	0,9	12,6	3,4
2.	Ширкат ҳў- жалиги аъзо- си оиласи	100,0	80,4	8,7	2,4	0,7	1,4	6,4
3.	Тадбиркор оиласи	100,0	67,0	17,5	3,7	0,6	7,6	3,6
4.	Нафаҳаҳўр оиласи	100,0	82,0	10,4	4,7	0,3	0,6	1,8

Манба: А. Ўлмасов. Оила иқтисоди. Т. Мехнат, 1998, 41-бет.

Аҳоли харажатлари оиланинг таркибига (кўп ёки кам болали бўлиш), маданий савиясига ҳам боғлиқ бўлади. Оиладаги кўп ноўрин сарфлар истеъмол маданиятининг пастлити билан ҳам изоҳланади. Масалан, турли даб-дабали расм-русумлар, тўй-ҳашамлар учун бехуда сарф-харажатлар қилинади.

Аҳолининг пул даромади, бинобарин харид қобилияти чекланган шароитда харажатлар эҳтиёжларини тўла-роқ қондирувчи маҳсулот ва хизматларни сотиб олиш учун қаратилиши керак бўлади. Бунда маблағ маҳсулотларининг энг арzon ва зарурига сарфланадики, фуқаролар ўз имкониятидан келиб чиқиб, эҳтиёжларини тўла-роқ қондиришга интиладилар. Шу тариқа иқтисодий танлов қоидасига амал қилинади. Аҳоли пул сарфлаш йўлларидан бир нечтасини таққослаб, ўзи учун энг мақбулини танлаб олади.

Масалан, автомашина, мебеллар тўплами ёхуд уйжой қуриш керак бўлсада, улардан энг зарури, оиланинг қурби етадиган танлаб олиниб пул сарфланади. Аҳоли даромадлари ўзгариб бориши билан танлов ҳам ўзгаради. Оиланинг кишиларнинг имкониятларига боғлиқ ҳолда танланадиган маҳсулотлар доираси ҳар хил бўлиши аниқ. Ҳаётда даромад ва харажат ўртасида мувозанат бўлиши талаб қилинади. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш даврида учрайдиган қийинчилклар на-

тижасида күзда тутилмаган харажатлар дуч келиши мүмкін. Масалан, бозор нархи ортса, харажатлар ортади, иш юришмай қолса, даромад камаяди ва ҳ. к.

Шунинг учун ҳар бир оила учун маълум миқдорда пул захираси бўлгани маъкул. Зарурий харажатлар талаб қилинса, даромад миқдори камайганда жамгарилган пул ишлатилиши мүмкін. Харажатлар аниқланганда, энг аввало улардан энг зарурига пул ажратиш кўзда

№	Даромадлари турлари	Сўм	№	Харажатлар турлари	Сўм
1.	Иш ҳақи	53280	1.	Озиқ-овқат	100800
2.	Нафака	23480	2.	Санитария-гиёна	1440
3.	Стипендия	9800	3.	Даволаниш	432
4.	Томорқадан тушган пул	18720	4.	Билим олиш	1440
5.	Томорқадан келган маҳсулот тушуми	21600	5.	Коммунал хизматлар	2880
6.	Акция учун берилган дивиденд	432	6.	Кийиниш	9504
7.	Мулкни ўжарага беришдан келган пул	2736	7.	Маншний хизматлар	2160
8.	Тадбиркорликдан олинган фойда	17280	8.	Дам олиш	576
9.	Банкда сақланган пул учун фоиз тўлови	1152	9.	Транспорт хизматлари	7200
10.	Қариндошлар берган пул	5100	10.	Пули томоша кўриш	432
11.	Берилган қарзнинг қайтиши	1000	11.	Банкка пул қўйиш	1008
12.	Мол-мulkни сотишдан тушган пул	3400	12.	Акция ва валюта сотиб олиш	1728
13.	Пул ютуқлари	500	13.	Солиқлар ва бадал пули тўлаш	12960
14.	Бошқа тушумлар	800	14.	Пул захирасини ҳосил этиш	1440
	Баланс	144000		Баланс	144000

Манба: А. Ўлмасов. Оила иқтисоди. Т. Мехнат. 1998, 47-бет.

туғилади. Бу харажатлар мұхимлигига қараб 2 гурұдан иборат бўлади:

- 1) овқатланиш, даволаниш, уй-жой коммунал хизмати, бөгча ва билим олиш сарфлари;
- 2) кийиниш, дам олиш, уйни жиҳозлаш, тўй-маърака, сайру-саёҳат сарфлари.

Бунда, албатта, биринчи гурӯҳ сарф харажатларига устиворлик берилади ва ундан ортиб қолган маблаг ҳисобидан иккинчи гурӯҳ харажатлари қопланади. Тұrmуш бир маромда бориши учун, кутилмаган қийинчиликларга дуч келиб қолмаслик учун оиланинг даромад ва харажатлари режалаштириб бориши зарур. Бу бозор иқтисодиётининг қатъий талаби ҳисобланади.

Ўзбекистонда истиқомат қилувчи оиласларнинг ўртача тұrmуш даражасини ҳисобга олган ҳолда унинг таҳминий бюджети қандай бўлишини кўриб чиқамиз. Оила даромадлари ва харажатлари баланси.

Ўзбек ҳалқида «ҳисобли дўст айримас» деган мақол бор. Ҳисоб-китоб бор жойда оила яхши яшайди, кутилмаган ҳолатлар кам бўлади. Ҳар бир оила ўз бюджетини режалаштириб бориши қонун-қоидларига осон мослашиб имконини беради. Бу гап талаба ва ўқувчилар учун тааллуклидир, зеро, улар оила бюджети харажатларида салмоқли ўрин тутади. Шунинг учун ҳар бир талаба ўз оила иқтисодий шароитларидан келиб чиқиб шахсий ҳаёти эҳтиёжларини қондириб боришга масъуллик сезиши керак.

Тақрорлаш учун саволлар.

1. Аҳоли даромадлари нима ва унинг шаклланиш манбалари қайсилар?
2. Бозор иқтисодиётига ўтиш нима учун аҳоли даромадлари манбаларининг ўзгаришига ва даромад турлари таркибининг тубдан ўзгаришига олиб келали?
3. Иш ҳақининг аҳоли даромадлари таркибидаги салмоғининг қисқарыб бориши заминидә қандай омиллар яширинган?
4. Сиз яшаетган маконда (қишлоқда, туманда, хўжаликда) аҳоли даромади таркибида қандай тузилиш шаклланган.
5. Аҳоли даромадининг тақсимланишида қандай эҳтиёжларнинг қадрсизланиши назарда тутилмоқда?
6. Тадбиркорлик даромади нима?
7. Сизнинг бизнес фаолияти ва ундан олинадиган даромадлар ҳақида тушунчангиз қандай?
8. Сиз ўз оиласигиз даромадлари ва харажатлари балансини тузинг ва таҳдил қилинг.
9. Ақция сотиб олиб дивидент олиш ёки жамғармангизни банкка кўйиб фоиз олишнинг қайси бирини танлаган бўлар эдингиз ва нима учун?
10. Қайси мулк шакллари даромад манбаси бўлиб хизмат қила олади?

XVII Б О Б

АГРАР МУНОСАБАТЛАР

Аграр муносабатлар ва уларниг бозор иқтисодиёти шароитидаги ҳусусиятлари. Ер билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар аграр муносабатлар дейилади. Инсоннинг иқтисодий фаолияти дастлабки даврданоқ бевосита ерни ишлашдан бошланганлиги боис аграр муносабатлар ҳам иқтисодий муносабатларнинг энг қадими шакли ҳисобланади. Бозор иқтисодиётининг иқтисодиётни барча жабҳаларига қанчалик даражада ўз тасъирини кўрсатишидан қатъи назар аграр муносабатлар бу тизимда ўзининг муҳим ўрнига ва салмоқли салоҳиятига эга бўлади.

Аграр муносабатларни ҳам ўз обьекти ва субъекти бор. Агар аграр муносабатларнинг обьекти ер бўлса, унинг субъектлари ер эгалари, ерда хўжалик юритувчилар ёки ерда иқтисодий фаолият кўрсатувчи кишилардир.

Бозор иқтисодиёти аграр муносабатларга янгича мазмун касб этади. Чунончи ернинг товарга айланиши, ерга бўлган турлича мулкчиликни шаклланиши, ерни тадбиркорлик обьекти бўлганидан гаровга қўйилиши, ер учун пул шаклида рентани турли кўринишларда ўндирилиши ҳамда уни агробизнеснинг маҳсус фаолият турига айланиши каби шарт-шароитлар бозор иқтисодиёти шароитида аграр муносабатларнинг янгича мазмун касб этганигини билдиради.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар бошқа соҳаларда бўлганидек аграр соҳада ҳам чукур таркибий ва ташкилий ўзгаришлар бўлишини тақозо этмоқда. Бозор иқтисодиёти товарпул муносабатларига асосланган иқтисодиёт бўлгани сабабли ўзига хос бўлган талаб ва таклиф, рақобат, баҳо пул, ижара ҳаки, рента, фойда, зарар каби иқтисодий қонунлар ва кўплаб иқтисодий тушунчалардан кенг фойдаланади.

Ўз тараққиётида бой тарихий асосларига эга бўлган қишлоқ хўжалиги ҳозирги вақтда мамлакат иқтисодиётидаги ҳиссаси тобора ошиб бормоқда.

Ер алоҳида ресурс. Қишлоқ хўжалиги учун ер аввалиари бўлганидек ҳозир ҳам асосий ва ҳал қилувчи ишлаб чиқариш воситаси бўлганлиги сабабли, биринчидан, инсонни иқтисодий фаолият кўрсатишига ва иккинчидан эса табиий-биологик шарт-шароитлар яъни

иқлим шароити, об-ҳаво ҳолатига, тупроқнинг табиий хоссаларига, шунингдек ўсимликларда юз берадиган биологик ўзгаришларга боғлиқ бўлади. Ер мамлакатнинг асосий ресурси бўлиб, уни ҳеч бир нарса билан тенглаштириш ёки алмаштириш мумкин эмас, у тенгсиз, танҳо, ягона ва ўзига хос хусусиятга эга. Ерни чекланган ресурс эканлиги уни «түгедириш» ёки кўпайтириш мумкин эмаслиги ҳали ўрнини босадиган ўринбосар ресурс йўқлиги уни ўзига хос бўлган ресурс эканлигини кўрсатувчи хусусиятидир. Демак, ер ўта ноёб, қимматли асосий ресурс, уни ўрнини боса оладиган бошқа ресурс ҳали пайдо бўлмаган. Лекин ернинг фойдаланадиган қисми жуда озлиги, унга қўшимча маблағ сарфлаб кўпайтириш зарурлигини кўрсатади. Кўрик ерларни сугориш, зах ерларни қуритиш орқали яроқсиз бўлиб ётган ерларни дехқончилик қилиш учун яроқли ерга айлантириш зарур. Ер инсонларга дехқончилик қилиш, ундирма саноатни юргизиш, қурилиш қилиш кўйингки, ундан жамият манфаати йўлида фойдаланиш учун катта имкониятлар очиб беради.

Ўзбекистонда амал қилаётган Ер Кодексида ер билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар, мулкчилик муносабатларининг истиқболи аниқ белгилаб берилиган.

Ер Кодексининг 3-боб 16-моддасида кўрсатиб ўтиладики, Ер давлат мулки — умуммиллий бойликлар, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Конунда ер фонди ва унинг тоифалари, Давлат Ер кодекси, ер участкаси ва уни ижарага бериш каби кўплаб муаммолар ўзининг қонуний ечимини топган.

Ер тўғрисидаги қонуннинг асосий вазифаси ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжаллик юритишнинг барча шакларини тенг ҳукуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний цахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳукуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солицдан ва бу соҳада қонун талабларини мустаҳкамлашдан иборат. Шунингдек Кодексда ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара

шартномаси шартларида муддатли, ҳақ эвазига эгалик килиш ва фойдаланишдан иборат бўлиши ҳам белгилаб берилган. Ўзбекистоннинг ер фонди ва ундан фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар аввалги мавзуларда кўрсатиб ўтилган.

Ерга бўлган иқтисодий муносабатлар. Ерни, биринчидан, мулк обьекти ва иккинчидан эса ҳўжалик юритиш обьекти бўлиши ерга бўлган иқтисодий муносабатларнинг икки томонини билдиради. Ерни мулк эканлиги, уни ҳеч қачон эгасиз бўлмаслиги, ер эгасини ўз мулкидан наф кўришини кўзлаб маблағ сарфлашга мажбур этади. Эгасиз ер бўлмагани сабабли ҳар қандай ер ҳам текинга берилмайди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ер эгасига ердан кимдир фойдалангани учун ҳақ тўлашни албатта шарт қилиб кўяди.

Президент И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига багишлаб ўтказилган мажлисида қилган маъруза-сида шуни алоҳида кўрсатиб ўтдики, «Ҳозирги пайтда қишлоқда ҳўжалик юритишнинг асосий учта щакли қарор топмоқда. Булар — қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларнинг йирик ишлаб чиқарувчилари бўлган қишлоқ ҳўжалик кооперативлари, фермер ва деҳқон ҳўжаликларидир. Ҳўжалик юритишнинг мана шу шаклларини амалийётга янада кенгроқ жорий этишдан асосий мақсад — қишлоқда аввало чинакам мулқдорларни ерга, мулкка ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан ҳақиқий эгалик туйгусини шакллантиришдан иборат». Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар — ширкатми, фермер ёки деҳқон ҳўжалиги эгаси бўладими, пурратчими ўзини қанча меҳнат қилгани, қанча маблағ сарфлаганини, ижарага олинган майдондаги ҳақиқий ҳосилдорлик даражаси қанча бўлганини, шунга яраша даромад ёки соф фойда олганини, ўз меҳнатини қанчалик тўғри ҳисоб-китоб қилганини билмаса қишлоқда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар яхши самара бермайди. Ўзбекистонда 1 минг 424 та ҳўжалик ширкатларга айлантирилган қишлоқ ҳўжалик корхоналари таркибида 598,5 мингта оиласвий пурратни асосий қисмини чек усули асосида ишлаётган ширкат ва пурратчиларни пировард натижадан яхши манфаатдорлигини таъминламоқда.

Ҳўжалик юритиш обьекти сифатида ер жисмоний ва юридик щахслар томонидан эгаллаб олинниб, уларнинг розилигисиз ерни ишлатиш, ундан фойдаланиш мум-

кин эмас. Бундай шароитда ер ўз эгасининг мулки бўлиб қолганидан вақтича фойдалангани учун ҳақ тўлаш шарти билан бошқа тадбиркор томонидан ишлатилиши мумкун.

Ўзаро келишилган муддатга ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган иқтисодий алоқалар ижара муносабатлари дейилади. Бир томондан ернинг эгаси, иккинчи томонда олувчи турди ва улар ўртасидаги муносабатлар ижара битими орқали қонунлаштирилади. Ерни маълум муддатга ижарага олиш орқали ижарачи мустақил хўжалик юритиш ва ердан фойдаланиш имкониятига эга бўлсада, лекин мулк эгаси бўла олмайди, яъни бунда мулк эгаси ўзгармайди. Ердан қандай фойдаланиш, нима ва қанча етишириш, кимга сотиш, кимдан қарз олиш, қаердан ресурслар олиш каби ишларни ижарачи ернинг эгасига боғлиқ бўлмай мустақил хўжалик юритувчи субъект тариқасида ўзи ҳал этади. Ер эгаси билан ижарачи ўртасидаги муносабат фақат ижара ҳақини ўз вақтида тўлаб туриш билан якунланади. Ижарачи ҳам эркин хўжалик юритувчи бўлиб, куйидаги имкониятларга эга бўлади: ергамблаг сарфлайди, тушган даромадни мустақил тақсимлайди ва ишлатади; хўжалик юритувчи субъектлар билан иқтисодий алоқада бўлади; амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қиласи; тадбиркорлик фаолиятини юргизиб фойда олади ва ундан ўз манфаати учун фойдаланади. Ўз навбатида, ер эгаси ҳам ўз мулки — ери учун ижара ҳақи олиб ундан ўз манфаати йўлида фойдаланади.

Ернинг эгасига ердан фойдаланганлик учун ижарачи томонидан тўланган ҳақ рента дейилади. Демак, рента — ер учун тўланган ҳақ, агарда ер учун ҳақ тўланмаса (яъни ер эгаси ерни ижарага бермай ўзи хўжалик юритса) рента тўланмайди. Демак, рента ер эгаси ва ижарачи ўртасидаги иқтисодий муносабатлар. Рента аграр муносабатларнинг моддий асосидир.

Ер баҳоси ва унинг ўсиб бориши. Ерни ҳар доим, энг аввало, дехқончилик ва бошқа мақсадлар учун ишлатилишига талаб катта бўлганилиги сабабли унинг нархи доим ўсиб боради. Айниқса, аҳоли зич жойлашган, саноати юксак даражада ривожланган Токио, Брюссель, Вашингтон, Лондон, Париж, Пекин каби йирик шаҳарларда ернинг баҳоси анча юқори турди. Бундай бўлишига сабаб шуки, ерга бўлган талаб ошсада, унинг таклифи ўзгармайди, чунки ернинг миқдори кўпаймайди.

Агробизнес ва унинг шакллари. Бизнес қилинадиган соҳалар жуда кўп, жумладан қишлоқ хўжалиги ҳам бу борада анча қулай имкониятларга эга. **Қишлоқ хўжалиги соҳасида қилинадиган бизнес агробизнес дейилади ва у ривожланган бозор тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади.** Агробизнес қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга сифатли маҳсулот етказиб берувчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига олади. Агробизнеснинг асосий мақсади фойда олишдир.

Агробизнес иштирокчилари кимлар ва улар қандай қилиб фойда оладилар? Энг аввало фермерлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етишириш, қайта ишлаш ва сотиш билан шугууланувчилар агробизнес тизимининг иштирокчилариидир. Булардан ташқари банклар, молия ва сугурта компаниялари ҳам шунга киради. Агробизнес иштирокчилари аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан, саноат эса хом ашё билан таъминлайди. Агробизнес соҳаси мукаммал технология қўллаш ҳисобига ривожланади ва бунинг учун етарли инвестицияларни жалб этиш лозим.

Агробизнеснинг деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги, оила, якка пудрат, ширкат, жамоа хўжалиги, агроФирма, фермерлар ассоциацияси (уюшмаси), иттифоқлари каби бир қанча шакллари мавжуд бўлиб, улар муайян мамлакатларнинг шароити билан боғлиқдир ва улар ҳар хил ривожланади. Ўзбекистон шароитида ширкат деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги кабилар агробизнеснинг асосий шакллари бўлиб, кенг тарқалган. Деҳқон, фермер хўжалиги, оила пудрати, ширкат хўжалигига мулк эгаси ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи айнан бир шахснинг ўзида гавдаланади. Бунда бошқарувчи ҳам, меҳнат қилювчи ҳам ўша шахснинг ўзи бўлиши мумкин. У ўз оила аъзоларининг меҳнатидан ташқари ёлланма меҳнатдан ҳам фойдаланиши қонун билан кафолатланган. Бозор ислоҳотлари даврида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини фермерлаштиришга катта эътибор берилиб, давлат мулки бўлиб келган ерда жамоа хўжалиги ресурсининг бир қисми ҳисобидан фермер хўжаликлари ташкил этилди. Давлат сиёсати агро хўжаликнинг бу шаклини истиқболли деб қарайди, уларнинг муттасил кўпайишини талаб қиласди.

Деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги ҳам хўжалик юритувчи мустақил хукуқий субъект бўлиб, бошқа корхоналар билан хукуқий мақоми tengлаштирилди. Мулк

гарчи хусусий бўлсада, давлат ҳимоясига олинди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирицда фермер хўжаликларининг улуши тобора кўпайиб бориши табиий жараёндир.

Мамлакатимизда агробизнеснинг фермер ва деҳқон хўжаликлари хукуқий базасини яратиш мақсадида улар фаолияти ҳақида маҳсус қонунлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунида (1998 йил 30 апрел) фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари, тартиби, ер бериш, ерга эталик қилиш, ердан ва сувдан фойдаланиш, фермер хўжалиги аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари, мол-мурки, улар фаолиятининг асослари ҳар томонлама тўла равища ўз ифодасини топган. Шунингдек, қонунда (1 боб, 1-модда) «Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик хукуқларига эта мустақил хўжалик юритувчи субъектдир» деб кўрсатиб берилган. Қонунда чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилиши, ижарага бериладиган ер участкалари бир шартли чорва мол ҳисобланганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидағи сугориладиган ерлардан камида 03 гектар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги сугориладиган ерларда камида 0,45 гектар, сугорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектар ер берилиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунда (1998 й. 30 июн). «Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириши мумкин» дейилган. Деҳқон хўжаликлари учун сугориладиган ерлардан 0,35 гектаргача, сугорилмайдиган (лалмикор) ерлардан 0,5 гектаргача, сугорилмайдиган ерлардан 1 гектаргача бериш мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, фермер хўжаликлари агробизнеснинг бошқа шаклларига нисбатан анча самарали бўлиб, шароитга тез мос-

лашувчанлик каби бир қанча афзаликларга эга. Чүнчи:

- фермер хұжалиги, әнд аввало, мустақил бўлиб у бозор қонулари билан бошқарилади.
- фермер хұжалиги ўзининг меҳнати билан мулкини ҳаракатга келтириб зарур бўлганда ёлланма меҳнатдан ҳам фойдаланиб ўзи учун ишлайди.
- фермерлик фаолиятида тадбиркорлик, меҳнат қилиш ва уларнинг натижаси бўлган иқтисодий манфат мужассамлашган бўлади.
- фермер хұжалигини юргизишда доимо давлат томонидан қўллаб-куватланиб тургани учун баъзан өзигина даромад олиб ҳам нормал яшаш мумкин.
- фермер хұжалиги у катта ёки кичик бўлишидан қатъий назар унинг оиласини яшаш жойи бўлгани учун бу жойга улар меҳр қўяди, таянади ва у жойни маданий-маиший шароитини яхшилайди.
- фермер ва унинг оила аъзоларининг меҳнати ёлланма меҳнатга қараганда анча самарали бўлади ва шу жиҳатдан у кўп даромад олиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Дунёдаги қишлоқ хұжалиги ривожланган мамлакатларда фермер хұжалигини юритиш устуворликка эга эканлиги аллақачонлари исботланганлигини кўрамиз. АҚШда 1987 йилда фермер хұжаликларида ҳаммаси бўлиб 2 млн. 636 минг киши ишлаган, шундан фақат 888 минг киши ёки 33,5 фоизи ёлланма ишчилар, қолган 66,5 фоизини фермерларнинг оила аъзолари ташкил этади.

Агробизнес шаклларидан қайси бирини ривожланиши ҳар бир мамлакатнинг шароитидан келиб чиқади. Агар мамлакатда фермер хұжаликларини ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган бўлса, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига камсонли фермерлар билан кўп маҳсулот етишириш мумкин бўлади.

АҚШда 1910 йилда жами ишловчиларнинг 35 фоизи қишлоқ хұжалигига банд бўлган эди, 1997 йилга келиб, фақат 2 фоиз бўлди, 2 фоиз ишловчилар мамлакатни маҳсулот билан тўла таъминлагани ҳолда, уни экспортта ҳам етказиб беришади. Маълумотларга кўра, 1920 йилда АҚШнинг қишлоқ хұжалигига банд бўлган битта ишловчи 4 кишини боқа олган, 1997 йилга келиб, эса у 96 кишини боқа оладиган маҳсулот яратган.

Бизнинг мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги таракқиётига устувор вазифа сифатида қаралганидан аграр сиёсат доимо Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг диққат марказида туради. Бунинг боиси қишлоқ хўжалиги, айниқса, унинг пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик тармоқларининг маҳсулотни қайта ишлаш билан боғлиқ фаолияти республика иқтисодий салоҳиятини белгилаб бериш билан боғлиқлигидир. Аграр муносабатларнинг истиқболдаги ривожланиши қишлоқ инфратузилмасини жадал ривожлантириш орқали қишлоқда саноат, маиций ва маданий хизмат каби инфратузилманинг бошқа унсурларини ривожлантириш истиқболлари маҳсус дастурлар асосида ривожлантирилмоқда.

Такфорлар учун саволлар.

1. Аграр муносабатлар нима?
2. Аграр муносабатларнинг обьекти нима?
3. Ерии алоҳида ресурс эканлигини нималарда кўриш мумкин?
4. Ерга бўлган иқтисодий муносабатлар нимани ифодалайди?
5. Ижара ҳақи нима?
6. Рента муносабатлар нимани ифодалайди?
7. Рентанинг қандай шакллари борлигини айтиб беринг.
8. Монопол рентани рентанинг бошқа турларидан фарқ қилишини айтиб беринг.
9. Ер баҳоси ва унинг ўсиб бориши деганда нимани тушунасиз?
10. Агробизнес нима ва унинг шаклларини айтиб беринг.
11. Фермер хўжаликларининг афзалликларини айтиб беринг.

XIX Б О Б

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БОЗОР МЕХАНИЗМИ.

Бозор иқтисодиётининг ҳаёти — икки омилнинг, икки кучнинг доимий ўзаро таъсиридан иборат. Бу талаб ва таклифdir. Худди шу иккала куч ёрдамида иқтисодиётнинг уч асосий саволи — нимани ишлаб чиқариш керак? Қандай ишлаб чиқариш керак? Ким учун ишлаб чиқариш керак? — саволларига жавоб қилинади.

Талаб тушунчаси. Талаб қонуни. Иқтисодий ҳаётда турли воқеа ва ходисалар бўлиб туради. Айтайлик қиши кетиб баҳор кириб келяпти. Дўкон эгаси фаҳмлаб қолдик, дўконда кўплаб қишики уст-бош ва оёқ-кайимлар сотилмай қолиб кетяпти. Нима қилиш керак? Балки, бу нарсаларни нархини арzonлаштириб сотишни уюштириш керакдир. Зўр фикр! Чунки харидорлар баҳорда қишики уст-бошларни нархи арzon бўлган тақдирдагина

сотиб олишади. Шу йўл билан баҳорда қишки маҳсулотларга талабни ошириш мумкин.

Талаб истеъмолчиларнинг муайян даворда бозорда таклиф этилаётган нархларни ҳар бирида сотиб олишга тайёр ёки сотиб олишга қодир маҳсулотлар миқдорини билдиради.

«Сотиб олишни истайди», «Сотиб олишга қодир» — деган гаплар бўлиб туради. Истакнинг асосида эҳтиёж ётади. Бир эҳтиёжнинг ўзи етарли эмас. «Эҳтиёж», «Қодир»лик билан, яъни сотиб олишга етадиган пул билан мустаҳкамланичи керак, ҳаки тўланмайдиган истакни бозор ҳисобга олмайди. Бинобарин, талаб — бу шунчаки истак, эҳтиёж эмас, балки тўловга қодир пул билан таъминланган истак, эҳтиёждир.

Талабнинг бозордаги ҳаракатини ва унинг иқтисодиётта таъсирини мукаммалроқ билиш учун чизма ва жадваллардан фойдаланилади.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, талаб қатор муқобил имкониятларини билдиради. Бошқа шарт-шароитлар ўзгармагани ҳолда, турли нархларда сотиб олиши мумкни бўлган маҳсулот миқдорини ёки турли миқдордаги маҳсулотларни истеъмолчи қандай нархда олиши мумкинligини кўрсатади. Агар бозорда 1 кг узумнинг нархи 100 сўм бўлса, истеъмолчи ҳафтасига 10 кг узум сотиб олишга тайёр, агар узум баҳоси 20 сўм бўлса, ҳафтасига 80 кг узум сотиб олишга қодир бўлади. Аммо, жадвалда келтирилган рақамлар ўз-ўзидан келтирилган 6 имкониятдаги нархдан қайси бири узум бозорида аниқ амал қилияпти, деган саволга жавоб беролмайди. Бозорда амал қилиши мумкин бўлган нарх талаб ва таклифга боғлиқ. Бинобарин, талаб истеъмолчининг фақат жадвал шаклида ифодаланган маҳсулот сотиб олишга нисбатан режаси ёки истагидир.

Талабнинг туб хусусиятлари кўйидагиларда ифодаланади: Бошқа шарт-шароитлар ўзгармагани ҳолда, нархларнинг пасайиши шунга мувофиқ равища талаб миқдорининг ощувига олиб боради. Ва аксинча, нархларнинг кўтарилиши шунга мувофиқ равища талаб миқдорини озайишига сабаб бўлади. Қисқаси, нарх билан талаб миқдори ўртасида тескари боғлиқлик бор. Бу тескари алтоқа боғланишини иқтисодчилар талаб қонуни деб аташади. Бу қонун асосида нима ётади ёки, у қандай муносабатларни бошқаради? Бу саволга жавоб беришда кўйидаги далил-исботлардан фойдаланиш мумкин:

Якка истеъмолчилик узумга бўлган талаби.

I кг нархи — сўм	Ҳафталик талаб миқдори — кг
100	10
80	20
60	35
40	55
20	80
10	100


1) Амалда одамлар муайян товарнинг нархи паст бўлса, унинг нархи баланд бўлгандагига қараганда кўпроқ сотиб оладилар. Ва аксинча, у товарнинг нархи ошиб кетса, камроқ сотиб оладилар. Истеъмолчилар учун нарх маҳсулот сотиб олишни амалга оширишда халақит бериб турувчи тўсиқдек туолади. Бу тўсиқ қанча баланд бўлса, шунча кўп маҳсулот сотиб оладилар. Бошқача айтганда, баланд нарх истеъмолчиларнинг сотиб олиш хоҳишини синдиради, паст нархлар эса уларнинг сотиб олиш истагини кучайтиради. Ҳар бир фирма ўз товарларини тезроқ сотиб бўлишидан манфаатдор. Улар ўз товар захираларини кўтариш ҳисобига эмас, балки пасайтириш йўли билан қисқартирадилар. Шу мақсадда нархи арzonлаштирилган товарлар «куни»ни ўтказадилар. Бу тадбирни ўтказиш талаб қонунига асосланади.

2) Савдо-сотиқда ўзига хос қизиқ ҳодисалар бўлиб туради. Шулардан бирини кўриб чиқамиз. Харидор биринчи кўйлакни сотиб олганда жуда хурсанд бўлади, кўйлакни ардоқлаб, эҳтиёт қилиб кияди ва ҳузур қилаади. Худди шундай кўйлакдан иккинчисини сотиб олганда ардоқ ва ҳузур бироз пасаяди, учинчи ва тўргинчиларини сотиб олганда кўйлакка нисбатан қизиқиши, ардоқ ва ҳузур яна ҳам пасайиб кетади. Бу шуни билдирадики, истеъмол меъёрий нафликини пасайиб бориши қонуни таъсирида бўлади, эҳтиёж тўйдирилган сайин товарнинг истеъмоли учун нафлиги пасайиб боради. Шу сабабли истеъмолчилар товарларнинг кўшимча бирлигини, уларнинг нархи пасайиб борган шароитдагина сотиб оладилар.

3) Талаб қонунини чукурроқ таҳлилини даромад ва ўриндошлик самарааси орқали бериши мумкин. Да-

ромад самараси шуни билдирадики, паст нархлар шароитида кишилар муайян маҳсулотдан күпроқ сотиб олади ва шунга ўхшаш бўлган бошқа маҳсулотлардан ҳам сотиб олишни истайди. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулот нархининг пасайиши истеъмолчи нул даромадининг сотиб олиш қурбини оширади, шўнинг учун у муайян маҳсулотдан күпроқ сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Юқорироқ нарх эса, қарама-қарши натижага олиб келади. Уриндошлик самараси шунда ифодаланадики, нархларнинг паст бўлиши кишида нархи юқорироқ товарлар ўрнига, анча паст нархдаги, аммо ўриндош бўлган товарни сотиб олишга қизиқиши уйғотади. Истеъмолчиларда нархи юқори товарларни шунга ўхшаш, аммо нархи пастроқ маҳсулотларга алмаштириш мойиллиги вужудга келади. Масалан, ёзув қофози нархининг пасайиши талабалар даромадининг сотиб олиш қурбини оширади ва уларга күпроқ ёзув қофози сотиб олишга имкон беради (даромад самараси). Ёзув қофозининг арzon бўлиши уни жозибалироқ қилиб кўяди, талабалар уни дафтар ўрнига ҳам, турли иш қофозлари ўрнига ҳам, сотиб оладилар (уриндошлик самараси). Даромад самараси ва ўриндошлик самараси бир бўлиб шунга олиб келадики, истеъмолчиларда юқори нархлардагига қараганда арzon нархларда күпроқ товарлар сотиб олиш қурби ва истаги вужудга келади.

Талаб ҳаракатининг чизма ифодаси. Товар нархи ва талаб миқдори ўртасида тескари алоқа борлигини билиб олдик. Бундай тескари алоқани чизмадаги ифодаси талаб ҳаракати мазмунини янада чуқурроқ очиб беради. Вертикаль ўқда нарх, горизонтал ўқда талаб миқдори ифодаланини деб оламиз. 1-жадвалда берилган «нарх-талаб миқдори» кўрсаткичларини чизмага жойлаштирамиз.



I-расм. Узумга якка талаб чизмаси.

Жадвалда якка харидорнинг 1 кг узумни 6 ҳолатда нархидаги ҳафталик талаб миқдори тасвирланган. 1 кг узум нархи 100 сўм бўлганда харидорнинг ҳафталик узумга талаби 10 кг, 80 сўм бўлса 20 кг, 60 сўм бўлса 35 кг, 40 сўм бўлса 55 кг, 10 сўм бўлса 100 кг бўлар экан. Нарх ва талаб миқдоридан перпендикуляр ўтказилса, улар маълум нуқталарда кесишади. Ҳар бир нуқта аниқ нархни ва ушбу нархда истеъмолчи сотиб олишга қарор қилган узум миқдорини ифодалайди. Нуқталар бир-бирлари билан бирлаштирилса, АА талаб чизмаси ҳосил бўлади. Чизмага назар солсак, у пастга ва ўнг томонга қараб эгилиб борганини кўрамиз. Чунки нарх ва талаб миқдори ўртасида тескари алоқа бор. Харидорлар нарх паст бўлганда юқори нархлардагига қараганда кўпроқ миқдордаги маҳсулотни сотиб оладилар. Нарх пасайиб борган сари талаб миқдори ортиб боради. Ҷа аксинча, нарх юқорилаб борган сари талаб миқдори камайиб боради. Бу жараён ўнгдан чапга пасайиб ёки чапдан ўнгта кўтарилиб борувчи талаб чизмасида аниқ ифодасини топди.

Келтирилган мисол ва чизмада сотиб олинаётган ҳар қандай товар миқдорини омили нарх деб олдик. Аслини олганда сотиб олишга таъсир этиши мумкини бўлган ва ҳақиқатдан ҳам таъсир этувчи бошқа омиллар ҳам бор. АА талаб чизмасини тузища «бошқа шартшароитлар тент», яъни талаб миқдорига таъсир этувчи нархсиз омиллар ўзгармас, деб фараз қилинди. Лекин талабнинг нархсиз омиллари ҳақиқатдан ўзгарадиган бўлса, талаб чизмаси ҳолати ўзгаради, у ўнгга, ёки чапга силжийди.


Бозор талабига нархсиз таъсир этувчи омилларга куйидагилар киради: 1. Истеъмолчилар диди ёки афзал кўриши; 2. Бозорда истеъмолчилар сони; 3. Истеъмолчиларнинг пул даромади; 4. Ўринбосар ва бир бирига боғлиқ бўлган товарлар; 5. Келгуси нарх ва даромадлар бўйича кутилаётган ўзгаришлар.

Қайд этилган талаб қонунларининг бирида ёки бир нечтасида ўзгариш бўлса нима бўлади? Ўз-ўзидан маълумки, бундай жараён юз берса, истеъмолчиларнинг бозорда амалда бўлган нархларнинг ҳар бирида сотиб олиши мумкин бўлган ёки сотиб олишга қодир муайян товарлар миқдори ё кўпайиб кетади, ё озайиб кетади, бошқача айтганда талабнинг кўпайиши ёки талабнинг камайиши юз беради.

Талабнинг кўпайиши талаб чизмасини унга, яъни А

дан A1 га силжишида ўз ифодасини топади, ва аксинча талабнинг камайиши талаб чизмасини чапга, яъни А дан A2 га силжишига олиб боради (2-расм).

Энди юқорида кўрсатиб ўтилган нархдан бошқа омилларнинг ҳар бирини талабга таъсирини кўриб чиқишига ҳаракат қиласиз.



2-расм. Узумга бўлган талабнинг ўзгариши.

1) **Истемолчилар диди.** Реклама ёки модани ўзгариши туфайли муайян маҳсулотга нисбатан истемолчиларнинг куляй дид ёки афзаллик бериш шаклланса, нархда талаб ошади ва талаб чизмаси ўнгга силжийди. Айрим маҳсулотларга нисбатан истемолчилар дидида нокуляй ўзгаришнинг юз бериши талабни озайтиради ва талаб чизигини чапга силжитади. Масалан пальто, плаш ва курткаларни бозорда пайдо бўлиши ва истемолчиларда уларга нисбатан қизиқиши уйғониши, миллий тўн ва чопонларга талабни кескин қисқартиради. Компакт-дискларни вужудга келиши эса, пластинкаларга бўлган талабни камайтиради ва ҳоказолар.

2) **Истемолчилар сони.** Узбекистон аҳолисининг деярли ярмидан зиёдорги ёшлилардир. Уларнинг сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Шунга мувофиқ равишда, гўдаклар, болалар, ўсмиirlар ва ёшлар бош маҳсулотларга: озиқ-овқатга, кийим-кечакка, мактаб ва бошқа ўқув юргаларига, ўқув қуролларига, адабиётларга талаб ошяпти. Аҳолининг табиий кўпайиши тобора камайиб бораётган қатор Европа давлатларида эса бу маҳсулотларга талаб озайиб боряпти.

3) Истеъмолчилик даромади. Аҳолига пул даромадлари даги ўзгаришлар талабга таъсири мураккаброқ кечади. Пул даромадларининг ошуви кўп товарларга нисбатан талабни оширади. Даромадлар оша борган сари кўпроқ гўшт, мева-чева, ширинликлар, ичимликлар сотиб олади. Ва аксинча, аҳоли даромадлари камайиб борса, бундай маҳсулотларга талаб қисқаради. Аҳолининг пул даромадлари ошиб борган сари, уларнинг нархи қимматроқ, сифатлироқ товарларга талаби ошади. Кўримсизроқ кийим-кечакларга, пойафзалларга, кўримсизроқ автомобилларга, радио, телевизорларга талаби камаяди. Пул даромадлари ошиб борувчи товарларни юқори категорияли ёки нормал товарлар деб аталади. Даромадлар кўпайса талаб камаядиган, даромадлар камайса, талаб кўпаядиган товарлар (оддий кийим кечаклар, оддий пойафзаллар, оддий идиш товоқлар ва х. к.) куйи категориялардаги товарлар дейилади.

4) Ўринбосари ҳамда бир-бирита боғлиқ нарх. Талабнинг ўзгаришига ўринбосар товарларнинг бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам таъсири қиласи. Агар муайян товарнинг ўринбосарлари кун бўлса самолётда чипта баҳоси жуда ошиб кетса, посажирлар чиптаси арzonроқ, ё поездни, ё автомобилни, ё кемани афзal кўрадилар, нарх бўйича унга бўлган талаб ўзгарувчан ва аксинча керакли ўринбосар товарларга (экин экиладиган ер, биринчи ҳаётий эҳтиёж товарлари асосий ўкув қўйилмалари) эга бўлмаса, нарх бўйича талаб ноўзгарувчан бўлади. Буни мисолларда кўриб чиқамиз. Туфлига бўлган нарх ошиб кетса, истеъмолчилик уни камроқ сотиб оладилар, арzon баҳоли шиппак ва калишларга талаб ошиб кетади. Ва аксинча, туфли нархи пасайса, истеъмолчилик кўпроқ пулларини кўпроқ туфли сотиб олишга сарфлашади, шунга мувофиқ равищда шиппак ва калишга бўлган талаб қисқариб кетади. Қисқаси иккита товар бир бирини ўрнини босса, улардан бирини нархи билан бошқасига талаб ўртасида тўғри алоқадорлик бор. Нон, туз, гуруч каби маҳсулотлар яшаш учун жуда зарур маҳсулотлардир. Уларнинг нархи ошиб кетган чоғда ҳам, пасайиб кетган чоғда ҳам уларга бўлган талабда сезиларли ўзгариш бўлмайди. Шунга кўра талаб чизмасининг оғишида ҳам ўзгариш кам бўлади.

Шундай товарлар гуруҳи борки, улар бир-бирларини тўлдирувчи ҳисобланаб, бирга «одимлайди»лар. Уларга талаб бир вақтда қўйилади, боғланган талабга эга. Масалан, ўрмон маҳсулотлари нархининг паст бўли-

ши, уй-жой қурилишида ишлатиладиган шағал, цемент, гишт, мих, оxaк, краска, электр тушириш воситалари каби маҳсулотларга талабни оширади. Ўрмон маҳсулотлари нархининг ўсиши эса, бу маҳсулотларга бўлган талабни камайтиради. Бинобарин, ёроч тахта ва бошқа қурилиш материалларига бўлган талаб бир-бира-рига боғлиқ, улар бир-бирларини тўлдирадилар. Иккита товар бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланса, улардан бирининг нархи билан иккинчисига талаб ўртасида тескари боғлиқлик бор.

Одатда, жуда кўп жуфтоварлар ўзаро боғланган товарлар бўла олмайдилар. Улар мустақил бир-бирлари билан ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ товарлар ҳисобланадилар. Сота ва теша, кўйлак ва пахта ёғи, болалар ўйинчори ва токар дасгоҳи, цемент ва телевизор қаби-лардан бирининг нархини ўзгариши иккинчисига бўлган талабга ҳеч таъсир этмайди.

5. **Ўзгаришларни кутиш.** Истеъмолчилар онгидатурли кўринишдаги кутишлар бўлиб туради: ҳозиргига нисбатан товарлар нархи келгусида ошади: даромад кўпайиб боради: бозорда бўлган товарлар таклифида ўзгариш бўлмайди. Баҳор ойларида бўлиб ўтган қаттиқ совуқ мева-чевалар ҳосилига катта зарар етказди. Буни сезган истеъмолчилар ёз ва куз ойларида катта миқдорда мева-чева ғамлашга тушади, яъни мева-чевага талаб ошади.

Истеъмолчиларнинг даромадлари кўпайиб боради деган фикрга келиши, уларни ўз пулларини аямасдан сарфлашларига сабаб бўлади. Бунда ҳам талаб ошади. Келгусида даромадлар камаяди, деган фикр эса истеъмолчилар ўз пулларини жуда эҳтиётлаб сарфлашади, сотиб олишни режалаштирган қатор маҳсулотларни со-тиб олишни кейинга суриласди. Бундай ҳолда талаб камаяди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, нарх таъсирида талаб миқдорида ўзгаришлар бўлади. Талаб чизмаси нарх ва талаб миқдори ўзгаришига мувофиқ бир нуқтадан бошқа нуқтага ўтиб туради. Нархдан бошқа омиллар таъсирида эса, талаб ўзгаради, талаб чизмаси ё ўнгга ё чапга силжийди.

Таклиф тушунчаси. Таклиф қонуни. Таклиф ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва муайян лайтда бозорга чиқарилган ёки келтириш мумкин бўлган жами товарлар ва хизматлар миқдоридир. Таклифни ишлаб чиқарувчиларнинг муайян вақтда бозорда амал-

да бўлган нархларнинг ҳар бирида сотиш, ёки ишлаб чиқариб тақлиф қилишни хоҳловчи турли миқдордаги маҳсулотларни кўрсатувчи жадвалда ифодаласак бўлади.

2-жадвал.

Якка ишлаб чиқарувчининг узум тақлифи.


1 кг нархи — сўм	Ҳафталик тақлиф миқдори — кт
500	700
400	550
300	400
200	200
100	100

Бу жадвалдаги маълумотлар ишлаб чиқарувчининг қатор мүқобил имкониятларини кўрсатади. Тақлиф, бошқа омиллар ўзгаришсиз қолгани ҳолда, турли нархларда сотиш учун бозорга қанча миқдордаги маҳсулот киритилиши мумкинligини кўрсатади. Шу билан бирга, тақлиф, ишлаб чиқарувчilar турли миқдордаги товарларни бозорга олиб чиқишилари учун нархлар қандай бўлиши кераклигини ҳам ифодалайди. 2-жадвал нарх ва бозорга олиб чиқиладиган маҳсулот миқдори ўртасида ижобий ёки тўғридан-тўғри боғлиқлик борлигини билдиради. Нархларнинг ошиб бориши билан шунга мувофиқ равишда тақлиф миқдори камаяди. Нарх ва тақлиф миқдори ўртасидаги бу ўзига хос алоқа тақлиф қонуни дейилади. Тақлиф қонуни шуни билдиради: юқори нархларда ишлаб чиқарувчilar паст нархлардагига нисбатан кўпроқ маҳсулотни ишлаб чиқаришга ва тақлиф этишга ҳаракат қилишади.

Эсга олайлик, нарх истеъмолчи нуқтаи назардан ушлаб қолувчи тўсиқ сифатида намоён бўлади. Юқори нарх кўрининшидаги тўсиқ шуну билдирадики, пул тўловчи ролда қатнашувчи истеъмолчилар бу баҳода нисбатан озрок маҳсулот сотиб оладилар: нарх-тўсиқ қанчалик паст бўлса, истеъмолчилар шунча кўп маҳсулотни сотиб ола бошлайдилар. Маҳсулотни етказиб берувчилар маҳсулот учун ҳақ олувчилар ролида қатнашади. Улар учун нарх ҳар бир бирлик маҳсулот учун келадиган тушум сифатида намоён бўлади. Шунга кўра нарх маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ва бозорда сотиш учун олиб чиқиш рағбати бўлиб хизмат қиласади. Ишлаб

чиқарувчилар фойда кўриш иштиёқида бўлганларидан, нарх қанча юқори бўлса шунча кўп маҳсулот ишлаб чиқарадилар ва сотиш учун бозорга олиб чиқадилар.

2-жадвал маълумотлари асосида тузилган талаб ҳаракати чизмаси кўрсатиб турибдики, бошқа шарт-шароитлар ўзгаришсиз қолгани ҳолда нарх ошиб борган сари таклиф миқдори ошиб боряпти. Нарх ва таклиф миқдорларидан ўтказилган перпендикуляр учрашган нуқталар ўзаро бирлаштирилса, куйидан юқорига, унга силжиб борувчи чизик ҳосил бўлади. Бу чизик таклиф қилинган товарлар миқдори билан уларнинг нархи ўтасидаги боғланишни кўрсатади.



3-расм. Таклиф ҳаракатининг чизма ифодаси.


Бозорда таклиф қилинадиган товар миқдорига фажал нарх таъсири этмайди. Таклифнинг ўзгаришига сабаб бўлувчи бошқа омиллар ҳам бор. Булар: 1. Ресурсларни нархи; 2. Ишлаб чиқариш технологияси; 3. Солиқлар ва субсидиялар; 4. Бошқа товарлар нархи; 5. Нархнинг ошиш эҳтимоли; 6. Бозордаги сотувчилар сони кабилар таклиф ўзгаришининг ушбу омилидан таклиф миқдорини ўзгаришидан бири ёки бир нечтаси таъсирида маҳсулот таклифи чизмаси у ўнгга ёки чапга силжийди. Ўнгга, яъни A дан A1 гача силжиш таклиф кўпайганлигини билдиради: ишлаб чиқарувчилар бозорда амалда бўлган ҳар бир нархда сотиш учун катта миқдорда маҳсулот олиб чиқадилар. Чапга, яъни A дан A2 гача силжиш эса, таклифни қисқартирилганлигини билдиради: ишлаб чиқарувчилар амал қилиши мумкин бўлган ҳар бир нархда сотиш учун бозорга оз миқдорда маҳсулот олиб чиқадилар. (4-расм).

Энди нархдан омилларнинг таклифга таъсирини кўриб чиқайлик.

1) Ресурслар нархи. Ишлаб чиқарувчилар маҳсулот ишлаб чиқариш учун ресурслар сарфлайди. Шунинг учун ишлаб чиқариш харажатлари билан таклиф чизмаси ишлаб чиқариш харажатларига асосланади. Маҳсулотнинг кўшимча бирлигига корхона юқориоқ нарх кўйиши лозим, чунки ушбу кўшимча маҳсулотни ишлаб чиқариш катта харажат талаб этади. Ресурслар нархининг пасайиши ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиради ва таклифни оширади, яъни таклиф чизмасини ўнгга жилдиради. Масалан, газлама, ип нархининг пасайиши юз берса, кийим-кечак таклифи ошишини кутиш мумкин. Ва аксинча, ресурслар нархи кўтарилиши ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва таклифни қисқартиради, таклиф чизмаси чапга силжийди. Масалан, темир рудаси ва кокс нархининг ошуви пўлат ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва пўлат таклифини қисқаришига олиб боради.

2) Ишлаб чиқариш технологияси. Ишлаб чиқаришда такомиллашув шуни билдиради, янгиликларни яратилиши ва ишлаб чиқаришда қўлланилиши ресурсларни камроқ ишлатиб, маҳсулот бирлиги самаралироқ ишлаб чиқаришга имкон беради. Ресурсларнинг муайян нархларда ишлаб чиқариш харажатлари камаяди, таклиф эса кўпаяди.

3) Солиқларни кўпига корхоналар ишлаб чиқариш харажати деб қарайдилар. Шунинг учун, мулкка ёки сотишга солиқ миқдорини кўпайиши харажатларни кўпайтиради ва таклифни қисқартиради. Аксинча, солиқларни кам бўлиши, у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун давлат томонидан дотациялар берилиши, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва таклиф ошади.



4) Бошқа товарлар нархи. Бошқа товарларни нархидаги ўзгариш ҳам маҳсулот таклифи чизмасини ўзгартириш мумкин. Помидор нархининг пасайиб кетиши, дәхқонларни бодринг етиштириб амалда бўлган нархларда сотиш учун кўпроқ олиб чиқишига қизиқтиради. Ва аксинча, помидор нрахининг кўтарилиши, дәхқонлардан бодринг етиштириш ва уни бозорга олиб чиқишини камайтиришни талаб қиласди. Фирма аёллар крепдешен кўйлагини тикар эди. Вақт келиб атлас кўйлак нархи кўтарилиб кетди дейлик. Фирма крепдешен кўйлагини тикишини камайтириб, атлас кўйлак тикишига киришади. Крепдешен кўйлак таклифи қисқаради, атлас кўйлак таклифи эса ошади.

5) Нархнинг ошиш эҳтимоли. Маҳсулотлар нархини келажақда ўзгаришни кутиш, жорий вақтда ишлаб чиқарувчиларнинг товар олиб чиқиши хоҳишига таъсир этади. Айтайлик пиёз нархи бозорда жуда қимматлайди, деган мишиш гап тарқалди. Бозорда жорий вақтда пиёз таклифи сезиларли қисқарди. Ёки аксинча, дәхқон ўз пиёзларини бозорда сотиш учун жойлаб кўйяпти. баҳорда пиёз роса арzon бўлади, деган мишишни тарқалиши жорий вақтдаги пиёз таклифини кўпайтиради.

6) Сотувчи сони. Ҳар бир корхонанинг муайян ишлаб чиқариш ҳажмida, етказиб берувчилар сони қанчалик кўп бўлса, бозор таклифи шунчалик ошади. Муайян тармоққа кўплаб фирмаларнинг кириб келиши, таклиф чизмасини ўнга силжитади. Ва аксинча, муайян тармоқдан бар қанча фирмани чиқиб кетиши таклифни қисқартиради ва таклиф чизмасини чапга силжишини таъминлайди.

Талаб ва таклиф мувозанати. Талаб ва таклиф бозорнинг икки томони сифатида ҳар хил омиллар таъсирида ўзгариб туради, уларнинг боғланishi нарх орқали юз беради. Талаб ва таклифнинг мос келиши бозор иқтисодиётини энг муҳим талабидир. Чунки фақат шундай шароитда иқтисодий ўсиш юз беради.

Ҳар бир харидор муайян пул суммасига кўпроқ ва сифатлироқ товарлар сотиб олишга, яъни мумкин қадар арzon сотиб олишга интилади. Сотувчи эса, бунга тескари мақсад кўяди: у ўз товарини мумкин қадар қимматга сотишга интилади. Шунга кўра бозорда сотувчи нархи ва сотиб олувчи нархи мавжуд бўлади. Аммо, сотиб олиш ва сотишдан олишдан иборат ҳар қандай фаолият сотувчи билан сотиб олувчи ўргасидаги битим натижаси бўлмиш битта нарх бўйича амалга оширади.

Талаб ва таклифнинг ўзаро келишув асосида мувоза-нат нархни пайдо бўлишини З-жадвал мисолида кўриб чиқамиз.

З-жадвал.

Картошка бозор таклифи ва талаби.


Таклифнинг ҳафталик умумий миқдори	1 кг нархи сўм	Талабнинг ҳафталик умумий миқдори	Ошиқча (+) ёки кам (-)
12000	100	2000	+10000
1000	70	4000	+6000
7000	40	7000	0
4000	20	11000	-7000
1000	10	16000	-15000

З-жадвалнинг 1- ва 2-қаторида картошканинг бозор таклифи келтирилган, 2- ва 3-қаторида эса картошканинг бозор талаби берилган. 2-қаторда турли нархлар кўрсатилган. Ўртада рақобат бор деб фараз қиласиз, яъни бозорда кўп сонли сотувчилар ва олувчилар қатнашади. Бу ерда бир саволга жавоб топишимиш керак: олдимизда картошкани бозорда сотилиши мумкин бўлган имкониятдаги 5 та нарх турибди, шулардан қайси бири ҳақиқатдан ҳам картошканинг бозор нархи деб тан олинади? Бу саволга жавоб топиш учун З-жадвални оддийгина таҳдил этамиз. Аввало 100 сўм нарх картошканинг бозор нархи бўла оладими? Яқдиллик билан, йўқ деб жавоб берамиз. Негаки ишдаб чиқарувчилар картошка нархи 100 сўм бўлса, у маҳсулотдан 12000 кг ишлаб чиқариб, бозорда сотиш учун олиб чиқишилари мумкинлигини изҳор этадилар. Сотиб олувчилар эса, бу нархда ҳафтасига фақат 2000 кг картошка сотиб олишлари мумкинлигини билдирадилар. Бошқача қилиб айтганда, 100 сўм нарх ишлаб чиқарувчиларни кўпроқ картошка ишлаб чиқаришга ундейди. Сотиб олувчиларни эса, бу баланд баҳо таклиф этилаётган миқдордаги картошкани тўлалигича сотиб олиш хоҳишини сўндиради. Картошка нархи юқори бўлганидан, истеъмолчиларнинг кўпи картошка ўрнига арzonроқ бошқа ўринбосар маҳсулотларни сотиб оладилар. Бунинг натижасида бозорда 10000 кг картошка сотилмай қолади, ёки картошка ортиқчалиги вужудга келади. Гўёки 100 сўм нархда таклиф миқдори талаб миқдоридан ошиб кетгандек бўлади. Дехқонлар қўлида ушбу маҳсулотнинг кераксиз заҳираси вужудга келади.

Шундай экан 100 сүм нарх бозорда узоқ вақт амал қила олмайди. Катта миқдордаги картошқа ортиқчалығы рақобат олиб бораётган ишлаб чиқарувчиларни нархни пасайтиришга мажбур этади. Факат шу йүл билантина улар истеъмолчиларни картошкани күпроқдан сотиб олишларига қизиқтиришлари мумкин. Нарх 70 сүмгача пасайтирилади. Энди ҳолат сезиларли ўзгаради. Пастроқ нарх сотиб олувчиларни бозордан күпроқ картошқа сотиб олишларига имкон беради, шу билан бир вақтда ишлаб чиқарувчиларнинг картошқа ишлаб чиқаришларини қисқартиришларни таъминлайди. Натижада картошқа ортиқчалығы 6000 кг гача озайди. Лекин таклиф ортиқлиги яна бўляпти. Сотувчилар ўртасидаги рақобат нархи яна ҳам туширади. Бинобарин, 100 сүм нарх ва 700 сүм нарх бекарор нархлар экан, чунки улар «ўта баланд» картошканинг нархи 70 сүмдан пастроқ бўлиши керак.

Бозор нархини шаклланишила талабнинг роли қандай экан? Бу саволга жавоб топиш учун З-жадвалнинг нархлар қаторини охиридан таҳлилни бошлайди. Тасаввур қилайлик картошкани бўлиши мумкин бўлган бозор нархи 10 сүм бўлсин. Бундай нархда картошқа миқдори 16000 кг талаб ва таклиф ўртасидаги фарқ 15000 кг бўляпти, яъни таклифга нисбатан талабнинг миқдори 15000 кг ошиқ бўляпти.

Нисбатан паст нарх картошқа ишлаб чиқарувчиларнинг ҳафсаласини пир қиласди. Улар ўз ресурсларини маълум қисмини картошқа ишлаб чиқаришдан олиб бошқа соҳага йўллайдилар. Худди шу нарх истеъмолчиларни баландроқ нархда сотиб олишларини мўлжалаштандарига қараганда күпроқ картошқа сотиб олишларига



5-р а с м. Талаб ва таклиф мувозанат нарх.

га ундейди. Натижада ортиқча талаб вужудга келади. 10 сүм нарх бозорда узоқ вақт амал қилмайди. Жуда күп сотиб олувчиларга картошкага етмай қолғанлиги учун рақобат таъсирида нарх 10 сүмдан 20 сүмгача оширилади. Қўп истеъмолчилар картошкасиз қолғанларидан кўра ҳар бир кг картошкага 20 сүм тўлашга рози бўладилар. 20 сүм нарх картошкага етишмаслигини анча қисқартиради, аммо бутунлай йўқота олмайди.

20 сүм нархда дэҳқонлар ўз ресурсларини ишлаб чиқаришда йўллашга тайёрлигини билдиради. Сотиб олувчиларни бир қисми эса 20 сүм нархда картошкага сотиб олишдан қайтади, картошкага ўрнига ундан арzonроқ бошқа маҳсулотларни сотиб олишади. 20 сүм нархда 7000 кг картошкага етишмаслиги бўляпти. Сотиб олувчилар ўтасидаги рақобат картошкага нархини 20 сўмлик даражада баландроқча кўтаришни талаб қилади.

Биз синааб кўрмаган 40 сўм нарх қолди. Энди шу нархни кўриб чиқайлик. Жадвалдан кўриниб турибдикি, худди шу нархда таклифнинг ҳафталиқ умумий миқдори билан талабнинг ҳафталиқ умумий миқдори тенг келяпти. Бунинг натижасида бозорда маҳсулот ортиқчалиги ҳам, маҳсулот етишмаслиги ҳам бўляпти.

Кўриб ўтдикки, маҳсулот ортиқчалиги нархни пастга қараб итариши, маҳсулот етишмаслиги эса, нархни юқорига кўтариши. Ўз ўзидан кўриниб турибдикি, 40 сўм нархда ортиқчалик ҳам, етишмаслик ҳам бўлмаганидан, бу нархнинг ўзгаришига ҳожат йўқ. Талаб ва таклифни тенглаштирувчи нархни иқтисодчилар бозор нархи ёки мувозанат нарх деб атасади. Мувозанат нархи ишлаб чиқарувчиларнинг сотиш ҳақидаги қарори ва истеъмолчиларнинг сотиб олиш ҳақидаги қарори ўзаро мувофиқлашуви фақат 40 сўм нархда юз беряпти. Талаб ва таклиф таъсирида мувозанат нархни қарор тониши чизмаси 5-расмда берилди.

Такрорлам: учун саволлар.

1. Талаб тушунчаси. Талаб қонуни?
2. Таклиф тушунчаси. Таклиф қонуни?
3. Талаб эгри чизиги?
4. Таклиф эгри чизиги?
5. Таклиф миқдорини ўзгариши?
6. Талаб ва таклиф мувозанати?
7. Талаб, таклиф ва мувозанат нарх?
8. Бозор мувозанати нима?
9. Талаб ва таклиф иқтисодий қонуни?

У Ч И Н Ч И Қ И С М

УМУМЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ

ХХ Б О Б

УМУМЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ

Умумжаҳон иқтисодиёти ва унинг моддий асоси. Умумжадон иқтисодиёти — бу халқаро меҳнат тақсимоти, савдо-ишлаб чиқариш, молиявий ва илмий-техника алоқалари воситасида бир-бири билан узвий боғланган миллий хўжаликлар тизимиdir. Умумжаҳон иқтисодиёти XVI асрда Фарбий Европа билан дунёning бошқа қитъалари ўртасида савдо алоқаларининг кучайиши, кейинчалик эса капитал экспорт қилиш эвазига ишлаб чиқаришнинг байналиминаллашуви натижасида вужудга кела бошлаган. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти ривожланган, яъни индустрӣал, ривожланётган ҳамда ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар иқтисодиётидан ташкил толган бўлиб, унинг таркибий тузилиши кўйидагилардан иборат:

- товарлар ва хизматларнинг халқаро бозори;
- халқаро капитал бозори;
- халқаро ишли кучи ва меҳнат бозори;
- халқаро валюта бозори;
- молия-кредит бозори;
- халқаро инвестиция бозори

Жаҳон иқтисодиётининг бутунги кундаги шакли XX асрда вужудга кела бошлаган. Унинг асосида эса фантехника тараққиёти таъсири остида тез ривожланиб борувчи халқаро меҳнат тақсимоти ётади.

Халқаро меҳнат тақсимоти дунё мамлакатларининг турли хил махсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашуви бўлиб, бунда ҳар бир мамлакат ўзининг миллий манфаатларини ҳисобга олиб кўлга киритилган устунликлар эвазига глобал тадбиркорликда иштирок этади. Халқаро меҳнат тақсимоти иккита йўналиш бўйича: биринчидан — ишлаб чиқаришинг халқаро ихтисослашуви; иккинчидан — ишлаб чиқаришинг

халқаро кооперациялашуви бўйича ривожланади. Ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви вертикал ва горизонтал ихтисослашув шаклида ривожланиб борди. Халқаро меҳнат тақсимоти миллий товарларни чет эл бозорида сотиш фақатгина фойда нормасини кўпайтириб қолмасдан, айрим ҳолатларда товар сотиш муаммосини осон ҳал қилиш воситаларидан бири бўлиб ҳам ҳисобланади. Чунки товарларнинг рақобатбар дошлилигини ошириш учун ишлаб чиқаришни қайта қуриш вақт ва маблағ талаб қиласди. Натижада миллий иқтисодий манфаатнинг байнаминиалашуви жаҳон бозорини вужудга келтириб, кейинчалик унинг асосида товарлар ва хизматлар, ишлаб чиқариш воситалари, хомаше ва капитал савдоси асосида умумжаҳон иқтисодиёт шаклланади.

Миллий иқтисодиётларнинг бир-бири билан боелиқлиги жуда кучайган тақдирда халқаро иқтисодий муносабатлар ўзининг иккимачи характеристини йўқотиб, иқтисодий ўсиш ва тараққиётни таъмиловчи муҳим омилга айланадилар.

Умумжаҳон хўжалиги қандай вужудга келди?

Умумжаҳон хўжалигининг тарихий шаклланишига назар соладиган бўлсак бир қанча мисолларни учратамиз. Баъзи олимлар «Буюк Рим империяси» (эрамиздан аввали IV—V аср) давридаёқ жаҳон иқтисодиёти мавжуд бўлган, чунки бутун Ўрта Ер денгизи ҳавзаси мамлакатлари иқтисодиётини бирлаштирган десалар, айримлар умумжаҳон иқтисодиётига мисол қилиб ўрта асрлардаги «Буюк Ипак йўли»ни, «Буюк географик кашфиётлар» давридан бошлайдилар. Чунки географик кашфиётлар натижасида бутун дунёдаги минтақалар ва давлатлар халқаро савдо алмашувига тортилдилар. Халқаро савдо янги турдаги товарлар гуруҳи билан бойитилди. Давлатлараро савдо алоқалари эса жуда тез ривожлана бошлади.

Умумжаҳон хўжаликларининг ўзига хос белгилари борми?

Умумжаҳон иқтисодиётининг ўзига хос белгилари бир неча кўрсаткичларда ифодаланади, улар эса ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчи кўрсаткич сифатида «Япония миллий маҳсулот»ни (ЯММ) олиш мумкин. Бугун жаҳон иқтисодиёти ЯММ 32—34 трлл. АҚШ доллари миқдорида бўлиб, энг катта ЯММ АҚШ давлатига (8 трлл. \$) тўғри келади. Иккинчи кўрсаткич бўлиб аҳоли жон бошига нисбатан яратилган япония миллий даромад ҳисобланади. Дунё мамлакатларида энг ўқори кўрсаткич Япония, АҚШ, Германия (32—37 минг\$) давлатларига хос-

дир. Умумжаҳон иқтисодиётининг янги бир белгиси бўлиб, меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги дунё мамлакатларида бир хил эмас. Ривожланган Farb мамлакатларида у энг юқори бўлиб, АҚШ давлати бу борада айрим тармоқларда ва ялпи меҳнат унумдорлиги бўйича бошқа давлатлардан олдин турдаи. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи, миллий иқтисодиётнинг самараадорлигини ҳам ифодаловчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Бунда мамлакат ЯММ ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Бироқ айрим олимлар миллий иқтисодиётнинг самараадорлик даражасини аниқлашда мамлакатнинг халқаро саводдаги иштироки, экспорт салоҳияти, савдо балансининг кўрсаткичларидан фойдаланишини афзал деб биладилар. Бунда мамлакат экспорт квотаси ЯММга нисбати асосий ўлчов бўлиб хизмат қиласи.

Умумжаҳон иқтисодиётининг ўзига хос белгилари тўғрисида галирганда, унинг айрим хусусиятларини ҳам таъкидлаш лозим. Умумжаҳон иқтисодиёти ташкилий-хукуқий нуқтаи-назардан халқаро молиявий-иктисодий ташкилотлар фаолияти, уларнинг низоми, халқаро шартномалар, йигилишлар ёрдамида бошқарилиб, тартибга келтирилиб турилади. Умумжаҳон иқтисодиётига дунёдаги айрим мамлакатларни ҳисобга олмагандан хусусий мулк, эркин нарх-наво ва рақобат ва муҳитга асосланган бозор иқтисодиёти модели хосдир. Ривожланган ва янги индустрисал мамлакатларда ривожланган бозор иқтисодиёти, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатларда заиф, суст тараққий этган бозор иқтисодиёти мавжуд. Умумжаҳон иқтисодиётини характерловчи белгилардан яна бири бўлиб, иқтисодий ўсиш суръатлари ҳисобланади. У ҳамма мамлакатларда бир хил эмас ва бир текис кечмайди. Баъзи бир мамлакатларда бу кўрсаткич юқори, бошқаларида эса ўртача ёки паст. Умумжаҳон иқтисодиётига спиралсимон тараққиёт хос бўлиб, у айрим ҳолатларда қисқа ёки узоқ муддатли иқтисодий инқизорларда бўлиб туриши мумкин, бу иқтисодий инқизорлар ички, минтақа ёки глобал миқёсла бўлиши мумкин.

Умумжаҳон иқтисодиётининг объект ва субъектлари.

Умумжаҳон иқтисодиётининг объектлари товарлар, хизматлар, капитал ишлар ва валюта (пул) бирликлари-дир. Бугунги кунда жаҳон бозорида 5 мингдан ортиқ категориядаги товарлар тургуҳлари мавжуд. Хизматлар инсоннинг, жамиятнинг бирон-бир эҳтиёжини қондирувчи, мақсадга йўналтирилган, фойдали, самара келти-

рувчи инсон фаолиятидир. Бугунги кунда халқаро хизматларнинг кўплаб тури мавжуд бўлиб, улар халқаро савдоning 1,5—2 трлн.\$ АҚШ долларига тенг миқдорини ташкил этади. Асосий хизматларни экспорт қилиувчи давлатлар, ривожланган мамлакатлар томонидан бажарилацци. Энг кўп тарқалган хизмат тури сифатида **халқаро туризм** соҳасини кўрсатиш мумкин. Дунё мамлакатлари ўргасида товар алмашинувини таъминлаш учун валюта мақомига эга пуллар талаб қилинади. Пул — бу одамлар ўргасида савдо алмашувини таъминловчи восита бўлса, халқаро валюта ҳар хил давлатлар ўргасида халқаро товар алмашинувини таъминловчи ўлчов воситасидир.

Умумжаҳон хўжалигининг субъектлари бўлиб, тадбиркорлар, фирмалар, трансмиллий корпорациялар, халқаро банклар, халқаро молиявий-иқтисодий ташкиллар ва хусусан давлатнинг ўзи ҳам ҳисобланади. Бу халқаро субъектлар ўзларининг бажарадиган вазифаси, тутган ўрнига кўра фарқ қилиб, улар бир-бирига нисбатан таъсир ўтказувчи қобилиятга эга бўладилар.

Халқаро иқтисодий алоқалар. Халқаро иқтисодий алоқалар дунё мамлакатлари ўргасидаги иқтисодий алмашув шакилари бўлиб, бугунги кунда уларнинг қуидаги шакилари мавжуд:

- Халқаро товарлар ва хизматлар савдоси;
- Халқаро капитал савдоси;
- Халқаро валюта — муносабатлари;
- Халқаро кредит муносабатлари.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг йўналиши бўйича ажратилиб кўрсатилишига сабаб шуки, айнан шу тўртта йўналиш миллий иқтисодиётларни жаҳон иқтисодиётига кўшилишини таъминлайди ва доимий тақрорланиб турувчи характеристерга эгадирлар. Халқаро иқтисодий алмашув жаҳон бозорида амалга оширилади. Лекин жаҳон бозори тушунчasi мавжуд тушунча бўлиб, амалда жаҳон бозори деб аталувчи бозорнинг ўзи йўқ. Бир мамлакатнинг истеъмол бозори, биржалари иккинчи бир мамлакат учун жаҳон бозори ҳисобланади. Шунга қарамай жаҳон бозори бир неча турга бўлинади ва унинг йирик марказлари мавжуд. Масалан: товарлар ва хизматлар бозори, хом-ашё бозори, ишчи кучи меҳнат бозори, технология бозори ва ҳоказолар. Энг катта товарлар ва хизматлар бозори Шимолий Америка, Фарб Европа ва Японияда жойлашган. Ер юзидағи энг катта валюта бозорлари Лондон, Нью-Йорк, Токио, Франкфурт-Майндаги валюта биржалари ҳисобланади. Лондон валюта биржасининг фоиз устасаси «Либор» халқаро миқёсда жой-

лаштан асосий валюта биржалари: Нассау — Жанубий Америкада (Нибор), Гонконг — узоқ Шарқда (Хибор) ва Бейрут — яқин Шарқда (Бибор) Лондон биржасига нисбатан ўз фоиз устамаларини ўрнатадилар. Айтайлик, Либор 10% бўлса, Нибор, Хибор ва Бибор 10,5 ёки 11% га тенг бўлади, яъни 0,5—1% га юқори бўлади.

Турли мамлакатларнинг валюталари тузилган халқаро битимларни бажариш жараёнида ўзаро алмашинади. Айрибошлиш натижасида уларнинг бир-бирига нисбатан нархини, яъни курсини аниқлаш муҳимдир. **Валюта курси** бу бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирликларида ифодаланган баҳосидир. Валюта курсини белгилаш эса катировка деб аталади. Агар хорижий валюта бирлигининг баҳоси миллий валютада кўрсатилса, тўғри катировка деб аталади, мабодо миллий валютанинг хорижий валюталардаги миқдори юқори ўрнатилса тескари катировка ҳисобланади. Кўпгина мамлакатларда валюталарни тўғри катировкалаш қабул қилинган, фақат фунт стерлинг, Австралия доллари ва ЭКЮгина тескари катировка қилинади. Агарда валюталар ўтрасидаги нисбат қандайдир учинчи валютага нисбатан олинган курсларда аниқланса, кросс-курс леб аталади.

Валюта курси ҳар қандай бошқа товар баҳоси каби эркин, бошқариладиган ёки ўрнатиладиган бўлиши мумкин. Бу «валюта режими» деб аталиб, ҳар бир мамлакат ўзи учун мос келадиган валюта режимини таълаб олмоги керак. Жаҳон тажрибасида валюта режимининг иккичил варианти мавжуд. Биринчи варианти инглиз-америка варианти бўлиб, бунда асосан эркин сузига юрувчи ёки бошқариладиган валюта курсидан фойдаланилади. Иккинчиси — француз варианти бўлиб, унда ўрнатиладиган (фиксация) валюта курсидан фойдаланилади. Тавъидлаш лозимки, Халқаро валюта Фондига аъзо бўлган 150 дан ортиқ мамлакатлар ичida фақатгина 16 та давлатда инглиз-америка варианти қўлланилади, бошқа ҳамма мамлакатлarda, шу жумладан Узбекистонда, француз вариантидан фойдаланилади. АҚШдан ташқари дунёning барча мамлакатларида (Буюк Британия ва Австралия истисно) миллий валютанинг курсини белгилашда боғланган валюта қўлланилади, яъни миллий валюта асосан (бир) АҚШ долларига нисбатан курси аниқланади. Бу АҚШ долларининг етакчи жаҳон пули мавқеи ва мақомига эга эканлиги билан изоҳланади. Айрим ривожланаётган давлатларда француз франкига нисбатан ҳам аниқлайдилар.

Валюта курси доимий равишда ўзгариб турувчи

кўрсаткич бўлиб, у нисбатан барқарорликка эга. Валюта курсининг ўзгаришига эса асосан коньюктура ва фундаментал омиллар таъсир кўрсатадилар Коньюктура омилларига валюта бозоридаги талаб ва таклиф омиллари киради. Фундаментал омилларга иқтисодий ўсиш суръатлари, меҳнат унумдорлиги даражаси ва мамлакатдаги техник ва технологик тараққиёт даражаси киради. Кўшимча равища яна қўйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатадилар:

1. Инфляция;
2. Иккита мамлакат нархлари ўртасидаги фарқ.
3. Фоиз устамалари ўртасидаги фарқ.
4. Валюта ва товар бозорларидаги истиқболга оид прогнозлар.
5. Тащқи савдонинг шарт-шароитлари.
6. Ишлаб чиқаришнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли цикллари.

Коньюктура омили валюта курсининг жорий ҳолатни акс эттиrsa, фундаментал омиллар валюта курсининг узоқ муддатли динамикасига таъсир кўрсатади. Масалан 1960 йил 1 АҚШ доллари 300 Япон иенасига тенг деб белгиланган, 1990-йилларда 1АҚШ доллари 100 Япон иенасига тенг бўлиб қолди. Бунга сабаб ўтган 30—40 йиллик давр мобайнида Япония ЯММнинг тез кўпайиб боришидир. Миллий валюта курсининг кучайишида мамлакат олтин-захираси муҳим роль ўйнасада, асосий олтин валютанинг товар қопламаси микдорига боғлиқ. Чунки мамлакат экспорт салоҳияти ва унинг натижаси ҳисобланадиган валюта тушуми ишлаб чиқарилган товар салмоғи ва сифатига боғлиқ.

Миллий валюта конвертацияси нима?

Миллий валютани чет эл валюталарига алмаштириш (конвертация) ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, бунда ҳар бир мамлакат ўз манфаатларини ҳимоя қилишга интилади. Конвертациянинг тўлиқ ва нотўлиқ, чекланган ва чекланмаган турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Тўлиқ конвертациясида миллий валюта ҳамма хорижий валюталарга алмаштирилаверади. Нотўлиқ конвертацияда эса фақатгина бальзи бир валюталарга алмаштирилади. Чекланган конвертацияда валюта савдосида Марказий банк лицензиясига эга субъектларгина иштирок этадилар. Чекланмаган конвертацияда ҳамма бемалол иштирок этаверади. Миллий валюта конвертацияси иккита йўналиш бўйича амалга оширилади. Хорижий савдо операциялари ва капитал ҳаракати ҳисоби бўйича. Хорижий савдо операциялари бўйича конвертация мамлакатнинг

маълум бир муддат мобайнида ўз импортини барқарор валюталарда тўлаб беришини англатади. Капитал ҳаракати ҳисоби бўйича конвертация эса хорижий кредитлар ва инвестициялар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилишини билдиради. Хорижий савдо операциялари мамлакат ташки савдо балансини шакллантирса, капитал ҳаракати ҳисоби бўйича конвертация ва хорижий савдо операциялари биргаликда тўлов балансини шакллантиради. Унинг актив сальдоси ижобий, пассив сальдоси эса салбий холат ҳисобланади.

Хорижий инвестицияни миллий иқтисодиётга жалб этиш. Умумжаён иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви жараёни кучайиб борган сари хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт учун аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Кўпилаб мамлакатлар хорижий инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзлар яратадилар, чунки кредитдан фарқли ўлароқ инвестициялар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва замонавийлатиришишга, миллий ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришишга бевосита ёрдам беради.

Хорижий инвестициялар миллий иқтисодиётга қўйидагича жойлаштирилади:

- янги ишчи ўринлари яратилади ва аҳоли иш билан таъминланади;
- янги технологиялар, менежмент, маркетингта оид билимлар кириб келади;
- янги ишлаб чиқариш тармоқлари яратилади ва миллий саноат базаси ривожлантирилади.

Бой табиий ресурслар, арzon ишчи кучи, нисбатан ривожланган инфраузилма, барқарор сиёсий-иктисодий вазият хорижий инвестицияларни кириб келиши учун қизиқарли имконият яратади. Маълумки Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари ва инвесторлар фаолиятлари кафолатлари ҳақида қонун қабул қилинди. Бу қонун республика худудида чет эл инвестицияларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қабул қилинган бўлиб, у Ўзбекистоннинг хорижий инвестицион фаолиятини ташкилий ва хукуқий асоси бўлиб хизмат қиласи.

Ундан ташқари чет эл инвестицияларини сугурталовчи «Ўзбекинвест» сугурта ташкилоти ҳам тузилган. Кенгайтирилган маънода инвестицияларнинг уч хил тури фарқланади:

- реал иқтисодиёт, яъни моддий ишлаб чиқариш тармоқларига инвестиция қўйиш;
- молиявий ёки халқаро кредитлардан инвестиция

сифатида фойдаланиш, унга қимматбаҳо қоғозлар билан ўтказиладиган операциялар ҳам киради.

— интеллектуал инвестициялар — яъни мутахассислар тайёрлаш, тажриба, «ноу-хоу», лицензия бериш ва ҳоказо.

Ишлаб чиқариш соҳасига жалб қилинадиган инвестициялар асосан тўғри ва портфель шаклида бўлади. Тўғри инвестиациялар пул шаклида бўлмай технология, асбобускина кўринишида бўлади; улар ишлаб чиқариш устидан назорат ўрнатиш имконини беради. Портфель инвестиациялар пул шаклида бўлиб, улар қимматли қоғозларни сотиб олишга сарфланади.

Юқорида таъкидланганидек, хорижий инвестициялар янги ишчи ўринлари яратади ва аҳоли турмуш дараҷасининг яхшиланишига олиб келади. Бироқ кўплаб ривожланаётган мамлакатларда ишсизлик доимий холат бўлиб, у дунё миёсида ишчи кучи миграциясини келиб чиқишига, халқаро меҳнат ва ишчи кучи бозорларини шаклланишига таъсир кўрсатади. Бугунги кунда миграция оқимининг географик йўналишлари бўйича ер юзида 4 та йирик меҳнат бозори шакллайган. **Биринчى марказ** — **Яқин Шарқ** мамлакатларида нефть қазиб чиқариш саноатининг тараққий этиши, у билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантирилиши билан вужудга келган. Ишчи кучи асосан Покистон, Хиндистон, Корея, Филиппиндон, Фарб мамлакатларидан энг юқори малакали мутахассислар жалб қилинган. Хорижий ишчиларнинг сони БАА да 90% га яқин, Катарда — 80% дан ортиқ, Кувайтда 70% га яқин, Саудия Арабистон ва Баҳреинда 40% га яқинни ташкил этади.

Иккинчى марказ — ривожланган **Фарбий Европа** минтақаси бўлиб, ишчи кучи миграцияси билан боғлиқдир. Бу мамлакатларнинг иккинчى жаҳон урушидан кейинги даврида ўз иқтисодиётини тиклашда асосий роль ўйнади. Ҳозирги даврда Фарбий Европада 13 млн ишчи мигрант бўлиб, улар паст малакали ва нуфузи бўлмаган тармоқларда кенг кўлланилади.

Жаҳон меҳнат бозорининг учинчи йирик маркази — **Шимолий Америкадир**. Бу ерга Лотин Америкасидан паст малакали ишчилардан ташқари бошқа мамлакатлардан юқори малакали мутахассислар ҳам келадилар. Бошқа йирик меҳнат бозорлари қаторига Жанубий Америкада Аргентина, Африкадаги Жанубий Африка республикаси, Австралия ва Узоқ Шарқда янги индустрисиал давлатларни мисол қилиш мумкин.

Халқаро савдо. Умумжаҳон иқтисодиётida халқаро савдо алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг ҳиссасига халқаро

иқтисодий муносабатларнинг 80% тўғри келади. Ташқи савдонинг вужудга келишида иккита мухим объектив сабаб асосий роль ўйнайди. Биринчиси — дунё мамлакатлари ўртасида табиий ресурсларнинг нотекис тақсимлаганидир. Натижада миллий хўжаликлар ўз эҳтиёжини қондириш учун четдан хом-ашё, бутловчи қисмлар, товарларни харид қўлмоғи керак бўлади. Иккинчиси — дунё мамлакатларида ўшлаб чиқарувчи кучларнинг бир хил ривожланмаганлигидир. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ўртасидаги фарқ нархларнинг турлича бўлишига, уларни олиб келиш ва олиб чиқиши зазига қўшимча фойда олиш имконини беради. Хом-ашё етказиб берувчилар ривожланётган мамлакатлар бўлса ривожланган мамлакатлар турли хил машиналар асбоб-ускиналар етказиб берадилар. Бугунги кунда халқаро савдо дунё ЯММнинг учдан бир қисми, аниқроғи 11—12,5 трлн. АҚШ долларини ташкил этади. Халқаро савдонинг таркибий тузилиши эса саноат маҳсулотлари, минерал хом-ашё савдоси, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва хизматлар савдосидан иборат.

Куйидаги жадвал халқаро савдонинг ҳозирги давр ҳолатини белгилайди:

Ўрни	1999 йилги етакчи товар экспорт қилувчи (давлатлар)	Млрд жами	Ялпичисаси	1999 йилла 1998 %	Ўрни	1999 йилда етакчи товар импорт қилувчи (давлатлар)	Млрд \$ ҳажмила	Ялпичисаси	1999 йилла 1998 %
1.	АҚШ	695,0	12,4	2	1	АҚШ	1059,9	18,0	12
2.	Германия	540,0	9,6	0	2.	Германия	472,6	8,0	0
3.	Япония	419,4	7,5	8	3.	Япония	320,7	5,5	2
4.	Франция	299,0	5,3	-2	4.	Франция	310,7	5,3	11
5.	Британия	268,4	4,8	-2	5.	Британия	286,1	4,9	-1
6.	Канада	238,4	4,2	11	6.	Канада	220,2	3,7	7
7.	Италия	230,8	4,1	-5	7.	Италия	216,0	3,7	0
8.	Голландия	204,1	3,6	2	8.	Голландия	188,9	3,2	1
9.	Хитой	194,9	3,5	6	9.	Хитой	181,7	3,1	-3
10.	Бельгия-Люксембург	184,1	3,3	3	10.	Бельгия-Люксембург	169,4	2,9	2
11.	Гонгконг	174,8	3,1	0	11.	Гонгконг	163,7	2,8	18
12.	Корея (Ж)	144,2	2,6	9	12.	Корея (Ж)	148,2	2,5	13
13.	Мексика	136,7	2,4	16	13.	Мексика	145,0	2,5	9
14.	Тайвань	121,6	2,2	10	14.	Тайвань	119,7	2,0	28
15.	Сингапур	114,6	2,0	4	15.	Сингапур	111,0	1,9	6
16.	Испания	109,4	2,0	0	16.	Испания	111,0	1,9	9

17.	Малайзия	84,5	1,5	15	17.	Малайзия	80,1	1,4	0
18.	Швеция	84,5	1,5	0	18.	Швеция	69,0	1,2	7
19.	Швейцария	80,6	1,4	2	19.	Швейцария	68,2	1,2	0
20.	Россия	74,3	1,3	0	20.	Россия	67,8	1,2	0
	Битут дунё	5610,0	100,0	3			5875,0	100,0	4

Халқаро иқтисодий ташкилотлар. XX асрға келиб жағон иқтисодиеті бир қатор хұжалик соҳасидаги муаммаларни ҳал қылыш учун, ташқи иқтисодий алоқаларнинг барқарорлығы ва ўсишини таъминлаш, айрибошлаш учун тенг ұқықли шароитларни яратып мақсадида давлатлараро иқтисодий мұносабатларни тартибға солувчи халқаро ташкилотлар түзилди. Улар бир қатор халқаро зиддиятлар, муаммоларни ҳал қылышта масъул қилингандыр. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вазифалары асосан қуидагилардир:

— божхона тармоқлари ва болжлари, экспорт ва импорт квоталари, нархлар, валюта курслари, фоиз ставкаларини тартибға солиш;

— жағон бозорида сотиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқарып, транспортда ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланишининг техник-иктисодий, экологик, шартларига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш;

— турли мамлакатлардаги ҳисобот, статистика, ревалаштиришнинг услубий асосларини, қонуний ва мөъёрий базасини бир хил андоzagа келтириш.

Халқаро иқтисодий ташкилотларни шартли равишида қуидаги гурӯхларга ажратып мумкин:

I. **Умумий, ұқуқ донраси кеңг бўлган иқтисодий масалалар билан ҳам шугууланувчи ташкилотлар:** БМТ, Араб давлатлари иттифоқи, Африка Бирдамлик Ташкилоти, Америка давлатлари ташкилоти.

II. **Умумиқтисодий мувофиқлаштирувчи ташкилотлар.**

Бу ташкилотлар иқтисодий ҳамкорликнинг барча асосий йўналишлари бўйича азъзо давлатлар сиёсатини назорат қиласиди. Масалан: Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ).

III. **Иқтисодий бирлашган ташкилотлар.** Бу ташкилотлар азъзо мамлакатлар миқёсида товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучи ҳаракати йўлидаги барча чегараларни босқичма-босқич йўқотиши, умумий иқтисодий маконни яратишни кўзлайди (Европа Иттифоқи НАФТА ва бошқалар).

IV. **Ихтисослашган халқаро ташкилотлар.** Бу ташкилотлар кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз соҳаси муаммо-

ларини ҳал қилиш, умумжағон иқтисодиётини барқарорлыкни ва ривожланишини таъминлашга ҳаракат қилаудилар. Масалан, жағон банки, дүнё савдо ташкилоти, халқаро валюта фонди, халқаро молия корпорацияси ва ұоказолар.

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг миллий хўжаликларни ривожлантиришга таъсири бевосита ёрдам кўрсатишдан ташқари мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатини амалга ошириш, унинг манбағлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилишларидир. Халқаро иқтисодий ташкилотлар доирасида ягона, ҳамма учун умумий хизматларни ишлаб чиқариб, қабул қилиниши дунё давлатларини бир-бири билан иқтисодий алоқаларини тартибга солиб, ягона йўналишда мувофиқлаштириш имконини беради, миллий иқтисодиёт муваммоларини халқаро миқёсига олиб чиқиб, биргаликда ҳал этишга йўл очади.

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг ўтган 10 йиллигида у жуда кўп халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлди, улар билан ҳамкорликда алоқаларини ўрнатди, Тошкентда уларнинг ваколатхоналари очилди. Узбекистоннинг халқаро иқтисодий ташкилотлар билан манбаатли ҳамкорлиги миллий иқтисодиётимизни жағон иқтисодиёти билан интеграциялашувига хизмат қилиши билан бирга, жағон иқтисодиётида ўз салоҳияти ва имкониятига мос ўрин тегишига ҳам кўмаклашади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Умумжағон иқтисодиётини миллий иқтисодиётга нисбатан ўзиға хос ҳусусиятларини аниқланг.
2. Умумжағон хўжалигининг вужудга келиш жараёнини тушунтиргинг.
3. Умумжағон иқтисодиётини қандай иқтисодий кўрсаткичлар орқали тавсифланади?
4. Умумжағон иқтисодиётининг объектлари ва субъектлари.
5. Халқаро иқтисодий алоқалар қандай шаклларда намоён бўлади?
6. Валюта курси нима ва унга қандай омиллар таъсир этади?
7. Валюта режими нима?
8. Валюта конвертацияси нима ва у қандай турларда амал қиласи?
9. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш учун қандай шарт-шароитлар бўлиши керак?
10. Халқаро савдо ва унинг таркибий тузилишини қандай тушунасиз?
11. Халқаро иқтисодий ташкилотларни вужудга келишини қандай вазиятлар тақозо этади?
12. Халқаро валюта фонди қандай иқтисодий халқаро ташкилот, қандай вазифани бажаради?

ХХІ Б О Б

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНИНГ УМУМЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯСИ

Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришуви ва унинг миллий иқтисодиётни бунёд этиш учун аҳамияти. 1991 йил 1 сентябрида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши миллий иқтисодиётимизни яратиш йўлида янги босқични бошлаб берди. Бир томондан, эски тузумдан мерос бўлиб қолган режали иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш ва бозор иқтисодиётига ўтиш бошланди. Иккинчи томондан, асосан хом ашё етказиб беришга мослашган, заиф ва қолоқ иқтисодиётни ўрнига халқаро меҳнат тақсимотига кенг тортилган, жаҳон бозорида рақобатга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти кучли бўлган миллий иқтисодиётни яратиш учун чукур таркибий ўзгаришлар ўtkазиш зарурати туғилди. Миллий иқтисодиётнинг ўзи нима аслида ва Ўзбекистонда бутунлай янгича кўринишдаги миллий иқтисодиётни яратиш зарурати қандай сабабларга боғлиқ эди?

Миллий иқтисодиёт — бу маълум бир турдаги товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, давлатнинг ва жамиятнинг моддий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласиган миллий хўжаликдир. Миллий иқтисодиётни Ер юзида бир неча юз хил тури мавжуд бўлиб, уларнинг ичидаги япон, немис, швед, турк, хитой каби моделлари бутун дунёга машҳур. 1991 йил 1 сентябригача бўлган Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини характерлайдиган бўлсак, у асосан хом ашё етиштиришга ихтисослашган, технологик базаси жуда заиф, халқаро меҳнат тақсимотига тортилмаган ва марказ республикалари иқтисодиётига қарам ҳолатида эди. Энг муҳими, республикамиз жуда бой хом ашё базасига эга бўла туриб, уларни қайта ишлай олмас ва ўз эҳтиёжини импорт маҳсулотлар эвазига қондиришга мажбур эди. Шу маънода Ўзбекистон миллий иқтисодиётини яратиш унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш орқали ўзининг эҳтиёжларини максимал даражада қондириши учун зарурдир. Бу борада қилиниши керак бўлган ишларни Республика Президенти И. А. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» номли асарида тамомила янги халқ хўжалиги комплексини яратиш билан боғлиқ вазифалар деб куйидагиларни кўрсатди:

- бошқа мамлакатлардан хом ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтиришни қысқартириш, ана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантириш;
- халқ истеъмоли молларининг ҳаётий муҳим турларига аҳолининг ва хўжалигининг эҳтиёжларини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали қондириш;
- иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- иқтисодиётнинг хом ашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш, пировард, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш;
- республиканинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, валюта захираларини мустахкамлаш;
- тармоқлар ичидаги ва ҳудудий мутаносибликни бартараф этиш, республика ҳудудида ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантириш ва оқилона фойдаланиш;
- меҳнат ресурсларининг оқилона банд бўлишини таъминлаш, миллий хусусиятларимизга мос келадиган ишлаб чиқариш соҳаларини барпо этиш.

Миллий иқтисодиётнинг миқдорий ва сифат жиҳати. Миллий иқтисодиётнинг миқдорий кўрсаткичларини жами ижтимоий маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, соф миллий маҳсулот, миллий даромад каби кўрсаткичларда ифодаланади. Бутун ишлаб чиқаришнинг бир йил ичидаги натижаси, яъни яратилган маҳсулотлар йигиндиси жами ижтимоий маҳсулот деб аталади. У моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган барча ходимларнинг меҳнат маҳсулидир. Шаклига кўра у истеъмол төварлари ва ишлаб чиқариш воситаларидан иборат. Миллий иқтисодиётнинг яна бир миқдорий кўрсаткичи ялпи миллий маҳсулотидир. У миллий иқтисодиётнинг бир йил мобайнидаги ишлаб чиқариш фаoliyatini тўлалигича ифодалайди. Ялпи миллий маҳсулот нафақат моддий ишлаб чиқариш соҳасининг, балки ноишлаб чиқариш соҳаси, майший хизматларнинг ҳам иш натижасидир. Соф маҳсулот кўрсаткичи ялпи миллий маҳсулотнинг бир қисми бўлиб, у миллий иқтисодиётда маълум бир вақт мобайнида бутунлай, янгитдан яратилган маҳсулотидир. У сарф қилинган жонли маҳсулотнинг моддийлашган ифодаси ёки янгитдан яратилган маҳсулот.

Миллий иқтисодиётнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида **миллий даромад** кўрсаткичи эътиборга лойикдир. Миллий даромад миллий иқтисодиёт

бойлигини батафсил тавсифловчи иқтисодий ўлчовдир. Миллий даромадни яратилган соғ маҳсулотларнинг пул ёки қиймат кўринишидаги ифодаси деб айтиш мумкин. Миллий даромад кўрсаткичини янада кенгайтириб шархласак, унинг мамлакатлардаги аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори жуда муҳимdir. Дунё мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келалиган миллий даромад ривожланган мамлакатларда энг юқори бўлиб, у 20 АҚШ долларидан 37 минг АҚШ долларигача тўғри келади. Янги индустрисал мамлакатлар ва ривожланаётган давлатларда бу кўрсаткич Farb давлатларига нисбатан анча паст.

Миллий иқтисодиётнинг сифат кўрсаткичлари анча мураккаб тушунча бўлиб, улар меҳнат унумдорлиги, спорт ва мамлакат ташки савдо алмашувининг валюта самарадорлиги, тармоқ ва корхоналар маҳсулотининг рақобатбардошлигини ифодалайди. Асосий ўлчов бўлиб эса, мамлакатда ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулотлари эвазига қанча миқдордаги импортни сотиб олиш имконияти ҳисобланади. **Меҳнат унумдорлиги** ишчи мълум бир вақт мобайнида қанча миқдордаги товарларни ишлаб чиқара олиши имкониятини билдириб, унинг юқори ва паст бўлиши ишчи кучининг малакаси ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ. Экспортнинг валюта самарадорлиги экспортдан тушадиган сов валюта тушумини, уни ишлаб чиқариш ва ташиш учун кетган транспорт харажатларини ифодалайди. Мамлакат ташки савдо алмашувининг валюта самарадорлиги бир маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни ташиш харажатларини ҳамда уни четдан сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ўтрасидаги нисбатни ифодалайди. Тармоқ ва корхоналар маҳсулотини рақобатбардошлилиги уни ишлаб чиқариш сарф-харажатлари, ўхшаш товарларга нисбатан истеммол афзаликларини фарқини кўрсатиб беради.

Миллий иқтисодиёт ва иқтисодий мустақиллик. Миллий иқтисодиётнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси шароитида энг дол зарб муаммолардан бири бўлиб, унинг ечими мамлакат миллий бойлигидан самарали фойдаланиш эвазига ички эҳтиёжларни тўлиқ қондиришга эришишини англатади. Иқтисодий мустақиллик иқтисодий хавфсизлик нуқтаи-назаридан туриб қарагандан катта аҳамият касб этиб, энергетика, транспорт, металлургия, озиқовқат, медицина, машинасозлик мажмуналари биринчи даражали аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодий мустақилликни таъмин-

лашга ўзининг халқаро миқиёсдаги манбаатлари ҳимоясидан ташқари айрим ҳолатларда транспорт изоляциясига (қуршовига) тушиб қолиш хавфи ҳам таъсир этмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши. Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши унинг таркибидаги тармоқлар хилма-хиллигини англатиб, у мамлакатнинг технологик тараққиёт даражасига, иқлими ва ҳудудидағи табиий бойликлар турига боғлиқ бўлади. Технологик тараққиёт миллий иқтисодиёт тармоқларини кўпайтириб, халқаро меҳнат тақсимотига кенг тортилишига, унинг тўлақонли аъзосига айланишига кучли таъсир кўрсатади. Одатда технологик тараққиётга эришган мамлакатларда миллий иқтисодиёт таркиби хилмалардан бўлади ва у саноат ишлаб чиқаришнинг кўплаб соҳаларини қамраб олади. Мамлакат иқлимининг миллий иқтисодиёт таркибий тузилишига таъсири шунда намоён бўладики, айнан иқлим шароити айрим турдаги меҳнат ва ишлаб чиқариш фаолияти учун энг қулай имкониятларни яратиб беради. Масалан, Ҳиндистон ва Шри Ланка ўз чойи, Ҳиндси-хитой ярим ороли давлатлари гуруч етиштириш, Бразилия кофе, Туркия туризм, Ўзбекистон эса ўзининг пахтаси билан оламга машҳур. Табиий бойликлар миллий иқтисодиёт таркибини бирон-бир ишлаб чиқариш усулига ихтисослашувида катта аҳамиятта эга. Агарда табиий бойлик мамлакат ҳудудида жуда катта миқдорда бўлса, у мамлакатнинг асосий ишлаб чиқариш тармоқларига ва миллий даромадига таъсири кўрсатади. Масалан форс кўрфазидаги Араб мамлакатларидағи нефть захираси ушбу мамлакатлар иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ва миллий даромад манбаи ҳисобланади.

Иқтисодий ислоҳотлар — иқтисодиётни вужудга келиши ва ривожланиш воситаси. Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш иқтисодиётни давлат томонидан бошкаришнинг муҳим воситаси бўлиб, унинг асосий мақсади макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳисобланади. Иқтисодий ислоҳотлар аниқ йўналишда ўтказилади ва вақт нуқтai-назаридан белгилаб кўйилган бўлади. Бугунти кунда Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳам иқтисодий кризисни бартараф этиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдан ташқари миллий иқтисодиёт асослари — пойдеворини яратиш, бозор инфраузилласини такомиллаштиришга қаратилгандир. Иқтисодий ислоҳотларни ўтказицда асосий эътибор пул-кредит

дит сиёсатига қаратилади. Чунки капитал маблағлари-нинг тақсимланиш йўналишлари моддий ресурслардан фойдаланишинг вазифаларини ойдинлаштиради. Ушбу масалага Ўзбекистон Республикаси мисолида ёндашсақ, мамлакатимиз валюта фондининг 70% капитал қурилишларга, 15% истеъмол бозорини ўта тақчил товарлар билан тўлдиришга сарфланмоқда. Қолган 15% эса захира сифатида сақланмоқда. Республика иқтисодиётини давомий асосида ислоҳ қилишда асосий таркибий ўзгаришлар унинг молиявий ва ишлаб чиқариш секторларида ўтказилмоқда. Давлат органларининг кредит сиёсати республика иқтисодиётининг базавий ва устувор соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди. Булар — ёқилғи-энергетика комплекси, олтин қазиб олиш, хомашёни қайта ишлаш, уй-жой қурилиши, экспортга йўналтирилган тармоқлар ва сув хўжалигидир (мелиорация). Бу сиёсат ислоҳотларнинг биринчи босқичида Ўзбекистон иқтисодиёти учун ўта муҳим тармоқларни таркибий қайта қуриш зарурати билан боғлиқ эди. Шундай қилиб, давлатнинг кредит сиёсати нафақат инфляцияни ушлаб туриш ва молия муносабатларини бозор тамоилларига эмас, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлайдиган, миллий иқтисодиётимиз учун биринчи даражали обьектларни яратиш ва қўллаб қувватлашга қаратилган эди. Ўзбекистон хукуматининг кредит сиёсатида инвестицияларнинг аҳамияти катта бўлиб, бюджет маблағлари, банк кредитларидан ташқари хорижий инвестициялар ҳисобига ҳам кўпайтирилмоқда. Хорижий инвестициялар ёрдамида четдан технология, техника асбоб-ускуналар сотиб олиниши иқтисодиёт таркибida таркибий ўзгаришлар амалга оширишга, ишлаб чиқаришни эса сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий ислоҳотларни ўтказишида давлатнинг етакчилик роли жуда бекёёс бўлиб, у ислоҳотлар учун зарур сиёсий-хуқуқий асосни яратиш, таркибий ўзгаришларни амалга оширишининг вазифалари ва босқичларини аниқлашда актив иштирокини кўзда тутади. Ўзбекистонда ўтказилган иқтисодий ислоҳотларнинг натижаси сифатида давлат аҳамиятига эга бўлган «Химиявий тола» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «ЎзДЭУ Авто» кўшма корхонаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўқон, Андижон, Янгийўл биокимё заводлари, Кизилкум фосфор, Хазорасп шакар заводи, Кварқ ишлаб чиқариш бирлашмалари, Самкочавто, «Кобултекстил» каби корхоналарни келтириши мумкин.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш соҳасидаги устивор вазифалар. Ўзбекистон Республикасининг деярли ўн йиллик тажрибаси шуни кўрсатадики, миллий иқтисодиётимизнинг ислоҳ қилишда айрим янги ўзгаришлар киритиш, яъни таркибий қайта куришни тезлаштириш билан бирга унга янгича маъно беришни талаб қиласди. Иқтисодиётни эркинлаштиришда бозорнинг учта муҳим сегменти эркинлаштирилади: товарлар ва хизматларда эркинлаштиришни ички ислоҳотларга нисбатан олсак, унда тадбиркорларга қулай имкониятлар яратиб бериш, кичик ва ўрта бизнеснинг ҳиссасини кўпайтириш, корхоналарнинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш тушунилади деб айтиш мумкин. Ислоҳотларнинг бугунги кундаги босқичида Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштиришда мулкни хусусийлаштириш, ялпи миллий маҳсулот таркибида кичик бизнес ҳиссасини 2005 йилда 50% га етказиш, экспорт солиқларини қамайтириш ва корхоналарнинг четга маҳсулот сотишини рағбатлантириш, шу жумладан кичик корхоналарнинг маҳсулотларини ҳам, хорижий тўғри инвестицияларни жалб этишни кучайтириш асосий вазифалар сифатида аниқлаб олинган. Иқтисодий ислоҳотларни амалдаги қонунчилликни замон талабига мос келадиган қилиб такомиллаштириш жуда муҳим 2000 йили Олий Мажлис томонидан «Аудиторлик фаолияти» тўғрисида, «Ташқи иқтисодий фаолият» тўғрисида янги таҳрирдан чиқсан қонунларнинг қабул қилиниши бу борада қўйилган дастлабки қадамлардандир. Ислоҳотларни чуқурлаштиришда иқтисодиёт таркибида қайта куришларни амалга ошириш жуда муҳим. Бу борада хорижий сармояларни янги, республикамиз учун истиқболли бўлган, хом-ашёни қайта ишлаш ва импортнинг ўрнини босувчи соҳаларга жадал кириб келишини таъминлаш энг устивор вазифалардан биридир. Ички бозоримиздаги товар захираларининг 80 фоизи ўз иқтисодиётимиз маҳсули бўлиб қолганлигини ана шу ислоҳатлар самарасидир.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг умумжаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашувининг зарурати ва аҳамияти. Миллий иқтисодиётни умумжаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашуви асосан унинг халқаро савдолаги иштироки, халқаро капитал интеграциядаги иштироки ва миллий валютани чет эл валютасига алмашувини йўлга кўйиш орқали таъминланади. Аваркияга асосланган миллий ишлаб чиқариш модели ўзининг аҳамиятини йўқотиб, миллий хўжаликларни бир-бирига яқинлашуви,

гоҳида эса қўшилиб кетиш юз бермоқда. Халқаро меҳнат тақсимоти эса миллий чегаралардан четга чиқиб, глобал тус олмоқда. Вужудга келган ушбу шароитда Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви унинг дунё ялпи миллий маҳсулотини яратиш ва тақсимлашда, глобал тадбиркорликда ўз ўрнига эга бўлмоғини талаб этади.

Миллий иқтисодиёт учун ташқи иқтисодий алоқаларнинг қўшимча фойда нормасини кўпайтириш, ташқи рақобат эвазига фан-техника прогрессини таъминлаш, халқаро савдо алмашуви эвазига макроиктисодий барқарорликни таъминлашда намоён бўлади. Ички бозорнинг истеъмол куввати чекланган бўлганда жаҳон бозорида маҳсулот сотиш мамлакатга катта миқдордаги валюта маблағларини оқиб келишига сабаб бўлади. Бунга мисол қилиб оладиган бўлсак Япония ва Жанубий Корея ўзларида ишлаб чиқарилган автомобилларнинг 90% четда сотади. Агарда Японияни бир йилда ўртача ҳисобда 9 млн дона автомобил ишлаб чиқаришини ҳисобга олсак, жаҳон бозорининг ишлаб чиқариш суръати ва миқдорини ўстиришда, аҳоли бандлигини таъминлашда нақадар юқори аҳамияти борлигини гувоҳи бўламиз. Ер юзида шундай фирмалар борки, улар ўз маҳсулотининг салкам 100% ни четга экспорт қилади. Швейцариянинг «Нестле» компанияси айнан шундай компаниядир.

Мамлакат истеъмолидан импорт маҳсулотларинг миқдорини кўпайиши миллий ишлаб чиқарувчиларни рақобат курашига тортади. Натижада ишлаб чиқарувчилар маҳсулот сифатини яхшилаш, таинархни пасайтириш, қолаверса бозордаги позициясини (ўрнини) сақлаб қолишига интилади, нархлар эса нисбатан пасайиб, барқарорлашади. Бу, албатта, истеъмолчиларнинг манфаатини ҳимоя қилишда энг кучли воситадир. Агарда бозор ички ишлаб чиқарувчилар қўлига ўтиб қолса у монополлашади, ишлаб чиқаришда эса технологик консервация (қолоқлик) келиб чиқади. Бундан шундай хуносса қилиш мумкинки, ташқи иқтисодий алоқалар нафқат салбий, балки ижобий таъсир этиши учун ҳам миллий хўжалик учун зурурдир. Дунё мамлакатларининг турли иқлим шароитида эканлиги, табиий ресурсларнинг бир текис тақсимланмаганилиги уларга ташқи савдо алмашуви ёрдамида ўз эҳтиёжини қондириш имконини беради.

Ишлаб чиқариш кучларининг ҳам бир текис ривожланмаганилиги, мамлакатларнинг бирон-бир ишлаб чиқариш соҳасига ихтисослашуви эса технологик эҳтиёж-

ларни қондириш учун халқаро савдо алмашувини тақозо этади. 1997 йилгача Ўзбекистон Республикаси ўзининг улкан нефть захираларига эга бўла туриб четдан ёқилғи сотиб олишга мажбур эди. Миллий бойлигимиз эса уни пулини тўлаш учун ишлатилар эди. Франциянинг «Техніп» ва Япониянинг «Марубени Жей — Жиси» компаниялари иштирокида импорт асбоб-ускналарнинг ўрнатиши Узбекистонга энергетика мустақиллигини бериб, жуда катта миқдордаги маблағларни тежаш имконини берди. Агарда ушбу заводни биз фақатгина технология ва асбоб-ускуналар билан қурмоқчи бўлганимизда уларни яратиш учун бир неча ўн йиллар керак бўлиши муқаррар эди.

Иқтисодий интеграция ва Ўзбекистон иқтисодиёти таркибининг ўзгариб бориши. Умумжаҳон иқтисодиётида XX аср 60 йилларида бошланган минтақавий интеграция жараёни кучайиб бормоқда. Халқаро иқтисодий интеграция ўзи нима? — Бир минтақа давлатларининг хўжалик алоқалари асосида яқинлашуви, сон жиҳатидан сифат жиҳатига ўта бошлагандага халқаро иқтисодий интеграция бошланади. Бунда ишлаб чиқаришнинг байнаминаллашуви кучайиб бу мамлакат иқтисодиёти иккичи бир мамлакат иқтисодиётига жуда ҳам яқин бўлиб қолади, бир-бирига кучли технологик таъсир ўтказа бошлиди. Бу миллий иқтисодиёт таркибининг ўзгариши ва унда хорижий секторнинг миқдорини ва ролини ортиб боришига олиб келади.

Бутунги кунда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг минтақавий иқтисодий интеграция жараёнига қўшилиши кучли бўлмаса ҳам, унинг дунё мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик, айниқса, **инвестицион ҳамкорлик** туфайли интеграциялашуви жуда кучли. Мустақиллик йилларида Республикамизда 3,5 мингдан ортиқ қўшма корхоналар гузилди, 8 млрд. доллардан зиёд хориж сармояси жалб этилди. Натижада, Ўзбекистонда саноат базасининг заифлиги хориж корхоналари ёрдамида тўлдирилмоқда, миллий иқтисодиёт таркибида эса чет эл капитали асосида ишлайдиган янги тармоқлар вужудга келмоқда. Уларга мисол қилиб автомобилсозлик, фармацевтика, шакар, қофоз ишлаб чиқариш, электроника, телекоммуникация, нефть химияси каби соҳаларни киритиш мумкин. Ўзбекистон иқтисодиётида хорижий секторининг давлатлар бўйича таркиби тузилиши АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Швейцария, Туркия, Ҳиндистон, Малайзия, Италия, Индонезия мамлакатлари, тармоқлар бўйича эса тамаки иш-

лаб чиқарищ, автомобилсозлик, қишлоқ хұжалиги машинасозлиги, самолётсозлик, электроника, озиқ-овқат ишлаб чиқарыш, тұқымачылық соқалари етакчи үринни згаллады, бу хорижий сектор миллій иқтисодиётда ишчи үринларини яратмоқда, янги технологиялар, «нау-хау» олиб келмоқда, әнгасосийси — Ўзбекистоннинг импорт-га қарамлигини камайтириб, унинг иқтисодий мустақиллігини таъминлашга хизмат қылмоқда, ялпи миллій маҳсулот қажмини күпайтирмоқда.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан иқтисодий интеграциялашыны. 1994 йил февралидә Қозогистон ва Ўзбекистон үртасыда иқтисодий алоқаларни янада кучайтириш мақсадида «Марказий Осиё әркин иқтисодий худудини» яратып тұғрисида шартноманынг имзоланиши минтақадаги интеграция жараёнинг йүл очиб берди. Кейинчалик бу жараёнға Қирғизистон ва Тожикистон Республикасининг ҳам құшилиши унинг миқёсінін минтақа миқёсигача кенгайтируди. Марказий Осиё минтақасида иқтисодий интеграция жараёнининг бошлапши XX аср 60 йилларидан бошланған бутун дүнө миқёсидеги регионал интеграция жараёнға ҳамоханғ бўлиб, унинг асосий мақсади минтақадаги яшаётган аҳоли турмуш фаровонлиги ни таъминлаб бершидир.

Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий интеграция ҳәстий әхтиёж бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг иштироки бир неча минтақа миқёсидаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилғандир. Булар: минтақадаги умумий бўлган транспорт тизими, сув ресурслари, Орол денгизида экологик вазият, ёқилғи ресурсларидан фойдаланиш каби муаммоларни ўз ичига олади. Таъкидлаш лозимки, минтақада иқтисодий интеграция жараёнини ривожлантириш зарур бўлган ҳамма шартшароитлар мавжуд; территориал-худудий бирлик, маданий, диний ва ирқий яқинлик, ҳамда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларнинг умумийлиги.

Марказий Осиё минтақасидаги интеграция жараёнининг бошқа минтақалардаги интеграция жараёнларидан Фарқи шундаки, у барча учун умумий бўлган ягона шартномалар асосида эмас, иккى томонлама имзоланаётган шартномалар асосида ривожлантирилмоқда. Бу минтақа давлатларининг интеграция жараёнда бир-бирига бўлган муносабатини тўғри тушунишга имкон бериб, ўзаро келишмовчиликлар келиб чиққышининг олдини олади. Ундан ташқари минтақада давлатлардаги иқтисодий тараққиёт даражасининг бир хил эмаслиги, иқти-

содий ислоҳотлар йўналиши ва моҳиятининг хилма-хиллиги ҳам бу жараёнга таъсир этмоқда. Ўзбекистон Республикаси ушбу жараёнда фаол иштироқчи бўлиб, минтақа ресурсларидан миллӣ иқтисодиёт эҳтиёжларини қондириш ва жаҳон бозоридаги широавад маҳсулотлар чиқариш асосида ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон халқаро меҳнат тақсимотининг берадиган барча афзалликларидан фойдаланишга ҳар томонлама ҳаракат қўймоқда. Ана шу аснода Осиё Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО) доирасида ҳам, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари билан яқин иқтисодий интеграцияга киришмоқда. Аслида бу ерда асосий мақсад иқтисодий ҳамкорлик асосида миллӣ эҳтиёжларни қондиришга қаратилган натижалар олишdir. Бироқ юқорида қайд этилган давлатлар бу интеграциялашувдан ўзларининг тор сиёсий мақсадларида фойдаланиб қолишга интилмоқдалар. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов бу масалада Ўзбекистоннинг ўз принципial позициясини билдириб келмоқда. Биз бундай ҳамкорликдан, интеграциядан иқтисодий манфаат кутамиз.

Ўзбекистон халқаро иқтисодий интеграциянинг чукурлашуви, унинг дунёнинг барча минтақаларидаги иқтисодий институтлар, тузилмалар, давлатлар, Иттифоқлар билан амалга ошувини истайди ва бу йўлда дадил таклифлар ва ҳаракатлар билан чиқмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлат раҳбари И. А. Каримовнинг БМТ доирасидаги анжуманларда, халқаро иқтисодий ташкилотлар йиғинларида фаол халқаро ҳаракат жаҳон оммасида юксак эътироф ва хайриҳоҳлик түғдираётгани бежиз эмас.

Тақрорлаш учун саволлар.

1. Миллӣ иқтисодиёт тушунчаси нимани билдиради?
2. Миллӣ иқтисодиётнинг кўrsatkichlari қандай ифодаланади?
3. Иқтисодий мустақиллик нима ва нима учун уни ҳақиқий мустақиллик дейлади?
4. Миллӣ иқтисодиётнинг тарқибий тузилишини тушунириинг.
5. Иқтисодий ислоҳотларни нима учун миллӣ иқтисодиётни яратиш асоси дейлади?
6. Иқтисодиётни эркинлаштириш легандада қандай маъно тушунилади?
7. Миллӣ иқтисодиётни жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашуви қандай таъминланади?
8. Ҳозирги давр Ўзбекистон иқтисодиётида хорижий секторнинг ўрни ва аҳамияти қандай?
9. Хорижий секторнинг миллӣ иқтисодиётга ижобий таъсирини нималарда кўриш мумкин?
10. Ўзбекистоннинг дупе мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлигидан тараққиётимиз учун қандай манфаати бор?

АСОСИЙ АДАБИЕТЛАР

1. *Каримов И. А.* Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзи-га хос йўли. — Т., «Ўзбекистон», 1993.
2. *Каримов И. А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. — Т., «Ўзбеки-стон», 1994.
3. *Каримов И. А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаши-риш йўлида. — Т., «Ўзбекистон», 1995.
4. *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳ-дид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., «Ўзбе-кистон», 1997.
5. *Каримов И. А.* Тарихий хотирасиз келажак йўк. — Т., «Шарқ» нашриёти-матбаа концерни бош таҳририяти, 1998.
6. *Каримов И. А.* Миллый иқтиқод мағкураси халқни халқ, мил-латни миллат қилишга хизмат этсип. — Т., «Ўзбекистон», 1998.
7. *Каримов И. А.* Миллый истиқтол мағкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишонч. — Т., «Ўзбекистон», 2000.
8. *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пиорвард мақсадимиз. — Т., «Ўзбекистон», 2000.
9. *Каримов И. А.* Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлашириш — энг муҳим вазифамиз. — «Ўзбекистон овози». 2000, 15 февраль.
10. *Каримов И. А.* Иқтисодиётни эркинлаштириш — фаровонлик пойдевори. — «Ўзбекистон овози», 2000, 22 июл.
11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т., «Ўзбекистон», 1988.
12. Ўзбекистонниң янги аср дастури. — Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарор-лик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари бўйича ўтказилган республика илмий-услубий конференцияси материаллари. Андижон, 1998.
13. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. — Т., «Ўзбекистон мил-лий энциклопедияси», 1998.
14. Мустакиллик ва тараққиёт. — Андижон, 1996.
15. Үлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. — Т., «Меҳнат», 1955.
16. Үлмасов А. Иқтисодиёт асослари. — Т., «Меҳнат», 1998.
17. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Е. Менежмент. — Т., «Меҳнат», 2000.
18. Абдуллаев Е., Яхёев К. Солик. — Т., «Меҳнат», 1997.
19. Абдуллаев Е. Бозор иқтисодиёти асослари. — Т., «Меҳнат», 1997.
20. Шодмонов Ш., Жўраев Б. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар. — Т., 2000.
21. Йўлдашев К., Муфтайдинов К. Иқтисод илми асослари. — А., «Андижон», 1996.
22. Йўлдашев К., Муфтайдинов К. Иқтисодий билим асослари. — Т., «Ўқитувчи», 1999.
23. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. — Т., «Ўқитувчи», 1999.

24. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик Акад. С. С. Фуломовнинг таҳрири остида. — Т., 1997.
25. Экономическая теория. Учебник. — Т., 1999.

Қўшимча адабиётлар

1. «Куръони Карим», — Т., «Чўлпон», 1992.
2. Ҳадислар. 2 жилд. — Т., Қомуслар бош таҳририяти. 1997,
3. Алишер Навоий. «Махбуб-ул Кулуб», — Т., 1993.
4. Амир Темур. Темур тузуклари. — «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1996.
5. Амир Темур ва Шарқ иқтисодий месроси. Амир Темур тавалдудиннинг 660 йиллигига бағишланган республика илмий-назарий конференция материаллари. Масъул муҳаррирлар: А. Сотвоздиев ва К. Йўлдашев.
6. Захирiddин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. — Т., «Юлдузча», 1989.
7. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадгу билиг. — Т., «Юлдузча», 1990.
8. Низомулатул. Сиёсатнома. — «Адолат», 1998.
9. Маликов Г., Олимжонов О. Молиявий менежмент. — Т., «Академия», 1999.
10. Йўлдашев М. Турсунов Й. Молия хуқуқи. Т. «Молия». 1998 й.
11. Йўлдашев М. Турсунов Й. Банк хуқуқи. Т. «Молия». 2001 й.
12. Йўлдашев М., Турсунов Й. Солик хуқуқи. —Т., «Молия», 2000.
13. Абдулаев Ё., Қаралиев Г. Пул. — Т., «Мехнат», 1996.
14. Абдулаев Ё., Бобоқулов Г. Кредит. — Т., «Мехнат», 1996.
15. Менежмент ва бизнес асослари. — Т., «Мехнат», 1997.
16. Чжен В. А. Ҳусусийланишиш асослари. — Т., «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси», 1996.
17. Абдулаев Ё., Шоҳањоний И. Қимматбаҳо қоғозлар. —Т., «Мехнат», 1997.
18. Собиров Х. Суғурта. — Т., «Мехнат», 1998.
19. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. — Т., «Мехнат», 1998.
20. Йўлдашев Қ. Алишер Навоийнинг иқтисодий гоялари. — Т., «Иқтисод ва ҳисоб», 1996, 2-сон.
21. Йўлдашев Қ. Захирiddин Муҳаммад Бобур иқтисодий қарашлари. — Т., «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2000, 5-сон.
22. Эркаев Б. ва бошқалар. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибиға солини воситалари. — Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1996.
23. Насриddинов М., Аҳмедов О. Бизнес стратегияси. — Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1996.

МУНДАРИЖА

<i>Сўз боши</i>	3
Биринчи қисм.	
Иқтисодиётнинг умумий асослари	
I-б о б. Шарқ иқтисодиёт илми: шаклланиш тарихи	6
II-б о б. Иқтисодиёт: моҳияти, таркиби, қонунлари, категориялари, тушунчалари	17
III-б о б. Мулкий муносабатлар ва улардаги эволюция	27
IV-б о б. Ишлаб чиқариш ва унинг омиллари. Ишлаб чиқариш самаралорлари	42
V-б о б. Эҳтиёжлар ва уларнинг қондирилиши	56
VI-б о б. Жамғариш ва иқтисодий ўсиш	70
VII-б о б. Ресурслар: мазмуни, таркиби, тақсимланиши, истемол қилиниши	79
Иккичи қисм	
Бозор иқтисодиёти асослари	
VIII-б о б. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг товар-пул шакли	89
IX-б о б. Бозор: мазмуни, тузилиши, визифалари	100
X-б о б. Бозорни ўрганиш. Маркетинг	111
XI-б о б. Бозор иқтисодиёти: кўп укладлик, рақобатчилик, бизнес ва тадбиркорлик	120
XII-б о б. Менежмент. Иқтисодиётни давлат томонидан тартиба солиниши	134
XIII-б о б. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари. Фойда	148
XIV-б о б. Молия ва солик муносабатлари. Давлат бюджети	159
XV-б о б. Кредит муносабатлари. Банклар	179
XVI-б о б. Суғурта муносабатлари	196
XVII-б о б. Аҳоли даромадлари	211
XVIII-б о б. Аграр муносабатлар	226
XIX-б о б. Иқтисодиётнинг бозор механизми	233
Учинчи қисм	
Умумжаҳон иқтисодиёти ва миллий иқтисодиётлар интеграцияси	
XX-б о б. Умумжаҳон иқтисодиёти	248
XXI-б о б. Ўзбекистон Миллий иқтисодиёти ва унинг умумжаҳон иқтисодиёти билан интеграцияси	259
<i>Асосий адабиётлар</i>	269

К. ЙУЛДОШЕВ, Ш. МАМАТҚУЛОВ, К. МУФТАЙДИНОВ

ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИ

Ўқув кўлланма

«Шарқ нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририят
Тошкент — 2002

Муҳаррир *Ш. Эргашева*
Бадийи муҳаррир *А. Мусаҳӯжасев*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманов*
Мусаҳих Ю. Бизаатова

Теришга берилди 25.10.2001. Босишга рухсат этилди 23.01.2002.
Бичими 84x108^{1/2}. Офсет босма. Буюртма № 2638. Шартли босма табоги 14,28. Шартли нашриёт табоги 14,9. Адади 15 000 нусха. Баҳоси
келишилган нархда

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41**

17943

